

Ғаффор Ҳотам

ТАҚДИР АЖОЙИБОТЛАРИ

ҚИССА ВА АДАБИЙ ЎЙЛАР

Ярқираб юлдуз ёнодур тун қаро бўлган сайин,
Ёдима Тангрим тушар баҳтим қаро бўлган сайин.
Абдулла Тўқай

Тошкент – 2012

ТАҚДИР АЖОЙИБОТЛАРИ

ҚИССА

Абдугани Жумага

*Азалининг буйргига қасдма-қасд
шундай қарорим бор:
Муқаррар тошини ёриб бир кун,
Темур тогида унгайман...
Жамол Камол*

1. Муқаддима

Ўтганлардан қолган ривоятлар кишини ҳайратга солади. Улар бола қалбидек беғубор, ҳаёт эртаклари каби оддий ва содда, ғоятда кўнгилга яқин.

Рабғузийнинг нақл қилишича, оламларни бино этган Зот ер юзида менинг халифам-ўринбосарим бўлсин деб Одам Атони яратган ва ҳар бир нарса номини ўргатиб, илм-ҳикмат билан уни зийнатлаган, азизу мукаррам қилган¹.

Одам Ато кишилик тарихини бошлаб берган зот. У Ҳақнинг биринчи элчиси, Яратганнинг Ердаги ўринбосаридир. Унинг авлоду зурриёди ўн икки банд бўлгач, ҳобил дунёга келган, Абудо исмли кўрксиз қиз билан. Орадан йил ўтиб қобил туғилган, Иқлима аталмиш кўркли қиз билан.

Кисойи шундай хабар беради.

¹

Носируддин Рабғузий, «қисаси Рабғузий», Тошкент, «Ёзувчи», 1990 йил.

Сирдан огох қавм ирим қилиб, ўн уч рақами бехосият дейди. Шунга кўра, Кисой ҳақ. Рабғузийнинг ҳикояти ихтилофли. ҳобил билан унинг синглиси Одам Атонинг ўн учинчи авлоди бўлади².

Ўша қавм аслида ўн тўртинчи саноқни хосиятсиз, деса, ҳаққоний бўлар эди, аммо бу ўзларига тегиб кетади. Шу боис, чалкаштиради. Ҳар ким дунёни ўз қаричи билан ўлчайди. Катта отаси ҳобилни ўлдиргани, ўзлари унинг ҳисобидан яшаб келаётгани етмагандай, яна қичиқ қиласди.

Бунинг сабаби чукур. Сиртдан қараганда, Одам Ато болалари вояга етгач, шариатга кўра Иқлимани ҳобилга, Абудони эса, қобилга берадиган бўлади. Бироқ қобил унамайди, синглимни оламан деб талашиб-тортишади, ётиб ёқалашади. Бунга унинг кўҳлик эканини важ қиласди.

Ихтилоф ҳадд билмагач, Одам Ато:

– Эй ноқобил! – дейди уни койиб. – Ахир, у сенинг бир қориндан талашиб тушган синглинг бўлади! Шариат йўл бермайди, бунга!

Лекин қобил, кўзи қўр, қулоғи кар, ўз билганидан қолмайди.

Одам Ато айтадики, эй Қобил, синглинг билан бир уруғ, бир томчи нутфадан бино бўлгансан! Кўзингни оч, сен учун ҳаром у!

Аммо Қобил итоат қилмайди, баттар шовқин солиб, оламни бузади. Унинг ғалаёни жонига теккач, ахийри, Одам Ато айтади:

– Яххиси, қурбонлик қилинг! Яратган кимнинг эҳсонини афзал билса, Иқлима ўша билан! Нажот ҳақдадир!

қарангки, яна ҳобилнинг толеи баланд келади. Қобил ўз ёғига қовурилиб қолади.

Шунда Иблис алайҳи лаъна унга яқинлашади ва, айтади, эй Қобил, дунёнинг иши сен ўйлагандай эмас! ҳобилнинг қурбонлиги шунинг учун қабул бўлдики, Яздоннинг олдида иззати баланд! Нимага десанг, у Соҳибқирон! Етти сайёра жиловбардор! Унга teng келиб бўлмайди! Отанг Одам ҳам ҳобилни айрича севади! Ва ўзидан кейин ерда уни Яратганинг ўринбосари қилиб қолдиришни истайди!

қобилнинг ичи куйиб кетади, ҳасад ўтида ёниб, кўз олди қоронғилашади.

– Соҳибқирон дегани нима, ўзи? – деб сўрайди у.

– Ўн икки фасл сўнгида Ризқ ҳукмдорлари Етти сайёрадан келиб, Яратганга ҳисоб беради. Кейин янги даврга қадам қўяди. Шундан аввал бир лаҳза улар Илоҳ олдида қойим туради. Қирон пайти шу! Кимда-ким шу асно дунёга келса, унинг ингаси Аршни титратиб юборади. Ва у Қирон эгаси бўлади! Ризқ ҳукмдорлари, янги фаслни бошлаб берган зотга, Соҳибқиронга дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам жиловбардор бўламиз, деб лафз қилишган...

Қабил ҳасад ўтида ёнди.

Нега? Нима учун у эмас, Ҳобил Қирон вақти туғилган?! Нега гўзал Иқлима ҳам, улуғлик тўниям, дунёнинг ҳукмдорлиги ҳам унга насиб этади?! Қани инсоф, қани адолат?!

² Абул Ҳасан Кисой, «Оламнингаввали ва охири, пайғамбарлар қиссаси», «Ёшлиқ» журнали, 1990 йилнинг 10-, 1991 йилнинг 1-4-5-сонлари

– Ҳаммаси бой берилган! – деб күткү солди Иблис. – Лекин ҳалиям кеч эмас! Бунинг бир йўли бор, аммо жуда қалтис! Қўрқмасанг, отни қамчила, улоқни олиб кетасан!..

- Қандай қилиб? Жиловни қўлга олса бўладими, ҳали?
- Бўлади! Бунинг учун Ҳобилни орадан қўтариш керак!
- Нега?
- Унинг ҳаққи-ҳаётига эгалик қиласан! Бўлмаса, ўнгмайсан!

Ўшанда Қобил бунга журъат этмаган. Лекин, йиллар ўтган сайин Иблис айтган ҳақиқат қайта-қайта тасдиқ топди. Ҳобилнинг фарзандлари жуфт-жуфт, қўркам ва хуш ахлоқ. Иззати баланд, яна ишдан қочмайди. Тақдир унга кулиб боқкан! Қобилнинг етти ўғли бор, аммо йифиб келсанг, бир пичоққа соп бўлмайди! Ҳали уларни уйлантириш керак! Қулоқларини тук босган, турқи-таровати ўзига яраша! Бу додарвоққиларга қаёқдан қиз топади-ю, қайдан уйжой қиласди?

Соҳибқирон бўлса, ҳаммаси ўз-ўзидан бўлар эди!

Ахийри, у: “Мен уни ўлдираман!”, деб қасд қилди. “*Унинг ҳавои нафси биродарини ўлдиришини расо қилиб кўрсатди ва дарҳол уни ўлдиреди. Шу билан у зиён қўргувчилардан бўлиб қолди*”(Куръон, 5:30).

Шу кундан бошлаб Қобил Иблисга суяниб, сехр-жоду билан яшаб, илоҳий тартибнинг зиддини қувди.

Суюкли ўғлининг жасадини кўриб, Одам Ато билан Момо ҳаво чукур қайғуга ботди, қон йиглаб, қирқ кун мотам тутди, шунда Яратган нидо қилдики:

– Эй Одам, эй ҳаво, бас, йигламанг! Мен сизга шундай бир фарзанд ато этаманки, у ҳобил каби, балки ундан зиёда бўлур! Ва унинг авлоду зурриёдидан икки олам зийнати бўлган набиу расуллар, авлиёю анбиёлар дунёга келгай!

Вақтики етиб, ҳаво ўғил кўрди, у ҳобил каби, ҳатто ундан зиёда эди, суйиб уни Шис атади.

Шис алайҳиссаломнинг дунёга келиш тарихи шу! Унинг саодатманд чеҳрасида муҳаммадий нури жилва қилиб тураг эди...

Дунё шундай бузилган!

Ҳасад-хусумат, кўролмаслик, ичиқоралик ва ҳаромилик унга зиён етказди!

Сехр-жодуга йўл очди!..

Бир хатолик иккинчи хатоликни келтириб чиқаради. Энди сен путурдан кетмаслик учун уни қиласан. Кейин йўлингда учинчи хатолик кўндаланг бўлади...

Иморатнинг биринчи гишти нотўғри қўйилса, кейин деворни тўғрилаб бўлмайди. Ё ундан воз кечасан ёки босиб тушини кутиб яшайсан.

Қобил Яратганга ширк келтириб, жодуга берилгач, шунга яраша наф кўрди. Оқибат қора ниятга мук кетди. Аста-секин кўп ишлар тескари бўлиб, дунё ўзгарди. Чўллар жимжима гулшанга, жаннатмакон боғу бўстон чўлу

биёбонга айланади. Олам чархи терс айланиб, итнинг боши тилла баркашга чиқди. Иблиснинг илми амали билан қобилийлар дунё таъсисчисига айланди.

Бу ишлар бошланганда Мисрдаги Хеопс эхроми бўлмаган, Бобилдаги осма боғлар ҳам!..

Бу – илк замонларга тааллуқли гап!

Унда Нил бир майда дарё бўлган.

Одам Ато билан Момо Ҳаво Қобилни қора қилди ва икки дарё ораси сенга ҳаром деб уни хайдади. Шунда у одам топмас бир чўлга бориб, тинкаси куриб йиқилди. Қилмишидан пушаймон бўлди ва кўп надомат чекди. Шу вакт Иблис уни йўқлаб келди: – Сен кўп куюнма! – деди. – Оқ қора бўлади, қора – оқ!

Ва унга сахро қўйнида самовий осма боғлар ясад берди.

Дунёдаги етти мўъжизанинг бири деб уқтирилган Бобил боғлари шундай бино бўлган ва унга Фрот дарёсидан сув олиб чиқилган.

Бобил Дажла ва Фрот дарёлари оралиғида қад кўтарган, худди Ўзбекистон каби. Араблар икки дарё орасини Мовароуннаҳр дегани каби, греклар уни Месопотамия, яъни, икки дарё оралиғи, деб атайди.

Шундан буён кўп замон ўтди.

Кўп замондан буён Иблис билан Қобил қавмининг дарди-ҳасрати бир, оёқ олиши бир. Бири оламга шоҳаншоҳ, иккинчиси эса, унинг Ер юзидағи ўринбосари бўлиш ниятида. Шу ҳасратда уйқу билмайди. Қон тўқади, қирғин қилади, дунёни бузади. Ўлим-йитим бўлмаса, уйи куйиб қолади. Чунки уларда ризқ йўқ. Ризқ йўқми, демак, яшашга ҳақи йўқ. Шу боис, тирикларнинг насибасини ўмариди кун қўради.

Кимдир уларни ҳорижий³, кимдир қарматий, яна кимдир ваҳҳобий деб атайди, гарчи номитурли-туман бўлса-да, мақсад-муддао ва мазмун-моҳият бир, ҳаракат бир, ҳеч ўзгарган эмас!

Қобилийлик бу!

Рұхлар оламида улар ўликлар деб ном олган!..

Халифалик васвасаси ҳам ўша замондан қолган. Ва шундан буён қобилийлар ризқ-амал талашади, оламларни яратган Зот азиз этган қавмни ер юзидан супуриб ташлаб, уларнинг ҳаққи-ҳаётига эга бўлишни, дунёни сўраб ўтишни истайди.

Шундан буён на Иблис ва на жоду тиним билган эмас, бўлганни бўлмаган каби, бўлмаганни эса, бўлгандек қилиб кўрсатиш унинг амалидир.

Шундан буён ойнинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронги.

Сиз халифа Усмон, ёки бўлмаса, Ҳазрат Алининг, Жалолиддин Мангуберди, ёки бўлмаса, Султон Улугбекнинг, лорд Байрон, ёки бўлмаса, Александ Пушкиннинг фожиали ўлимини бир кўз олдингизга келтиринг.

³ ҳорижий – ажралиб кетган, исёни демак. Зардуштийда маздакийлар, исавийда салибчилар, исломиятда қарматийлар, жанобийлар, ботинийлар қиёғасида Ҳудодан қайтган қобилий қавми зухур бўлади. Улар опа-сингил ва ҳатто ўз қизини ҳалол дейди. Яратганга зид йўл тутганда, биринчи амални шундан бошлиди. XX асрда ваҳҳобий, толиб ва ҳизбийман деб халифалик даъво қилинганлар ҳам, аслида, ўша қавм вакилива бу даъво ўша замондан қолган.

Одам авлодининг мартабасини баланд мақомга кўтарган бундай азиз ва нурли сиймолар нега фавқулодда чигал ва аянчли ўлим топган?!

Ва бундай ҳайратомуз қисматлар ҳар қадамда учраб туради.

қодирий, Фитрат ва Чўлпонни бир эсга олинг!..

қобилийлар жаҳолати шунчаликка бориб етдики, Иблис орқали ўзлари ҳалок этган ва яна у орқали, улардан юлқиб-тунаб олган улуғлик тўнини кийиб яшашдан, нозу фироқ ва таманно қилишдан, қарангки, зигирча тап тортмайди. Ундан ҳам ёмони, улуғлик тўнида улар фаришта бўлиб кўринади...

Улар Иблиснинг этагига ёпишиб, бориш мумкин бўлган сарҳадга етиб борди ва яна дунёни тутиб тургандек, ҳадд билмай, қўлидан келганча зулм ва зўравонлик қилди.

Мен улардан чексиз озору азият чеккан, ёки бўлмаса, ҳаётнинг юзини кўрмай ўтиб кетган қанчадан-қанча азиз инсонларни яхши биламан. Ва уларнинг қисматида чақмоқдек чақнаб, тақдирида бурилиш ясаган ажойиб ходисаларни, мана, ўттиз йилдирки, қайд этиб келаман.

Бу ҳикоялар алоҳида тақдирларга дахлдор. Шунинг учун алоҳида тартиб беришни талаб этади.

Шу маънода, бугун сиз, азизларга тақдим этилган мазкур асар шу йўлдаги биринчи китоб, десак, жўяли бўлади.

Дастлаб уни «Мен, Ағай ва Соҳибқирон» деб атамоқ истадим. Шунда ҳикоялар моҳияти борича очилади деган фикрда эдим. қарангки, у юмордан баланд экан ва унда Ғайб сирларига дахлдорлик бор.

Араблар айтадики, “Ликулли Фиръавн Мусо”, яъни “ҳар Фиръавнга бир Мусо”! Улар демоқчики, Яратган ҳар бир манглайи қоранинг пешонасига уни маҳв этувчи ҳақталаб бир сиймони ёзиб қўйгандир!

Бу ҳикматнинг маъноси сиз ўйлагандан кўра чукур.

Мусо алаҳиссалом замонида Миср ҳукмдори Фиръавн жодуга берилиб, ҳаддидан ошади ва, мен ўзим худоман, деб дунёни бузади.

Шунда Ҳақ таоло Ҳазрат Мусони унинг саройига йўллайди. Яратганнинг элчиси уни инсофга чакиради.

Фиръавн эса, йигирма беш минг жодугарини йифиб, уларни Мусо алаҳиссаломга қарши қўяди. Афсунгарлар олтмиш хачир жоду олиб келиб, уларни ип ва таёқ ҳолида ерга сочади ва сехру жоду билан беҳисоб илонга айлантиради.

Шундан сўнг Яратганнинг элчиси қўлидаги асони ўртага ташлайди, асо баҳайбат илонга айланиб, жами жодуни ямламай ютади. Ва яна асл ҳолига қайтади.

Буни кўриб, жодугарлар тавба қиласида ва иймон келтиради. Аммо Фиръавн баттар туғёнга келиб, Яратганнинг элчиси ва унинг қавмини қон қақшатади, муттасил таҳдид қиласида.

Ахийри, Ҳақнинг иродасига биноан Мусо алайҳиссалом ва унинг қавми Мисрни тарк этади. Аммо Фиръавн шундаям уларни ҳоли-жонига қўймайди ва лак-лак қўшин билан қувишда давом этади.

Тангрининг элчиси Шоб денгизига тўқнаш келади, шунда денгиз иккига ажралади ва унга йўл очади. қочқинларни қувиб-қоралаб келаётган Фиръавн ҳам ўша йўлдан от солади. Бир маҳал қараса, ҳайбатли тўлқинлар аждарҳодай даҳшат солиб, устига қулаб тушаётир.

Денгиз ёпирилиб келаётганини кўриб, Фиръавн саросимага тушади ва, қўрқинч ичра тавба қилиб, иймон келтиради. Лекин, кеч бўлган, вақт ўтган эди.

Яратганинг қаҳр-ғазаби туфайли жунбушга келган денгиз малъуннинг ўлигини соҳилга итқитиб ташлайди.

куръонда айтилган: «*Албатта, бунда (Фиръавн ва унинг қавми ҳалокатида) ибрат-эслатма бордир*».

Аммо улар ибрат-эслатма оладиган қавм эмас. Қабоҳат ва разолатда чегара билмайди. Мудом илохий ахлоққа зид йўл тутади. Онаси ва ҳатто ўз қизи билан бир тўшакда ётишдан қайтмайди. Одам авлоди эса, унинг зидди. У оққўнгил ва ишонувчан, мараздан ҳазар қилади, пасткашлиқдан баланд туради. Шу боис, Иблиснинг тубанлиги ва сеҳр-жоду олдида ожиз, ҳаромилар “ўйин”игачув тушади. Лекин у бедор ва оловқалб, орзу-ҳавасли ва қайтмас. Малъуннинг макр-ҳийласи ўткир нигоҳидан қочиб қутула олмайди. Нимага десангиз, Улуғ Мавло ва олиймақом руҳлар мудом унга ёр! Иймон унга ёр!

Нари борса, мен шундай деб ўйлайман.

Китобдаги ҳикоялар шу ҳақда. Улар бир-бирига яқин, бир-бирини тўлдириб боради ва бир бутунлик касб этади.

Евгений Евтушенко:

– ҳар қандай даҳо ҳам чекланган, фақат
Малъун разиллиги билмас чегара...

Жамол Камол:

– ҳақиқат, мен сени севдим,
сенинг бағрингда жо эрмиши –
*Буюклардан – буюкларга
насиб этган омонатлар...*

2. **“Муқаддас”ни ёзган бор-ку!..**

3.

Етмиш олтинчи йилнинг жазирама ёзи. Нашриёт мусахҳихлари ўтирадиган хона деразалари ланг очик, аммо нафас олиб бўлмайди. Матнни чоғишириб ўқиётган мусахҳихларнинг лоҳас овози хонани тутган.

– Сизни сўрашаяпти, – деди аллаким.

Бориб, телефон дастагини олдим, саломлашгач, билдимки, Сулаймон Раҳмон, ўша кезларда у “Гулистон” журнали таҳририятида хизмат қилас ҳади.

– ҳикоянгиз қайтди, – деди у. – Келиб, олиб кетинг...

Шоир Сулаймон Раҳмон «Тонг ва шом»ни нашрга тайёрлагач, Маҳмуд Саъдий: – Муҳаррирнинг кайфияти яхши пайтда уни олиб кирамиз, – деди. – Йўқса, қайтариши мумкин...

Ўша пайтда у бўлим муҳаррири эди.

Хуллас, кечга томон таҳририятга бориб, қўлёzmани қайтиб олдим, айтишларича, Асқад Мухтор ҳикояни ўқиб чиққач, “мрачный”⁴ дея эътиroz билдирган.

“Гулистон”га каттиқ умид боғлаган эдим, шунинг учунми, кайфиятим тушиб кетди. Пою пиёда Чақарга қайтдим. Ўша кезлар Эски шаҳарнинг мана шу тақир ва яйдоқ, эгри-буғри жинқӯчиасида, бир кампирнинг пастқам ва тор уйида, ижарада яшар эдим.

Мўъжаз дарвозага етай деб қолганда кимдир овоз берди, ўгирилиб қарасам, қамбар Ўтаев. У ҳам оиласи билан шу маҳаллада истиқомат қиларди.

– Намунча бўшашиб келаяпсиз? – деб сўради у.

Мен ҳасрат қилдим.

У дардимни эшитиб бўлгач, ўша замон оқсуяклари бўлмиш «классик»ларни бўралатиб сўкди.

– Буларнинг ичида, чиқса, Одил қозоқдан ёруғлик чиқади, қолгани бўлмайди! – деди қамбар aka узил-кесил, қўл силтаб. – Эртага ҳикояни ишхонага олиб боринг. Мен унинг қаерда яшашини билиб бераман, тўғри уйига борасиз! Сиздан нима кетди, чиқмаган жондан умид!

У вактлар жамиятнинг кўзга кўринган табақаси ўтган асрдаги Европа задагонлари каби ўзларини айрича тутар, жуда кибор бу қатламнинг зирхини ёриб кириш у ёқда турсин, ҳатто яқинлашиб бориш ҳам амри маҳол эди. Тирик классиклар ичида нисбатан камтарин дегани, Одил Ёқубовнинг турар-жойини билиб олгунча қамбар Ўтаевнинг она сути оғзига келган.

Хуллас, унинг қистови билан кечга томон: «қайдасан, бешинчи Магнитагорск кўчаси, саккизинчи уй?» – деб секин йўлга чиқдим. Тошкентда еттита шу номли кўча бор эканини ўшанда билганман. Ва бу кўчаларни пою пиёда айланиб, токи ахтарган уйимга етиб олгунча озмунча қон бўлганим йўқ.

Бешинчи Магнитагорск мўъжаз тор кўча бўлиб, саккизинчи уй унинг ўнг биқинида жойлашган экан. кўштабақали ҳаворанг дарвозага, унча баланд бўлмаган кўримсиз деворга ва унинг ортидаги оддийгина иморатга кўзим тушгач, ҳафсалам пир бўлди.

Шунча кезиб-ахтариб, бари бир, топа олмадим, деб ўйладим. Чунки ёзувчи деган бой ва бадавлат бўлади, қўшқаватли, муҳташам қасрда истиқомат қилади, деган хаёлда эдим.

Шу боис, тараддуланиб қолдим, кейин асфальт йўлда «мак-мак» ўйнаётган қизалоқдан ўсмоқчилаб сўрадим:

– Кимнинг уйи, бу?

қизалоқ ўйиндан тўхтади, бошини кўтариб, чимирилиб менга қаради, сўнг сочини тўғрилар экан:

⁴

Мрачный – мудҳиши, қайғули.

– Одил Ёқубовники! – деди чертиб-чертиб. – «Муқаддас»ни ёзган бор-ку, ўша, ёзувчи Одил Ёқубовники! Билдингизми?!

Мен шошиб қолдим. Хаёлимга келмаган ишлар бўлаётган эди. Кирсаммикан, кирмасаммикан? Бегона жойда, яна бу қизалоқнинг олдида шилвираб туриш жуда ноқулай эди.

Минг истиҳола билан ҳаворанг дарвозага яқинлашдим, ахийри, журъат қилиб, кўнгироқ тугмачасига қўл узатдим.

Дарчани бир аёл очди.

– Ким керак эди?

– Одил ака!

– Киринг.

Мен ўша аёлга эргашиб ҳовлига кирдим.

Уй кунботиш тарафда бўлиб, олди ойнабанд эди. Шундоқ эшикнинг олдида, мўъжаз супада бир туп ёнғоқ тарвақайлаб ўсган, бетон йўлакнинг икки четида эса, бўлдам райҳону гултоҷихўролар тўшалиб ётибди.

Ниҳоят, ҳаворанг эшикнинг бир табақаси ланг очилди ва Одил Ёқубов майкачан, ёпиқ табақага суюнган ҳолда, ким бўлди экан бу, деган хаёл билан ҳайрон бўлиб, менга узоқ тикилди, кейин ҳорғин овозда:

– Келинг, – деди.

Биз ойнабанд айвондан ўтиб, ичкари уйга кирдик.

Адиб менга жой кўрсатди, ўзи эса столни айланиб ўтиб, тўрдаги ўриндиққа ўтирди.

– Менда бирон ишингиз бормиди?

– Бир ҳикоя ёзган эдим...

– қани?

У майин талаффузда, хиёл чўзиб, ички бўғинларга мулоим урғу бериб гапирап эди.

Мана, қўлёzmани олди ва уни ўқий бошлади. Бу орада ўша аёл дастурхон ёзиб, чой дамлаб келди, лекин адиб ҳикоядан бош кўтартмади.

Мен шундай бўлиб чиқар деб ўйламаган эдим. Етимга ўхшаб сарғайиб бир таҳририятга борсанг, малол келиб қўлёzmани олади, фалон куни келинг, дейди, яна хабар оласан, у ўқишига вақти бўлмаганини айтади, хуллас, сил қиласди...

ҳолбуки, қўлёzmани ўқиш, яроқли бўлса, нашрга тайёрлаш – хизмат вазифа. Иши шу! Шунинг учун ойлик олади, тирикчилик қиласди, болачақасини шундан боқади!

Лекин, бу билан иши йўқ, йўлтўарлик билан иззатини оширади, ўзини тақдирингни ҳал этувчи шахс қилиб қўрсатади. “Шайка”сига кирмасанг, яқин йўлатмайди...

Бугун яқин ўтмишга қараб, ўша йиллар оқимини кўздан кечирсанг, ҳайратдан ёқа ушлайсан, киши. Қара-я, садқайи сар бўлиб қолиб кетди ҳаммаси, лаънат тамғаси каби! Наинки йўлтўарлик билан ортирган мавқеи ва қоралаган нарсаси, ҳатто ҳаром рўзгори ва бузуки болалари ҳам!..

Қани, ўзингиз айтинг, масхарабоз Холмираевдан нима қолди? Ҳолбуки, у Сурхон адабиёти яратмоқчи эди! Ва бу йўлда нималар қилмади!..

“Сурхон адабиёти” деймиз, етмиш уч йил дунёни титратган шўро салтанатидан, хўш, нима қолди?

Албатта, бу йилар шу тобда хаёлдан ўтаётир, Одил Ёқубовни эслаш туфайли. Ўшанда эса, адиб ҳикоядан кўз узмай, майизга узалгани ва яна пиёлани олиб бир қултум чой ичганини кўриб, бу – мутолаадан ортган қувват, деб йўлаганман.

Хаяжондан оғзим қуруқшаб кетган.

Бир маҳал у, маъқул гап, деган каби, ўзича бош ирғаб қўйди. Шундан сўнг мен ўзимни босиб олдим ва зимдан хонани кўздан кечира бошладим. Оддий жиҳозлар, биз кўрган-билган китоб ва журналлар…

Дераза табақасининг қуи ойналари синган. Набиралари шўх бўлса керак! Ана, эшик зулфинини ҳам юлиб олишибди!

Кейин мен адибнинг оқара бошлаган сийрак соchlарига тикилиб қарадим.

Наҳот шу одам Одил Ёқубов бўлса, деб йўладим сўнг. “Муқаддас”, “қанот жуфт бўлади”, “Улуғбек хазинаси”ни наҳот шу ёзган?!?

Одамнинг ишонгиси келмайди.

У машхур ёзувчига ўхшамас эди, худдики қишлоқнинг содда ва оққўнгил, ҳокисор бир кишиси.

Яна, тиззаси қалтираб граф Толстойни орзиқиб кутаётган ёш Бунин менинг хаёлимдан ўтган.

Ўшанда у улуғ ёзувчига тақдим этган асарлари тақдирини билиш учун келган эди.

Лев Толстой пича ҳаяллаб, кейин шиддат билан фойега чиқиб келади ва:

– Ҳаётда баҳтнинг ўзи йўқ, унинг учқунлари бор, холос. Шуни қадрламоқ керак! – дейди. Бу – ўша замонга хос муомала тарзи. Толстой фикрини бошқача ҳам баён этиши мумкин эди, аммо фаранг синдроми бунга йўл бермайди…

Ўшанда, нега шу хаёлга бордим? Билмайман. Кейин кўп йўлаб кўрдим. Қийин. Бунинг илдизига етиб бориш қийин. Хаёл дегани қушга ўхшайди. У қаёқдан келиб, қаёққа учиб кетади? Айтмайди, ҳисоб бермайди. Фикрлар оқимиям шунга ўхшайди. Унга қуввайи ҳофиза тартиб беради. Ҳар бир ўй-кечинма изчил мантиққа бўйсунади. Яратган ҳукм қилмаса, ҳатто барг бемаврид узилиб тушмайди. Лекин гап бунда эмас…

Одил Ёқубов мабодо граф Толстой замонида ва ўша иқлимда яшаса, у ҳам айнан улуғ адиб ўѓити каби оҳангжама бир фикр айтар эди, менга…

У руҳан Толстойга яқин.

Яссавийга ҳам…

Кейинги талқин орадан ўттиз йил ўтгач, хаёлимга келди. Бежизга эмас, албатта. Ўшанда эса, чўққидан қулаётиб, арқонга осилиб қолган альпинист ҳолида эдим. Ва бу муаллақ ҳолат қанча давом этишини ва қандай якун топишини билмасдим, ҳали.

ҳикоянинг охирги сахифасини ўқиб бўлгач, Одил Ёқубов хўрсиниб тин олди, сўнг қаддини хиёл орқага ташлаб, наҳотки шуни сен ёздинг, деган каби менга вазмин ва теран назар ташлади. У бир муддат синовчан тикилиб тургач, хиёл юмшаб: – Бу ҳикояни бирон жойга берганмисиз? – деб сўради.

– ҳа, «Гулистон» журналига...

– Нима дейишид? –

– Мудхиш...

Бу таъбир юрагимга ваҳм солиб ўтди. ҳозир Одил Ёқубов ҳам, ҳақиқатан мудхиш-ку, деса борми, билингки, осмон узилиб ерга тушади. Ундан кейин нима бўлишини ҳатто тасаввур этиш қийин.

Ҳикоя чиндан ҳам мудхиш эди. Мен унга бувимнинг қисматини асос қилиб олганман.

Унинг ёлғиз ўғли бўлган.

Қўзининг оқу қораси. Униям уруш бағридан юлиб олган. Ва ниҳоят, уруш якун топган. қишлоқнинг омон қолган йигитлари қайтиб келган. Лекин, орадан ўттиз йил ўтса ҳамки, унинг жигарбандидан дарак йўқ. На қорахат келган, на бошқа хабар. Бирор у дейди, бирор бу, эҳтимол, власовчи бўлгандир?!

Урушда бўлган бир одам шундай деган. Бу – сиёсий айб. “Бўжи келди!” – болани қўрқитишдан ёмон.

Шу боис, сўраб-суриштиришга ҳеч ким журъат этмайди.

Йиллар ўтиб, ҳатто асири тушганлар ҳам сургундан қайтди, лекин...

Ўгай қизи жигарбанди ўрнини босмайди. Не-не умид билан невара улғайтирди, у ҳам жонига ора кирмади, тоғасини кўрмаган, билмайди, ҳатто эсламайди...

Шўрлик кампир ўғли унутилаётганидан эзилади. ҳеч кимга сездирмай, мудом унинг йўлига кўз тикади. Ва бутун умидини чеварасига боғлайди...

Унинг эшик қарай мунғайиб ўтириши ҳамон кўз олдимда...

Шундай ҳасратда ўлиб кетган бечора оналар озмунча дейсизми? Лекин бир оғиз сўз, мудхиш деган совуқ бир нафас тоғдай юксалиб ҳақиқатнинг йўлини тўсади. Чунки ундаям сиёсий мақом бор.

Мана шу вазиятда, ахир, ҳаётнинг ўзи шундай-ку, деб кўринг-чи, нима бўлар экан!..

Мен юрак ҳовучлаб, Худога ёлворганча адибга умидвор кўз тикаман, худди ўша кампир каби.

Одил Ёқубовнинг бўғриққан юзи шиддатли тус олди. қизарган кўзларини ишқалаб, яна бир қайта охирги сахифага, муаллифнинг исму шарифига кўз ташлади, кейин оҳиста ўрнидан туриб, айланиб ўтиб телефон дастагини кўтарди-да, бирин-кетин ракам тера бошлади.

«Роза опа, саломатмисиз? Уй ичилар тинчми? Асқад ака уйдамилар?»

«.....»

«Бир оғиз илтимосим бор эди!»

«.....»

«Асқад ака, ҳорманг! Журналингиз яхши, кўз тегмасин, Илоё! Мен ҳам бир йигитнинг ҳикоясини тавсия қилган эдим, «Тонг ва шом».

«.....»

«Маъқул бўлдими?»

«.....»

«Жон ака!..»

«.....»

«Энди гап бундай! Бу йигит ҳали ёш, тажрибасиз. Ўн олти бетлик ҳикояда олтмиш йиллик даврни қамраб олган. Инсоний фожиани кўрсатган. Воқеалар узилиб қолмаган. Ўқиган одам ишонади. Жонли. ҳаётый. Сиз билан биз, шу ёшда, шу ишнинг уддасидан чиқа олмаганмиз!»

«.....»

“Йў-ўқ, кампир зўр кампир, Асқад ака! ҳа, энди Чингиз Айтматов катта куч, катта ҳаётый тажриба билан ёзди, шу асарни! Бу кучни ҳатто сиз билан биз йиға олмаяпмиз! Бу бир ёш йигит бўлса...”

«.....»

«Буни жўн таҳрир билан тузатиб юборса бўлади. Шу йигитни бир поддержка қилинг, жон Асқад ака!..»

«.....»

«Яхши, мен айтаман, эртага, албатта, у сизга учрашади. Кўнглингиздаги гапларни айтинг...»

Хўп, хўп, раҳмат, омон бўлинг!»

Одил Ёқубов келиб жойига ўтириди.

– Мана, гаплашдик, масала деярли ҳал бўлди, – деди у, сокин ва таскинбахш овозда. – Хўш, бундай ҳикоялардан борми яна?

– Йўқ эмас.

– Яхши, қаерда ишлайсиз?

– Нашриётда.

– Э-э, шундайми? Унда гап бундай: бир ҳафтадан сўнг мен ишга чиқаман, унгача ҳикояларни жамланг, кейин менга олиб келинг. Эртага эса, бориб Асқад акангизга учрашинг, у, нега бундай ёзасиз, дейиши мумкин, “Ниятим бошқача эди, кучим етмаган бўлса керак!” – дейсизми, ишқилиб, ўзингиз биласиз! Аммо шошмасдан, ўйлаб жавоб қилинг!

Ўша оқшом Аустерлицда шоҳаншоҳ Александринг рафторини кўриб, шодумонлиқдан ўзини унугтган Ростов⁵ каби сархуш ва масрур ҳолда уйга қайтганман. Хаёлимда эса, мангу яшилликнинг туғмати битган түғёнли сатрлар чарх урар эди: “Шу ёвуз замонамда куйладим эркни мақтаб, Хорзорларга ачинмоқча чақирдим...”⁶

Кўп уриниб-сурингач, аранг олдинга силжиш эди, бу! Музтоғнинг ўрнидан кўчиши. Сиз билмайсиз-да, бошимга улар қандай қунлар солганини...

⁵ Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романи қаҳрамони, у шоҳ рафторига маҳлиё бўлиб, бутун оламни унугтади.

⁶ Александр Пушкиннинг «Ҳайкал» шеъридан.

Ўша кеча ёлқинли бир туш кўрдим. Ва мен уни ёзиб қўйганман: “Ўша кеча қип-қизил осмон, мангулик муз билан қопланган төглар, лов-лов ёнаётган қуёш ва қутурган шерлар унинг тушига кирди. У уч бошли аждархога миниб, мана шу заминга, ҳайбатли төглар этагига гойибдан тушиб келди. Кафтларида иккита тоз, уларни бир-бирига уриб, белги берар, шунда чақмоқ чақиб момакалдироқ гулдирап, еру кўк ларзага келиб, уфқ ёниб кетар эди.

Аждархо тоз этагига бориб инди. Сал қуийда кўм-кўк бўлиб жисоланган дарё солланиб оқади. Бош устида эса, офтоб аланга сочиб турибди. У қуёшини кафтига олди ва наъра тортиди. Төглар, даралар ва муаззам осмон қаттиқ чайқалди. Дов-дараҳтлар ер тишлади. Дарёнинг у юзидағи тўқай оташ-alanга ичида қолди. Тинчи бузилган шерлар қутуриб унга ҳамла қилди. Уларнинг ҳайбатидан от ҳуркар эди. У ҳам газабга миниб шерларга ташланди. Ва уларни бир-бир тутуб, кекирдагини юлиб, чотидан икки бўлиб-бўлиб ташлади...”

Барча интиҳолар ибтидоси, бу!

Гарчи шундай бўлса-да, қаранг, эртаси кун, табиийки, мулла минган эшакдай ялтоқланиб Асқад Мухтор қабулига бордим, бу нима эканини сиз қаёқдан билар эдингиз. Нега шундай, дейсизми? Чунки ҳали вақт етмаган эди! Аммо, у илиқ кутиб олди, жилмайиб:

- Нега мудҳиш ёзасиз? – деб сўради.
- Ниятим бошқача эди, – дедим мен. – Кучим етмаган бўлса керак!..
- ҳа, айтмоқчи, катталарга расамадини келтириб муомала қилиш санъатини ҳам Ёқубов ўргатган, лекин қанча уринмай, қанча заҳмат чекмай, бунинг нафи теккан эмас. Косам ҳеч оқаргани йўқ...
- «Тонг ва шом»ни ихчамлаб чиқарамиз, – деди Асқад Мухтор дона-дона қилиб. – Менга бошқа ҳикояларингизни олиб келинг, берамиз.

Орадан бир ойча вақт ўтди. Одатдагидек, мусахҳихлар хонасида чоғишириб ўқиётган эдик, кимдир келиб, елкам оша стол устига бир варақ қўйди.

- Шуни Асқад акангизга этиб беринг!

Мен ўгирилиб қарашга ҳам улгурмадим, у киши хонадан чиқиб кетди. Стол устида эса, кейинчалик «Гулистан» журналида чоп этилган «Тонг ва шом»га ёзилган сўзбоши ётар эди. Остида чиройли имзо: Одил Ёқубов...

Очиқ айтсам, унинг таърифи ҳикоядан кучли-таъсирли. Дейлик, асарни утирик гулга қиёслайди, ифори сизни маст қиласди, дейди, олиб ҳидламоқчи бўлсангиз, тикони қўлингизга ботади, жонингизда оғриқ қўзғайди, лекин сиз бундан озор чекманг, юракни зирқиратган мана шу оғриқ уруш ва жудолик, мотамсаро оналар, жафокаш одамлар ҳақида, ҳаёт ҳақида ўйлашга даъват этади.

Бу – илк таассурот. Лекин ҳикоя ёруғлик кўргунича ўша шўрлик кампир каби кўп-кўп жудоликни бошдан ўтказди ва “Совпластитал” ишлаб чиқаётган, гарчи ифори бўлмаса ҳам, жуда нафис ва бежирим сунъий гулга ўхшаб қолди...

Ўшанда бобом Мулла Отакул Суяр ўғли ҳаросат олиб, тўшакка михланиб қолган эди. У етти ой қилт этмай ётди. Кейин аҳволи оғирлашиб, қариндош уруғда ташвиш ва безовталик уйғотди. Мен ҳам, бир зиёрат қилай, деб етиб бордим, кирсам, озиб, қорайиб кетган, лекин ҳамон бардам, ҳайбат билан жуда тийрак боқади.

Бобом ўша журнални бир-бир вараклади, ундаги суратимга узоқ тикилди, кейин Ёқубовнинг кафолат хатини ҳижжалаб ўқигач, армон тўла ҳасрат билан ҳазин жилмайиб қўйди.

У ўн битта ўғил кўрган, лекин лоақал биронтаси пешонасига сифмаган. Кейин мени асраб олган.

– Ёзувинг чиройли! – деди у, ҳорғин овозда. – Одил сенга ҳаётдаям, ижоддаям сабот ва матонат тилабди. Сабот бор жойда муваффакиятлар бўлғусидир, депти. Бу – ҳақ гап. У сенга суюнчиқ бўлади...

У шундай деган.

Кейин қоқсуяк қўлини кўтариб, озғин ва узун икки бармоғини пеш қилди. Мен жилмайиб бош ирғадим, биз бир-биrimиз билан шундай муомала қилар эдик, лекин ўша ишорага ортиқча аҳамият берганим йўқ. Ўзи, бир нима кўтариб юрарди, мени. Зоҳиран, ҳалим ва хушмуомала кўринсан-да, аслида ҳеч нимани писанд этмасдим.

Орадан кўп йиллар ўтгач, ажиб бир тарихни ўқиб қолдим.

1405 йилнинг қаҳратон қишида, Ўтрорда, ўлим тўшагида ётган Соҳибқирони аъзам оёқучида ўтирган авлоду зурриёдига худди шундай ишора қилади, қоқсуяк қўлини кўтариб, озғин ва узун икки бармоғини кўрсатади. Ва кўз учида, хўш, бунинг маъноси нима, деб сўрайди.

Амиру уламолар яна икки кундан кейин сиз оёқка туриб кетасиз, дейишади. Шунда Соҳибқирон ҳазин жилмайиб, маъюс бош чайқайди ва яна икки кундан сўнг жон қуши фалакка кўтарилишини айтади.

Бобом валий одам эди. Куни битиб бораётганини сезарди. қишлоқда омонаткасса очилгач, қўрғондаги банқда ўлимликка йиғиб қўйган пича пули борлигини айтди. Шуни олиб келиб, ўзимизнинг кассага, сенинг номингга кўйсак, тузук бўлади, деди.

Бобою набира, Ё пирим, деб йўлга чиқдик.

Тасаввур қилинг, бешинчи синфда ўқийман. Шунча бойлик! Ўз ҳисобимда туради!..

Босар-тусаримни билмайман!

Бориб пулни олдик. қайтиб келаяпмиз.

Бобом – эшакда, мен – пиёда.

Лекин тугун менинг қўлимда!

Тап-тақир дашт. Борлиқ тандирдай қизиган. қуёш олов пуркайди. қани энди, бу менга таъсир қилса. Кўзимга ҳеч нима кўринмайди. Фикри-хаёлим тугунда! Унда нақ икки минг сўм бор! Ва у менинг номимга ўтади!

Ичим қизийди.

Пулни қўлимга олиб, салмоқлаб кўргим, битталаб санаб чиққим келади. Нақ икки мингми ёки йўқми? Эҳтимол, кўпдир? Кам бўлса-чи?!

Шуни билиш, ишонч ҳосил қилиш керакми, ахир? Керак! Чунки пул менинг номимга ўтади!

Пул шундай нарса!

У дедим, бу дедим, ахийри, чарчаб кетдим, деб хархаша қилдим ва нафас ростлашга бобомни кўндиридим, кейин тақир йўлга чордона қуриб ўтиридим – офтобнинг тифида – тугунни очиб, дастурхон каби ёздим.

Йигирма тахлам! Бир сўмлик! Яп-янги! хиди келиб турибди!

Боғламларни бузиб, терлаб-пишиб, батталаб санай бошладим. Шу ишга ҳеч уқувим йўқ, ўзи. Яна тер қуюлиб келади, кўзларим ачишади. қўлларим титрайди. Нимага десангиз, пул кам чиқаяпти!

– қанча етмаяпти? – деб сўрайди бобом, хиёл чимирилиб.

– Беш юз!

– Эй болам! – деди у, менга таскин бериб. – Ризқимизни кимлар емаган! қани, тур ўрнингдан, йўлдан қолмайлик!

Бобом – эшакда, мен – яёв.

Келаяпмиз.

Чироқ ёқса, ичим ёришмайди.

Бу – қандай гап?

Наҳот шунча пулни ўмариб қолса? Бобом нега қайтиб боришни истамаяпти? Бориб, талаб қилсак, қочиб қутула олмайди-ку! Ёки мен янглишдимми? Ахир, тахламлар яп-янги эди-ку, боғичини ўзим буздим, бундай бўлиши мумкин эмас!..

Ахийри, бўлмади. Сабрим тугаб, яна инжиқлик қила бошладим, яна тақир йўлга ўтириб, дастурхонни ёздим ва яна пулни битталаб санаб чиқдим.

И-я! И-я!

– Кўп-ку, бу! – дедим, ҳаяжонимни боса олмай.

– ха, бечора қиз-а! – деди бобом, кассачи қизга ачинган бўлиб. –

Адашипти-да! қанча зиёд?

– Беш юз!

– Уйи куйиб қопти-ку, шўрликнинг!

Бобом бир зум тугунга хомуш ва ўйчан тикилиб турди, кейин:

– Эй болам, – деди ўкинган овозда. – Кимлар насибасидан бермаган, бизга! қани юр, йўлдан қолмайлик!

Келиб, уни омонаткассага топширсак, мен икки марта санасам-да, ҳисобига ета олмаган ўша пул роппа-роса икки минг сўм бўлиб чиқди.

Уйга қайтаяпмиз, яёв бўлса-да, қўлимда “Омонат дафтарча”! Ўмганни баланд қўтарганман. Хаёл бир ёқларга олиб қочади. Шунда ахволу руҳиямни кўриб, бобом айтдики:

– ҳар бир нарсанинг илдизига қараб, хукм чиқаргин!

Мана, сен боғичи бузилмаган тахламларни очиб, икки марта санаб чиқдинг, аммо ҳисобига ета олмадинг! ҳолбуки, мен бир қараашда пайқадимки,

ўша, кассачи қизнинг қўлидан бирорга ёмонлик қилиш келмайди! Асл нарса тоза, тоза нарса эса, ишончли бўлади. Тошу тарозили дунё бу! Энди, нега шундай бўлди, десанг, айтиб қўяй, сен билан руҳлар ҳазиллашди, улар яна шундай қилмасин десанг, яралмишнинг зотига қараб муомала қил!..

Эҳтимол, бобом икки бармоғини кўрсатиб, ўлимликка йиғиб қўйган ўша икки мингига ишора қилгандир?

Нима бўлганда ҳам, бу ишорат сирлигича қолиб кетди. Лекин, ёдимда, ўшанда у яна икки кун яшаган...

кунт қилганда-ку, дарҳол илдизига етиб олар эдим, лекин шунга раъим бўлмади.

ҳозир ҳам шу!

Зоти паст “ўйинчи”нинг найрангини, хусусан, малъуннинг илми-амалини, ҳаттоки ўзини, гарчи у нуфузли лавозимда, бошимга чиқиб ўтирган бўлса ҳам, мен Хайриддин Султоновни айтаяпман, бутун қавми билан қўшиб бир пулга олмайман! Нимага десангиз, жонимдан ўтказиб юборган. Ва бу маразнинг касофати билан уйи куйиб кетган жоначир қанча! Шу боис, дийдам тош қотган, ҳаромидан жирканаман! Лекин, бир азиз инсон, у туфайли озор чеккан бир оқкўнгил дўст ҳақида гап очилса, юрагим эзилиб, муз қотган дийдам кўз ёш бўлиб оқади.

Ўзингиз айтинг, агар Одам Ато ва Мома ҳова, Расули акрам ва Ийсо масих, Искандар Зулқарнайн ва Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ва Гомер, Конфуций ва Бетховен сингари ўлмас сиймолар дунёни ларзага солиб, ҳаётни яшнатиб ўтмаганида, илоҳий пайғом ва асори атиқалар, мумтоз санъат билан кечмиш тарихга улуғлик ва қўрку тароват бағш этмаганида, бу олам етимдек сарғайиб, чордевордек ҳувиллаб ётмасмиди?! Шунинг учун ҳам, Улуг Мавло айтадики, **Эй Муҳаммад, Сени яратиш ниятим бўлмаса, бу оламни яратмас эдим!**

Бу Олам – Яхшиларнинг уйи! Унинг бўсағасига қадам қўйишдан аввал ниятни поклаб, оёқни тозалаб олмоқ лозим!..

қаранг, ўшанда икки кун ўтиб, бобом омонатни эгасига топширган, мана шунга ҳам ўттиз йилдан ошди. Бу орада қанча сувлар оқиб ўтди, оламга соя ташлаган қанча чинорлар кесилиб кетди, дунё меники деган, ҳаммани ётқизиб-турғизган не-не шоҳу султонлар соядай изсиз йўқолди.

Ва мен шу долғали замонда Одил Ёқубовни турли лавозим, турли вазият ва турли ҳолатларда кўрдим-учратдим. Осон бўлган эмас, унга! Лекин бошига иш тушган мушкул ва мураккаб дамларда, олабўжи қавм қутуриб ҳамла қилганида – уюшган ҳолда яккалаб қўйганида, хўрлаб-чеклаб ташлаганида ҳеч ўзини йўқотмай, тоғдек собит туриши, иймону эътиқоди, оқкўнгиллиги ва, ишонч билан иш қўриши, жон куйдириб заҳмат чекиши менда ҳамиша ихлос қўзғаган.

У кирлини ўзига юқтирган эмас. ҳаромдан ва ёвуздан ҳазар қиласи. Журъатли, бағрибутун, оқибатли инсон. Ўзининг қадр-қимматини яхши билади. Ўзгаларга яхшилик тилаб, эл-улусни ардоклаб яшайди.

Бирорга ҳасад қилганини билмайман.

Айтар сўзи амалига мувофиқ. Ва ҳиммати уммон қадар.

Очиқ айтадиган бўлсам, бундай меҳри дарё, нусратли ва ҳимматли одамлар ижод оламида, афсуски, камдан-кам учрайди.

Ёдимда, саксон саксон саккизинчи йил. ЦЭКа қатағон этилган шахслар ижодини ўрганиш бўйича нуфузли ҳайъат тузди. Мазкур ҳайъат бу масалани узоқ муҳокама этди, қайта ва қайта кўриб чиқди, аммо аниқ бир хулоса бера олмади.

Нимага десангиз, қайта қуриш ўз йўли билан, сиёsat ўз йўли билан. Эртага нима бўлади? Ҳеч ким буни аниқ билмайди. Дунё тескари айланиб кетиши мумкин...

Ўша кезлар Одил Ёқубов адабиёт газетасининг Бош муҳаррири эди. У жавобгарликни бўйнига олиб, газетанинг уч-тўрт сонида Беҳбудий, Мунаввар қори, Фитрат, қодирий ва Чўлпон каби миллатпарвар сиймолар ҳақида қаторлаштириб мақола берди, уларнинг ёрқин асарларини эълон қилди. Вактида уларнинг номи оқланган, аммо ижоди эмас! Ва шу тариқа у ўша зотлар мулки-меросига донғил йўл очди.

Бу – тарихнинг бурилиш нуқтасида, ҳал қилувчи қалтис дамда ўзингни енгиб ўтиб, керак бўлса, ҳаёtingни тикиб, ёруғликка йўл очиш, демакдир.

Ўшанда унинг масаласи ЦЭКанинг бюросида қўрилган. Ҳалиям, Қашқадарё обкомининг биринчи секретари жонига ора кирган, бўлмаса...

Одил Ёқубовнинг ҳавас қилса арзигулик ўтли-туғёнли бундай жасорати оз эмас. СССР ҳалқ депутатлари съездидаги, иттифоқ Ёзувчилар уюшмаси пленумидаги ёлқинли чиқишиларини, “Литературная газета”даги “Қишлоқдаги фожия”сини бир эсга олинг. Лекин буни у оддий инсоний бурчни адо этиш деб билади. Агар, ном чиқариш учун бирор хизматини илиб кетса, буни кўриб-кўрмаганга, билиб-билимаганга олади.

Майдакашликдан баланд туради. Эҳтимол, шунинг учундир, гоҳи-гоҳида, ўзи сезмаган ҳолда, газетанинг бир учини юлиб олиб, асабий чайнай бошлайди.

Бир гал адиб шундай ҳикоя қилган:

– Иккинчи жаҳон уруши якун топмоқда. Тоза ҳолдан тойғанмиз. Манжурияда, темир йўл бўйлаб илгари кетаяпмиз. Бир томонда – эшалон, бир аскар юқ поездидаги оёғини осилтириб ўтириб, папирос чекаяпти. Унинг кўринишида қандайdir бехосият бир аломат бор. Тикилиб қарасам, икки оёғи йўқ, нақ тиззадан қуйини ҳозиргина осколка узиб тушган, қон қуюлиб оқаяпти, аммо аскарнинг ўзи ҳали буни англаб етган эмас, ютоқиб папирос чекаётir...

Мана шу ҳолатда адиб умрига нисбат яшириндек. Қора кучлар унга шундай золимлик қилди. “Занжирбанд шер” суратидаги шер каби кишанлаб ташлашди. Аммо у яхшилик билан, сабот ва матонат билан ҳар бир лаҳзани агадиятга муҳрлади. Оламларни яратган Зот марҳаматини сўнгги нафасигача одамларга етказди...

Мен бу китобни ёзганда Одил Ёқубов ҳали саксонга кирмаган эди. У қўлёzmани ўқиб чиққач, телефон қилди. Бордим. Кайфияти баланд.

– Менинг фикримни билмоқчимисиз? – деди у мийиғида жилмайиб, сўнг одатича мутойиба қилди. – Ҳаммаси ўринли, фақат бир фикр бор, назаримда, кенгайтириб, чуқурлаштириш керак!

Унинг ҳазилига ҳазил билан жавоб қилдим.

– Нима, менинг Ёқубовдан бошқа қиласиган ишим йўқми?!

У ёйилиб кулди. Кейин “Тақдир ажойиботлари”⁷ учун дастурхон ёзди. Ўшанда унинг юзига меҳрга чайилган шукроналик жилvasи ёйилди. Шуни кўриб, очиғи, чеккан азоб-укубат заҳрини унудим, астайдил рози бўлдим. Чунки қолган барчаси арзимас гаплардир...

– Нима улуғ экан? – дедим унга, бирда ёзғиргани ёдга тушиб. – Яратганинг марҳаматими ёки дунёнинг ҳою ҳаваси?!

У киши ҳалимлик билан икки қўлини азот кўтарди ва:

– Мен тавба қилдим! – деди.

Дунёда мана шундай кишилар бўлса, яхши экан. Жиллақурса, битта! Бугун уям орамизда йўқ!

Етти миллиард одам бор, аммо бир меҳрибон топилмайди.

Шуни ўйлаб, ёлғизликда жуда эзилгач, ҳали қўлёzmани яна қўлга олдим, “кенгайтириб, чуқурлаштириши” учун. Бундай одамларнинг бирон-бир тилаги ижобатсиз қолмаслиги лозим!

Қадрига етиш керак!

Одил Ёқубов 2009 йил қишида узилди.

Омон Мухтор: **“Одил аканинг ўрнини ҳеч ким ҳеч нима билан боса олмайди!”** – дейди. Бор гап – бу!

У оламдан ўтгач, токи дафн маросимигача эзиб ёмғир ёғди. Бир кечаю бир кундуз. Ҳаво жуда тунд эди, худди борлиқнинг юраги узилиб тушгандай. Аммо маросим пайти бир томчи сачрагани йўқ. Одам дарёдек оқиб келаяпти, ҳеч охири кўринмайди. Мен эсимни танигандан буён бирон-бир жанозага шунча тумонат йиғилганини кўрган-билган эмасман. Кўча тирбанд. Юриб бўлмайди. Халойик тобутни қўлма-қўл узатиб катта йўлга чиқарди...

Жанозадан сўнг яна тобут мозор бошига қўлма-қўл оқиб борди.

Буни унинг дўстлари ҳам, душманлари ҳам ўз кўзи билан кўрди.

Қабристондан қайтиб келгач, яна фалак чеълаклаб куйди. Уч кун ёмғир тинган эмас...

Шундай оқиб ўтди азим бир дарё...

Қуръон:

Албатта, Биз аввал бу омонатни (яъни, исломий шариат мезонларини) Осмонларга, Ерга ва Тогу тошларга кўндаланг қилдик, аммо улар ундан ҳайиқди ва уни қўтаришидан бош тортди. Бағрибутун Инсон эса уни ўз зиммасига олди.

⁷ “Тақдир ажойиботлари” 2011 йил “Янги дунё” журнали(интернет)да чиққан. Шунингдек, айрим ҳикоялар 2006 йилдан бўётурли нашрларда чоп этиб келинади.

Михаил Дудин:

“Қадрдоним Шукрулло!⁸

Шундай қилиб, Пленум⁹ кунлари бундай одамга ўхшаб, кўнгил ёзиб гаплаша олмадик. Кўрдим, сен мендан бир қатор нарида ўтирган эдинг, лекин...

Шунисигаям шукр. Аммо сизларнинг раҳбарингиз Одил Ёқубов Пленумда айтган фикрлар, у келтирган далиллар мени даҳшатга солди. Икки юз етмиши аёл ўзини ёқиб юборса-я! 270! Қара, устларига бензин қуийб, ўт чақишиган-у, Ҳаққа етишган! На яшаши штиёқи, на орзу-ҳавас ва на хотира тутиб қола олмаган, уларни! Оловнинг бир гуриллаб ёниши олган-да кетган!

Очиги, шуни эшитиб, сочим тикка бўлиб кетди. Бу рақам, бу фожиа мени шу қадар ларзага солики, ҳамон хаёлимдан нари кетмайди. Ҳамон ўзимга кела олмайман, биродар! Ҳатто шу ҳақда бир шеър ёздим.

Исён

*1987 йили Ўзбекистонда ўзини ўтда ёққан
270 аёл хотирасига*

*Аёллар ёнмоқда Ўзбекистонда,
Бу ҳақда ёзмаслар бизлар томонда.
Бу қандай кўргулик, шўрлик гулларни
Оловга йўллаган, ёққан гулханда.
Уларга аёндир мен билмаган сир,
Не сабаб оловга бўлдилар асир?
Бу ҳақда ёзмаслар, айтилмас сўзлар,
Кул устида қанот ёзмас қақнуслар.
Тутун-ла қовушиб ўрлайди ҳар ён,
Мангуга тарқ этиб шўрликларни жон.
Исёндир бу сохта ҳаёт қаърида,
Чимидиқ кўрмаган келин бағрида
Оналар ёшида чақнаган ўтди,
Дунё-чи, бепарво кўз юмиб ўтди...
Оламни босмоқда шомнинг шарпаси,
Қолмади жаҳонда инсоф шарпаси.
Дам сайин тугиллар менда бир фикр:
Бу олов тигида покланиши, ахир!
Бу ҳақда ёзилмас бизлар томонда,*

⁸ Шукруллогабу хатни рус шоири Михаил Дудин 1988 йил 13 марта куни ёзган.

⁹ 1988 йилнинг мартада СССР Ёзувчилар союзининг пленуми бўлган. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи раиси Одил Ёқубов нутқ сўзлаган. Атоқли адид “ўзбеклариши” деган машъум қатагон ҳалқ бошига ёздириган кулфат, ижтимоий ҳаётда содирэтилаётган ноҳаҳлик, у ту ғидирган оғир шароит аёлларни эзиз ташлаётгани, алал-оқибат улар ҳаётдан тўйиб ўзларига ўт қўяётгани ҳақида куюниб гапирган.

*Аёллар ёнмоқда Ўзбекистонда!
Бор олам жим-сақов, сўз демас Худо,
Башар келажсаги ёнар даҳр аро.*

*Бундай мушкул аҳвол ҳукм сургач, сочинг оқариб кетиши, ақлдан озиш
ҳеч гап эмас. Бундай қайгу ва ситамни, оналар кулфатини, ҳали дунёга
келмаган-куйиб кетган пушт оху зорини қўриб-эшишиб, юракдан ўтказиб
яшаши сенга қанчалик оғир эканини сезиб турибман!*

Бардам бўл, дўстим, бардам бўл!"

3. Ўзбекчилик

Етмиш олтинчи йилнинг кеч кузи эди. Одил Ёқубовнинг таваллуд айёми. Шу муносабат билан «Литературная газета» Чингиз Айтматовнинг мақоласини эълон қилди. Улуғ адиб Одил Ёқубов ижоди, хусусан, «Улуғбек хазинаси» ҳақида сўз юритиб, сен яратган Улуғбек сиймоси туркий халқлар кишилик жамиятига зоти ва насл-насаби ҳақида тушунча берувчи шаҳодатнома, деган, шундан келиб чиқиб, мазкур асар мислсиз аждодларимиз, зотимиз ва насабимизни дунёга кўз-кўз этади, бу эса, менда ғуур ва мамнуният уйғотди, деб ёзган эди.

Ўша мақолада Чингиз Айтматов «Улуғбек хазинаси»ни ўқиб чиққач, ҳаяжон билан муаллифга хат ёзганини ҳам айтиб ўтган.

Мен ҳали мақолани ўқиб улгурмай, телефон жириングлади, олсам, Одил Ёқубов.

– Шу газетадан уч-тўрт дона топиб келсангиз, – деб илтимос қилди у.

У вақтлар «Литературная газета» анқонинг уруғи эди.

Мен таниш-билишлардан сўраб-суриштириб, учта газета топдим ва кечкурун адибнинг уйига ўтдим.

Одил аканинг кайфияти баланд эди, у жангда ғолиб чиққан шердай ўқтам ва мағрур боқарди.

– қутловларнинг кети кўринмайди-ку! – деди адиб, ички бир ифтихор билан ва худди шу маҳал яна телефон жириングлади.

– Ало-о, яхшимисиз, оқсоқол? Раҳмат, раҳмат... – Кейин у жимиб қолди. Дастанки жойига қўйгач, ўриндиққа оғир чўқди.

Кўзлари намланган эди.

– ха, тинчликми, Одил ака?

– Иззат Отаконовичдай¹⁰ катта бир адабиётшунос, нима дейди денг! – деди у, надоматли бир таъкид билан. – Ахир, «Улуғбек хазинаси» Московда чиққач, Айтматов сизга хат ёзган экан, асарингизни кўкларга қўтариб мақтаган экан! Нега шуни яшириб юрасиз? Айб – ўзингизда, Одил! Шуни бир оғиз

айтсангиз, биз романни танқид қилиб юрмас эдик, дейди. қурсин бу – ўзбекчилик!..

Ануширвон:

- *Модомики, кеча ва кундуз алмашиниб келар ва кетар экан, ҳоллар ўзгариб, алмашиб туришидан ҳайратга тушина.*
- *Кишининг илми бўлса-ю, фитрати шунга яраша бўлмаса, бу унга зиён етказгай ва ортиқча юк бўлгай.*

Тўра Мирзо:

– *Қидирди Одил Ёқуб
Тунлар гир чироқ ёқиб,
Улугбек хазинаси
Қайдা қолди улоқиб?
Хилватлар қўп маконда,
Фол очиш-ку осон-да,
Тарагайлар қарагай,
Шиддат шарақлар қонда.
Тоғу тошдан изларлар,
Кўзни қошдан гизларлар.
Чақмоқ ёнгоқ чаққанда
Нур пойида тизларлар.
Икки дарё ораси,
Ўглон оҳи, наъраси,
Шоҳ Улугбек тоқ эди,
Жуфт дунё овораси.
Йўлларнинг азоби қўп,
Уст-остда тоши тўп-тўп.
Тўрт томон қибла экан,
Бешинчи қибла-чи, Кўк.
Одил Ёқуб сарсон-да,
Кўз “Зижси Кўрагон”да,
Улугбек хазинасин
Тонар – порлар осмонда.*

Коинот сирлари

– «Улугбек хазинаси»ни қандай ёзгансиз, дейсизми? – Одил ака атрофга бир қараб олади, кейин ички бир ғуур билан майин жилмаяди. – қандай ёзилиши керак бўлса, шундай ёзилган-да!

У ялт этиб менга қарайди, романни худди мен ёзгандек, ҳаваси келаётгандек, мулойим кулимсираб узоқ тикилади.

Рұхан ўзлатга чекиниши, бу! Мана шу ҳолатда унинг ички олами тубсиз осмон каби намоён бўлади. Гарчи бу олам ҳарир парда билан тўсиб қўйилган бўлса-да, сўнгсиз мунг, адоқсиз дард ва ҳасрат силқиб туради, унда.

Адиб лолу ҳайрон бўлиб қоладиган бундай сирли лаҳзада нима хаёлини олиб қочади?

Йўқ, бу хаёл суриш эмас, паришонлик ҳам эмас, бу – рухий ошуфталик. Яратганинг тажаллисига маҳлиёлик, бу!

Адиб сесканиб менга қарайди, кейин ўзини йиғиб олади.

– Ўша кезлар “Диёнат” устида ишлаётган эдим, – дейди у, жиддий овозда. – Етмиш бет ёзгач, иш юришмай қолди. қарасам, асар чиқмайдиган. Боши берк кўчага кириб қолганман.

Дилим сиёҳ бўлди. Юрагимга қил ҳам сифмайди. Худди шундай кунларнинг бирида, кечаси туш кўриб, босинқираф уйғондим. Тушимда жаҳонгир Амир Темур, оқ тулпорда, қилич ялонғочлаб, устимга бостириб келди!

– қачонгача ғафлат босиб ётасан? Ўтган салафларинг ҳақида сен ёзмасанг, ким ёзади, дея ғазаб қилди!

Эҳтимол, “Улуғбек хазинаси”нинг ёзилишига шу сабаб бўлгандир?!

Нимага десангиз, туш кўргач, ҳолим ўзгариб, бир бошқача бўлиб юрдим. Худди шу кунларда «Неделя» газетасида Ираклий Андронниковнинг қимматли бир мақоласи чоп этилди, унда олим Мирзо Улуғбек ҳақида ҳикоя қилган, улуғ бобомизнинг мислсиз қашфиётлари билан бирга, унинг ноёб кутубхонаси, алломага хиёнат содир этилган тангу тор дамларда ўша кутубхонадаги нодир китоблар қайсиdir ғорга яшириб улгурилгани ҳақида фикр юритган эди.

Шуни ўқигач, буткул тинчимни йўқотдим. Нур билан зулмат ўртасидаги кураш ғоят кескин тус олган ўша оғир ва мураккаб давр, тарихнинг чигал бурилиш нуқтаси, қоп-қоронғи иқлимини ёритиб турган Улуғбек сиймоси хаёлимни банд этди. Кўпдан-кўп қўллёзма ва тарихий асарларни, хусусан, Шайх аканинг «Мирзо Улуғбек»¹¹ фожиасини қайта-қайта ўқиб чиқдим.

Хуллас, қисмати чигалдан-чигал мутафаккир ва тождор ҳақида бир асар ёзмоққа чоғландим. Мени шунга ундан армону ҳасрат жуда кўп эди...

Менинг бир ҳамюртим, туркистонлик олим бўлар эди, тарихчи, бу даврни у миридан-сиригача биларди. Унинг йўриғига таяниб йўл тутдим. Улуғ бобомиз ҳаётидан хабардор бўлган яна қанча олимлар, мунажжимлар билан сухбатлашдим. Кейин Самарқандга бориб, Улуғбекнинг изи қолган жойларни зиёрат қилдим. Кечалари қадим расадхонада юлдузларга термилиб ётиб, ҳасратли ўйларга ғарқ бўлдим. Ўз вақтида Амир Темур, Бибихоним, Султон Улуғбек каби қудратли сиймолар шарофати билан тилларда достон бўлиб, Машриқу Мағрибда афсонага айланган бу муazzзам шаҳарнинг шавкатли ўтмишини хаёлан тиклашга уриндим, унинг таназзули, тушкун ва мотамсаро кунлари ва бунинг замирида ётган сир-синоатни англаб етишга ҳаракат қилдим.

¹¹

Мақсад Шайхзоданинг (1908-1967) “Мирзо Улуғбек” тарихий фожиаси кўзdat тутилган.

Кечмиш тарихни ўрганган сари шуни англаб етдимки, ҳаммаси биз ўйлагандек эмас. Тангри улуғ тақдирларни бежиз яратмайди! қуръонда айтилганки, “*Ер сизларни чайқалтириб юбормасин деб (Яратган) унда событ тоғлар барпо этди*”. Улуғбекка ўхшаш сиймолар шу тоғлар янглиғ дунё ҳаётининг мустаҳкам таянчларидир.

У бобоси Амир Темур каби миллат шаънини қўтариб, униб-ўсган шахрини маърифат ва тараққиёт ўчоғига айлантириди.

Қаранг, Британия қироллигининг биринчи мунажжими “Улуғбек зижи”га асосан тадқиқот олиб борган.

Демоқчиманки, беназир султоннинг ҳукмронлик даври, у очган Байтул ҳикма¹², расадхона, кўркам меъморий иншоотлар, айниқса, коинот сирларига оид қашфиётлари Европани ҳайратга солган.

Мовароуннаҳр обод бўлсин, эл-улус хотиржам яшасин деб, у ҳаловат – нима, билган эмас. Шунинг учун ҳам Навоий бобомиз: “*Темурхон наслидин Султон Улуғбек, Ки олам қўрмади султон аниңдек*”, деб уни олқишилаган.

Бутун ҳаётини нурли ишларга, олам сирларини ўрганишга бағишилаган мутафаккирнинг аянчли ўлимга, яна ўз ўғли томонидан гирифтор этилиши одамни даҳшатга солади.

Мени лолу ҳайрон қолдирган, сўзсиз таслим этган – бошқа бир масала.

Нима, қисмати шундай якун топишини Улуғбек билмаган, деб ўйлайсизми??!

Ахир, у ўткир мунажжим, коинот илмининг тенгсиз билимдони бўлганку?! Юлдузлар олам сирларини ундан яширган эмас!..

Лекин, бу ҳаётда айтиш мумкин бўлган ва айтиб бўлмайдиган сир-синоат бор, ҳар бир сир ўз вақти-соатида ечим топади.

Бу фақат салтанат учун кураш эмас!..

Хуллас, Улуғбекнинг дарди мени ўз комига тортиб кетди.

Ниҳоят, асарга қўл урдим. У яхлит ҳолда қуюлиб келди.

Ёзувчи тўғри йўл танлаганини ҳис этса, иши унумли бўлади.

ҳар куни тонг сахар ёза бошлайман, баъзан уч, ҳатто тўрт сахифа қоралайман ва яна нимани ёзишни билган, уни тўкиб солгим келиб турган ҳолда ишни тўхтатаман. Ишонсангиз, касалхонада ётган вақтда ҳам тиним билганим йўқ. Ёзганда ҳам хузур қилиб, яратиш гаштини туйиб, қаноатланиб ёзаман. Бу менга куч ва ҳаловат бағш этади.

Бир ярим йил ичидаги романни ёзиб тугатдим. Кейин бир кўздан кечириб, ўша олимга ўқишига бердим. У қўлёзма билан танишиб чиққач: – Умуман, тузук бир нима қипсан, – деди ҳеч кўнгли тўлмай. – Аммо даврнинг ичига кира олмабсан, Ўрта асрга хос тилни бера олмабсан!

Жуда хафа бўлдим. қўлёzmани ташлаб қўйдим. қайтиб қайрилиб қарамадим, унга. Кўнглим совиб кетган эди. “Фарзандлар бурчи” устида ишлай бошладим. Лекин яна Улуғбек хаёли тинчимни олди. Тағин Самарқандий, Мирхонд, Навоий, Вамбери, Бартольд асарларини мутолаа қилдим.

¹²

Байтул ҳикма – ҳикмат уйи, академия.

Шундан сўнг қуръони Каримни қайта-қайта хатм этдим. Ва янгича бир рух, буткул бошқа куч-қувват билан яна “Хазина”га қайтдим. Гарчи асарнинг тузилиши унча ўзгармаган бўлса-да, мазмун-моҳияти, шунга яраша воқеалар оқими янада кескин тус олди, нимага десангиз, киши бир балога учраса, бир лаҳзада бутун ҳаёти лоп этиб кўз олдидан ўтади, мен воқеалар оқимини шу нуқтага йифдим, шу руҳда уни бошдан-оёқ қайта ёздим, кейин бир кўриб чиққач, қўлётзмани яна ўша олимга бердим.

У романни ўқиб чиққач, ички бир ризолик билан: – Бу китоб худди мана шундай ёзилиши керак эди! – деди. – Катта асар бўпти! Бугунги кун учун хос бўлган кўргуликлар ҳам сингиб кетибди!..

Одамлар китобни ҳарислик билан кутиб олди. Бу – халқимиз кечмиш тарихига, улуғ аждодларига ва уларнинг қисматига ниҳоятда чанқоқ, меҳр-муҳаббати чексиз эканини қўрсатади.

Улуғбек – тенгсиз сиймо, унинг фожиаси ҳам шунга яраша. Бу – отабоболаримиз ўз юрагидан ўтказган чийратма мусибатдир. Бундай ногаҳоний йўқотишлар, бундай зиддият қайси замонда бўлмаган, дейсиз!

Мен Улуғбекка ҳамдард, ҳамнафас бўлиб тўрт йил унинг ҳаётини яшадим. Унинг даҳоси жонимга қанот берди.

Шундай ёзилар экан-да, асар!..

– Одил ака, айрим адабиётчилар роман ҳақида бошқача фикр айтишаётир. Мен яқинда ғалати нуқтаи назарга дуч келдим. Озод Шарафиддиновнинг талқинича, асарда “*иљ чўққилари сари парвоз этган инсон тафаккури ҳукмрон дунёқарашининг, ислом фалсафасининг чирик ва заиф жойларини англай бошлайди*”¹³.

– ҳали айтганимдек, қуръони Каримни хатм этиб, шундан куч олиб, бу асарни ёзганман. “Ислом фалсафасининг чирик ва заиф жойлари”, деган талқинга асос йўқ, унда. Улуғбек даҳрий бўлган эмас. Шу боис, ўлимидан аввал Ҳаж зиёратига отланган…

– Одил ака, мен унинг яна бир талқинини сизга ҳавола этсам. “*Улуғбек инсон ҳаётининг асл маъноси, мақсади ҳақида ўйлайди. Лекин ўйларининг тагига етолмайди. Унинг иродасидан зўрроқ куч илм билан шугулланишига халақит беради. Тахт ва салтанат учун кураши гирдобига улоқтиради. Улуғбек бу кучга бўйин эгади ва шу кучнинг қурбони бўлади. Бу куч Улуғбек давридан олдин ҳам, Улуғбек замонасида ҳам, ундан кейин яна неча асрлар давомида ҳукмрон бўлган дин, хурофот ва бидъат эди*”.

– Бу ўринда, аввало, бидъатни хурофотдан, хурофотни диндан ажратиб олиш зарур. Уларнинг ҳар бири моҳиятан алоҳида тушунчадир. Жаҳолатга берилган киши ўз амалига бидъатни киритиши ёки хурофотга мук кетиши мумкин. Лекин мўътабар динимиз асли қандай бўлса, шу ҳолича яшайверади.

¹³ Озод Шарафиддинов, «Ижод довонлариша...», Одил Ёқубов, «Танланганасарлар», Тошкент, ғафур ғуломномли нашриёт, 1976 йил.

Расулуллоҳ айтадики, динимнинг асоси ақлдур. Ишиимнинг асоси муҳаббатдур, муҳаббатсиз ҳеч иш вужудга келмас. қуролим илмдур, илмсиз амални Ҳақ қабул қилмас...

Улуғбек мана шу суннатга амал қилган.

– Яна бир талқин. Адабиётчи: “Улуғбек кўз олдимизда ҳам шиддатли, ҳам ожиз бир шахс сифатида намоён бўлади”, деб ёзади. Ва бунга асос сифатида сизнинг қўйидаги таърифингизни келтиради: “Нигоҳида ҳам темурийларга хос кишини ўзига ром этувчи шиддат, ҳам қандайдир пинҳоний мажрухлик бор эди”.

– Шахсан мен Улуғбекни илмли, муҳаббатли, қудратли шахс деб биламан. У яратган “Улуғбек зижи” шунча замон ўтса-да, ҳамон қимматини йўқотган эмас. Бу алломанинг нечоғлик зийрак ва ўткир кўзлар соҳиби эканидан далолат. қолаверса, “Улуғбек зижи”нинг якуний китоби коинот илмига бағишлиланган, юлдузлар жойлашуви ва унинг инсон қисматига таъсири, шундан келиб чиқиб, толеънома яратиш ҳақида.

Сиз Улуғбекни айтасиз! Навоийнинг “Садди Искандарий” достонини бир ўқинг! Юлдузлар илмини қандай муфассал баён этган! ҳайратдан ёқа ушлайсиз!

Оллоҳ таоло Улуғбекка огоҳлик фазилатини берганки, у шундай мумтоз ўйлик-фикрлик аллома бўлган. ҳали айтганимдек, у коинот сирларини, демак, қисматини ҳам олдиндан билган. Ўз ҳаётига, жамият ҳаётига таҳдид солиб келаётган хавфни олдиндан кўрган. Буни чидам ва илм-маърифат билан енгиб ўтиш мумкин деган ишонч билан яшаган ва шу йўлда собит турган. У темирчининг сандонидай саботли ва матонатли бўлган.

Улуғбек шахсига шундай кўз билан қараш лозим. Унинг нигоҳида акс этган ва ҳар қандай одамни ўзига маҳлиё қилган шикасталик шунинг ифодасидир.

У Сароймулкхонимнинг тарбиясини олиб, томирида улуғ Соҳибқироннинг қони жўш урган, қирқ йил давомида салтанатни бошқарган зот! Али қушчи айтадики, “Ул Алломаи воҳид Мовароуннаҳр осмонида порлаб турган бир шамс эди”¹⁴.

қандайдир пинҳоний мажрухлик эса, мудом тинчини ўғирлаб, янада куч олаётган хавфу хатар ҳасрати!

Улуғбекнинг бошига кулфат ёғдирган мўътабар динимиз эмас, балки унинг зидди бўлган қора кучдир!

Шу боис, асарда Соҳибқирон унга ғазаб қиласи: “Ё бу бадҳоҳларни сарҳадимдан даф этасан, ё тожимни қайтариб берасан!”

Улуғбекнинг ўзи яратган ва қўл остида жам этган бебаҳо китоблар эса, зое бўлиш хавфидан омонлик топган хазинадир...

Хуллас, шундан кейин яна “Фарзандлар бурчи”га қайтдим. Уни Абдулла “Шарқ юлдузи”да ишлаб юрган кезларда¹⁵ ниҳоясига етказдим. Бу орада

¹⁴ ОдилЁқубов, «Улуғбекхазинаси», «Шарқ юлдузи» журнали, 1974 йилнингапрели.

¹⁵ Абдулла Орипов 1973 иили «Шарқ юлдузи» журналининг публицистика бўлимини бошқарган.

“Хазина” “Дружба народов” журналида босилиб чиқди. Ва жуда қисқа вақт ичида рус тилида бир неча қайта чоп этилди, кейин қардош халқлар тилларига, ундан сўнг немис, чех, словак, хитой, ҳинд, уйғур, болгар, югослав ва араб тилларига таржима қилинди...

Кейин мен “Диёнат”ни қайта ёза бошладим.

Аввал асар ҳозирги иккинчи қисмидан бошлаган. Ва ўша тарихчи олим бошидан ўтказган кўргулик унга асос бўлган.

У бир жувозчи бойнинг ёлғиз ўғли бўлган. Учкур хаёллар билан яшаган. Не-не орзу-ҳавас билан Тошкентга келиб, мадрасада таълим олган. Лекин бу орада отасининг бошига оғир кунлар тушган. Қишлоққа борса, оқбадан тераклари чопилган, тегирмонлари бузиб ташланган, севимли опасини қозоқлар олиб қочган...

Ўша, ўттизинчи йиллардаги ур-сур, қама-қама...

Хуллас, униб-ўсан қадрдон уйи вайрон этилган, жондан азиз жигарлари тўзғиб кетган. Кулфат, йўқотиш ва жудолик ситами...

Аввал бошда шуни бир қисса қиласман деган ўйда эдим. Лекин “Улуғбек хазинаси”ни ёзган маҳали йифилган малака менга асқотди. Шу боис, инсон матлабига зид бўлган, одамлар тақдирини издан чиқариб юборган қарама-қаршилик ва зиддиятлар тўғонини қўламли миқёсда кўрсатишга жазм этдим.

Биз бу даврда энг олижаноб фазилатларни бой бердик, ўзгалар тақдирига совуқ ва шафқатсиз муносабатда бўлишга кўникдик. Мендан кейин қиёмат қойим бўлмайдими, деган кайфиятга мойил бўлиб қолдик...

Буни мен Отакўзи мисолида кўрсатишга уриндим. Шундай бир босартусарини билмай қолган раис бўлар эди, ўша тарихчи олимнинг жияни...

хали айтганимдек, XX аср уруш ва босқинларга, жудолик ва қирғинларга бой бўлди. Бутун бир халқларнинг ғурури ерга урилди, камситилди, қадр-қиммати топталди. Зулм чегара билган эмас. Қон дарё бўлиб оқди. Майиб-мажруҳ сиёsat эллар-элатлар устига чиқиб олди. Ва тегирмон тоши янглиғ айланди...

ҳеч бир замонда шундай бўлганми, ахир?!

қаранг, ҳатто дарсликларда Хоразмий ёки Беруний бўладими, Ибн Сино ёки Улуғбек бўладими, оёғи остидан нарини кўра олмаган, дунёқарashi чекланган, деб уқтиради. Бу қандай бедодлик?

Ахир, бутун олам шуларни ўқиб-ўрганади ва улар минг йиллар муқаддам яратган кашфиётлар ҳамон инсоннинг кунига яраб келади.

Нима дейсиз? Нима қиласиз?

Сурбетлик чегара билмайди.

Нимасини айтасиз?

Бизнинг фожиамиз оғир фожиа.

”Диёнат”да ҳам, “Улуғбек хазинаси”да ҳам шуни, мислсиз инсоний дардни ва фожиани кўрсатишга ҳаракат қилдим.

Чингиз Айтматов:

— Бугун мен чуқур мамнуният билан, виждан амрига бўйсунган ҳолда, сенга аллақачон йўллашим лозим бўлган мактубни ёзмоқдаман.

«Улугбек хазинаси»ни, гарчи бир оз кечикиб бўлса-да, зўр қизиқиши ва мароқ билан ўқиб чиқдим.

Яхши китоб ҳақида завқ билан ёзиш мумкин. Сенинг асаринг юксак проза намунасиdir. Бадиий жиҳатдан баркамол бўлган бу тарихий роман чиндан мени ларзага солди. Ўқувчини тўлқинлантира олиш мумтоз санъат асарига хос бирламчи аломатидир. Яна мен бу сафар туркий халқлар вакили сифатида чуқур мамнуният ва гурур-ифтихор ҳиссини туйдим.

Улугбек бизнинг бебаҳо ўтмишишимиз бўлиб қолмай, мана шу табаррук заминда эгаллаган ўрнимизни оқловчи сиймодир. Улугбек бизга дунёни муҳокама этиб, ҳукм чиқариши учун ҳуқуқ ва ваколат берадиган, дарду ҳасратимиз, алам ва изтиробларимиз тимсоли бўлган унумилмас зот, десам, ҳеч муболага бўлмайди.

Улугбек қисмати башияят қисматининг муштарак жиҳати, аслида. У одам авлодининг орзу-ҳавасли интилиши ва аламли фожиасини ўзида намоён этади.

Бу муштараклик Улугбекнинг илмий кашифиётларида эмас, гарчи бу кашифиётлар оламишумул аҳамиятга молик бўлса-да! Бундай кашифиёт яратган буюк алломалар озмунча ўтган дейсанми?!

Бу муштараклик, ҳаёт бор экан, беқиёс ақл-заковатнинг ўз даврига хос зулм ва жаҳолат билан узликсиз курашидан келиб чиқадиган, доимий равишда тақрорланиб турадиган кулфат ва йўқотишида намоён бўлади. Ва бу фожиа асарда, Улугбек қисматида ҳар қандай кишини ларзага солувчи беқиёс бир куч билан ифода этилган.

Улугбек, мен учун, фақат Ўрта асрда яшаб ўтган тенгсиз аллома сифатида эмас, балки бизнинг тарихимизда, улуг туркий аждодларимиз орасида фавқулодда мураккаб ва жуда оғир кулфатни ўз юрагидан ўтказган энг нурли сиймо сифатида ҳам буюkdir. ҳар қандай даврнинг, ҳатто энг маърифатли замонларнинг ҳам ўз Улугбеклари бўлган ва бўлади.

Шу маънода, музafferият билан довруқ қозонган Амир Темур каби олиймақом фотихлар эмас, балки Улугбеклар қисмати одам авлоди ва унинг шаън-шарафини башияятнинг кўз олдида баланд мақомга кўтаради...

Агар, шоҳ ва мутафаккир сифатида Улугбекнинг бошидан ўтган оғир кулфат ва шунга яраша сабот ва матонат тарихни нурлантириб турмаса, у аллома сифатида бундай эътибор топмас ва уни муайян соҳа мутахассисларидан ўзга ҳеч ким билмасди. Агар, шундай бўлса, жаҳон адабиётидаги бундай даҳоларнинг тирик сиймоси яратилмас, демакки, Шекспир, Гёте, Томас Манн ва ҳатто Толстой ҳам бундай юксакликка кўтарила олмасди.

Инсон руҳининг олиймақомлиги буюк шахслар тақдиди билан бевосита боғлиқ. Ва бундай нурли сиймолар Ҳақнинг, ҳақиқатнинг кўзига ҳамиша тик боқади ва ҳар қандай жаҳолатга муросасиз бўлади.

Сенинг китобинг ана шу жиҳати билан гоятда қимматли ва ҳар бир кўнгилга яқинdir.

Мен учун энг муҳими шу!

5 . “Аввал Сўз бор эди...”

«Улуғбек хазинаси» ёруғлик қўргач, чинакам шов-шувга сабаб бўлди. “Дружба народов” журнали адибни шошира бошлади. У Дўрмонда, ижод уйида романнинг русча матни устида ишлашга киришди. Бир куни таржимон Кибриё қаҳхорова унинг хонасига кириб келди ва янги асари билан қутлади. Вақт зик бўлгани учун адиб сухбатни қисқа қилиб, ишини давом эттиromoқчи эди, лекин опа гапни узоқдан бошлади. Умуман олганда, дуруст ёзгансан, деди опа, аммо адабий тил ва унинг меъёрлари бор. Устоз қаҳхор тилга жуда талабчан эди. Шундан келиб чиқсак, «Хазина»да жиддий қусурларга йўл қўйгансан, вақтида кўрсатиб олсанг бўлар экан, шуни бартараф этар эдик...

– Сен “валломат” деган сўзни ноўрин қўллагансан! – деди опа эътиrozга ўрин қолдирмай ва яна қатор мисоллар келтирди.

Одил Ёқубовни юқ босди.

хар қандай асарда савҳу хато бўлиши мумкин, лекин у ҳар бир сўзни минг ўйлаб ишлатган, меъёрга амал қилган ва билимдонлар назаридан ўтган. Шу боис энсаси қотди, аммо шуни айтишга журъати етмади, эшига ўралиб қолган боладек ноилож сукут сақлади.

Опа эса, қасдлашгандек “ошдаги кўрмак”, “Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ！”, “қаҳхор тирик бўлганида!..” деб баттар зуғум қила бошлади. ҳолбуки, у Қаҳхорнинг ким эканини яхши билади! Мустабид сиёsatга корандалиқ қилиб, ўтмишнинг юзига қора чаплаган, “фирқа”ни “партия”, “аскар”ни эса, “солдат” деб, Шолоховнинг фикрини ўзиники қилиб, уялмайнетмай минбардан айтган ўша эмасми?!

Чамаси, бу хотин ўзидан бошқани кўр-басир деб ўйлайди! Юзингда кўзинг борми демай, талаб солади, қуюшқондан чиқаради!

Ёқубовнинг қони қайнай бошлади, лекин юз ами иссиқ, яна ғазабини ичига ютди ва одоб юзасидан сукут сақлади.

Опага bemavrid келганини, ишдан қолдираётганини англатмоқчи бўлди. Лекин унинг сезгиси ўлиб қолган эди, шу боис, адибнинг тоқати тоқ бўлганини фаҳмлай олмади.

– Архаик сўзлардан иложи борича қочиш керак! – деб давом этди у, устозларча қаттиққўллик билан. – Сен эса, “шабон ойи” дейсан, “фарзи айн” дейсан, шунга мук кетгансан! ҳолбуки, буни бирор билса, бошқа бирор тушунмайди!

– Ахир, бу тарихий роман-ку! – деди Ёқубов, зўрға ўзини химоя қилиб. – Асарнинг руҳи шуни талаб қилгач...

– Ундай эмас! – деди опа уни чўрт кесиб. – Бундай сўзларни меъёрида кўллаш керак! Тилнинг ўз табиати, қонунияти бор!

Ёқубовнинг бошига бирор чўқмор билан ургандек бўлди, кўз олди қоронfilaшиб кетди. Кечмиш бир воқеа хаёлида жонланди.

Ўшанда ҳам шундай бўлган!

қаҳхорнинг олтмиш йиллиги. Тўйбоши тантанани якунловчи сўзини учтўрт одам назаридан ўтказиб олмоқчи экан, шуни айтиб, дала-ҳовлига чақириди. Бу нима амал эканини у, ҳар ҳолда, билар эди, шу боис пайсалга солиб борди.

Борса, Матёқуб қўшжонов, Абдулла Орипов, Шуҳрат жамулжам, Озод Шарафиддинов эса, ичкари хонада экан, ўша хона эшиги қия очик, элас-элас опанинг ширали овози қулоққа чалинади, у шивирлаб, эҳтиросга тўлиб, форсийда шеър ўқиуди...

Абдулла қаҳхор бир неча қайдларни ирод этгач, ниҳоят, ўша машхур иборага навбат етиб келди.

– Мен партиянинг солдати эмас, онгли аъзосиман!

– Бу гапни Шолохов айтган-ку!¹⁶ – деди Матёқуб қўшжонов, дабдурустдан.

– қачон айтган? – деди қаҳхор бўғиқ зарда билан, кейин унга яшин тезлигига тиғдор тикилди.

Бу пайтга келиб, ичкарида ивир-сивир жуда кучайиб кетди. Каровотнинг ғичирлаши шиддатли тус олди. қаҳхор жунбушга келиб, зарб билан столни муштлади. Ва:

– Озод! – дея ўшқирди. – Уч кун сабр қил, юбилей ўтсин! Сеники-ку шу!

Кейин яна вазминлик билан навбатдаги фикрини баён этди:

– ҳаммадан бир айб топиб оттириб юборса-ю, мўридай бўлиб битта ўзи сўппайиб қолса!

Шунда Одил Ёқубов: – қандай бўлар экан, Абдулла ака? – деди унга саволчан боқиб. – ғафур акага тегиб кетмасмикан?

қаҳхор унга найзадек кўз тикди. Кейин:

– ҳақиқатни мен айтмасам, ким айтади?! – деди жаҳондор каби юкли овозда. Унинг қарашлари сирли ва залворли эди. Одил Ёқубов сесканиб кетди, юрагида бир ҳаросат ўрмалади, кўзи тиниб, боши айланди. Анчагача ўзига кела олмади у.

қайдлар якунига етгач, қаҳхор хўш дея уларнинг фикрини сўради. Шуҳрат бошлаб, қўшжонов маъқуллаган таклифни у ҳам тасдиқлади.

¹⁶ Озод Шарафиддиновнинг ёзишича, қаҳхорлтмиш йиллик юбилейида: «Мен партиянинг солдати эмас, онгли аъзосиман!» - дейди. Ва бу гап бир зумда Москвага етиб боради, катта идорада ўтирган масъулларни зир титратади. Чунки бу хукмрон мафкура илдизига урилган зарба эди, дейди у. (О. Шарафиддинов, «Иходни англаш баҳти», Тошкент, НМАК, 2004). ҳолбуки, Михаил Шолохов бундан ўн бир йил олдин, КПССнинг XX съездидаги «Мен партиянинг оддий аъзоси эмас, балки онгли аъзосиман!» - деб айтган. Мана шу ибора орадан шунча вақт ўтгач, Тўйтепадан беридайзлаштирибайтилиши ва бунинг ўттиз саккиз йил давомида қаҳрамонлик тимсоли сифатида ёш авлод онгига қуиб келиниши ҳар қандай кишини ҳайрон қолдиради.

– Абдулла ака – деди ҳаяжон ва суст босиб. – ҳақиқатан ҳам, катта билан орангиз яхши, қўша-қўша мукофот олдингиз, бугун шу гапни айтиш шартмикан?!

қаҳҳор силтаб ташлади.

– Буни мен ҳал қиласман!

қандайдир берч ва ғайритабий саъии ҳаракат эди, барчаси!

Фикрингни инобатга олмас экан, назарингдан ўтказиб нима қиласми?

Ўшанда у шундай деб ўйлаган, ҳозир эса, ҳаммасини яхши билади-тушунади...

Шу ўй хаёлидан ўтди-ю, оёқларининг учига довур музлаб кетди.

У бошини кўтариб, Кибриё қаҳҳоровага тагдор назар солди. Опа қандайдир бир қоғозни қўлида тутганча, ундаги қайдларга қарай-қарай, ҳамон гапида давом этарди.

– Қаҳҳор тирик бўлганида!..

– Жон опа! – деди Ёқубов асаблари қақшаб, қалтираб. – Сиз кўп куюнманг! Ўзбек тилининг куни менга ўхшаган бир қозоқ билан сизга ўхшаган бир тожикка қолган эмас! Сиз билан менгачаям бу тил ўз кунини кўрган, бундан кейин ҳам кўради!

Опа қотиб қолди, кейин шафтолиқоқидай қорайиб кетди...

Одамлар нега она тилини бунча яхши кўради? ҳатто юз-хотир демай, уни ҳимоя қиласми.

Чунки тил инсоннинг борлиги, хотира кўзгуси, идрок ва кўнгил тилмочи, одам ва олам билан боғловчи кўприк. Шу боис, бедор дилларда у меҳрға беланиб яшайди.

Аввал Сўз бор эди, Сўз Илоҳда эди, Сўз Илоҳ эди!

Бу калом бесар айтилган эмас.

Ўша оғир замонда Расул ҳамзатов она тилини улуғлаб, шеър ёзган эди. Бу – бежиз эмас. Саксонинчи йилларга келиб, рус тили ўзга тилларни ямламай ютиб юборди. Ёдимда, ўша кунлар Пойариққа йўлим тушди, шунда бир йирик автопарк ҳайдовчилари зорланиб қолган. Ҳаммаси ўзбек, кўпи қишлоқ йигити. Аммо кадрлар шўъбаси мудири – рус аёл. Таътилга аризани ҳам рус тилида ёзиш керак. “Қийналиб кетдик!” – деган улар. Бироқ ҳеч ким у аёлни ўрнидан силжита олмайди...

“Рус” деган тушунча шундай кескин сиёсий тус олди. Шунда Расул Ҳамзатов: “Эртага она тилим йўқолса агар, Мен бугун тайёрман бўлишига қурбон”, дея нидо қиласми. Агар, ёдингизда бўлса, унинг таъсирида ҳар бир туман ва ҳар бир вилоятнинг Расул ҳамзатови қанот ёзиб, она тили ҳақида шеър ёза бошлади.

Фаргоналик бир ёш шоир ҳатто устозидан ҳам ўзиб кетган ва, оқибат, вилоят газетасида чиққан шеъри учун обкомнинг бюросида муҳокама қилинган.

Тил сиёсий масала эди, сиёсат эса, жодунинг ўзгинаси! Ямламай ютади...

Хуллас, шўрлик шоир ўтирибди қалтираб, бюорода!

Аксига олиб, мажлис чўзилган, носнинг хумори тутиб, обком бобо тоза хит бўлган, муҳокамани “юмалоқ-ёстиқ” қилгиси келади, шу боис, столни ўхшатиб бир муштлайди, кейин:

– Партиядан ўчирилсин! – дейди.

Шоир титраб-қалтираб ўрнидан туради. Бир нима деб чулдираиди.

– Нима деяпти, бу? – дейди обком бобо, у бир дехқон одам, бу нарсани унча тушунмайди, лекин кўрсатма олган, столни муштлаб туриши керак!..

– Мен партияга аъзо эмасман, деяпти!

– Унда партияга ўтказинглар, – дейди обком бобо, иккинчи секретарга қараб. – Кейин ўчиринглар!

Ёш шоирни муздай тер босади, у яна бир нима деб ғудранади, кейин пилдираб келиб, икки варақ қоғоз узатади.

Обком бобо уни олиб, у ёқ-бу ёғига қарайди. қараса, шу боланикига ўхшаган бир нима, тепасига “Расул ҳамзатов, Она тилим” деб ёзилган.

Ёш шоир бу билан нима демоқчи? У шуни англай олмайди, тумтайиб, унга саволчан қарайди. Кейин чўнтагини пайпаслаб қўяди, йўқ, турибди носқовоқ!..

– Мен Расул ҳамзатовдан таъсирланиб ёздим! – дейди ёш шоир, шу жонимга ора кирадими, деган умидда. Гап бу ёқда экан-да! Мана, ким бузғунчи! Обком бобонинг баттар кайфияти бузилади, носнинг хумори шундай забтига олганки, у ёқ-бу ёғи йўқ. Кўзига ҳеч нима қўринмайди, бу бола бўлса, калаванинг учиничувалатгани-чувалатган.

У тартиб бўйича, яна столни муштлайди, кейин:

– Чақиринглар, ўша бузуқбошни ҳам! – деб кўрсатма беради. – Униям ўчиринглар, партиядан!

Ўшандада Расул ҳамзатовнинг “учиб кетиши”га сал қолган! Яхшиям, иккинчи секретар...

Бюродан сўнг, обком бобо хуморности қилиб кабинетда ўтиrsa, иккинчи секретар кириб келади.

– Фалончи Пистончиевич, – дейди у яйраб. – Аниқладик, унинг исми Цадаси экан, чечен, ёки бўлмаса, ўзимизнинг турклардан. Аммо кўчиб кетганга ўхшайди, Кавказда, дейишди!

– Кўчиб кетгани рост бўлсин! – дейди обком бобо енгил тортиб, у бир ғалвадан қутулганига хурсанд. – қувасойда шунақалар урчиб кетди, кавказлар ҳам тоза жонга тегди, ука! Шеърингни ёзиб юравермайсанми, сиёсатга аралашиб нима қиласан?!.

Расул ҳамзатов:

*Ҳамиша тушимга кирап ҳар бало,
Бу тун ўлган куним кўрибман аён.
Догистон жазира водийси аро,
Кўксимни ўқ тешиб, ётибман бежон.*

*Ёнгинамда жилга оқар жүші уриб,
Хеч кимни ўртамас менинг фирогим.
Үйлабман, тупроққа айланмай туриб,
Махкамроқ қучайин она тупрогим.*

*Жоним узилляпти, билмайди хеч зот,
Хеч зог жасадимга келмайди яқин.
Қайдадир бургутлар чекади фарёд,
Қайдадир кийиклар инграйди хазин.*

*Тепамда хеч киши йигеламайди зор,
Ёш кетди деб мени эсга олмайди.
Кошимда на онам, на дўст-ёrim бор,
Ҳаттоки йигичи чуввос солмайди.*

*Ётибман, зўр-базўр оламан нафас,
Шунда қулогимга чалинади сас.
Кимлардир келмоқда водий йўлида,
Гурунгга ўт қалаб авар тилида.*

*Догистон жазира водийси аро,
Мен жон бераяпман, одамлар бўлса,
Сўзлашар: – Али қув, гапга жа бало,
Ҳасан ҳам аяmas ким тўгри келса.*

*Она тилимдаги сўзларни элас,
Эшишган дам кирди бу жиссимиgа жон.
Ва билдимки, менга табиблар эмас,
Фақат она тилим бағишлар дармон.*

*Кимгадир ўзга тил азиз-мўътабар,
Мен у тилда қўшиқ куйлашим гумон.
Эртан она тилим йўқолса агар,
Мен бугун тайёрман бўлишга қурбон.*

*Айтсалар ҳам авар тили камбагал,
Менга она тилим суюкдан суюк.
БМТ минбарида тегмаса ҳам гал,
Менга она тилим буюкдан буюк...¹⁷*

¹⁷

Шоир Асрор Мўминтаржимаси.

6. Лев Толстой

– Достоевский айтадики, юракнинг туб-тубига чўккан, эт-тирноқ яқининггаям айтиб бўлмайдиган, ҳатто эслашга ўзинг ботинмайдиган хотиралар бўлади. Ёзувчи шуниям ёзиши керак, шекилли?

– Йўқ! Йўқ! Йилт этган ёруғлик бўлмаса, адаб ва маърифат бўлмаса, уни ёзмоқдан Худо асрасин! Қаранг, Гоголнинг “Ўлик жонлар”ида ҳам машхур уч отли извош бор! Ҳатто ўша, “Ревизор”да ҳам, ревизор келаяпти, энди ҳамма сирлар очилади, золимлар фош бўлади, деган умидбахш нидо бор!

Катта ёзувчи ҳар бир воқеа-ҳодисанинг ёзса арзийдиган таъсирчан нуқтасини илғай олиши, ёзгани дилларни чайиб ўтиб, Ҳақ таоло назарини ёдга солиши ва бедорликка ундан туриши керак!

Дастлаб мен кўп адашганман. Бир тўғри йўл очиб олишга, оқ билан қоранинг, яхши билан ёмоннинг фарқига боришга замон йўл бермаган. Буткул ҳаётимиз сиёсатга айланиб кетган эди. “Совет тузумида қийинчилик бўлмайди！”, деган бир ақида ҳукмрон, шунга қараб, тўн бичасан, воқеликни бўяб-бежаб кўрсатасан ва уйдирмага асосланган мана шу асар, минг афсуски, яна олқиши ва мукофот олади. Наинки адабиёт, ҳатто илм-фан, санъат ва маданият, туриш-турмушимиз шундан иборат бўлган. Бу, метин-мустаҳкам исканжани парчалаб-ёриб чиқиши осон эмас эди, албатта.

Умумадабиётдаги ясамаликдан қутула олмай, ёзганим ўзимга ёқмай, эзилиб-қийналиб юрган вақтда Толстой тушимга кирган.

У буюклар тождори, менга лом-мим деган эмас, фақат қўлимдан тутиб-етаклаб ўша, тоғ этагида ўсган, боссалар-да, янчсалар-да, юлиб-юлқилаб ташласа-да, бари бир, умид билан яна қуёшга талпиниб, қўкка бўй чўзган “қариқиз”ни кўрсатган, холос. Улуғ адиб уни “Хожимурод”да чексиз бир меҳр билан тасвирлайди.

Чамаси, бу бир ишора эди.

Қаранг, шунда илгариям уни туш кўрганим ёдимга тушди. Ўша куни мен “Хожимурод”ни мутолаа қилганман, биринчи марта. Асарнинг муқаддимаси, айнан ўша, “қариқиз” ҳақидаги тафсилот менга ортиқчадек бўлиб туюлган ва уни ташлаб ўтиб, асосий оқим ичига шўнгиб кетганман.

Худдики, Толстой чечен овулини эмас, бизнинг қишлоқни қаламга олган. Аввал қишлоқ масжити, сўнг унинг ёнидан сойга бурилган тор кўча кўз олдимда жонланди. Кўчанинг икки томонида пастқам уйлар, уларнинг томида бекорчи чоллар, қачон қараманг, боғига кўз-кулоқ бўлиб, чой ичиб ётади. Кечқурун қирдан пода қайтади, кўй-кўзилар маъраши оламни тутиб кетади, мўрилардан тутун ўрлаб, ҳавода тезак ҳиди бурқсийди.

Толстой тасвирлаган манзаранинг ўзгинаси!..

Назаримда, Ҳожимурод шу масжит томондан келиб, бизнинг тор кўчага бурилган ва муюлишдаги гувала уйнинг томида ётган чолни уйғотган. Буни

қарангки, чечен овулида бўлгани каби, бизнинг қишлоқда худди шундай ғарибона бир кулба бўлиб, унинг томида бир баджаҳл чол ёнгоқ қўриб ётар эди.

Айниқса, “тезакнинг қўланса ҳиди” деган ибора мени ҳайратга солган, шунда ўзим қўриб-билиб юрган воқеа-ходисалар лоп этиб кўз олдимга келган ва яна олам-жаҳон таассурот хаёлимни банд этган! Ва булар барчаси азиз ва қадрдан эканини юрак-юракдан ҳис этганман!

Мана, ёзувчилик нима!

Мана шу табиий сўзлар, аzon айтган муаззин қироати, мўрилардан кўтарилиган тутун ва тезакнинг қўланса ҳиди қанчалик оддий туюлмасин, унда буюк бир ҳикмат яширин. У сизни сехрлаб қўяди ва ўзингиз кўрган-билган, болаликдан қадрдан бўлган ҳаёт кўз олдингизда жонланади.

Қиссани бир ўтиришда ўқиб тугатдим.

Ҳожимуроднинг ўлимидан дилим вайрон бўлиб, итларнинг улишига қулоқ солиб, китобнинг очилишидаги Толстой суратига тикилганча узоқ хаёл суриб ётдим. Жуда улуғвор эди у. Ўткир кўзларини найзадек қадаган.

Қандай кўзим илинганини билмайман. Бир маҳал туш кўрибман, тушимда ўша, чехрасидан, бутун борлиғидан қудрат ёғилиб турган Лев Николаевич!..

Эгнида узун кўйлак, икки қўлини ингичка камарига суқиб, уйимизга кириб келган эмиш!

Ўшанда у менга бир нима деган эмас, иккинчи сафар эса, ўша “қариқиз”га ишора қилган, холос...

Бунда чуқур маъно бор. Мен шуни ўйлай-ўйлай, аста-секин ҳаётнинг ва адабиётнинг ўзгармас қонуниятларини англай бошладим.

Граф Толстой айтадики, Илоҳни танимоқ ва яшамоқ – айнан бир нарса. Илоҳ – ҳаётдир.

Шундан келиб чиқсақ, ўзимиз йўл қўйган ва руҳий изтироб туғдирган хатони англаш қийин эмас. Биз Қодир Эгамни йўқقا чиқариб, тақдирни ўз қўли билан яратувчи ҳазрати Инсонга айландик. Умримиз, бутун онгли ҳаётимиз Раббимни рад этиш билан ўтди.

Аслида, Толстой айтганидек, биз олаётган нафас, биз яшаётган ҳаёт, биз билган моддий олам, бутун борлиқ яхлит ва бир бутун Илоҳ демак. Ўзимиз ҳам шунинг бир зарраси, холос. Ва бу – ҳақиқат. Унга асосланган, ҳаётни борича ифода этган ва ахлоқий-маърифий қимматга эга адабиёт чинакам адабиёт бўлади. Сўз ҳам санъат, у кўнгилга зиё улашиб, одамлар йўлини ёритиб турмоғи лозим.

Ҳаммаси ўтиб кетади, фақат ҳақиқат қолади, дейди даҳо адиб.

Шу маънода, биринчи жиддий асарим “Муқаддас”, десам, хато бўлмайди. Унда мен талабалик даврида кўрган-кечирганимни қандай бўлса, шундай тўкиб-солганман.

Лекин Толстойнинг ишораси жуда теран...

Қиссада у Ҳожимуроднинг руҳий оламини бир ёқлама тадқиқ этган эмас, балки ўша ўсимлик янглиғ, бошдан-охир, мислсиз саховат ва улуг инсоний

мухаббат билан тасвирлаган. Мард ўғлоннинг эркинлик ва озодлик, Ватан ва иймон-эътиқод йўлидаги матонатли курашини нурга белаб ифода этган. Бунинг асоси шуки, у ҳаётга жуда баландда туриб, ҳа, ҳа, миллат деган тушунчадан баландда туриб, юксак самовий назар билан қараган. Ва ҳар бир нарсани иймон тарозиси билан ўлчаган.

Дини, тили, миллатидан қатъий назар, ким ҳақ ўзи ва ким ноҳақ деб воқеликка ёндошган. Шу боис у ҳақ йўлида жон фидо этган Ҳожимуродни меҳр билан улуғлаган.

Жаҳон адабиётида бундай мумтоз асар, афсуски, камдан-кам.

Ўзингиз ўйланг, агар шу асар бўлмаганида, Ҳожимуродни ўз халқидан бўлак яна ким билар эди? Толстойнинг шарофати билан бугун бутун жаҳон чечен ўғлонини зулмга қарши ёвқур курашчи деб билади, Жалолиддин Мангуберди каби унинг баҳодирлиги юракларга олов солиб, инсон шаънини шарафга буркаб туради. Ва худди сиз билан биз каби, Озодликни қадрлаган инсонки бор, мудом уни эсга олиб, юрагида эъзозлаб-ардоқлаб яшайди.

Адабиётнинг құдрати мана шунда!

Толстой қандай қилиб бунга муваффақ бўлди?

У одам авлодини, унинг эрки ва иймон-эътиқодини чекли миллий манфаатдан баланд эканини унугтан эмас. Унинг мумтоз асарларини, айниқса, император билан рус проваслав черкови патриархига ёзган хатларини бир эсга олинг. Адиг чор ҳукумати Волга ортида яшаётган ва жуда қадим маданиятга эга бўлган халқларни қилич билан бўйсундираётгани, уларга зулм қилаётгани яхшиликка олиб келмаслигини очиқ айтади. Қоралайди. Одамларни Ҳақ йўлидан тўсиш, ёвузыдан эзгулик ва зулматдан зиё сари интилишга монелик қилиш Яратганинг ғазабига учрайди ва қимматга тушади, дейди.¹⁸

У, Улуғ Мавло бизни бева-бечораларга ва бир-бири мизга зулм-ситам қилиш учун эмас, балки ҳиммат ва мурувват қўрсатиш учун бино этганини қайта-қайта уқтирган.

Шунинг учун бу бекиёс зотни насроний динидан четлатишган! Ва ўша, нодир хатлари юз йил давомида сир сақланган. Гарчи граф бўлса-да, қабри ҳам оддий, бир бева-бечора, бир камбағал дехқонники каби...

Кўрдингизми, бу мислсиз даҳо эзгулик ва адолатга нечоғлик чанқоқ бўлган. Ҳақни, ҳақиқатни дунё ҳаётидан устун қўйган. Ўткинчи сиёсатга, ҳою ҳавасга маҳлиё бўлиб эмас, балки Ҳақ таоло буюрганича яшаб ўтган. Ва, албатта, ҳаммамизни шунга даъват этган...

Адабиётнинг вазифаси шу!

Улуғлик шунда...

қайд:

– *Она алласи гўдакни ором оғушига олиб, ҳузур-ҳаловат багишлаб, қандай элитса, Яратгани ёд этмоқ ҳам унинг йўлида сафарбар бўлган*

¹⁸

Л. Н. Толстой, Собрание сочинений, Т. XVII-XVIII., Т. XIX-XX., Москва, “Художественная литература”, 1984 г.

мўминни шундай аллалайди. Ва сув юзидаги хас-хашикни тўлқинлар қандай ювиб кетса, худди шундай – унинг дил уммонини чайиб тозалайди.

Фариуддин Аттор:

– *Сув, ҳавони қўй, бутун борлиқ – Худо.*

7. Сирдарё бўйида

Бир гал, Сирдарё бўйида Одил Ёқубовни зимдан кузатганман. У дарёдан чиқиб келиб, қумлоқ соҳилда ўтирган ва шунда хамир қориётган кампир каби буқчайиб қолган.

Умр бўйи ўмганини столга бериб, ёзиш-чишидан ортмаган одам шундай ҳолатга киради.

Гегел:

– *Ақлга мувофиқ нарса воқе бўлади, воқе нарса ақлга мувофиқдир.*

8. Энг кўркам таъриф

– Биз ёзувчиларни авлодларга бўламиз, – деган эди Назир Сафаров адаб таваллудининг эллик йиллигида. – Куни кеча эди, Одилнинг аскар гимнастёркасида Уюшмага кириб келгани. У биздан ҳам, Асқадлардан ҳам кичик, лекин сафимизни ёриб, ҳаммадан олдинга ўтиб кетди.

Мен яқинда унинг «Диёнат» романини ўқидим. Ё тавба, шуни ўзимизнинг Одил ёздими, дейман, ўша қорачадан келган аскар бола-я?

ха, Одил ёзди, шу – ўзимизнинг Одил!..

Ўша кезлар шаҳар газетасида Ўткир ҳошимов билан бирга ишлардик, эртаси куни у айтган биринчи гап шу бўлдики: – Кеча чол қовун туширди!

Кечаси билан шуни ўйлаб, ухламай чиқкан, шекилли, деб ўйладим мен, лекин индамадим.

Одил Ёқубов, кудратли асар балқиб чиқса, ҳатто ёшларнинг ҳам тайирлиги келади, деган эди, шу фикр хаёлимдан ўтди. Афтидан, Ўткир ҳошимов буни фаҳмлади.

– “Улуғбек хазинаси” билан “Уфқ”ни синчиклаб ўқиб чиқдим, – деди у, хиёл сергак тортиб. – “Хазина” жуда чуқур асар, “Уфқ”да ёзувчи олиб қочган ўринлар анча!

Ўша йили бу икки асар республика давлат мукофотига қўйилган эди, Ўткир ҳошимов шу муносабат билан уларни мутолаа қилган ва бир нима ёзган, чоғи.

қаранг, шундан буён қанча сувлар оқиб ўтди, замон ўзгарди, ҳатто ўша мукофотнинг номи ўчиб кетди.

Сайд Аҳмад эса, орқа-олдига қарамай, ҳамон опқочади, аввалига ўша, гувала қулбаси устида яна икки қават бино тиклади, кейин унга европача пардоз берди ва кўзларни шамғалат қилиб, осмондаги юлдузни ҳам бенарвон урди. Лекин мен бир нарсадан қўрқаман, Қодир Эгам қўрсатмасин, зилзила қўпса ёки қаттиқ жала қуйса, нима бўлади? Унинг кулбасини сел ювиб, расвойи жаҳон қилмайдими?!

Шундай бўлади, ҳали, кўрасиз!..

Менинг билишимча, Одил Ёқубовга нисбат бериб, энг кўркам таърифни Абдулла Орипов айтган.

Мумтоз шоир катта бир анжумандა:

– Одил Ёқубов шундоқ бизнинг кўз олдимизда муҳташам чинорга айланди! – деган...

Мустай Карим:

– *Одил, сиз гоятда теран ва салмоқли асар яратибсиз. Унда, вақт нуқтаи назаридан, тарихнинг бурилиши нуқтаси олинган ва бу – бутун бир даврни чуқур очиб бершига замин яратган.*

Мен китобингизни мароқ билан ўқидим. У ақлдан нур эмган қудратли роман. Ва мени қаттиқ ларзага солди.

Тарихий асарнинг вазифаси – ўтмишини ҳаққоний ёритган ҳолда, одамларни шундан сабоқ чиқаришига, ҳақ йўлда оқилона яшашига ундашдан иборат. «Улугбек хазинаси» ана шу фазилати билан қадр-қимматга эга асарлар сирасига киради.

Усмон Кўчкор:

– *Бошингни кўтарсанг, минорга етар...*

9. «Жаноби Олийлари, филингиз!..»

1.

Ўтганларни яхши сифатлар билан эсламоқ керак дейдилар. Лекин ўша сифатнинг ўзи бўлмаса-чи?

Агар, малол келмаса, кечаси чиқиб, юлдузлар ғужғон ўйнаган фалакка бир разм солинг. Дубъи Акбар билан қорачироқ тенг бўладими? Сассиқ алаф билан новвот-узум солган ҳусайнини баробар бўладими? Яратганинг марҳаматини оламга ёйган Расули акрам билан унинг авлоду зурриёдини қиличдан ўтказган лаънати Язид тенг бўладими, баробар бўладими?!

қочган ҳам: “Ё Рабб!” – дейди, кувган ҳам.

Ва яна, ҳаммаси Оллоҳдан, деб қўяди. ҳолбуки, қуръони Каримда оламларни яратган Зот айтадики, (*Эй одамзод,*) **сенга қандай яхшилик етган бўлса, Оллоҳдандир, қандай ёмонлик етган бўлса, қилмишингдандир.**

қишининг ёғин-сочин кунлари. қўқисдан Пирмат Шермуҳамедов телефон қилиб, Уюшмада йигин бўлганини, унда Одил Ёкубов Лазиз Пўлатович билан ёмон “ташлашиб” қолганини айтди.

– ҳамма бало шундаки, Одил ака вазиятни билмайди, – деди мунаққид. – Домла Уюшмага Ўлмасни¹⁹ олиб келмоқчи. Менимча, у Азимовга тикка ташлай олмади, шунинг учун адабиёт газетасини “тепиб” ўтди. Одил ака эса, коса тагидаги нимкосадан бехабар, сен кимсан ўзи, йигирма йил бадалида газетага “ўтирдинг”, яна бугун қозилик қиласан, деб тикка ташлади. Домла ёниб кетди. Кўчага чиққач, мен буни партиядан ўчиририб, ишдан ҳайдатаман, деди. Бу, куруқ замзама эмас, Усмонхўжаев билан у жуда яқин! Шунинг учун ўдағайлаяпти! Ўзининг «пешка»ларини олдинга сураяпти! қандай бўлмасин, Одил акага шуни сездириб қўйиш керак! Эҳтиёт бўлсин! Ҳа, айтмоқчи, ҳали ўзингиз ҳам домла билан ишлаб қоласизми!..

Ақлни шоширадиган хабар эди, бу.

Саксон биринчи йилнинг апрелида «Ўзбекистон маданияти» деган сийقا газета барҳам топди, адабиёт ва санъат ҳафталиги чиқа бошлади, шу бир баҳона бўлди-ю, Каюмов четга суриб қўйилди.

Ўшанда у кўч-кўронини «Волга»га юклаб бўлгач, таҳририят биноси олдида, гезариб-бўзариб, чидолмасдан муштини осмонга дўлайтирган ва, ҳали шошмай тур, мен сенларга қўрсатиб қўяман, деб ўшқирган, шунда унинг заҳил юзи қўрқинчли буришиб кетган.

Буни мен ўз кўзим билан кўрганман.

Шундан сўнг домла сувга тушган тошдай изсиз йўқолди, ишонсангиз, буткул унутилди. Аммо кеча, кечкурун, ҳеч кутилмагандага у телевизор экранида, яна Эркин Воҳидов билан Омон Матжон қуршовида ҳозир бўлди. Икки шоир уни оқ юваб, оқ таради.

Демак, бу такдимот маросими экан!..

Географияда

бундай

янгилик!..

Кечқурун, Аҳмад Отабоев билан адабнинг уйига ўтдик. Гапнинг оёғи бор. «Қанотли» янгилик биздан олдин етиб келган, шекилли, Одил ака жуда хомуш ва асабий эди. У биз билан, одатдагидек, ҳазил-мутойиба қилиб, чақчақлашиб ўтирди, аммо ич-ичидан зил кетгани шундоқ сезилиб турар эди. Шу боис, сиёсий вазиятдаги ўзгаришдан гап очмай қўя қолдик.

қайтишда мен, боя кўзим тушган, пешайвон токчасида турган китобларни вараклаб кўрдим. Улар «Улуғбек хазинаси»нинг хорижда чиққан янги нашрлари эди. Улар орасида Олмониянинг «Янги олам» журнали бўлиб, ўша

¹⁹ Лазиз қаюмов Ёзувчиларуюшмаси раиси Сарвар Азимовни «йикитиб», ўрнига Ўлмас Умарбековни олибкелмоқчи эканиданхабарбермоқда

сони тўлиқ Одил Ёқубов ва унинг романи, Мирзо Улуғбек ва оқсоч Самарқанд ҳақида эди, яна кўркам суратлар беришган.

– Мен шуларни бир кўрсам, майлим, Одил ака? Эртага қайтариб олиб келаман!

– Олинг, олинг, – деди адиб, қандайдир синик ва шикаста овозда. – хали ўзим ҳам тузук-қуруқ кўрганим йўқ. Шуям юракка сифмади.

Мана шунинг ўзи ҳам вазият тангу тор эканини англатиб турарди.

Биз хайрлашиб кўчага чиқдик.

ҳаво юмшаган, майдалаб ёмғир ёғар эди.

Аҳмад журнални қўлига олди.

– Менинг бир танишим бор, – деди у. – Олмон тили бўйича мутахассис. ҳеч бўлмаса, энг керакли жойини таржима қилиб берсин!

Унинг фикри жўяли эди. Таржимани тайёрлаб, ҳатто газетада чиқариш мумкин.

Шундай қилиб, ўша материалнинг бир қисми таржима қилинди. Шунинг ўзи ҳам газетанинг ярим сахифасини олди.

Олмон адиби ҳелмут Цемки «Улуғбек хазинаси»ни ўқиб чиққач, Ўзбекистонга келгани, афсонавий Самарқандни айланиб, Улуғбекнинг хоки покини зиёрат қилгани ҳақида ёниқ бир самимият билан ҳикоя қилган эди²⁰.

Мен зудлик билан уни кўчирирдим. Мақсад қориев²¹ ҳам уни қучоқ очиб кутиб олди. Чамаси, балони билади, амалини сақлаб қолиши учун бу сув билан ҳаводек зарур. Шу боис мақола ярим сахифа бўлиб, партиянинг “отахон” газетасида ловуллаб чиқиб кетди!

ҳали бунинг шов-шуви босилмай туриб, «Улуғбек хазина»си кейинги йилларда ўн беш тилда чиққани ҳақида, ўша китоблар расми билан яна бир неча хабар бердик.

Шу билан олам сув қўйгандек тинчили-қолди.

Манфаатлар кесишуви дегани шу!

Лекин, орадан ўн бир ой ўтгач, йил оёқлаган вақтда, муҳаррир ўзгарар эмиш, деган миш-миш ивирсиди. Худди ўша кунлар қандайдир бир бош мақола чоп этилди. Унда ЦЭКА ишдан олмоқчи бўлган бир академик мақталган экан. Шу баҳона бўлди-ю, кўпдан таҳдид солиб келган ташкилий масала қалқиб юзага чиқди ва умуммажлис чақирилди.

Мана, ҳайъатда ЦЭКанинг секретари, яна ЦЭКанинг бўлим мудири ва чап қанотда Лазиз Пўлатович ўтирибди. Ғалати. Кутасан-кутасан, ҳеч вақо бўлмайди. Бирдан ҳал қилувчи сония етиб келади ва у кўз юмиб-очгунча ҳамма ёқни остин-устин қилиб ташлайди...

Одамларни оғир юк босган. ҳатто “темир хотин” Раъно ҳабибовна ҳам, чуқур ҳаяжон ва саросима билан гапни жуда узоқдан бошлади.

²⁰ ҳелмут Цемке, «Ижоднинг ёрқинийўли», «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1984 йилнинг 25 январи.

²¹ Мақсад Қориев – 1926 йилтуғилган, 1963-1984 йиллар “Совет Ўзбекистони” газетаси муҳаррири бўлган.

Катта бир газета, йирик жамоа. қолаверса, Максуд қориев «мусичаю беозор», айби шуки, шу лавозимда ўтирибди, яна у жамоага йигирма йил раҳбарлик қилган, мендан бошқа бегона йўқ! Кимдир-биров ўрнидан туриб, ахир, домла яқинда ишдан четлатилган эди-ку, унинг кимлигини ҳамма яхши билади ёки XVI пленум оқизган кўз ёшларга чўмилиб, фаришта бўлиб олдими, дейиши ҳеч гап эмас!

Бу дунёда нималар бўлмайди, ахир!

Ким ўйлабди, кеча «урилган-суринган» одам, бугун илгаргидан юз чандон баланд жойга, “отахон” газетага раҳбар бўлиб келади, деб!..

Раъно ҳабибовна чайналиб, узоқ гапирди. Ниҳоят, мақсадга ўтиб, «Мана, сизларга янги раҳбар...» деди, худди шу маҳал, бўғилиб кетган эканми, домла ирғиб ўрнидан турди ва опанинг гапини бўлиб, мен бу жамоанинг ярмини ўзи ўқитганман, деди, кейин:

– Жиринг-жиринг-жиринг! – деб беписанд жеркинди. – қўнғироқ чалинди! қани, болалар, ҳамма дарсга! Хона-хонангга бориб, ишинг билан шуғуллан!

Қойилмисиз?

Ишонсангиз, дунёга келиб, бунақасини кўрган эмасман!

Рост, орадан кўп сувлар оқиб ўтгач, 2011 йилнинг 15 февраляда ливияликлар полковник Каддафийга²² қарши қўзғалди. Ва “Евроньюс”: – Истеъро берасизми? – деб ундан сўради. Шунда у айтган гапга, очиғи, қойил қолганман. Конхўр нима деди денг. Аввалига ҳайрон бўлиб, расамадини келтириб қанотини ёйди, сўнг: – Мен Кондош Доҳий бўлсам, – деди кифтини келтириб. – Доҳий қандай қилиб истеъро беради?!

Чиндан ҳам шундай эмасми?

У доҳий бўлса!

Доҳий қандай қилиб истеъро беради?!

Бу – мумкин эмас!

Қойилмисиз?!

Кейин у ҳали инқилоб давом этаётганини таъкидлади ва: – Бундай вазиятда ҳокимиятни ташлаб кетиш хиёнат бўлади! – деди.

Кўраяпсизми, амалпараст нималарни ўйлаб топмайди!

У ўзини “Кондош Доҳий ва Инқилоб Раҳнамоси” деб эълон қилган! 1969 йилнинг 1 сентябрида. Шундан буён инқилоб давом этаёттир. Шундан буён мамлакатда ҳарбий ҳолат. Шундан буён халқ тишининг кирини сўриб яшайди. Унинг бўлса, биргина Европа банкларида 200 миллиард доллар жамғармаси бор!..

Муаммар Каддафий деган золим қирқ икки йил ўз қавмининг қонини ичди. Ахийри, пичоқ бориб суякка тақалгач, мазлум бош кўтарди. Шунда у қутуриб, ёлланма каллакесарни ўз эли-улусига қарши ташлади. Етти ой беаёв

²² Муаммар Каддафий – 1942 йил туғилган (Ливия), 1969 йил 1 сентябрда ҳокимият тепасига келган. Ўзини “Кондош Доҳий ва Инқилоб Раҳнамоси” деб эълон қилган. “Яшил китоб” ёзиб, конституция ўрнида қўллаган. 2011 йил 20 октябрда ўлимтопди.

қирғин қилди. Етти ой қутуриб дунёни бузди. Худдики Ливия онасининг маҳрига тушган, уни хатлаб олган ва хусусийлаштирган!..

Қарангки, халқ узлиksиз курашди, кўп қурбон бериб 20 октябрда енгиб чиқди. Қонхўр “доҳий” итдай ўлим топди, барча “доҳий”лар каби!

Бу ёқда одамлар унинг турқига тупурмоқда, у ёқда ўғли, қочқин Соҳиб ал-Ислом талаб солиб баёнот бераётir. Нима эмиш, жанг жадални у давом эттирад эмиш!..

Хой, барака топгур, отанг шоҳ эмас, “доҳий” эди, “доҳий”да валиахд бўлмайди, дейдиган бир одам йўқ!

2.

Майли, ўтган ишга саловат. Воқеалар ривожидан узилиб кетмайлик. Яна СССРга, ўтган асрнинг 84-йилига, “Совет Ўзбекистони”га қайтайлик! Ўзимизда ҳам Каддафий оз эмас! Улар: “Бизнинг қаеримиз кам?” – деб ўксимасин!

Аслида, бу ёқда ҳам шу гап!

XVI пленум!

Еру осмон ўт ичида! Абдуллаева чопон кийган талабаларни олдига солиб кувиб юрибди! Ит эгасини танимайди! Мана шундай вазиятда домла жиловни маҳкам қўлга олди. Ва шу кундан бошланди тавозеъ ва қутлов, хушомад ва тантанали қабул маросимлари! Қани энди, юриб бўлса ва на ишлаб...

Вей, бу қавм нималарни ўйлаб топмайди, а?!

Ма-а қвотсан, дейдиган бир ўқтам йўқ.

1918 йили Ленин шўравийлар иттифоқини яхлит бир ҳарбий лагер деб эълон қиласди, қизил террор жорий этиб, оқ интервентлар²³ ва шубҳа остига олинган кимсалар аяб ўтирилмасин, шартта манглайидан отиб ташлансин деб буйруқ беради. Худди шунга ўхшаб, домла ҳам, орадан қарийб етмиш йил ўтгач, бу идора – ярим ҳарбий идора, деди ва темир интизом жорий қиласди. Кимда-ким бирон жойга борар бўлса, ҳатто ишдан кейин, дейлик, ярим кечаси, албатта ўша манзил ва унинг телефонини «қайд» дафтарига ёзиб кетиши шарт. қулоғингни қимиirlatсанг, шубҳа остига олинасан! Ва яна, хотин-қизларнинг жисмоний тарбияси қатъий йўлга қўйилди. Улар соат ўнда, фойеда йиғилади ва спорт бўлими мудири бошчилигига энкайиб-тўнқайишни бошлайди. Эътибор Охунова дейсизми, Дилбар Маҳмудова дейсизми...

ҳар бир хотин, уйида қўлини совук сувга урмайди, лекин...

... илож йўқ. Шубҳа остига олинади!

Фойенинг у четида эса, ўриндиқда – қутловчилар, улар қўл қовуштириб, зимдан жувонларнинг бўлиқ сонига қўз югуртиради.

Нима қилсин? Зерикиб кетган.

Эрталабдан буён сарғайиб ўтирибди. Бир кўриниб қўймаса, бўлмайди. Ҳаётнинг ёзилмаган қонунияти шундай. Каттанинг яқини Каттадан ёмон.

²³

Интервент – ички ишлар газўравонлик билан аралашувчиёт унсур.

Ўзини кўрсатиб қўйиш учун ҳам қовуриб ташлайди. Бундай қилвирликка Каттанинг ҳам суяги йўқ. Нима қилсин? Қолиб кетаётган иши бўлмаса!

Эрмак-дэ!

Хуллас, домла банд!

У шундан нашъа қилади. «Шогирдка»си билан эзилишиб-ҳиринглашиб ўтиради, одамлар ўзини учига чиқкан хотинбоз дейишини истайди, вақти-вақти билан хуфялар кириб, ташқаридаги сиёсий вазиятдан огоҳ этиб туради.

Бутун бир империя!

Кутади-да, керак бўлса, қани кетиб кўрсин-чи! Уйини топиб бора олармикан, кейин!

Нимасини айтасиз? Нималар бўлмаган, ўшанда!

Партия турмуши бўлимининг ходими Абдукарим Раҳимбердиев домла иш бошлаган куни тоғли туманда, хизмат сафарида бўлган. Қориевнинг эркаси эди, шунга орқа қилиб ўзбошимчалик билан сафарга Янги йилни улаб юборган. Бир кун келди, яллама-ёrimни варанг қўйиб, қараса, дунё тескари айланиб ётибди, ҳали жойига келган эмас...

Сиёсий аҳволни унга тушунтиридик.

Қориев капут, хайл Қаюмов!

У шоша-пиша қабулга кирди, табриклиш учун! Аммо Қаюмов оғиз очгани қўймади.

Тўғри-да, бир одам гапиради, ҳамма валдираиверадими?

У тик оёқда, домла – креслода, бошлаган...

– Тата-тата-тат, тата-тат, тата-тат!..

Булбулигўё!

Унинг бир манаги очилса, бас, кечгача сайдайди! Ҳеч ўзини йифиб ола олмайди. Эҳтимол, нима деяётганини англаш қийиндир, лекин жағи тинмайди. Шундан завқ олади, кувват олади, майнадай маст бўлиб сайдайди.

Цицерон!²⁴

Лекин Цицероннинг гапида туз бўлган, чунки Одам авлодидан, Оллоҳнинг бир бандаси эди, икки оёқда юрган.

Домла-чи?

У «даҳрий», «профессор», «член ЦЭКА», лекин одам эмас!

Горилла!²⁵

«қадимги дунё тарихи»ни ўқиган бўлсангиз, биласиз, маймун қандай қилиб одамга айланган, бу жараён ҳатто сурати билан берилган!

Нимага ҳайрон бўласиз?

«Горилла эмас»?! Унда орангутан²⁶...

Йўғ-э, ҳатто шимпанзе²⁷ ҳам эмасми? Унда гиббон²⁸ бўлади!

²⁴ Цицерон Марк Туллий – милодданаввалги 106-43 йилларда Римдаяшаб ўтган нотиқ ва мутафаккир.

²⁵ Горилла – одамсимонмаймун.

²⁶ Орангутан – одамсимонмаймун.

²⁷ Шимпанзе – одамсимонмаймун.

²⁸ Гиббон – одамсимонмаймун.

Э-э-э, мен турлашда хато қилибман! Сиз ҳақсиз, супрақоқдилар шундай яроқсиз бўлади, ўзи! Яна денг, зоти паст бир нарса!

Вей ҳароб-э! Бир ҳароми дунёни тескари айлантириб юборди-я! Йўқ, мен домлани эмас, Чарлз Дарвинни²⁹ айтаяпман!

Ўшанда у ўн ёшда бўлган, онаси Шимолий Африкадаги ўрмонда илмий изланиш олиб бориб, бир йил деганда унга жимитдай бир маймунча олиб келади. Чарлз қараса, одам бўладиган! Уни тарбиялаб, вояга етказади. Бу орада онаси тадқиқотни давом эттириб, унга бит босган иккинчи ва ундан кейин учинчи маймунваччани ҳадя этади! Жужуқларга афсун ва жодуни, ёзиб-чишишни ўргатади. Мехнат қилсанг, одам бўласан, деб иш қуроли ясад беради. «Карл», «Фридрих», «Володя» деб исм қўяди, худди «Белка» ва «Стрелка» деган каби!

қаранг, ўша маймунваччаларнинг ғайритабиий “таълимот”и ҳатто итваччани коинотга олиб чиқди!

қойилмисиз?

Чарлзнинг тарбиясини олган Горилла шундай ўткир бўлган!

Айтмоқчи, аслида улар ака-ука, она бир, ота бошқа, халос! Буни мен яширган билан эртага очилади! Ака-укалар бир бўлиб, дарёни тескари оқизган!

Улардан кейинги табақа, муҳтарам Политбюро аъзолари, эҳтимол, орангутан авлодидир?

Шунда Усмонхўжаев тахминан шимпанзе, домла эса, шубҳасиз, гиббоннинг зурриёди бўлиб чиқади.

Илмда гиббонлар унча ўрганилмаган. Маймуншунослар уларни зоти паст одамсимон маймун деб билади.

Лекин, учувчининг орзузи битта – баландлик! Бунинг замирида ҳеч қандай мақсад йўқ, амалдан бошқа! Аммо олға! Бошқаларни босиб-янчиб бўлса-да, олға!

Нега? Нима учун?

Бунинг аҳамияти йўқ.

Одамларнинг устига чиқиб олиб, ҳукмингни ўтказсанг, эзид қонини ичсанг, мулки-давлат орттиранг, бас-да...

Домла, юзларини тук босган жужуқ маймунча, Чарлзнинг муруватини кутиб ўтирмай, секин ўзи инидан чиқади, эмаклаб довонга, ҳа, ҳа, ўша ўзимиз билган қамчик довонига кўтарилишни орзу қиласди. қўлига асо олиб, орқа оёғида юра бошлайди. Бу эса, тезроқ одамга айланишига кўмак беради. Кейин қаддини кўтариб, партияга аъзо бўлади, сўнг ўша довонга ўрмалаб чиқиб, дунёнинг тубига етдим, деб ўйлади.

Шу ўйда дунёдан ўтиб кетганлар қанча!

Мана, у, дунёнинг тубига етган одам, нотиқлик санъатини намойиш этмоқда, домла Абдукаримнинг ўзи билан ўралашиб қолмайди, таҳририят доирасидан чиқиб, республиканинг ички ишларини XVI пленум талаблари

²⁹ Чарлз Дарвин – (1808 – 1882) тадрижий тараққиёт таълимоти асосчиси, унинг даъвосича, одам маймундантарқалган, шунданкелибчиқиб, коммунистлар худосизликни давлат сиёсатига айлантирган.

асосида жой-жойига қўяди, кейин бепоён советлар мамлакатининг бешигини тебратади, ундан сўнг яна пича ҳавога ўрлайди ва океан ортидаги мухолифлари, империализм малайларининг бошига ўхшатиб бир чертади.

Нима деб ўйляпсиз, сиз?

Одамсимон бир маймун, бўлса, шунчалик бўлар-да!

Самоларда парвоз этади, у!

Сира ерга тушгиси келмайди.

Шоир айтганидек:

Лабларида камтарона бир мамнуният,

Дерди: – Олам гултоғимиз биз – маймуният!..³⁰

Яна бу гапларни у кимга айтаяпти, Абдукаримга! Ахир, унга, бор, ишингни қил, деса, кифоя-ку!

Лекин у тошиб келаётган ҳавои фикрини, гарчи тузи бўлмаса-да, зигирча увол қилмайди. Фикри эса, жуда баландпарвоз...

Кўринг,

ҳавас қилинг,

гражданиман

Мен

буюк советлар

мамлакатининг!³¹

Агар, ҳозир Чарлз Дарвин тирилиб келса, унинг нуктадонлик санъатини кўриб, ҳайрат бармоғини тишлаб, ўз вақтида гиббонларга паст назар билан қарагани учун қаттиқ пушаймон бўлар эди.

Алал-оқибат, дунё шуларга қолди-ку, ахир!

ҳозир Дарвиннинг ўзи қандай ахволда экан, у ёқда?!..

қаранг, у вақтда Худо йўқ эди, бирдан яна ҳозир бўлди. ҳеч тушуниб бўлмайди, дунёнинг ишига!..

Ўқидим, кеча бир “билимдон” ёзибди, нима эмиш, табиатнинг тириги ва нотириги бўлар эмиш! Қаранг, шу “ўлик”, яъни “табиатнинг нотириги” катта бир академияга бош бўлиб ўтирибди, “табиатнинг тириги” қуриб қолгандай! Аммо калласида алиф йўқ!..

Хўш, ўша “нотирик” нима демоқчи, ўзи? Илоҳ бор, лекин Малъун ҳам бор, окоси, демоқчи у. Бироқ, биз – малъумиз, дейишига журъят этмайди. Биз тирик табиатга уйғун ҳолда, шунинг ҳисобидан яшаймиз, нотирик, аммо кучли табиатмиз, демоқчи у. Хоҳланг, уни қобулий денг, хоҳланг, хорижий ёки ҳаромий...

Улар инсониятнинг ўтмиш аждоди одамсимон маймун бўлган деб далвай қилиб чалғитади, аслини яширади, келинг, яхшиси, халифаликни тиклайлик, дейди ва жоду билан одамларни қириб ташлайди.

Нега?

³⁰ Абдулла Ориповнинг «Маймуният» шеъридан.

³¹ Владимир Маяковский сатри.

Чунки улар “тирик табиат”га ёпишиб олган кана, унинг қонини ичиш ҳисобига яшайди...

Хуллас, домла ҳолдан тойиб, ахийри овози чиқмай қолади.

Абдукарим бир балодан қутулади, судралиб ичкаридан чиқади.

Аллақачон кун ботган.

Боёқиш қийшайиб келаяпти. қарасам, соchlари оқариб кетган!

Ишонасизми, сочи ҳали қундузниң түкидек қоп-қора эди, сиёсий ҳүшёрликни бой бергани, вактида ҳозир бўлмагани учун кўз юмиб-очгунча шу кўйга тушди!

хамма домлага ёқиши истайди. Унинг назаридан қолиш, «Совет Ўзбекистони»дан кетиш Худонинг, айтмоқчи, у вақтда Худо бўлмаган, дейлик, Генсекнинг ғазабига учрашдан ёмон!

хар қалай, Генсек бир қадам бўлса-да, узоқда, қолаверса, одамлар ундан аввалгидек ҳайиқмайди, Москва ўзининг ёғига қовурилиб ётиби, мана бу эса, кўймайди, бошингга чиқиб олган, қани, кўзингни очиб кўр-чи!

Ҳам шохингга уради, ҳам туёғингга!

Қиласиган бошқа иши йўқ!

Эрмак-дэ!

хар куни, ҳозир Иномжон Бузрукович билан бир лаган парғонача ошни пақкос тушириб келдик, ва-ҳа-ҳа-ҳа, деб мажлис қиласи, тергайди, тепкилайди. Ўша, Усмонхўжаев «чест» бермагани учун бир милисанинг погонини юлиб олган вактлар...

Бу ёқда, XVI пленум, очофотлар ўчоқнинг бошига чиққан, хоҳласа, бир қошиқ обиёвгон беради, хоҳламаса, қайнаб турган қозонга тириклай тиқиб юборади.

Хуллас, бир куни муҳаррирнинг тўғридан-тўғри телефони ваҳима солиб жиринглади. Юрагим увишиб кетди. Шуни кутиб юрган эдим, ўзи!

Титраб-қалтираб дастакни олдим.

– Кел, бу ёққа! – деган қаҳрли хитоб янгради.

Елиб-югуриб борсам, қабулхонада одам тирбанд.

Мен муҳаррир ёрдамчисига домланинг шахсан ўзлари чақирганини маълум қилдим. Ичкарида хурматли меҳмон бор, деди у, домлага хос беписандлик билан. Худди шу пайт эшик очилиб, Ўлмас Умарбеков чиқиб келди. Кейин ёрдамчи муҳаррирнинг ҳузурига кириб, сирли тарзда анча вақт ушланиб қолди, сўнг чиқиб, киринг, деди менга, иддао билан.

ҳали бўсаға ҳатламай туриб, кўз қирим билан домланинг авзойига қараб олдим. Буддага ўхшаб ўтирибди. Яқин йўлаб бўлмайди. Куйдиради. ғажиб ташлаши мумкин. Шу боис, пойгакда туриб, қўлимни қўксимга қўйиб, тавозе билан салом бердим.

У алик олмади. ҳатто Иномжон Бузрукович билан парғонача ош еб келганига ҳам тўхталмай, бирдан асосий масалага ўтди.

– Бу газетада чиқиши керак бўлган кўп нарса чиқмай қолди! Чиқмаслиги керак бўлган кўп нарса чиқиб кетди! Шунинг ҳаммасини сен қилдинг! – деди у, ўша важоҳатда.

Гарчи домла қаҳр-ғазаб билан ҳамла қилган бўлса-да, нафаси қиличнинг дамидек кескир эмас эди. Шу боис, мен:

- Домла, биз солдатмиз! – дедим, хотиржам.
- Сен солдат эмассан! – деди у. – Мен ҳаммасини биламан!
- Домла, биз солдатмиз!
- Мен сени партиядан ўчириб, йўқ қилиб юбораман!

У жуда қаттиқ ўшқирди, важоҳати ўша, осмонга қўлини дўлайтириб, дағдаға қилганидаги каби, қўрқинчли тус олди.

Бундай вазиятда ундан ҳамма нарсани кутиш мумкин.

- Домла, биз солдатмиз!
- Йўқо-о-ол!..

Шу билан масала ҳал бўлди-қўйди. Мен индамай хонадан чиқдим.

ҳақиқатан ҳам, аввалги раҳбар XVI пленум руҳида ёзилган ва зиёлиларга сиёсий айб қўйилган беш-олти мақолани қўлимга бериб, одатича, ўнг кўзини юмиб: «Шуни ўзинг!..» – деб инжилган, шу боис, мен уларни йўқ қилганман. Кейин билсам, адабий муҳитни «тозалаш» учун кўзи тешилиб, уларни домла ёзган экан!

Шундай адабий танқидлардан бири ҳатто чиқиб кетган. Унда Шукрулло, Рауф Парфи, Тоғай Мурод ва Шароф Бошбековга сиёсий таълим берилган, қаламни қандай тутиб, қандай ёзиш лозимлиги уқтирилган!..

Хуллас, домла Одил Ёқубовга талаб солиб, мажлисларда уни калака қиласидиган, мени эса зимдан таъқиб этадиган қилиқ чиқарди. «Мана, ёнимизда бир деворий газета бор, дейди у, хашаки нарса келса, ўша ёққа ўтказиб юборинглар! Биз уларга кўрсатиб қўямиз, ҳали! Ва-ҳа-ҳа-ҳа!» Биламан, Одил Ёқубовга этак силкисам, бизнинг кўчадаям байрам бўлади, лекин, унда Саъдулла Ванноснинг филбонидан нима фарқим қолади?..

3.

Саъдулла Ванноснинг «Жаноби Олийлари, филингиз!..» деган ажойиб асари бор. Миразиз Аъзам домланинг «шарафи»га уни таржима қилган, биз эса, катта мамнуният билан «Ёшлиқ» журналида чоп этганмиз...

Усмонхўжаевга ўхшаган бир хукмдорнинг сут эмизувчилар синfiga мансуб зотдор фили бўлади. У қутуриб, ҳамма ёқни оёқости қиласи, шусиз ҳам қийналган одамларнинг уйини бузади, болаларини эзib-мажақлаб ўлдиради.

Шундан ҳаловат топади у. Филга қўл кўтаришга ҳеч кимнинг журъати етмайди.

Хукмдорнинг тантиғи, ахир!

Ахийри, одамларнинг сабр косаси тўлади. Улар саройга бормоқчи, шоҳга филинг дастидан дод, демоқчи бўлади. Шунда Закариё деган бир жабрдийда

отилиб майдонга чиқади, бу шунчаки арз бўлиб қолмасин, унга жиддий ҳозирлик кўрайлик, дейди.

Шундай қилиб, у: – Жаноби Олийлари, филингиз!.. – дея хитоб қилади. Оломон эса, жўровоз бўлиб: – Уйларимизни бузмоқда! – дея аюҳаннос солади.

- Жаноби Олийлари, филингиз!..
- Болаларимизни ўлдирмоқда!
- Жаноби Олийлари, филингиз!..
- Мамлакатни вайрон қилмоқда!

Хуллас, орзиқиб кутилган кун етиб келади. Улар шоҳ саройига боради. ҳукмдорнинг ваҳимали қабулига киради. ҳаммани суст босган, кимдир ҳовлиқсан, кимдир ҳаяжондан энтиккан.

Ниҳоят, ҳукмдор: – Нима сизни безовта қилди, ҳалойиқ, арз билан келишга нима мажбур этди? – деб сўрайди.

Шунда Закариё виқор билан олдинга чиқади ва жамоатга юзланиб, жуда баланд мақомда: – Жаноби Олийлари, филингиз!.. – дея хитоб қилади.

Лекин бунга жавобан ҳеч бир садо чиқмайди.

Закариё ҳайрон бўлади, имо-ишора қилади, кейин яна, аммо хиёл пастга тушиб: – Жаноби Олийлари, филингиз!.. – дея нидо қилади.

Лекин одамлар тош қотган.

Закариё безовта бўлиб, кифтини учиради, сизларга нима бўлди, ўзи, деб шерикларига жовдираиди, уларни руҳлантирмоқчи бўлади. Худди шу пайт: – Нима гап?! – дея ўдағайлайди шоҳ.

- Жаноби Олийлари, филингиз!..
- қарангки, оламни сув босган, ўлик сукунат!

Закариё саросимага туша бошлайди. Худди шу маҳал:

– Нима демоқчисан, ўзи?! – дея ғазаб қилади ҳукмдор. – Тўтига ўхшаб, филингиз, филингиз, деб чулдираисан?!

Закариёга ҳам жон керак, унинг ҳам калласи иккита эмас!

– Жаноби Олийлари! – дейди у, дунё тескари айланиб кетганини сезиб. – Сиз билмайсиз, бечора филингиз қийналиб кетди! Ёлғизлик ёмон! Унинг ёнига модасидан қўшиш лозим, агар зерикмасин десангиз, яна кўпайтириш керак!

Ҳукмдорнинг чиройи очилади.

– Ўзинг филбон бўласан! – дейди у Закариёга ва уни астойдил сийлайди, кейин филни кўпайтиради.

Мен ҳам, филнинг оёғи остида қолиб кетмай, деб зикланиб юрган ўша кунларда бир нима сабаб бўлиб, қишлоққа бордим. Аҳволу руҳиямни кўриб:

- ҳа, тинчликми? – деди отам.

Мен лўнда қилиб, икки оёқ бир этикка сиғмаётганини айтдим.

– Сиқилма, қушлар учиб келиб-кетади, лекин дараҳт жойида қолади. ҳар неки офат бўлса, унинг ўз кушандаси бор. Ўтиб кетади, бу кунлар!

Орадан уч ой ўтгач, шанба куни ишхонадан йўқлаб қолишиди. Тез етиб бордим. Сизни домла сўраяпти, дейишиди.

Кирдим.

У ҳамон ўша, будда ҳолича тош қотиб ўтирап, фақат қордан ясалганга ўхшар эди, юзлари кўпчиб, пахтадек оқариб кетган.

Домла менинг исмимни тутиб: – Мана бу саҳифаларни ол, – деди. – Мен учун ўқиб бер!

Саҳифалар иш столи устида ётарди. Энди билсам, шуни олиб узатишга ҳоли келмаган экан. Нимага десангиз, мен саҳифаларни унинг чап қўли остидан сугуриб олдим. Шунда илғадимки, қўли пахтадек кўпчиб кетган, яна ел тўзғитган баргдай титрайди.

Нима, қиёмат қойим бўлдими, деган ўйга бордим. Чунки мен, у шундай ҳолатга тушар, деб ҳеч ўйламаган эдим.

Хонага келиб, табиийки, саҳифаларни кўздан кечирдим, шунда тўртинчи бетда турган ғарибона таъзияга кўзим тушди. ҳайрон бўлдим. Унда газетанинг бошланғич партия ташкилоти котиби Ўткир Абдуазимов бевақт вафот этгани айтилиб, оила аъзоларига ҳамдардлик билдирилган эди.

Куни кеча мажлисда Лазиз Пўлатович уни XVI пленум руҳида ғажиб-еб ташлаган. Кейин ундан ҳамма ўзини олиб қоча бошлади, Ўткир ака эса, кун бўйи фойеда эзилиб сигарет чекди. Унга ичим ачиб, ахийри, бориб кўнгил бердим, кўп сиқилманг, Ўткир ака, менинг аҳволим сизницидан яхши эмас, дедим.

Тавба!

Бугун хунук бу хабар газета саҳифасига чиқибди. Ўзи ҳамма ёқда хосиятси бир шарпа кезиб юрганга ўхшайди.

Нима бўлди экан?

ҳали ёш эди-ку?!

Хаёлимни йиғиб улгурмай, хонага Намоз Саъдуллаев кириб келди.

– Кўрдингизми? – деди у, маъноли ишора қилиб.

Мен кўз учиди, нима гап ўзи, деб сўрадим.

– Нима десам экан? – У чўчиб, бир оз чайналди, лекин ёмоннинг иснодини айтиш майли қўрқувдан баланд келди. – Кечқурун соат ўн билан ўн бир орасида, партбилетни кўкрак чўнтақга солиб, устидан пичоқ урган!..

Домла дафн маросимига бормади.

Ўшанда митинг бўлган. Мухаррир ўринбосари Абдукарим Набихўжаев шогирди бўлмиш мархумнинг тобути устида кўз ёш қилган:

– Шу золим зулм қилмаса, бизга ўхшаб омон-эсон юрган бўлар эдинг! – деган.

Раҳматли кўп яхши одам эди. Чингиз Айтматовга ўхшаб кетарди. Мен унинг кўз ёшлари дарё бўлиб оққанига гувоҳман. Эллик ёшларда эди, чамаси.

Йўқ, мен Ўткир Абдуазимовни эмас, Абдукарим Набихўжаевни айтаяпман.

Шу воқеадан сўнг олти ой ўтиб, у ҳам оламдан ўтди. Совет идеологи Қаюмов уни еб-ичиб ташлади...

Гап шундаки, Абдукарим Набихўжаев видолашув маросимида ҳали фикрни якунлаб улгурмай, «ана кетди-мана кетди» бўлиб ётган «Ёш ленинчи» газетаси муҳаррири Рустам Шоғуломов унинг олдига ўқдек отилиб киради!

– Мавлоно, хиёнат!

– Фитнами, хиёнат?

Шоғуломов фитна билан хиёнатнинг фарқига бормас эди, у гаранг бўлиб, девордаги плакатга қарайди. Унда инқилоб жарчиси Владимир Маяковский дароз оёқлари ва бароқ қошини кериб, маст айиққа ўхшаб наъра тортади:

*Партия ва Ленин
қондоши, эгизак,
Она тарих учун
қай бири қиммат?
Ленинни англаймиз
партия десак,
Партия деганимиз
бу – Ленин демак!*

Табиийки, Ленин бобоси унинг хаёлидан ўтади ва у суиқасд қурбони бўлгани эсига тушади! Шу боис:

– Суиқасд! – дейди, кейин ўйлаб қараса, ўхшамайди, ҳар холда, Ленинни отишган, Қаюмов эса, кабинетда ўтирибди. Аммо бунинг нима аҳамияти бор?! Ташаббусни бой бермаслик керак! Бундай имконият ҳар қуни туғилмайди, ҳар қуни бир одам жонига қасд қилмайди-ку! – Устоз! – дейди у очиқчасига кўчиб.

– Мен сиздай доно сиёsatчи эмасман! Итингиз бўлай, ишда қолсам, бас! Ўзингиз кўриб турибсиз, фитна ҳам, хиёнат ҳам, суиқасд ҳам аралаш! Она тарих учун қай бири қиммат?..

Домла, улкан давлат арбобига хос виқор ва дабдаба билан ўрнидан қўзғалади, қўлини орқага қилиб, бир-икки залворли одим ташлайди, кейин ҳайбат билан юқоридан, жуда баланддан, ҳойнаҳой, Аъло Аршдан унга назар ташлайди.

– Мени бошқа бир нарса ўйлантиради! – дейди у, оламшумул ташвишини ошкор этиб. – Сен нима учун «Шо»сан? Мен ҳозир тепада ўтирганларга кўрсатма бердимки, улар Ботирхон Акрамовни ўрганишяпти, у чиндан ҳам «Ботирхон»ми, ёки «Ботир» бўлиб, «хон»ни ўзи қўшиб олганми? Жами ҳужжатини кўтаришди! Мен бир нарсадан хафаман, нима бу, ўзи? Нега сенлар феодал ўтмишни қумсайсанлар?!

Қаранг, қандай оламшумул масала! Домла шуниси билан зўр-дэ! Шунда қаёқдан ҳам Биринчи секретар, унинг исми-фамилияси Шоғуломовнинг хаёлидан ўтади. Ахир, Каттанинг ўзи «хўжа»-ку! Усмонхўжа, отаси – Бузрукхўжа! Аммо бу жуда қалтис масала! ҳатто айтиб бўлмайди! Ўйлаган ўйидан унинг ўзи чўчиб кетади. Шу боис, гапни айлантириб юборади, мозорбошидаги ўша сиёсий хуруж, унда ҳозир бўлган кимсалар, Набихўжаевнинг фикрини кўз учида, ёки бўлмаса, бош ирғаб маъқуллаган бўлгуси «халқ душманлар»и ҳакида қўшиб-чатиб маълумот беради...

Хуллас, Абдукарим ака фитна ва хиёнат содир этишда айбланди. Мазкур қўпорувчилик шахсан Лазиз Пўлатовичга қаратилгани учун сиёсий тус олди ва давлат аҳамиятига молик ижтимоий салмоқ ва ўткирлик касб этди.

Шавкатли совет қўшинлари хужумга ўтди. ҳаво хужумлари уюштирилди. Партизанлар ҳам қараб турган эмас, цехларда, бўлимларда қўпорувчилик ишлари содир этилди, душманга қақшатгич зарба берилди. Ахийри, бўлмади, Набиҳўжаев ўзини тўрт томонга уриб, ЎзТАГ-пўстакда (Совминнинг қарори билан!) бош муҳаррирлик ўрни очилишига муваффақ бўлди. Кейин уни расман шу лавозимга таклиф этишди. Ниҳоят, у расмий хат билан ариза кўтариб, Қаюмовнинг қабулига кирди.

Домла қараса, қўпорувчи ёт унсур чангалидан чиқиб кетаяпти. ҳолбуки, батамом яксон қилинган эмас!

У ишдан озод этиши сўралган аризага ва ЎзТАГнинг расмий мурожаатига кўз югуртиргач, ранжиған бўлиб ўринбосарига юзланди.

- Мен сенга таълим бердимми?
- Шундай, домла!
- Устоз отангдан улуғ!
- Биламан!
- Мен сенларга ишониб келдимми, шу ерга?
- Раҳмат, домла, минг раҳмат!
- Нима, сенга бир оғиз қаттиқ гап айтиб бўлмайдими? Уят эмасми, шундай қилиб юришинг? Бор, кўнгилни бўлмай, ишла!

Орадан бир ҳафта ўтгач, пастдан, кадрлар бўлимидан телефон бўлади.

- ҳа, Абдукарим ака, қаёққа кетаяпсиз?
- Ахборот агентлигига ўтаман, десам, домла қўймадилар!
- И-я! Агентликка домла ҳамشاҳрини ўтказди-ку, Ҳайдар Иброҳимовни! Нима, хабарингиз йўқми, ҳали? Лекин сизнинг аризангизга ҳам қўл қўйипти! Буйруқ берипти, уни расмийлаштираяпмиз...

У лолу ҳайрон, яна муҳаррирнинг қабулига киради.

Домла нафратини яширмай, жуда ёмон ўқраяди ва қўлини бигиз қилиб: – ҳали бу – бошланиши! – дейди. – Мен шундай қиласманки, туғилганингга пушаймон бўласан! Менинг совунимга кир ювмапсан, тирмизак!

Йўлакда турсам, бир одам, ўнг қўли билан юзини тўсиб, икки букилиб келаяпти, зўрга, кўзларидан оққан ёш тарновдан қуюлаётган ақовами, дейсиз.

Ё Раббим!

Бандангнинг кўзидан шундай ёш оқиши мумкин экан-да!..

Мана шундай ғалати ишлар бўлган, ўшанда. Бир-биридан яхши инсонлар хор бўлиб ўлиб кетган.

«Ёшлиқ» журналига ишга ўтишдан аввал, бир куни домла мени йўқлаб қолди.

Бу сафар у жуда мулойим муомала қилди.

– Анави ёшлар билан муносабатинг қандай? – деб сўради у, сирли ва ҳалим овозда.

- қайси ёшлар? – дедим, ҳайрон бўлиб.
- Рауф Парпи, Усмон Азим, Мирза Кенжа...
- Улар билан яқин эмасман.

Домла менинг қўзимга тикилиб қаради, айтган гапим тўғри эканига ишонч ҳосил қилгач, алам билан хўрсиниб:

- Булар фашистдан ҳам баттар экан! – деди.

Ажабланиб, билмасам, деб кифт учирдим. Издошларини³² у шундай оғриқ билан тан олган. Бир кун келиб, шундай бўлиб чиқади, деб ўйламаган эдим. ҳайрон бўлиб қолдим, домла эса, оғир ўрнидан қўзгалди.

– Мени ЦэКага чақиришган, – деди у синик жилмайиб. – қичиидиган жойларни қашиб қўймасак, бўлмайди!

Кейин мен ёшлар журналига ишга ўтиб кетдим. Домлани қайтиб кўрмадим...

Усмонхўжаев қамалгач, униям бир четга суриб қўйиши.

Орадан йигирма йил ўтгач, домла оламдан ўтди. Ўзбекчилик, таъзияга бордик. Домла билан ишлашган одам, бир яхши сифатини эслаб, шуни айтгиш бурчим, аммо мана шу кечинмадан бўлак ҳеч нима келмади, хаёлга! Ундан ҳам ёмони, таъзияхонада ҳеч ким йўқ, ҳатто ит ҳам! Тавба деб ёқа ушладим, нима бу – ҳаётми ёки Иблис васвасаси?! Қани у – асьасаю дабдаба?! Қани у – тантанали қабуллар? Қани у – қиличидан қон томган золим сиёsat? Шундай баланд мартабали саёsat бир кун келиб наҳот шундай шўриш ва хорликка юз тутса?!

Кимга керак бу?

Ва нима учун?!

Кейин билсам, домла ўшанда йўлни очиб беришга мажбур бўлган экан, у кўтарган ялов аллақачон тўзғиб кетган, издошлари эса, ислому адолат ялови остида майдонга чиқсан!

Хуллас, элликка яқин ёш зиёли уни кўчирмакашлиқда айблаб, Москвага, ЦэКа КПССга хат ёзган...

Уларнинг даъвосича, домла ўзи бир-икки бет матн ёзиб, яна фалончи бу ҳақда шундай деган, деб уч-тўрт бет кўчирмани улаб юборарди, лекин уни кўштириноқ ичига олмай ўзлаштиради!..

Ўша ёшларга ҳам ҳайронман, замонамиз қаҳрамони бўламан деб туппа-тузук одамсимон маймунни ва унинг гулдай «хунар»ини расво қилишди!

Хуллас, бу кўп синовдан ўтган усул, менинг эмас, ўша домланинг қўли. Кўчирмачи деманг, окоси, просто китобни тўлдирвомман...

Хелмут Цемки:

³²

Ёшларнинг севимли шоири Рауф Парфи бундан мустасно.

— қарноқ³³ икки қир орасида жойлашган кичкина қишлоқ, қир-адирлар оралаб, солланиб дарё оқади. Олис уфқларга туташи пахтазор ва бош устингда мовий ранг осмон. У Самарқанддаги қадимий кошоналарнинг маҳобатли гумбазига ўхшайди. қарноқ шу гумбаз остидаги бир чимдим ўлаат.

Одил Ёқубов мана шу жойда, Чимкент вилоятининг Туркистон туманида туғилиб-ўсган. ҳаёт дарёси қаёққа уни олиб учмасин, жондан азиз қишилогидан ҳеч узилган эмас.

Мана, шунга ҳам эллик йилдан ошиди. Оғир ва уқубатли қаҳатчилик йиллари. Шундай мушкул замонда у пушти-паноҳидан айрилиб, бир этак бола – укалари билан етим қолади. Ўшанда Одил ўн бир ёшда эди. Лекин яшаши, оиласи тебратиши керак.

Ўша кезлар пахта ҳаёт рамзига айланган. Одил ҳам пайкалда тер тўқди, иродаси меҳнатда тобланди. У 1944 йилнинг охиригача қишлоқ хўжалигида ишлади. 1945 йилнинг январида эса, эр етдим деб, ўзини оқлаб олиши учун ҳарбий хизматга отланди, Порт-Артурдаги жангларда иштирок этди. Киндик қони томган ерга ёргу юз билан қайтди.

қарноқ ўзига хос мўъжаз бир дунё эди, унинг учун. Бироқ учқур хаёллар Одилни улкан шаҳарга етаклади. Тошкентга келгач, унинг азалий орзуси рўёбга чиқди, университетга кириб, тил ва адабиёт бўйича таълим олди...

Ва орадан кўп йиллар ўтгач, биз Одил Ёқубов билан мана шу азим шаҳарда дийдор кўришидик. Бу вақтда у жаҳон миқёсида донгдор ёзувчи эди, бизнинг учрашувга ҳам «Улугбек хазинаси» сабаб бўлган.

Одил Ёқубов Шарқнинг улуг алломалари Абу Али ибн Сино ва Абу Райхон Беруний ҳақида роман ёзган, бу асар ҳикматли ривоятлар ва тарихий далиллар асосига қурилган. Ва жуда қимматли.

У замонавий мавзуда ҳам қатор асарлар яратган, шулардан бири «Диёнат»дир. Бу роман жуда кўп тилга таржима қилинган ва нуфузли мукофотларга сазовор бўлган. Шундай бўлса-да, адаб улуг аждодлари қисматига қайта-қайта мурожсаат қиласи.

Ўтмишини унутганинг келажаги бўлмайди...

Анҳор бўйида, сўлим хиёбонда Одил Ёқубов билан сухбатлашиб ўтирибмиз. Адиб буни «бир пиёла чой устида гурунг» дейди. У менга ўйчан тикилади, кейин вазмин оҳангда: «Мана, Самарқандни ҳам айланиб келдингиз, – дейди. – қўҳак тепага чиққандирсиз? Мен ўша жойда Улугбек хаёли билан неча тонгни бедор оттирганман!»

Адибнинг ҳикояси хаёлингни мозийга етаклайди.

Гўзал Самарқанд...

Афсонавий, улугвор шаҳар. Шарқнинг ноёб жавоҳири. Уни Гёте бежиз улуглаган эмас. Бу шаҳарни кўрмапсиз, дунёга келмапсиз.

³³ 1983 йили Олмониянинг «Нойес Лебен» нашриёти «Улугбек хазинаси»ни Гюнтер Йенихе таржимасида чоп этади. «Янги олам» журнали эса, адабнингижод йўли ҳақида салмоқли тадқиқот эълон қиласи. Мазкур мақола аслида шунингбирқисми.

Афросиёбдан қўҳак тепагача икки қадам. Дафъатан бу ерда рус археологи Вяткин мармардан ишланган эллик беш метрлик сектантнинг қолдигини топади. Кейинчалик антрополог Герасимов Улугбекнинг бош чаногига асосланиб, унинг сиймосини яратади.

Суратда ўйчан ва сирли боқиб турган мана шу зот 1449 йилнинг 27 октябрида сушкасд қурбони бўлади.

Тун чўкиб қолган. У Маккага, Ҳажз зиёратига бораётган эди.

Зулм ва жаҳолат офтоб тигида тумандай тарқаб, салтанат ва сultonлар юз тубан кетади, улар завол топади, аммо мумтоз сиймолар, улар кўрсатган сабот ва матонат, улар яратган асарлар мангу яшайди, дейди Улугбек эзгулик элчиси каби!..

ҳақиқатнинг қўзига тик боққан, Ҳаққа ташна ўтган мутафаккир кир ва қонли хуружни писанд этмайди. қуёшининг юзини тўсаман деган қора кучга зид интилиши унинг бошига қулфат ва мусибат олиб олиб келади. Расадхона вайрон этилади, маърифат ўчоги “Қирқ жин мозори” деб эълон қилинади. Шундай доно шоҳ, замонанинг пешқадам фозили ўлимга маҳкум этилади. Яна ўз ўғли томонидан!..

Нега? Нима учун?

Нур ва зулмат ўртасидаги кураши шафқат ва омонлик билмайди. Шу боис, мазлумнинг йўлини ёритиб турган чироқни ўчирадилар.

Хўш, бу зот умрини қандай кечирди? У қандай яшади? Аслида, у ким ва қандай шахс эди?!?

Ўша оғир ва мураккаб замон, Мирзо Улугбек шахси адабни бејиз ўйлантирган эмас. Бу мумтоз аллома шахси ва фаолияти ўз даврида қизгин баҳсларга сабаб бўлган.

Улугбек тузган юлдузлар жадвали ва астрономик жадвал Тихо де Брахени даврига қадар ягона ва мукаммал тадқиқот ҳисобланган. Француз олими Пьер Симон Лаплас шу ҳақда фикр юритиб, Улугбекнинг «Зижи Кўрагоний» асари ҳозир ҳам асл қимматини йўқотган эмас, дейди. Шундай кашифиёт яратган ва мамлакатни обод этган тоҷдор нега бундай кўргуликка гирифтор бўлди? Унинг юрагида нималар бор эди?

Одил Ёқубов шунга жавоб излайди, маълумки, «Улугбек хазинаси»га қадар аллома яшаган давр ва унинг шахси сифатидаги фаолияти қатор асарларга манба бўлган. Одил Ёқубов эса, бетакрор тадқиқ йўлидан бориб, Улугбекнинг маънавий олами, қалб тугёнларини ўзига хос йўсинда очиб беради. Ва мен асадан олган таассурот тасдигини ҳар қадамда ўз кўзим билан кўраман.

Мана, биз ёзувчи билан яна бир тепалик устида турибмиз. Бу ер 1966 йилнинг 26 апрелида бошланган Тошкент зилзиласининг қоқ марказидир.

Одил Ёқубов талабалик кезлари мана шу ерда, Эски шаҳарнинг бир мавзесида истиқомат қилган. Бу ерни у қарноқдан кейинги қадрдан жойим, деб билади. Ва ўша дамларни эслаб: «Одамлар кечқурун пешайвонга қувача осиб қўйишарди, – деб ҳикоя қилади. – қувачада сут бўларди. Йўқ, улар

азонгача сут муздай бўлиб турсин деб бундай қилмас эди, ўша қувачалар эгалари тирик эканидан ва ҳамон шу ерда яшаётганидан белги бераб туради!»

Бу гапда рамзий маъно бор. Улугбек замонини ўша, еру осмон жунбушига келган, оғир зилзила қўпган машъум кунларга қиёслаш мумкин.

Ер ёрилиб кетган. қасрлар вайрон бўлган. Соатлар тўхтаб қолган.

Бундай вақтда одам ўзининг тириклигини билдиришини истайди.

Катта маънода!

Еру осмон тугён қилганида, Улугбек минглаб кўзачаларда сут осиб қўйган! Бу – унинг маърифати, мислсиз кашифиётлари, қилган хайрли ишлари, шогирдлари ва ийққан нодир китоблари...

ҳар бир нарса теран маъно-мазмунга эга, жумладан, адаб айтган «икир-чикир»лар ҳам! Мадомики, улар бизнинг ёдимиизда экан, ўтмишишимиз ҳам яшаётган бўлади.

Одил Ёқубов романида шунга таянади, ўзи тадқиқ этаётган ҳар бир кечинмадан ибратли хулоса чиқаради. У муайян тўда фожиасини, исломиятга зид амалларни ва бунинг аянчли оқибатларини қўрсатиш асноси, одам авлодининг ҳақлик ва ҳаққоният йўлидаги курашини қатъий ишонч билан теран очиб беради.

Инсоний саодатни, поклик ва ҳалолликни, оқиллик ва маърифатни ардоқлаб яшашига ундов «Улугбек хазинаси»нинг қон-қонига сингиб кетган. Асарда Улугбек ва унинг тақдирига таъсир қўрсатган воқеалар, тарихий шахслар қисмати ўз вақтида қандай рўй берган бўлса, худди шундай, бутун чигаллиги билан рўй-рост ифода этилган.

Биргина Улугбекнинг ички тугёнини олиб кўрайлик. У буюк тождор ва тенгсиз аллома. Мана шу икки қутб ўртасидаги кураш доимий равишда давом этади. Ва бу зотнинг тизгинсиз инсоний кечинмаларини тасвирлаш орқали адаб бизга унинг ички оламини очиб қўрсатади.

У илоҳий салоҳият соҳиби эмасми, табиийки, ижтимоий табақада тутган мавқеи ҳақида, салтанат ва маърифат ҳақида кўп ўйлайди, алал-оқибат, ўша замоннинг қатор улуғ сиймолари каби, кўнгил кўзи кўр бўлган амиру уламоларга қарши туриб қолади. Агар, у тождор ёки улуғ аллома бўлмаган тақдирда ҳам, бир ҳалол инсон сифатида бу йўлдан қайтмас эди, тутган йўли эса, ҳалокатга олиб бориши мұқаррар.

Бу кундай равишан ҳақиқат.

Улугбек фожиасининг теранлиги шундаки, у мана шу ҳақиқатни қўриб-билгани, англагани ҳолда курашиб яшайди.

қани, ўзингиз айтинг, бу нурли сиймони маҳв этиши билан мудом ҳаракатда бўлган ва олга интилаётган тараққиётни, агадият қонунини тўхтатиб бўладими? Одам авлодини ўзи собит бўлган ойдинлик йўлидан орқага қайтарши мумкинми?

Асарда Улугбек интилиб яшаган келажак вакиллари ҳам кўзга яққол ташланиб туради.

Айниқса, Али қүшчи! Унинг фозил инсон сифатидаги олижсаноб хислатлари, балогату фасоҳати ўқувчини маҳлиё этади. Назаримда, бу сиймо теран рамзий маънога эга. Улугбек бошлиб берган йўлда у мудом собит. Мушкул ва мураккаб вазиятда, ҳатто ўлимни писанд этмай, бир фидойи сифатида ўзининг инсоний бурчини вижданан адо этади.

Золимлар Улугбекнинг бебаҳо хазинасини, унинг нодир китобларини ёқиб юборишга амру фармон берганида, бу ноёб жавоҳирлар Али қүщининг жасоратга тўла ҳаракати билан сақлаб қолинади.

Бу бир афсонами ёки шундай воқеа бўлиб ўтганми?

«Биласизми, нима, – дейди адиг, – бу саволингизга, ҳа деб ҳам, йўқ деб ҳам жавоб берши мумкин. Устозининг ўлимидан сўнг Али қүшчи ўша нодир китобларни Самарқанддан олиб чиқиб кетган. Мен шу ҳақда ўқигач, бунинг тарихи билан қизиқа бошладим. Тарихни ўргандим, сизга ўхшаб, Самарқандга бордим, аста-секин бу улуг зот руҳий-маънавий ҳурлик ва ёргу тилаклар йўлида қурашиб, машъум кирдикор қурбони бўлганини ва бу оддий фожиа эмаслигини англаб етдим. Бундай олиб қараганда, Али қүшчи устозининг нафақат бебаҳо меросини, ўша, олтиндан қиммат китобларни, балки инсоний комиллик ва илмий-маънавий тараққиёт руҳини ҳам асрраб қолган!»

Одил Ёқубов яна бир улуг аждоди, мумтоз шоир Алишер Навоий сиймосига ҳавас ва ҳайрат кўзи билан қарайди. «Алишер Навоий ҳам Улугбек кабидир, маънавий-руҳий оламининг поёни йўқ! Ва дунёдаги энг табаррук мутафаккирлар сирасига киради. Улуг бобомиз доим бизга раҳнамо бўлиб, ҳар бир қадамимизни кузатиб, азизларим, мана бу ишингиз яхши бўляяпти, мана бу ишингиз эса, унча ўринли эмас, деб йўл кўрсатиб тургандек туюлади, менга».

Улугбек салтанат соҳиби эди. У тожу таҳтдан ҳам, илм-маърифатдан ҳам кўнгил узмай, икки азим дарёни бир бутун ҳолга келтиришига интилиб яшади. Аниқроги, унинг жисмida иккита Улугбек ўзаро баҳс этиб, қурашиб келди. У мислсиз аллома сифатида ўз замонидан ўзиб кетгани ва нурга, зиёга талпингани қанчалик ҳаётий бўлса, буни қўра олмайдиган разил қучнинг унга қарши чиқшии ва зид йўл тутиши ҳам шунчалик табиийдир. Мана шу қарама-қаршилик унинг фожиасини келтириб чиқарди.

Улуг шахснинг фожиаси ҳам улуг бўлади.

Ва бу фожиа «Улугбек хазинаси»да бор бўйи билан теран очиб берилган. Шу боис, у кишини ларзага солади. Инсон умри, ҳаётнинг маънозмазмуни, нур ва зулмат ўртасидаги азалий қураш ҳақида ўйлашга даъват этади.

Рауф Парфи:

– Ваҳший дунё, қонхўр дунё қутурди,
Инсон фарёдига тўлди Коинот.

*Набийлар, расуллар, шоирлар турди:
– Чора, чора! – деда сўради најсом...*

10. Иблис салтанати

XVI пленумни ҳар ким ўзича талқин қилган. Биз, ёшлар аввалбошда жуда мамнун бўлганмиз, чунки зилзила қўпиб, қоялар титраб кетган, чақмоқ чақиб, зулмат ёришган эди, гўё. Ва айтиб бўлмайдиган аччиқ ҳақиқатлар юзага чиқа бошлаганди.

У замон шундай эди, йиллар давомида ҳеч бир ўзгариш бўлмасди. Дим ҳаво нафасингни бўғиб, зарра шамол эсмаган саратоннинг жазирама кунларига ўхшарди, кўнгилсиз, бир хил ранг, бир хил оҳанг ва муттасил навбатда туришлар...

Юракка тўкилиб кетган эди, бу!

Шундан зиқланганда, бошимизга чиқиб олган нопок ва жирканчни нега ишдан четлатмайди деб ҳайрон бўлар эдик, кейин, ҳойнаҳой, шундай идора борлиги Каттанинг эсидан чиқиб кетган бўлса керак, деб қўярдик...

Мана шундай кайфиятда, қандайдир юмуш билан Одил Ёқубовнинг уйига бордим, ғира-шира меҳмонхонада ёлғиз бир ўзи ўтирган экан, у жуда хомуш эди. қўлида – газета, ундан бош кўтарай демайди. Одатига хилоф равишда ортиқча илтифот қилмади, кўзойнак устидан чимирилиб бир қараб қўйди, холос.

Анчадан сўнг:

- Пленум ҳақида ёшларнинг фикри қандай? – деб сўради бўғиқ овозда.
- Яхши, – дедим мен.
- Нимаси яхши?
- Шунча ҳақиқатлар очиб ташланди. Аввал уларнинг кўзбўямачи эканини айтиб бўлармиди? Биринчи секретарнинг ўзи, олдинги раҳбар менинг кўзимни боғлаб қўйган, деяпти-ку, ахир??

– Ёшлар шундан хурсандми, ҳали? – деди адиб истеҳзо билан, сўнг яна кўзойнак устидан, худди ҳаммасига мен айбордек, норози бўлиб зардали тикилди. Ва ниҳоят: – Бу – жуда ёмон аломат! – деди у бошини қўтариб. – Бу – катта мусибатнинг бошланиши! Ўттиз еттинчи йили худди шундай бўлган! Эллик учда ҳам!..

Мен ноқулай аҳволда қолдим, чунки ҳали ёш эдик, ҳаётнинг паст-баландини билмасдик. Шу боис, масалага бошкacha кўз билан қарадик. ҳали айтганимдек, ҳаётдаги бу ўзгаришлар тозариш ва яшаришдан дарак беради, деб умид қилганмиз. Шу сабаб, тошқотган биқиқ муҳитга мусаффо ҳаво сизиб киргандай хушҳол ва најотбахш кайфият уйғотган. Шунинг учун Одил Ёқубовнинг фикрига қўшилгим келмади. Ва шундай ёзувчининг биз истаб турган ўзгаришга қарши чиқиши жуда нохуш туюлди.

Мен нигоҳимни олиб қочдим ва ҳамон қўлида тутиб турган газетага кўз қиримни ташладим ва кўрдимки, нутқнинг ҳар бир банди қизил қалам билан чизиб ўқилган.

Одил ака менинг кайфиятимни сезмасдан қолмади. Шунинг учун бўлса керак, жуда асабий ва ҳасратли овозда:

– Сиз ҳали ёшсиз! – деди. – Мен ҳам бир вақтлар бу масалага шундай қараганман! Отам қамоқда ётибди, мен бўлсан, душман қидирганман! “Халқ душманлари” қораланиб, уларнинг “дум”лари фош этишга ундалган митингларда жавлон урганман!

Ўша издиҳомга мени нима етаклаб борган? Буни энди англаяпман. Ўшанда эса, карнай-сурнай ва ноғора садоси, оташин маршлар қулоғимга чалиниши билан юрагим ўйнаб, оёғимни қўлимга олиб, қизил байроғу алвон шиорлар билан безалган шаҳар боғига қараб чопганман...

Бу жуда ғалати ҳодиса ва унга хушёрлик билан ёндошиш зарур. Нимага десангиз, у саробга ўхшайди, одамнинг кўзини боғлаб қўяди. Шундай акс ва сирли жараён.

У бир зум тин олди. Кейин бўғик ва ҳаяжонли овозда давом этди.

– Раҳматли отам қип-қизил коммунист бўлган. Униб-ўсган шаҳримизда раҳбар эди. Тузумга шу қадар собит эдики, ҳатто бобом намоз ўқийман деса қўймасди. Лекин, бари бир, ўттиз еттинчи йили уни ҳибсга олиб, «халқ душмани» сифатида отиб ташлашди.

Мен уни охирги марта турмада кўрганман.

Ўшанда ўн бир яшар бола эдим, лекин отамнинг адолат ҳали қарор топади, бу кирдикорни ички душманлар қилаяпти, афсуски, ўртоқ Сталин билмайди, деб ёниб-куйгани, шуни онамга уқтиргани ҳамон ёдимда.

Раҳматли шу ҳасратда ўлиб кетди.

Тасаввур қилинг, миллион-миллион беайб ва бегуноҳ, насл-насаби тоза одамлар мана шундай ўйдирма билан қатл этилди.

Хўш, бу кимга керак? Ва нима учун?

Ўн еттинчи йили ва ундан кейин қирғин тузум ўзини тозалаб олиши учун қилинган, дейлик. Лекин, ундан кейинги қатағонлар-чи? Эллик учинчи йили яна қанча одамнинг ёстиғи қуриб кетди. Мана, ҳозир яна...

Тўғри, мустабид сиёsat шундай бўлади, ўзи. Вақти-вақти билан қирғин қилиб, одамларнинг кўзини қўрқитиб турди, бўлмаса, пичоқ бориб, суюкка қадалгач, мазлум кўтарилиб кетиши мумкин. Лекин бу оғат ёлғиз бизнинг бошимизга тушгани йўқ-ку! У бошқа халқларни ҳам четлаб ўтган эмас!

Мен ҳаётнинг паст-баландини кўриб, бошим қўп деворга урилиб, шуни англаб етдимки, бу фақат золимлик эмас, бу бир сир-синоат, бу бир тилсим. Ўша манфур сиёsat худди ёнма-ён айланадиган иккита даҳшатли гирдобга ўхшайди, одамни ўз комига тортиб кетади, жамиятни иккига бўлиб ташлайди. Нимага десангиз, ўша замонда одамлар отамга ўхшаган жабрдийдаларга зифирча ачинган эмас! Балки «халқ душмани» сифатида нафратланган! Ҳатто борди-келди қилиб юрганлар ҳам!

қани, айтинг-чи, бу тасаввур, бундай қарааш қаёқдан пайдо бўлди?

Нега одамлар ўзи кўриб-билиб юрган ҳамкасбига, қўни-кўшнисига, дўсту биродарига эмас, балки мана шу бўхтон ва ўйдирмага астойдил ишонди? Чунки улар буни муҳокама қилиб ўтиргани йўқ. қирғин даҳшати, ваҳм-саросима бунга йўл берган эмас. Камдан-кам покиза, иймонли ва иродали одамлар бу ҳақда ўйлаб кўрган, холос. Шу боис, кўпчилик ҳатто биз, болаларга ҳам нафрат кўзи билан қараган. Ва мана шу оғир юкни кўтариб улгайганмиз.

Кечалари қон йифлаб чиққанимиз, ёстикларимиз жиққа хўл бўлган, лекин ўша, ногора садоси қулогимизга чалиниши билан юрак ҳаприғиб кетаверган.

Нега шундай бўлган? Нима, Сталин зормиди шунга? Ахир, у қатағонсиз ҳам жамиятни бошқара олар эди-ку?

Нимагадир бу ҳақдаги қараашлар юзаки. Биз одамлар ноҳақ айблангани, ўлимга маҳкум этилгани ва уларнинг авлоду зурриёди кун кўрмай ўтиб кетгани ҳақида кўп сўзлаймиз, лекин юрак ютиб, қабоҳатнинг чиркин илдизига тикилиб қарамаймиз, журъатимиз етмайди, шунга!

Одатда, қатағон маҳали жамият иккига бўлинади ва халқнинг асл қатламини унинг зидди бўлган куч қириб ташлади. Бундай вақтда одамнинг қадр-қиммати сариқ чақага арзимай қолади. Йиқилганни босиб-янчиб ўтиш кишига ҳузур бағишлади ва душман қидириш ёмон бир касалга айланади.

Одам боласини шунчалик хор этадиган, хўрлаб-ҳақоратлайдиган қандай куч, ўзи?

қаранг, кап-катта раҳбар, олдинги «Биринчи» менинг кўзимни боғлаб қўйган, деяпти?

холбуки, масаланинг моҳиятига ўттиз еттинчи йилдан келиб чиқиб қарасак, одамларнинг кўзини боғлаётган, аслида, унинг ўзи!

Тушунаяпсизми, бу сиёsat кўз боғлашдан бошқа ҳеч нарса эмас!

Нима эмиш, «тозалаш» ўтказар эмиш!

Бир қараашда, бу – яхши, эзгу мақсад билан қилинаётир, лекин, аслида-чи? Ахир, бу жамиятни бўлиб ташлаш ва одамларни бир-бирига едириш-ку?!

Сиртдан қарасанг, аччиқ ҳақиқат барадла айтилаётир, таракқиётга тўсик бўлган нопоклар синдириб ташланаётир, адолат рўёбга чиқаётир. Лекин, аслида-чи? Жамиятдаги иллатлар мисол тариқасида айримларга тўнкалади, кўрдингизми, ким яхши яшшимизга тўскинлик қилган, ким ҳаётимизни бузиб ташлаган, ким ички душман, деб улар рўкач қилинади. Кейин мисол учун “айбдор”лар хўрлаб-ҳақоратланади, қамалади ва отиласди.

Халқнинг етакчи қисми душманга чиқади, уларни қиличдан ўтказаётган адолатпарварга айланади. Яъни, оқ қора бўлади, қора эса, оқ.

Бу – нима дегани?

Ўша, “халқ душманлари” ҳам аслида ижрочи, марказнинг кўрсатмасини қилган, партиявий бурчини бажарган. Вакт ўтиши билан бу ҳақиқат юзага чиқади ва улар оқланади. Ўша кирдикорни содир этганлар эса қора бўлади. Лекин, мудхиш хатони тузатиб бўлмайди. Ўлган ўлиб кетади, уйи куйиб

қолади. Аммо уларнинг қонини ичган отдан тушсаям, эгардан тушмайди. Қолганларгаям кун бермайди. Бу шундай чийратма жараён...

Мана, кеча пленумда жуда кўп одам қораланди, ҳаётда қандай ноҳақлик содир этилган бўлса, барчасига гўё улар айбдор. Халқнинг қахру ғазаби уларга қаратилди.

холбуки, бу одамлар марказ чизиб берган чизиқдан чиқиб кета олмасди. Ўз майлича қўзбўямачилик қилиб, нима, боши иккитами?! Аммо ҳукумат уларни юзиқора қилди.

Хўш, энди нима бўлади?

Бечоралар бирин-кетин ишдан олинади, партиядан ўчирилади ва жиноий жавобгарликка тортилади. Тергов жараёнида эса, истайсизми-йўқми, яна кимларгадир қўрсатма берилади. Бермаса, ташкил этилади. Шу тариқа, “халқ душманлари”нинг «дум»лари, «яқин»лари ва «қариндош-уруг»лари ҳам бадном этилади, керак бўлса, жавобгарликка тортилади. қолганлар хурсанд, томошабин бўлиб туради. «Дунёдаadolat бор экан-ку!» – дейди. Лекин гал ўзига келганида, саросимага тушиб, бошини қаёққа уришни билмай қолади. ҳатто ўзини ҳимоя қила олмайди. Хавфсизлик хизмати, суд-тергов нима эканини сиз қаёқдан билар эдингиз?!

Уларнинг таҳдиidi кучайиб, одамлар майдалашиб кетади, ҳатто бирорнинг бошига тушган баҳтсизликдан севинади. Парокандалик, хўрлик ва ҳақоратлар, жудолик ситами халқнинг ваҳмини қўзғайди ва иродасини синдириб ташлайди.

Аввал ҳам шундай бўлган, ҳозир ҳам шундай.

Тарих такрорланаяпти, холос.

Лекин бир нарса мени ҳайрон қолдиради.

Нега одамзод бир-бирига шундай аянчли қисматни раво кўради, учовлон бир бўлиб, тўртинчи одамни қатл этади? Ва яна ўзининг қаттоллигини ҳақпарварлик деб билади?

Шундай бўлиши мумкинми, ахир?!

Чукурроқ ўйлаб қарасак, бунда ўша, ноғора садосига ўхшаш сехр ва жоду бор...

Шахсан мен Ҳақ таоло шундай зулмга йўл очиб, ижросини совет ҳукуматига топшириб қўйганига ишонмайман. Бундай бўлиши мумкин эмас! Нимага десангиз, қатағонда асосан палаги тоза, иймон-эътиқоди мустаҳкам, нурли ва покиза инсонлар қурбон бўлган. Азоб-уқубатга дучор этилган, қийнаб ўлдирилган руҳоний ва уламоларнинг ҳисоби йўқ...

Демак, оламда Яратганинг хоҳиш-иродасига зид ҳаракат қиласиган, дунёни тескари айлантириб юборадиган яна қандайдир куч бор! Эҳтимол, бу Оллоҳнинг қаҳрига учраган Иблиснинг кирдикоридир?!

Лекин, у абадий эмас! Шунинг учун бир вақт қораланган шахслар яна оқланади, золимликни содир этган қонхўрлар эса, қораланади...

Одил Ёқубовнинг даъвоси ўшанда менга ғалати туюлган. Лекин орадан йиллар ўтгач, кўп нарса ойдинлашди...

Бир куни, кечкурун, хиёбонда айланиб юриб, Одил Ёқубов Бухородан келган бир машъум хат ҳақида гап очди.

«Одил ака, деб ёзибди ўша хат муаллифи, узоқ ишлар хўжаликка раҳбар бўлиб ишладим, эл ичиди обрўйим ёмон эмас. Лекин бошимга мушкул ташвиши тушди. Мениям «пахта иши» бўйича айблашяпти. қамамасдан қўйишмайди. Ўзингиздан қолар гап йўқ. қамалдингми, тамом, бадном бўласан. Менинг эса, битта ўғлим, иккита қизим бор. Эртага бу қизларни ким келин қиласди?»

ҳеч ким! «Фалончининг боласи-да», дейишади. Ўғлим эса, жамиятдаги ўз ўрнини йўқотиб қўяди. Ишга кираман деб қаерга бормасин, ҳужжат тўлдириши керак, унда эса, «қариндошлардан биронтаси олдин ёки айни кунда жиноий жавобгарликка тортилганми» деган банд бор...

Мана шуни ўйлаб, тоза бошим қотди, ахийри бир йўлини топдим. Болаларимнинг келажагига зомин бўлмаслик учун, қариндош-уруг, эл-юрт обрўйига тегмаслик учун биратўла этак силкимоқчиман, фақат сиздан бир ўтинчим бор, Одил ака!

Бу менинг сўнгги ўтинчим!

Бу қора кунлар ўтар, ёруғ кунлар келар ҳали, шунда бир бизникуга келсангиз, фарзандларимни ўртага олиб тушунтирсангиз, отанг яхии одам бўлган, ҳалол-покиза инсон эди, фақат ҳақсизликка чидай олмай, азбаройи сизларнинг келажагингизни ўйлаб, ўз жонига қасд қиласди!

Илтимос!

Биламан, улар сизга ишонишади...»

Хатни ўқигач, юрагим орқага тортиб кетди. «Бундай қиласди! Ўз жонига қасд этганни Қодир Эгам кечирмайди!» – деб унга жавоб ёздим ва шу заҳоти Бухорога одам жўнатдим, лекин, афсуски, кеч бўлган экан...

Одил ака оғир сукутга толди, кейин қайрилиб, шиддат билан уйига қараб юрди. Учинчи қаватга кўтарилигач, у музлатгичдан ароқ олиб очди ва пиёлани тўлдириб сипкорди.

– ҳаммаёқ ёниб, тутаб ётибди! – деди қаҳр-ғазаб билан. – Халқни қовуриб ташлади, булар! Вазият ниҳоятда чигаллашиб кетди. Кўчага чиқсанг, қамоқдан қочган каллакесарга дуч келгандай ўқраяди, анавилар!

У қўлидаги пиёлани тўлдириб яна ичди, сўнг бўғиқ ва зада овозда: – «Литературная газата»да уч-тўртта терилган мақолам ётибди, – деди. – Биронтаси чиқса, жиндай фикр ўзгарапмиди? Йўқ, бермайди, беришмайди!..

ҳақиқатан ҳам, ўша даврда марказий матбуот ўзбеклар уюшган жиноий қавм, золим ва қароқчи, кўзбўямачи ва қонхўр, бир сўз билан айтганда, совет халқларининг ашаддий душмани деган тушунча бериб ултурган эди.

Улар ажабтовур уйдирма ёярди. Нима эмиш, хавфли-хатарли жиноятчини қўлга олиш учун гдлянчилар ярим кечаси бтэрларда бостириб борар эмиш! Нима эмиш, ёвуз жиноятчилар заҳарли илондек ҳамла қиласди!

Совет замонида наҳот шундай қилиш мумкин бўлса?!

Аммо совет халқи ана шу уйдирмага ишонди!

Кўраяпсизми?!

холбуки, айбдор деб топилган инсонлар аллақачон хавфсизлик хизмати ертўласидан жой олган эди. Уларни кўриш илинжида йўл босиб келган шўрлик онаси ёки муштипар аёли, кўлида ғарибона тугун, уззу-кун ўша идора олдида, офтоб тифида эзилиб-саргайиб ўтиради.

Ўша бечораларнинг тутдай тўкилиб, қон ютиб ўтирганини, адолат истаб ҳар эшикка бош урганини, хору хазон бўлганини биз ўз кўзимиз билан кўрганмиз. ҳақиқатан ҳам, инсоннинг қадр-қиммати сариқ чақага арзимай қолганини ва ҳар биримиз шундай аянчли аҳволга тушишимиз мумкин ҳеч гап эмаслигини юрак-юракдан ҳис қилганмиз.

Одил Ёқубов пиёлани бир четга қўйди-да, телефонга узалди, кейин жаҳл билан рақам тера бошлади. Ба, ниҳоят, «Литературная газета»нинг Бош муҳаррири ўринбосари билан боғланди.

—...Ахир, сиз зиёлисиз-ку! Нима, бунинг сиёсий қатағон эканини билмайсизми? қатағонни қўрмаганмисиз, ё? Бундай оғир дамда одам бир-бирига суюнчиқ бўлиши, жабрдийдадан меҳрини аямаслиги керак! Йўқ, сизнинг назарингизда, Ўзбекистонда ҳамма ўғри, ҳамма жиноятчи! қани, айтинг-чи, қандай қилиб, бир жамиятнинг ярми пок, ярми нопок бўлиши мумкин? қандай қилиб, шундай сиёсий назорат остида тобелар, яъни бир республика қоп-қора, унга ҳукмини ўтказиб келганлар эса, оқ-оппоқ бўлиши мумкин?! ҳэ-э, ўргилдим сиздан ҳам, «Литгазета»дан ҳам!..

Орадан бир ҳафта ўтгач, «Литературная газета» Одил Ёқубовнинг «қишлоқдаги фожиа» бадиасини эълон қилди. Унда жафокаш ҳалқимиз қора меҳнат остида эзилиб кетгани, бу уқубатга чидай олмай, шўрлик аёллар ўз жонига қасд қилаётгани, лекин буни ўйлаб-куюнадиган, мазлумнинг дардига малҳам бўладиган бир меҳрибон йўқ экани очиқ айтилган эди...

Одил Ёқубов:

— ҳаётнинг ўйинини қарангки, отам қамалгач, бир ҳафта ўтар-ўтмас, синф раҳбарининг, — у яраланиб, яқинда урушидан қайтган эди, — поччаси ҳибсга олинди ва «халқ душмани» деб эълон қилинди. Шу-шу, у мунгайиб, аввалгидан баттар оқсоқланиб қолди, менга ачиниб қарайдиган, бир ўзим юрган бўлсан, бошимни силайдиган бўлди.

«Пушкин суратида қабих аксилинқилобий даъват ёзилган эмиш!» — деган миши-миши тарқалган куни ўқитувчимиз синфга жуда хомуши бир аҳволда кириб келди, у гамга ботиб, бизга узоқ тикилиб тургач:

— Болалар! — деди ялиниб-ёлвориб. — Кеча тарқатган дафтарларни олинглар, ҳалиги, жилдига Пушкиннинг сурати солинган дафтарни айтаяпман! Олдингларми? Эҳтимол, эшиштгандирсиз, ашаддий душманларимиз маккорона чизилган ҳарфлар билан СССРга қарши сўзлар ёзипти! Бу мудҳии хитобни топган пионерлар бор! Уларнинг расмлари эртага «Фахрий доска»га илинади. Наҳот бизнинг синфдан бирон-бир ҳушёр пионер чиқмаса? қани, суратга яхшилаб қаранглар-чи! Шояд, сизлар ҳам душманларимизнинг қабих ҳийласини топиб, уларни фош этсангиз!

У шундай деб менга умиод билан қараб қўйди. ҳар қалай, менга шундай туюлди ва дафтар жилдидағи суратга жон-жаҳдим билан тикилганча маккорона чизилган ҳарфларни қидира бошладим...

Асабларим таранг тортилган, миям лахча чўққа айланган. «Наҳот жонажон ватанимизга қарши ёзилган бу мудҳии сўзни топиб, душман кирдикорини фош эта олмасам? Йўқ, топаман! Топганда ҳам, биринчи бўлиб топаман! Иккинчи бўлишининг кераги йўқ!..

Тўхта, мана бу гажак нимани эслатади? «С» ҳарфининг ўзгинаси-ку! Унинг ёнидаги соч толаси-чи? У ҳам «С»! Унинг ёнидагиси ҳам! Мана буниси «Р»!

Ё, тавба! Бу баттоллар «СССР» деб ёзиб қўйипти-ку, боядан бери шуни ҳам кўрмапман-а!

Мана бу тола қуйиб қўйгандек «Д»! Ундан кейинги гажак-чи? «О»! «О» бўлган жойда, «л» ҳам бўлиши табиий! Мана, «л»! Ёнида эса, «ой»га ўхшаши яна икки гажак!

«Долой СССР! – СССР даф бўлсин!» деган хитоб, бу!»

Мен ҳаяжондан нафасим бўғилиб:

– Топдим, муаллим, топдим! – деб бақириб юбордим.

Мажруҳ ўқитувчи текис полда қоқилиб-суриниб, оқсоқланан-оқсоқланған ёнимга келди. Бир синф ўқувчи ҳам «гурр» этиб ўрнидан турди ва ҳовлиқиб устимга ёпирildи.

Мен худди безгак тутгандек дир-дир титраб, улуг шоирнинг жингалак соchlари орасидан топган мудҳии ёзувни кўрсата бошладим. Нихоят, кўрсатиб бўлиб, тенгдошлиаримга магрур қарадим. Кейин муаллимнинг: – Маладес! – деган хитоби янгради. – ҳушёр пионер деб шуни айтадилар!

ҳамма менга ҳасад билан қарап, мен ўзимни чинакам қаҳрамон ҳис қилар эдим.

– қани, дафтарларни йигиб беринглар! Бир соатдан кейин спорт майдонига бутун мактаб йигилади. ҳаммамиз бирга, бу мудҳии дафтарни ёқиши маросимида иштирок этамиз!..

Бахром Рўзимуҳаммад:

*–... Парвойи палак эди Сулаймоннинг
тўғрироги асо башқарапди девларни
асо теваракни гулга айлантироқда эди
асо хукмронлиги бошланган эди*

*Девлар қимматбаҳо тошлардан
нур тарқатадиган қуббалар ясашди
ҳақиқат ясашди эртакни ушлаб
силлалари сил бўлиб*

*Оллоҳ қуртга амр этди
асо ичига ўрнашиб олди қурт
ярмини еб битиргач
Сулаймон қия қаради*

*Девлар вахимага тушидилар
чиннидай артишиди қалъани
чангни ташқарига ташишиди
қолмади заррача губор*

*Курт асо тутқиичига етди
чирт этиб синди асо
жасад қулади
девлар қутулди.*

11. “Кўхна дунё”

– Қайси бир халқ ўз ўтмишини, келиб чиқиши тарихини, зотини, насл-насабини билишни истамайди, дейсиз. қуръони Каримда ҳам мушриклар Муҳаммад алаҳиссаломга озору азият етказганида, у зотга таскин-тасалли бўлсин деб ўтган расуллар ҳаётидан қиссалар айтилган. Шундан келиб чиқиб, мен Ибн Сино билан Абу Райхон Беруний каби қомусий алломалар ҳакида асар ёзишга журъат этдим...

Одил Ёқубов шундай дейди. Ва мен зигирча ажабланмайман. Нимага десангиз, вақт ўтган сари кўп нарса унутилади. Лекин ўшанда адиб йўлимдаги яна бир тўсиқни олиб ташлагани учунми, ёки униб-ўсган юртимга боргани, хонадонимизда меҳмон бўлгани ва бу воқеалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлгани учунми, ҳар қалай, барча-барчаси, асарнинг ёзилиш тарихи ёдимда муҳрланиб қолган.

Етмиш тўққизинчи йилнинг охири эди.

Ўша кезлар мен шаҳар газетасида, Эронда хизмат қилаётган Насриддин Муҳаммадиевнинг ўрнида, вақтинча ишлаётган эдим. Насриддин aka ана келади-мана келади, деб ташвишланиб юрган кунларда “отахон” газета ходими, адабиётчи Михли Сафаров янги журналга Бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ўтди. Ва ўрнига мени тавсия этди. Кейин Одил Ёқубов ҳам газета муҳаррири Мақсуд қориев билан гаплашди, хуллас, иш битди. Лекин, жамоа ичидаги “ўғай ўғил”га айланиб қолдим, на бир ёзган нарсам чиқади, на бир одамдай муомала қилишади.

Бунинг сабаби шуки, шаҳар газетасида Ўткир ҳошимов билан ишлаганман. У қўшҳотинли эди, сиёсат эса буни кўтармасди, ўзи бўлса, чақмоқдай чақнашни жуда-жуда истарди. “Бева оҳ уришини севса қанчалар!..” –

дейди-ку шоир. Хуллас, иши олдинга босмай, илондай тўлғаниб юрган вақтлари. Кўл остидаги ходим, поездга осилиб келган қишлоқи, у киши қишлоқилардан ирганади, ўзи бир *нақа*, аммо ҳавоси баланд, хуллас, ўша қишлоқи нуфузли газетага ишга ўтиши энсасини қотиради. У газета мұхаррири Саъдулла Музаффаровичнинг³⁴ олдига кириб, бу бола юзимизга оёқ босиб, “отахон” газетага ўтиб кетмоқчи, ахир, бу ҳақорат-ку, дейди, ғулу солади.

Саъдулла Музаффарович ғазаб отига минади, ўзи бир ходим вазифасини вақтинча бажарувчи бола бўлса, қандай ҳадди сифди, бизнинг юзимизга оёқ босишига, деб қилич ялангочлайди.

Ҳошимов мени етаклаб, унинг ҳузурига олиб кирди. қўлимда – ариза, эй Раббим, ишқилиб, ўзинг қўллагайсан, деб титраб-қалтираб турибман.

– ҳой бола! – деб ўдағайлари Саъдулла Музаффарович, партиявий раҳбарга хос викор ва дабдаба билан бошини баланд кўтариб. – Бу гаплар мана бу ерда ҳал бўлади! – У расамадини келтириб, ёзув столини чертди. – Одил Ёқубовнинг уйида эмас! Мен сени ишдан бўшатиб, Тошкентдан ҳайдаб юбораман!

Ёдимда, Ўткир ҳошимов елинга узалган бузокча каби, дўрдоқ лабини чўччайтириб, эмишга ташна бўлиб турибди, Саъдулла Музаффарович эса, ҳайбат билан қилич сермашга чоғланди, худди шу маҳал тўғридан-тўғри чиқиладиган телефон жиринглади!

Саъдулла Музаффарович бирдан хушёр тортди, қўлидаги қиличини бир четга қўйиб, дастакни олди.

– Э, ассалому алайкум, Мақсуд қориевич, саломат бўлинг, саломат бўлинг! Битта ходим дейсиз, юзтасини сўрасангиз ҳам берамиз, сизга! Ахир, биз учун, газетамиз учун шараф-ку, бу!..

У дастакни жойига қўйиб, менга юзланди.

– Опкел аризангни!

Худо бор! У жонимга ора кирди ва ҳошимов эмишга чанқоқ ҳолида қолди. Бу баттар аламини қўзғайди ва югуриб Мақсуд қориевнинг олдига киради, устимдан роса мағзава тўкиб, калаванинг учиничувалатиб юборади...

Бирдан оламни зулмат босди, дарёлар қуриб, йўллар тақа-тақ ёпилди.

Олти ой шу кўйда ўтди.

Хит бўлиб юрган ўша кир ва юкли кунларда Одил Ёқубов йўқлаб қолди. Жуда эзилганман, дардимни кимга айтишни билмайман. Мана, адид билан чой ичиб ўтирибмиз, лекин шу ҳам татимайди.

– Агар, хўп десангиз, Бухорони бир айланиб келамиз, – деди Одил Ёқубов, ҳеч кутилмаганда.

Мен ишхонада вазият жуда чигаллашиб кетганини айтиб, рухсат олиш қийин, дедим. Шунда Одил Ёқубов ўзига хос викор билан беписанд қўл силтади.

³⁴ Саъдулла Кароматов – (1928 – 1986) ёзувчи, 1966 – 1980 йилларда «Тошкент оқшоми» газетаси Бош мұхарририбўлган.

— Ким бўпти сизнинг редакторингиз! — деди у баланд мақомда. — Қаёқдаги жипириқларни айтасиз! Кеча Абдулла³⁵ билан мени шахсан Шароф Рашидов³⁶ қабул қилган! Буюк бобомиз Абу Али ибн Сино туғилган куннинг минг йиллигини нишонлашга рухсат олипти. Бу улуг зот туғилиб ўсган Афшонада кўркам бир шаҳарча бунёд этилар экан! Шу муносабат билан, деди Рашидов, Одил сиз “Хазина”дай бир етук роман, сиз эса, Абдулла, ўлмас бир достон ёзib берасиз! Бунинг учун нима ёрдам керак бўлса, мен тайёрман!

Одил, сизга маслахатим, деди Рашидов, аввал Бухорога бориб келинг, алломанинг ёшлиги ўтган жойларни кўриб-айланиб, шу тўйдан белги берувчи кўркам бир мақола ёзинг! Мен йигитларга тайнинлаб қўяман, улар сизга шартшароит яратиб беради...

Сиз ўйлайсизки, бу гап Қориевга етиб бормаганми? Улар жуда хушёр! Ҳид олиб, оёқ босади! Бўлмаса, бир кун ўтира олмайди, у жойда! Эртага кўрасиз эшилишини!

Керак бўлса, телефон қилиб айтаман!

Ҳакиқатан ҳам, эртаси куни Бош муҳаррир мени чақириб, Одил Ёқубов билан бирга, Бухорога бориб келинг, мен айтиб қўйганман, сафар хужжатлари тайёр бўлиши керак, деди.

Янглишмасам, саксонинчи йилнинг июни эди. Ўшанда Одил Ёқубов бизнинг воҳани айланиб, кўп яхши одамларнинг сұхбатини олган, Зарафшон дарёсида яйраб чўмилиб, Искандар Зулқарнайн ҳақида ривоят тинглаган.

Искандар Зулқарнайн мана шу воҳадан кунчиқарга қараб ўтган. У дунёнинг қоронғи жойларидан ёруғлик ахтарди, аммо ҳаёт сувини топа олмай, лаби қақраганча ноумид бўлди, деб ёзади Навоий ҳазратлари³⁷. Лекин, мен жуда унчалик бўлмаса керак, деб ўйлайман. Ва бу фикр ҳали тасдифини топади.

Бу ердан бепоён дашту далалар, Оқтовнинг музлоқ чўққилари кўзга яққол ташланиб туради. ҳар тонг мана шу тоғ ортидан қуёш мўралаб чиқади, кейин кўкка бўй чўзади...

Шундай қилиб, биз Искандар Зулқарнайннинг қадами етган жойларни айландик, эртаси куни эса, Али Синони оқ ювиб, оқ тараган Афшона сари юрдик.

Ромитан туманида ҳамро Саидов деган ажойиб бир инсон бўлар эди, жаннатдек хўжалик раҳбари, шу одам меҳмон қилган, адига ихлоси баланд экан, икки кун олиб юрган, чўлда ўзи барпо этган боғ-роғларни кўрсатган, улуг аллома билан боғлиқ кўпдан-кўп ҳикоятлар айтиб берган.

Кечқурун салқин ва хилват ҳовуз бўйида, малаксиймо мажнунтол остида ўтириб, улар қандайдир кино кўргани, кейин чой ичиб, тонг отгунча Али Сино ҳақида баҳс этгани ёдимда.

³⁵ Абдулла Орипов, унинг “Ҳаким ва ажал” достони шутариқа ёзилган.

³⁶ Шароф Рашидов – (1917 – 1983) ёзувчи ва давлат арбоби, 1959 – 1983 йилларда Ўзбекистон раҳбари бўлган.

³⁷ Алишер Навоий, «Садди Искандарий», Тошкент, ғафур ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991 йил.

Ҳамро Саидовнинг айтишича, қадим замонда бир шоҳ ўтган, унинг бир малаксиймо қизи бўлиб, ўн гулидан бир гули очилмай, бедаво дардга мубтало бўлган ва эрта хазон гул каби сарғайиб сўлган. Ҳукмдор шифо истаб, ўзини тўрт томонга урган, бўлмаган, ахийри, нажот истаб мана шу заминга, Ибн Синонинг оёғига бош уриб келган...

Яхши ният қанот бўлиб, қиз шифо топган, оёққа туриб, шоҳона чодирдан ташқарига чиқкан. қараса, олам бир бошқача, осмон тубсиз ва беғубор, қирадирдаги майсалар, дов-дарахтлар зеболаниб турибди. Шунда кўнгли очилиб, бу жойлар жонга ором берар экан, деган.

Ромитан (*ороми-тан*) деган лутф ўша малакдан қолган!..

Хуллас, яна Тошкентга қайтдик.

– Эртага кечқурун соат олтида келинг, – деди Одил ака. – Мен ҳаммасини ўйлаб қўйдим, айтиб тураман, сиз ёзасиз, мақолани тезда чиқариб юборамиз!

Лекин, эртаси куни, ҳатто ундан кейин ҳам менга ижозат бўлмади. Навбатчилик, бало-баттар, ниҳоят, учинчи куни, кечга томон, бўлим мудири: – Ёқубовниги ўтмоқчи эдингиз, майли, боринг, – деб рухсат берди. Ва қош қорайганда адибнинг уйига кириб бордим.

Мени кўрган заҳоти келин аянинг ҳоли ўзгарди, ҳозир сиртлон мени ғажиб ташлайдигандек, раҳми келиб-ачиниб қаради.

– Одил ака чиқиб кетувдилар, – деди кейин. – ҳозир кеп қолади, аммо сиздан жуда қаттиқ хафа бўлдилар!

Худди шу пайт дарича шараклаб очилди ва шиддат билан Одил Ёқубов кириб келди. У ҳатто менинг саломимга алик олмади. Турибман бир четда, япроқдек титраб...

– Юкларни машинага жойладими? – деди у дарғазаб овозда, ўша важоҳат билан.

Келин ая бошига мушт тушишидан чўчиган каби, мусичадек қўнишиб, қўл қовуштириб турибди.

– Ортилган, ортилган! – деди у зўрға овози чиқиб. – ҳаммаси айтганингиздек бўлган!

– Анови пакетни опчиқинг! – дея ғазаб қилди яна Ёқубов.

Келин аянинг қулоғи олмади. У жовдираб хожасининг авзойига термилди.

– Гаранг! – деди ғижиниб хожаси. – Пакетни айтаман!..

Келин ая тушундим деган маънода мутеларча бош иргади, кейин ўшандай ҳалимлик билан бурилиб, уйга кириб кетди.

Ҳозир шуни, келин аянинг титраб-қалтираб зинадан чиққанини, умуман, мудом қўл қовуштириб, хожасига беминнат хизмат қилишини эсласам, ҳайрон қоламан.

Биз қўп нарсани муҳокама қилиб ўтирумаймиз, худдики шундай бўлиши керак!

Ўйлаб кўрсангиз, ё тавба, дейсиз, одам боласи жуда ғалати-я!

Қаранг, бу одам, Одил Ёқубов ишқ-вафо ҳақида ёзади, шундан иззатхурмат топади, айтишларича, бир вақтлар ҳатто ўзиям севган...

Шундай бўлмаса, совчиларни қайтаргач, жаҳл қилиб, келин аяни олиб қочмас эди, албатта. Ва “Ёш ленинчи” газетаси эскилик сарқитидан қутула олмаган ёт унсур сифатида уни “уриб” чиқмасди.

қолаверса, ишқу вафо ва садоқат ҳақида бундай ўртаниб-ёниб ёзиш учун кўнгил жуда нозиктаъб бўлмоғи керак!

Лекин, ҳозир шоҳсупага чиқиб олган, пастга тушгиси келмайди, сира. Икки гапининг бирида: – Гаранг! – дейди, гоҳо ўшқириб, гоҳо калака қилиб. Ва шундан ҳузур топади.

Шўрлик келин ая эса, қўл қовуштириб, мўлтираб туради.

Нима қилсинг?

Ипсиз боғланган! Маҳкум! Мен бўлсан, ўша севги қаёққа кетган, деб ўйлайман. Ҳар ҳолда, ғалати...

Ҳазил-мутойиба билан кескин бир масалага тўқнаш келдик. Қани, ўзингиз айтинг-чи, нега одамнинг феълида кўрнамаклик бор?

Мана шу файзли-фариштали аёл, агар Одил Ёқубов шамчироқ бўлса, унга шараф келтирган олов, аслида.

Куни кечага довур уни гоҳо Олой бозорида, гоҳо Дархондаги магазинда, гоҳо йўлда учратиб қолар эдим. Икки қўлида иккита тўрхалта, халта тўла юк...

Бизнинг хонадонда бу “шарафли” юмуш менинг чекимга тушган, уларнинг оиласида эса, келин аянинг!

Дунёнинг иши шунаقا. Бир бозор-ўчар қилган билан иш битмайди, ўлибтирилиб олиб келган “майда-чуйда”нг лоақал тўрт кунга етмайди, ҳаёт эса, давом этади, ноилож яна йўлга чиқасан. Тўрхалта қўлингни кесиб юборади, туғилганингга пушаймон бўласан, лекин додингга етадиган одам йўқ!

Ҳаёт бу!

Бир кун қўшним, кўп кекса олим, дабдурустдан: – Болалар қандай, болалар? – деб сўради. Энди билсан, қонига ташна бўлиб кетган экан, аммо ўшанда унинг муддаосини билмаганим учун:

– Ёмон эмас, – дедим муҳмал қилиб. – Юрибди ўқиб!..

– Бизники бошқача! – деди у. – Чайнаб оғзига соламан, лекин ютмайди! “Ҳа?” – десам, кўз учида санчқини кўрсатади! “Олиб томоғимдан ўтказиб қўй!” – дейди!

Шунаقا!

Аслида, ундан эмас, ўзимиз ўргатганмиз, шунга...

Дунёда шундай хоки туроб одамлар бўлади! Йўқ, мен ўзимни эмас, келин аяни айтаяпман, на ўғиллари, на келинлари қўлини совуқ сувга уришини истамайди, наинки меҳрини, бутун борлиғини фидо этади. Бозор-учар қиласи, қозон қайнатади, невараларни ўлғайтиради, лекин, минг афсуски, бундай инсонларнинг, умуман, беминнат яхшиликнинг қадрига ҳеч ким етмайди!

Хуллас, ўшанда келин ая ичкари уйдан катта бир кўк пакет олиб чиқди. Ёқубов уни қўлига олгач, ўша важоҳатда менга юзланди.

– Сиз иккинчи бундай қилманг! – деди у, жуда кескин оҳангда. – Мен ҳаммасини биламан, тушунаман, лекин лафз қилдингизми, сўзингизнинг устидан чиқинг! Агар, шунинг ҳеч имкони бўлмаса, албатта узрингизни айтиб қўйинг! Мен билан эмас, бошқалар билан шундай муносабатда бўлинг! Худди соат мурватидек аниқ ишлашга ўрганинг!

Энди билсам, бу оламда бобомдан сўнг Одил Ёқубов менга шундай ўгит берган экан. Тўғри, шаҳардан ҳайдаб чиқаман, кийнгга ўт қўяман, йўқ қилиб юбораман, деб ғазаб қилганлар оз эмас! Бироқ хатонгни очик айтиб, ўзингни йифиб олишга ундаш – бошқа гап, лекин, нима қилай, вактида ўзимни қўлга олай, десам, ҳеч имкон беришмади...

Одил Ёқубов “Волга”га ўтириб, қаёққадир кетди, мен эса, бўшашиб уйга қайтдим. Дилем хуфтон эди, ҳеч нима юракка сиғмасди. Шу боис, пакетга эътибор қилганим йўқ. Уйга келгач, бир оз мотам тутиб ётдим, хиёл ўзимга келгач, нима экан бу, деган хаёл билан ўша пакетни қўлга олдим. Очдим. қарасам, мақола, нақ ўн тўрт қофоз! Таппа-тайёр! Яна Одил Ёқубов ўз имзоси остига менинг исму шарифимни ҳам тиркаб қўйипти! Ўз қўли билан!

Бунақаси бўлмаган!

Қойилмисиз?

Нима, у дашном? қолди-кетди, ўша ерда!

Мана буниси, бошқа гап!

Мен кимларнинг номидан мақола ёзмадим таҳририятда, қанчасининг пойинтар-сойинтар қораламасини эпақага келтиргунча кўзларим тешилиб кетган! Лекин...

Бир куни зудлик билан Борис Пармузиннинг мақоласини тайёрлаш хақида кўрсатма бўлди, ўшанда у Уюшма раисининг ўринбосари эди. Икки оёқ бир этикка тиқилган. Югуриб адиганинг қабулига бордим, жуда яхши одам эди, раҳматли, қучоқ очиб кутиб олди. Кейин нима юмуш билан келганимни сўради.

– Мен сизнинг номингиздан мақола тайёрлашим керак! – дедим унга.

– Нима, нима? – деди у, қулоқларига ишонмай. – Яна бир қайтар!

Илтимос!

Мен шундай кўрсатма бўлганини айтдим.

У қанот ёзиб, ўрнидан туриб кетди.

– Биласанми, нима? – деди адиг яйраб-яшнаб. – Мана, соч оқарди! қартайиб бўлдик! Лекин шу ёшга кириб, бундай жонбахш таклифни, ўлай агар, эшитганим йўқ! Ишонсанг, бутун умрим бирорвлар номидан мақола ёзиш билан ўтди. Демак, бўлар экан-ку! Бунинг учун сал баландроққа чиқиш керак!..

Ёпираи!

Унинг нурли чехраси ҳамон қўз олдимда турибди...

Кейин билсам, ўша куни Одил Ёқубов Москвага учиши керак экан! Шу боис, муҳаррирга телефон қилиб, мақола тайёр бўлди, ходимингиз келиб олиб кетсин, депти, шундан сўнг менга рухсат беришган экан...

Ўша мақола учун, гарчи хайфсан олган бўлсам-да, у менинг йўлимни очиб юборди.

Мақола ўша ҳафта чиқиб кетди.

У бир саҳифа бўлган эди, лекин муҳаррирнинг ўзи, ўнг кўзини қисиб, чап кўзи билан ҳижжалаб ўқиди, уни анча-мунча ихчамлади, расамадини келтириб “пардоз-андоз” қилди. Шу боис, у йўнилган таёққа ўхшаб қолди. Нимага десангиз, Одил Ёқубов қишлоқ ҳаётидаги ўзгаришлар билан бирга, раҳбару раҳнамолар, айниқса, муаллимлар шаънига аччик гаплар айтган эди.

Адиб мактабда сабоқ берган ўқитувчиларига ҳаваси келганини айтади. Чунки улар озода кийиниб, ҳамиша ўзларига қараб юрган, ёқимли ахлоқи, дунёдаги янгиликлардан хабари борлиги билан обрў топган. Қишлоқнинг олд одамлари бўлган. Лекин, ўша сафарда кўрган-учратган ўқитувчи ва ҳатто ҳўжалик раҳбарлари ихлосини қайтарган, нимага десангиз, улар ўзига қарамай қўйган, руҳи синиқ, соч-соқоли ўсиб кетган, кийим-боши исқирт, энг ачинарлиси, бу тушкун кайфият етишмовчилик туфайли эмас, ўша киши дунёнинг бўлган-тургани шу, деб ҳаёт оқимиға ўзини ташлаб қўйган...

Одамларни у сандондай чидамли бўлиб, босқондай қаддини кўтариб яشاшга ундаиди.

Яна адиб қишлоқ аёлларига меҳр кўрсатиш, мурувватли бўлишга даъват этади. Шийпонларда дам оладиган хос хона ҳам, ювиниб-чайиниб оладиган шарт-шароит ҳам йўқ. Шу боис, чангга беланиб, чопиқ чопиб келган келинчак беланчакда ётган боласини шу ҳолича эмизади. Чунки у шунга мажбур. қолаверса, қишлоқ қизлари оғир меҳнат остида эзилиб, аёллик латофату малоҳатини йўқотаётир!

Шу ҳақда у қуюниб ёзган эди.

Ана шу фикрлар олиб ташланди ва мақола сийқалаштирилди. Шундан сўнг уч-тўрт кун ўтгач, ҳеч кутилмаганда умуммажлис чақирилди. Ва Бош муҳаррир бир нохуш иш бўлганини маълум қилди. Одил Ёқубов таҳририятга хат ёзган экан, шуни ўқиб эшилтириди.

Хатда адиб мақола республика раҳбарининг кўрсатмаси билан ёзилганини, тошу тарози мисқол-мисқолигача ўлчаб қўйилганини, аммо у газета саҳифасига пати юлинган товукқа ўхшаб чиққанини таъкидлаб, бунга сабаб – ўринсиз қисқартиш эканини айтган ва “бу – ғарт саводсизлик” деб қаттиқ норозилик билдирган эди.

Бош муҳаррир шикоятни ўқиб бўлгач, одатдагидек, бир кўзини юмиб, санларга ишониб бўладими ўзи, деган писанда билан мажлис аҳлига, кейин менга ғижиниб қаради. Бу ҳам сувдан қуруқ чиқишининг бир йўли бўлса керак. Шундан сўнг у ўринбосари Абдукарим Набихўжаевга юзланди ва:

– Мақолани ким туширган? – деб ўдағайлади.

Набихўжаев елкаси оша ўгирилиб менга қаради ва ҳеч иркилмай:

– хотамов! – деди.

Табиийки, мен ўрнимдан турдим, лекин қориев оғиз очишга қўймади.

– Ўтир! – деди иддао билан. – ҳайфсан!

Шунақа!

Кейин у бурилиб, жаҳл қилган бўлиб залдан чиқиб кетди.

Холбуки, мақолани унинг ўзи қисқартган эди.

Касбини эплолмай қолса аксари,

Тулкилик қиласи ҳайвонлар бари...³⁸

Мана шу воқеага ҳам йигирма олти йил бўлибди. Лекин, менга қуни кеча бўлгандек туюлади.

Майли, бу тарих энди яқин ўтмишга айланди. Худосизлар салтанати парчаланиб кетди ва ясон бўлган қўшинларнингчувринди байроқлари Яратганинг оёғи остига ташланди.

Келди янги замонлар,

Кўринди янги номлар³⁹...

Вақтдан илгарилаб кетаяпмиз.

хали Одил Ёқубов саксонинчи йилларда юрибди, ўша Шароф Рашидов замонида, биз эса, аллақачон озодликка чиқиб олдик...

Агар, ўқиган бўлсангиз, Навоий ҳазратлари кимки азалдан баланд мартабали бўлса, унинг ҳиммати ҳам шунга яраша, олий мақом бўлади, дейди.

“Кўхна дунё” романни хорлик қанотини паст тутган шоир Маликул шароб – май ва майхўрлар сultonи ва унинг майхонаси тасвири билан бошланади⁴⁰.

Тил ва оҳанг таъриф ва тасвирга шу қадар ҳамоҳангки, беихтиёр лол қоласан.

Кечалари “мулла мирқуруқ шоирлар, чиқитга чиқсан хонанда ва созандалар, саройлардан қувилган мунажжимлар, амирлар қаҳрига йўлиқкан сарбозлар, қочқин ғуломлар” бу гўшани макон тутади. Гарчи улар ночор ва қашшоқ бўлса-да, бир-бирининг иззат-хурматини жойига қўйиб, “Бобо Сеторий”, “Пири ғижжакий”, “ҳофиз Булбулий” деб атайди. ҳатто атторликни касб этган гурганжлик букри ҳам оддий букри эмас, балки “Пири Букрий”дир.

Адид мен айттаётган оҳангда ҳикоя қилмайди, у хиёл юқоридан қараб, уларнинг ҳаётини ички бир ачиниш, синиқлик ва юмор билан тасвирлаб ўтади.

Мана, майхонага “Пири Букрий деган, ўзи паканагина бўлса ҳам, боши хумдай, нимаси биландир катта қора ўргамчакка ўхшаб кетадиган кекса найчи кириб келди”.

Кўз олдингизда у аниқ намоён бўлади. Кўнглингизда совуқ бир муносабат уйғонади. ҳатто шаҳарда ҳам у ҳақда ноҳуш мишишлар кезиб юради. Лекин Пири Букрий шундай най чаладики, “баъзан ўзи ҳам йиғлаб, бошқаларни ҳам йиғлатади. Шундай пайтларда кекса атторнинг қалби аллақандай тизгинсиз дардларга тўла экани аён бўлади-ю, одамлар у ҳақдаги мудҳии мишишларни унудишиади...”

Яна бу майхонада латиф ғазал ўқиб, мумтоз наво ижро этган ёки гулгун сұхбат қуриб, қайтмас бўлиб кетган унудишиади дамларни ёдга солган зукко бир коса май билан сийланади...

³⁸

Абдулла Ориповнинг “Тулкифалсафаси” шеъридан.

³⁹

Евгений Евтушенконинг «Келдиўзгазамонлар...» шеъридан.

⁴⁰

Одил Ёқубов. «Кўхнадунё», Тошкент, ғафурғуломномидагинашиёт, 1983 йил.

Синган ва тақдирга тан берган мана шу тоифа ҳаёти мамлакат иқлими аллақачон путурдан кетганини кўрсатади.

Маликул шароб Садафбиби деган бир хизматкор харид қилади. Уни кўргач, биродари Абу Райхон Беруний: – Жориянгни менга бер, менинг уйимда хизмат қилсин. Жуда пок қиз экан, бу шилқим майхўрлар орасида унга жабр бўлибди, – дейди.

Демак, майхонада ҳам иқлим кўнгилдагидек эмас. Яъни, бу – эски иллат, аллақачон маддалаб кетган...

Бир вакт қарасангиз, машхур ҳаким Абу Али ибн Синога қуйиб қўйғандек ўхшайдиган бир сипои шогирди билан етаклашиб майхонага кириб келади. Ва ўша шогирд устод ибн Синога шоҳона жой сўрайди. У шайхур раисга муносиб иззат-икром кўрсатиш лозим эканини қайта-қайта уқтира бошлагач, ўша сипои уни жеркиб ташлайди.

– Камина сенга неча марта айтдим, номимни сотма, кимлигимни ошкор қилма, деб! Неча марта айтдим?!

Мана шу товламачи, унинг исми ибн Шаҳвоний, мен ибн Сино бўламан, деб ҳаммани чув туширади, ҳатто салтанат ишларига нопок тумшуғини тиқади.

Унинг Маҳмуд ғазнавий саройига Маликул шароб майхонаси орқали кириб боришида чуқур маъно бор...

Асар давомида биз мана шу ишоралар тасдиғига гувоҳ бўламиз.

– Улуғ боболаримиз ҳаётида кишини ҳайратга соладиган мана шундай воқеалар кўп бўлган, – дейди Одил Ёқубов. – қаранг, бир товламачи ибн Сино бўламан, деб Маҳмуд ғазнавий саройида бекиёс обрў, мавқе-мартаба топади. Шоҳга афюн бериб, гўё уни даволаган бўлиб, янада караҳт этади. Ўзи эса, кўнглига келган номаъқулчиликни қилиб, саройни ва шоҳ ҳарамини оёқости қилади.

Бунга чек қўядиган кучнинг ўзи йўқ. Чунки Маҳмуд ғазнавийнинг ўша қаллобга эҳтиёжи бор. Гарчи ёши бир жойга бориб қолган бўлса-да, бу фоний дунёдан кўнгил узмаган, у неъмати илоҳийни топмоқ истайди. Ибн Сино келиб, мени даволаса, яна оёққа турсам ва яна давр сурсам, деб жони ҳалак. Лекин султон ўз вақтида унга ноҳақ зулм қилган, шу боис...

Мана шундай мушқул ва мураккаб вазиятда сарой аъёнлари салтанат эгасига яхши кўриниш, қандай бўлмасин, ундан фойдаланиб қолиш илинжида мис чақадан тилла ясаган риёкор-кимёгар каби нопок йўл тутади, зоҳиран алломага ўхшаб кетадиган товламачини “алломай даврон”, “соҳиби ҳикмат ибн Сино ҳазратлари” деб шоҳга тақдим этади.

Малъун эса, мудом тавозе қилиб, “камтарлик”нинг додини беради.

Хаста шоҳ унга салтанат эшикларини ланг очади!

Бу – ўйдирма эмас!

Мен шу ривоятни топмагунча, ҳар қанча урунмай, асарни бошлай олмаганман, ўша ривоят менга йўл очган!..

Сиз бир тасаввур қилинг, тўқсонинчи йилларда, Наманганда Ислом байробги остида Адолат лашкарлари деган ҳаракат пайдо бўлди. Мен улар содир

этган қонли кирдикорлар ҳақида, оқкүнгил одамларни йўлдан уриб, исломиятга етказган зиён-захмати ҳақида баҳс этиш фикридан йироқман. Гап шундаки, кейинчалик кўпдан-кўп қирғин ва йўқотишларга сабаб бўлган Ўзбекистон ислом ҳаракати мана шу оқим замирада юзага келган...

Одил Ёқубов “Кўхна дунё” романини 1982 йили ёзган. Лекин унда Ҳақ ва адолат лашкари ғазоват туғи остида ҳокимият учун қандай кураш олиб боргани, Яратганинг олдида шоҳу гадо баробар деб халқни кўтарган Исломий ғозий ва унинг қарматий⁴¹ экани чуқур очиб берилган.

Куни кеча содир бўлган қонли воқеалар ўша мудхиш ҳодисанинг такори, ўша ҳаракатнинг ваҳҳобийлик тарзида намоён бўлиши, десам, сиз ишонинг.

Имом ғозий билан ибн Сино ўртасидаги суҳбатга бир қаранг, кўпчилик мустабид деб билган Маҳмуд ғазнавий малъунлардан бир неча баробар баланд экани қундай равshan бўлади. Имом Исломий:

“ҳа, – деб хитоб қилди. – ҳақ ва адолат лашкарининг ғозийлари бугун-эрта ғазоват туғи остида бирлашиб, юртимиз тупрогини бул мустабид шоҳ зулмидан фориғ этмоқ азмидадур!

“ғазоват туғи? Ё тавба! Агар, Ҳақ ва адолат лашкари деган сўз рост бўлса, нечун бу кураш ғазоват туғи остида бошланур? – деди ибн Сино, ичида. Шафқатсиз қон нафаси уфуриб турган бу сўз унинг юрагига аллақандай совуқ шаббода бўлиб тегди-ю, кўнглини ёритиб турган илиқ нур сўнди-қолди”.

қарматийлар Ҳақ йўлидан қайтган қавм, улар содир этган кирдикорнинг, исломиятга етказган зиён-захматнинг чеки-чегараси йўқ. қаранг, шу пасткаш ҳаромилар ҳам ўзларини Ҳақ ва адолат лашкари деб атайган, оламларни яратган Зот номидан иш кўрган.

“Нечун шундай? Нечун? Метин зарурат асосига қурилган бу олам, бу чексиз коинот, бу сайёralар ҳаракати ва табиат ҳодисаларида буюк бир қонуният ва ақл-заковат мавжуд.

Бани башир эса, тирик мавжудотлар ичида мукаммали бўлмиши бани башир эса, нечун зулм ва адолатсизлик тутқунидан чиқа олмайди? Нечун?”

Тақдирининг ишини қарангки, ўша Маликул шароб ҳам имом Исломий ғозий билан боғлиқ бир одам бўлиб чиқади. Алал-оқибат, ибн Сино ҳазратлари

⁴¹ қарматийлар/Х асрда Ироқнинг жанубида юзага келган. Бу ҳаракат ташкилотчиси ҳамдонибн ал-Ашъас бўлиб, унинглақаби қарматдир.

қарматийлар 930 йили, чин арафа куни, Абу Тохир бошчилигида, ҳаж маросимига келган зиёратчи сифатида, Маккаига кириб боради ва кутилмагандага хужумга ўтиб, Каъбатуллода ҳаж амалларини адо этаётган ўттиз минг мусулмонниқиличдан ўтказди, кейин қора тошни девордаги ўрнидан суғуриб олишади. Шундан сўнг Исломнинг бешиги бўлмишбу мўтабар шаҳарниталон-тарож қилиб, хонадонуқабристонларни вайронэтишади, йигитларни қириб, чолукампирларни, аёлбулаларни қилиб ҳайдабкетишади.

қарматийлар жаҳолати шу даражага бориб етадики, улар масжиди ҳаромниталон-тарож этгач, алам ва хусумат устида зиёратгоҳни оёқости қилишади, мўтабар қора тошни эса, икки бўлакка бўлиб, Хуфуф шаҳрига олиб кетишади.

Ёмон арава йўл бузади деганидек, қарматийлар қора тошни ўз қўрғонларига олиб бориб, уни ҳожат ишларигаяратган бўлиб, куфру исёндадавом этади ва Каъбатуллонитавоф этиш бидъат, она, опа-сингилва ҳатто пуштикамарингдан бўлган қизингҳам ҳалол дебэълон қилишади.

Лаънатга учраган бу тўда одамларни тўғри йўлдан оздирисища, мусулмонларни пароканда этишда давом қилгач, халифа Муқтадир биллоҳ Аббосий (908-932) қўшинларитомонидан қириб ташланади.

кўнгли буюрганича йўл тутади, султонни ҳалокат гирдобидан олиб чиқиши ниятида ўз оёғи билан ғазнага келади ва саройга ташриф буюради. Лекин сохта ибн Сино галдиратиб ташлаган султони салотин йигирма йил ахтарган ва ўзи мунтазир бўлган мўтабар зотни бир риёкор сифатида саройдан ҳайдаб чиқади. Ва бу мислсиз фожиа ибн Синонинг меҳрибон устози, тенгсиз мутафаккир Абу Райҳон Берунийнинг кўз олдида содир этилади.

Қаранг, шундай мўтабар зот ҳам ҳукмдорга оддий ҳақиқатни англатишга ожиз. Чунки ҳукмдорнинг ўзи ожиз. Лекин ўзини ҳақ деб билади ва ҳукмини ўтказади.

Бу фожиа – одам кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмайдиган оғир бир кулфат.

– Нима, ҳозир мисдан тилла ясовчи кимёгарлар йўқ деб ўйлайсизми?! – дейди Одил Ёқубов. Бундай товламачилар ҳокимият ҳасратида, мулки-давлат ҳасратида ҳаммани босиб-янчиб ўтишдан, керак бўлса, эл-юртни сариқ чақага сотиб юборашдан қайтмайди!

Ёдимда, истиқлоннинг дастлабки йили, ўша, Олий Кенгашнинг алғовдалғов еттинчи сессиясидан кейин, давлатимиз раҳбари расмий ташриф билан Москвага сафар қилди.

Ўша сафарда камина ҳам бор эди, – дейди Одил Ёқубов. – Самолётда кетаяпмиз, бир маҳал: – Сизни Ислом Абдуғаниевич сўраяптилар! – деб қолишиди.

Бордим, борсам, Ислом Абдуғаниевич тўрда, катталар қуршовида ўтирган экан, бир ёнида – Бош вазир, яна бир ёнида – Олий Кенгаш раиси, мен улар билан сўрашгач, бир четга ўтиб турдим. Жой берадиган одам йўқ! Ким салтанат соҳиби назаридан четда бўлишни истайди, ахир?! Ҳолбуки, мана шу кимсалар куни кеча тўнтариш ясад, ҳокимиятни қўлга олиш учун ўлибтирилган, ҳатто буни халқдан яшириб ўтирган! Бугун эса...

Ниҳоят, Ислом ака лутф қилдилар.

– Сизнинг мартабангиз улуғ! – дедилар у киши, ўнг қанотини олиб ўтирган Олий Кенгаш раиси Шавкат Йўлдошевга юзланиб. – Лекин Одил аканинг ёши улуғ! Одатда, ёши улуғ одамга ёшлар туриб жой беради. Сиз хуанови ёққа ўтинг!

Ислом ака мени ўнг қанотига олди. Кейин ўшандай вазминлик билан Шавкат Йўлдошевдан сўради.

– Сиз Одил акани танимайсиз, шекилли?

– Эшитганман, – деди у, энсаси қотиб.

– ҳали бу кишининг китобларини ўқимаганман, дeng?

Шавкат Йўлдошев қовоғи осилиб, йўқ деган маънода секин бош чайқади, сўнг парламент ишига бу одам ёзган китобнинг нима дахли бор, деган каби ҳайрон бўлиб Президентга қаради.

– Одил ака бизнинг катта ёзувчимиз, – деди Ислом ака чуқур хўрсишиб, кейин яна ўша оҳангда давом этди. – Мана, сиз, салтанат ҳасратида уйқу билмайсиз, ўзингизни тўрт томонга урасиз, ҳокимият талашасиз! Бу кишининг

бир романи бор, “Кўхна дунё” деган, бу ишлар жамиятни қандай бўлиб ташлаши, халқ бошига қандай кулфат олиб келиши, бу бало ортида қандай қабиҳ кучлар туриши ва ундан ким, қандай манфаат қўриши бутун илдизи билан очиб берилган! Сарой “ўйин”лари, унинг мудҳиш оқибатлари, бир ҳовуч бузуқининг нафси деб, бутун бир мамлакат ҳалокатга юз тутиши кўрсатилган, унда! Сиз ҳатто шу асарни ўқимай туриб, бу кураш тарихини билмасдан, Фарғонада тўкилган қонларни унутиб, соҳиби салтанат бўламан деб от сураяпсизми, ҳали?! – Ислом ака шаҳодат бармоғини фалакка нуқиб, яна бир лаҳза сукут саклади, кейин: – қанақа одамсиз, ўзи? – деди у сухбатга якун ясаб. – ҳатто энг оддий нарсага ақлингиз етмайди, ёши улуғ одамга жой бериш лозимлигини ҳам мен айтишим керак, сизга! Боринг, ишингизни қилинг!..

Кўпдан кузатаман, Ислом акада бир хислат бор. У киши шундай танбеҳ бергач, раис ўсал иш қилиб қўйган бошланғич синф ўқувчиси каби тўкилиб бўлмадан чиқди...

Аҳсан Ботур:

– *Одил Ёқубов туркий оламда мисли кўрилмаган тенгсиз бир санъаткор адиддор. Унинг ижоди ўзига хос мактаб. Адид забт этган чўққига ҳар ким ҳам чиқа олмайди.*

Одил Ёқубовнинг энг қўп тилга ўғирилган ва бутун оламга ёйилган, ҳатто Чингиз Айтматов ҳам ёстигининг остига қўйиб ётадиган «Улугбек хазинаси»дан сўнг, яратган шундай бебаҳо асари «Кўхна дунё»дир.

Халил Ризо:

– *Сен шундайин бургутсанки,
Учмогинг бор, қўнмогинг йўқ.
Сен шундайин ўчиқсанки,
Ёнмогинг бор, сўнмогинг йўқ.*

12.Хислат

– Иттифоқ халқ депутатларининг кейинги серғалва анжумани ёдингиздами? – деб ҳикоя қиласи Одил Ёқубов. – Сиртдан ҳаммаси бир бошқача кўринади, лекин ичкарида кўп аломат ишлар бўлган. Уриниб-суриниб, минг мاشаққат билан сўз олган депутат у ёқда турсин, ҳатто мажлис раисини тинглайдиган одамнинг ўзи йўқ. Муazzам зални тўлдириб ўтирган беш мингга яқин депутат биринчи синф ўқувчиси каби ҳеч тинмай жаврайди, айримлар бақириб-чақиради, депсинади, бирор бир нима деса, жеркиб ташлайди, ҳатто ёқасидан олишгacha бориб етади.

Сессиянинг ҳар бир мажлисига бир сиёсий арбоб раислик қиласи, лекин асов зални жиловлай олиш ўлимдан қийин, ҳеч кимнинг қурби етмайди, бунга. Ёдимда, Озарбайжоннинг ўша вақтдаги раҳбари мажлисни олиб бораётганида,

нимадир бўлди, ишонсангиз, депутатлар бирдан сутдай қайнаб тоши, бутун зал аюҳаннос солиб, уни раисликдан четлатмоққа киришди.

Қани энди, жунбушга келган издиҳомни шўрлик раис бошқара олса! Ахийри: – Мени шу юмушдан халос этинглар! – деб ўзи илтижо қилди.

На куларингни, на куярингни биласан, киши!

Кейинги мажлисни олиб бориш Ислом Абдуғаниевич зиммасига тушди. Биз, барчамиз, Ўрта осиёлик халқ вакиллари, энди нима бўлар экан, деб юрак ҳовучлаб қолдик. Нимага десангиз, ахволимиз яхши эмас, ҳаммаси бой берилган, “пахта иши”, Фаргона воқеалари туфайли аксарият бизга ижирганиб қарайди.

Бундай вазиятда ҳар нима бўлиши мумкин.

Зал, одатдагидек, чайқалиб-тошиб ётиби. Кўпчиликнинг юки-ҳаросати ёмон. Ёлғиз Яратгандан мадад сўраймиз. Кибру ҳаво, шовқин-сурон билан тўлиб-тошган залга хавотир билан қараймиз. Вазият таргу тор. Бояги ахвол қайталashi, одамлар жазавага тушиб юзимизга оёқ босиши ҳеч гап эмас.

Аммо, ўшанда ҳеч кутилмаган ҳодиса рўй берди.

Ислом Абдуғаниевич раислик ўрнига чиққач, норозилигини яширмай, бир муддат сукут сақлади, шунинг таъсирида зал ҳийла жимиб қолд, шунда у киши фавқулодда кескинлик ва қатъият билан:

– Мен шу кунгача депутат деса, ўзаро ҳурмат сақлайдиган, керак бўлса, зид фикрни тинглай оладиган зиёлини тасаввур қиласр эдим! – деди у киши, ҳар бир сўзига алоҳида урғу бериб. – Бу, нима деган гап? Биз киммиз, ўзи? Қаерда ўтирибмиз, эй барака топгурлар! Халқ ишонч билдирган вакилмизми ёки оломонмизми? Ахир, бу болалар боғчаси эмас-ку! Сиз билан бизга қанчадан-қанча одам умид билан кўз тикиб ўтириби, ҳар бир хатти-ҳаракатимизни бутун дунё кузатиб туриби! Ўзимизни ҳурмат қилмасак қилмайлик, лекин ўша, ишонч билдирган одамларнинг юзини ерга қаратмайлик! Кимки агар, сўзга чиққан депутатни тинглашни истамаса, марҳамат, залдан чиқиб кетсин!

Шиддат билан айтилган бу хитоб залдаги бевош рухни қиличдек кесиб ўтди, одамлар ҳушёр тортди, ҳатто иттифоқ раҳбарини назар-писанд этмай қўйган депутатлар ҳанг-манг бўлиб, ўйга толди. Чунки таъна асосли эди. Зал сув қуйгандай тиниб қолди. Ишонсангиз, бу осойиш Ислом Абдуғаниевич раислик ваколатини адо этиб бўлгунича давом этди. У киши танаффус эълон қилишдан илгари чиройли бир мутойиба қилди.

– Ҳаммамиз ҳам фарзандларимиз, уларнинг бахту иқболи деб яшаймиз! Ва, албатта, уларнинг хушфеъл, хушахлоқ бўлишини истаймиз. Аммо бунинг учун аввало биз, ўзимиз, халқнинг ишончли вакиллари одобли-маърифатли бўлишимиз керакми-йўқми?

Ҳамма кулиб юборди. Кейин депутатлар жилмайиб, бош чайқаб ўринларидан туришди.

– Нима бўлди, ўзи?! Бу одам бизни сехрлаб қўйдими? – деган ҳайратомуз хитоблар айтилди.

Шундан кўнглим ёришиб, Кремлнинг маҳобатли фойесида айланиб юрсам, ичкаридан Чингиз Айтматов чиқиб қолди. Жуда кайфияти баланд эди. У менинг қўлтиғимдан олиб, ҳаволи ва чарагон фойенинг у четига бошлади.

– Ўйламай-нетмай, “Фарфона фожиасига бир ликопча қулупнай сабаб” деган калтабин юзимизни ерга қаратган эди, шундан буён устимиздан кулиб юрган валломатлар ҳам бугун тан берди! – деди улуғ адиб, чуқур бир мамнуният ва қониқиши билан. – Шарқ – Шарқ-да! Айниқса, Москов матбуоти ўзбек халқига маломат ёғдираётган бир пайтда, бу кишининг ўзини тутиши, қатъияти ва ўқтамлиги, фикрининг тиниқлиги юзаки қарашларни остин-устун қилиб юборди. Шундан кўнглим ўсади, Одил, жуда хурсандман!

Ҳақиқатан ҳам, ўшанда биз Ислом Абдуғаниевичнинг саъии ҳаракати билан зулм ва ноҳақликнинг кўзига тик қараб, бошимизни баланд кўтариб, дунёга асл ҳақиқатни айта олдик.

Бунда чуқур маъно бор.

Мен Ислом Абдуғаниевични биринчи марта 1988 йил кўрганман. Авжи баҳор эди. Ўшанда адабиёт газетасида Бош муҳаррир эдим. Маълумки, миллый озодлик йўлида жон олиб-жон берган Беҳбудий, Чўлпон, Фитрат каби сиймоларнинг вақтида номи оқланган, аммо ижоди оқланмай қолган. Улар фожиаси билан боғлиқ ҳақиқат ҳалиям очиқ айтилган эмас! Ўшанда биз жадидлар ижодини оқловчи қатор материаллар чиқардик, ахийри, бошимиз балога қолди. Марказқўмга чақириб, бююда муҳокама қилишди, феодал ўтмишни қўмсаётган миллатчи, сиёсий саводсиз деб халқ душманига чиқариб қўйишиди!

У замонда амалдор замзама қилса, дардингни ичингга ютиб ўтирумай, ҳеч илож ўйқ эди. Лекин, Нишонов: “Шунча гиламда эмаклатдик, бас, етар”, дейиш ўрнига, борган сари ғазабга мина бошлади.

Муҳокама хатарли тус олиб, авж пардага чиққанида, кимdir ўриндиқни шарақлатиб, кескин ўрнидан турди. – Ёзувчилар халқнинг суюнган тоғи! – деди у қатъий эътиroz билан: – Улар одамларнинг дардига малҳам бўлади! Эл-юртнинг юзи-кўзи шулар! Бу инсонларни оёқости қилиш – инсофдан эмас! Масалага кенг қараш керак!..

Кўнглим алланечук ўртаниб кетди. Ўша, етим қолган вақтимдан то шу кунгача бўлган ҳаётим лоп этиб хаёлимдан ўтди. Бурилиб, у кишига қарадим, танимадим. Кейин билсам, Қашқадарё обкомининг биринчи секретари Ислом Каримов экан.

Ўша вақтда наинки халқимиз, балки унинг пешқадам вакиллари бўлмиш биз, ёзувчилар ҳам шундай бир ҳимога, меҳр-муруватга илҳақ бўлиб қолган эдик.

Шу боис, саксон тўққизинчи йилнинг ёзида Озарбайжон Ёзувчилар уюшмаси раиси Анор телефон қилиб, Одил ака, Ўзбекистоннинг янги раҳбари қандай одам, деб сўраганида, мен шуни эсга олдим, кейин у киши вилоятда гдлянчиларга қарши туриб, қўп жафокаш инсонни озодликка чиқарганини, эл-улус қаддини кўтариб қўйганини айтиб бердим.

– Биз шундай бир етакчига муҳтож эдик, ўзи! – дедим.

Шунда Анор ўринли бир гап айтди:

– Халқ ҳам шундай йўлбошчига муносиб бўлиши керак, Одил ака!..

Шу маънода, ҳар қанча шукр қилсак арзийди.

Мен уруш кўрган одамман. Бироқ, тўқсонинчи йилнинг ёзида, Ўща содир этилган ваҳшийликни қўриб, адойи тамом бўлганман, синганман, кейин ҳам анчагача ўзимга кела олмай юрганман.

Менинг неварам тенги қизчани зўрлаб, яна бутидан икки бўлиб ташлашган. Туғруқхонада чақалоқларни қиймалашган. Бир кампирнинг кўз олдида етти ўғлини чопиб, яна келинларини хўрлаб ўлдиришган!..

Шу ёшга кириб, бундай қонхўрлик ва бундай қабоҳатни, бундай қутуришни ҳеч кўрган эмасман! Бундай ваҳшийликдан сўнг бирон-бир халқни жиловлаш ҳеч мумкин эмас!

Биз, ҳаётнинг паст-баландини кўрган ёзувчи бўлиб, на мен ва на Чингиз Айтматов, юрак-бағри қон бўлган одамларга нима дейишни, қандай кўнгил беришни билмай, ўзимиз бир юпанчга зор бўлиб ўтирасак, Ислом Абдуғаниевич уч кеча-ю, уч кундуз уйқу билмай, қасос ўтида ёнган ва денгиздек тошган йигитларни вазминликка ундан, ўт-оловни ўчириб-босиб чегарада, тик оёқда турган. Бошимизга ёпирилиб келган оғатни қайтарган!

Буни унутиш мумкин эмас!

Ислом Абдуғаниевич Ўшга келиб, жабрдийда эл-улусга ҳамдард-ҳамнафас бўлгани, уларнинг дил ярасига малҳам қўйгани, бечоралар ундан қувват олиб, ўзига келгани ҳамон кўз олдимда. Бунга Чингиз ҳам гувоҳ.

Шунда Айтматов: – Қани энди, ҳар бир халқнинг шундай таянчи бўлса! – деган. Бу ҳам ёдимда...

Эҳтимол, кўпчилик буни билмас, аммо бу ўғил-қизларимиз учун ибратли тарих, деб ўйлайман...

Қутлибека:

– Кўшигинг даврада айланиб юрган

Бепарво кулгилар, майда гапларни

Лаҳзада қуидириб ташлади.

Ҳамма юрагини сезяпти танҳо...

Кўрқут ота:

– Дунё меники деган зўравонлар қани? Еллар уларнинг чирогини ўчирди ва ер ютди. Бу ўткинчи олам кимлардан қолмаган!

Кел, ўғлим, сени бир дуо қиласай!

Илоё, уругингнинг адл ва серсоя дараҳтини золимлар кесмасин,
қадрдан чипор тогларинг емирилмасин, азим дарёларинг ҳеч вақт
қуримасин!

Тангри ато этган орзу-умидинг, Илоҳим, завол кўрмасин!

13. Қалмиқ гүзали

Яна «Кундалик»ни варақлайман, хира тортган хотиралар тиниқлашади ва кечмиш воқеалар лоп этиб күз олдимда жонланади.

1977 йилнинг 2 августи. Одил ака ҳовлида, ёнғоқ соясида, саргич тўқима креслода ўтирибди. Олдида – дастурхон, ёнида – шоир Маъруф Жалил, у бутун гавдаси билан адига талпинган, киртайган кўзлари милтираб, жаги тинмайди, сира.

Одил Ёқубов ҳорғин ва фаромуш, биз бостириб бордик, ўзбекчилик, ўлганининг кунидан чидаб ўтирибди, гарчи бу сезилиб турса-да, шоир парво қилмайди, одатicha, ҳар икки гапининг бирида «ярамас» деб, тинимсиз фалсафа сўқади.

Агар, у радиокарнай бўлганида, Одил Ёқубов аллақачон қўчага улоқтирган бўлар эди. Лекин, у – Маъруф Жалил, камтар ва камсукум, оқкўнгил бир шоир, кимдир уни ҳам тинглаши керак-ку, ахир!

Шу боис, адига вазминлик билан уни тинглаган бўлиб ўтирибди. Фақат аҳён-аҳёнда жағига суюниб қолган шоирни эркалаб, бир луқма ташлаб қўяди. Шунда Маъруф Жалил шошиб қолади, гапини йўқотиб, ярамас, нима деяётган эдим, деб ўйланади, кейин Миразиз Аъзамга жовдираб саволчан термилади.

Миразиз Аъзам – менинг ёнимда, у шундан завқ олади.

– Ижод! – дейди у, кекирдагини чўзиб. – Ижод ҳақида гапираётган эдингиз!

– Яшаш жойингнинг тайини бўлмаса, ярамас, ижоддан путур кетар экан!
– дейди Маъруф Жалил, беозор жилмайиб. – Таржима чала қолиб кетди!

Одил ака завқланиб кулади. ҳатто кўзлари ёшланади. Ёнида Маъруф Жалил эмас, набираси ўтиргандек, меҳри товланиб унга қарайди.

– Бу, дейман, янгиси ҳам чидаш бермадими, шаир? Келин билан ажрашдингизми-а?

– Кўчада қолдим, Одил ака! – дейди Маъруф Жалил, боладек беозор жилмайиб. – Ярамас, ижод расво бўлди, ёзув-чизув ўлда-жўлда...

Ниҳоят, Одил Ёқубов ўзини йифиб олади.

– Эй Маъруф! – дейди у, жиддий хитоб билан. – Яқинда Константин Симоновнинг беш жилдлик «Кундаликлар»и босилиб чиқди. Олиб ўқинг, мириқасиз!

ҳар бири ёстиқдай келадиган мана шу китобларни машхур адиг уруш йиллари, қишининг қирчиллама изгиринида, ўлим хавф солиб турган вазиятда, фурсат топиб, кўкрагини захга бериб, окопда ёзган!

Мана, ижод – нима? У – қисмат! Ижодга шундай кўз билан қараш керак!

Ёки бўлмаса, Пушкинни олайлик!

Сиз унинг «Эрзумга саёҳат» асарини ўқигансиз, албатта⁴².

⁴²

А. С. Пушкин, Сочинения в трех томах, Москва, «Художественная литература», 1974 г.

Ўша 1825 йилнинг 14 декабрида, Сенат майдонида декабристлар содир этган ғалаён туфайли шоир кўпдан-кўп қадрдан дўстларидан жудо бўлади, айримлари қатл этилади, айримлари, дейлик, Рилеев, ака-ука Муравьев Сибирга, Пушчин билан Дорохов кабилар Кавказга бадарға қилинади.

Пушкиннинг ўзи бир юз йигирма биродари мана шундай мудҳиш жазога лойик кўрилганини афсус билан таъкидлайди.

Шоир одам учун бу жуда оғир йўқотиш!

Мана шундай қайгули кунларда у ҳеч ўзига сиғмай, 1829 йили бошланган Русия – Туркия урушида иштирок этишга, шу тариқа Кавказга сургун қилинган қадрли кишилари билан дийдор кўришишга ошиқади.

У шунинг учун ҳам шоир-да!

Лекин император Пушкинга рухсат бермайди. Гарчи шундай бўлса-да, ўзи учун жуда хатарли ўша юришда, ихтиёрий равишда у иштирок этади.

Байрон ҳам шундай қилган!

Эрнст Хемингуэй ҳам!

– Ўзингиз-чи?! – дейди Миразиз Аъзам, адебнинг кўнгилли бўлиб урушга кетганини эсга олиб. – Ўзингиз ҳам, ёшингиз етмай туриб!..

Одил Ёқубов жуда баланд мақомда қўл силтайди.

– Бизники ўз йўли билан, ёшлиқ сабаб, ўзимизни оқлаб олайлик деган жонҳалаклик сабаб! Лекин булар, мен айтган зотлар, онгли равишда ўтоловнинг ичига кириб борган, бир кўриб қўяйлик, нима экан бу, деб!

«Эрзумга саёҳат» Пушкиннинг ана шу саъии ҳаракати маҳсули. У шоирнинг кундалик кечинмаларидан иборат. Йўлда, от устида, извошда, жанггоҳда ёзилган.

Шоир кўрган-кечирганини аниқ-равшан ва ҳаққоний чизиб ўтади. Асарни ўқиганда, унинг хўрланган боладай ўксисб тургани, шу билан бирга, руспарастлиги яққол сезилади.

Кавказда, Пушчин билан учрашувини бир эсга олинг! кувғинлар, танқидчилар хуружи. Юраклар тўлиб кетган.

Лекин икки дўст дийдор кўришган ҳамоно бир-бирини сўзсиз англайди ва сел бўлиб оқади.

Накадар масъум ва беғубор кечинма...

Мен нима демоқчиман?

Даҳо санъаткор ҳар қандай чекловдан баланд туради.

Сиз Пушкиннинг саёҳатномасини бир синчиклаб кўздан кечиринг-да, кейин шоирнинг ўша йили, ўша сафар таассуротлари асосида ёзган дилбар шеърларини мутолаа қилинг!

Беқиёс руҳий товланишлари билан у сизни ҳайратга солади. Ва бу асарларда Шарққа ошуфталиқ яққол кўзга ташланади. Айниқса, «қуръонга иқтибос», «Пайғамбар», «Тумор», «Гул ва булбул» деган шеърлари жуда кўнгилга яқин.

Мен яна бир мисол келтириб ўтай.

Сафарномада Пушкин қалмиқларнинг ўтовига бориб, меҳмон бўлганини айтиб ўтади. қараса, бир сахройи қиз бўтқа пишираётир. Шоир у билан ҳамсухбат бўлади, қиз уни дастурхонга таклиф этади.

Бутун ҳаёти киборлар даврасида, шохона дастурхон атрофида ўтган нозиктаъб шоирнинг бундай вазиятда қандай ахволга тушганини тасаввур қилиш қийин эмас.

У бўтқа пашшага ем бўлиб ётганини кўриб турибди. Аммо қизнинг илтифотини ҳам ерда қолдира олмайди! Хуллас, ўша бўтқадан тановул қиласди ва, дунёда бундан кўра бадҳазм таом бўлмаса керак, деб ёзди.

Албатта, ундан тотиб кўришга унданған қиздан қаттиқ хафа бўлади, қўнгли ағдарилиб, меҳмондорчиликни тарқ этади.

Бу ҳолатни у рангли сурат каби аниқ-тиниқ ифода қилган.

Лекин улуғ шоирнинг ўша йили ёзган асарлари ичида яна бир гўзал шеър борки, у ҳам худди ўша қалмиқ қизи ҳақида.

Энди бу тамомила бошқача руҳда!

Уни ўқиганда, хотирот шундай жонланиб кетадики, бир-биридан афзал, бир-биридан сўлим таассуротлар қалқиб юзага чиқади ва бир-бирини тўлдириб, сизни мутаассир қиласди.

Бепоён қалмиқ дашту даласи, тиниқ ва мусаффо Шарқ осмони ва, ўша, масъум ва бокира, марҳаматли дилбар...

қалмиқ қизи ғарб малакларидан ортиқ бўлса, ортиқ, лекин кам эмас, дейди шоир.

Ва ўша сулувга маҳлиё бўлиб қоласиз!..

Даҳо санъаткор мана шундай хислатга эга бўлади. Назаримда, у Яратганинг илоҳий қудратини кўрсатиш учун дунёга келади. Ва ёлқинли, жонбахш сўз билан руҳни безовта этиб, юракларга ўт-олов солади...

Пушкин:

– Даҳо бир назар ташлашда ҳақиқатни каиф этади. ҳақиқат эса, муқаддас китобда айтилганидек, шоху сultonлардан минг чандон баланд ва қудратлидир.

Одил Ёқубов:

– Ижодда классик бўлсанг бўлгин-у, ҳаётда классик бўлма!..

14. Мутойиба

Кузнинг тунд ва хазин куни эди. Биз, Исо Жабборов билан бирга, хазон тўшалган намхуш ва сокин хиёбонда айланиб юрган эдик. қаёқдан ҳам Омон Матжон айтган бир ҳангома ёдимга тушди. Нохуш жимлик ва дилгирликни орадан кўтариш учун, яхши ниятда, уни айтдим.

– Омон Матжон Уюшма раисининг қабулига кирипти. Яшин домла ўрнидан туриб, унинг истиқболига чиқипти, ҳурматини жойига қўйиб кутиб олипти. Эски қадрдени каби, Матжонни бағрига босиб, оҳиста кифтига қоқиб қўйипти ва: – Ўксиманг! – депти чуқур ҳамдардлик билан. – ҳеч кўнглингиз чўкмасин, шоир! Фақат туфлининг пошнасини баланд қилинг, шунда билинмай кетади!

– Эшитганмисиз? – деди Исо Жабборов гапга қўшилиб. – Яшин ака въетнамлик ёзувчиларни кутиб олишга чиқипти. қараса, келаяпти улар, бир қарич-бир қарич бўлиб! Шунда Носир Фозиловга қараб, нима депти денг! Америка ғирт аҳмоқ экан! Эси бўлса, одам қуригандек, келиб-келиб шулар билан урушадими? Ахир, жудаям майда-ку, булар!

– Яшин ака олижаноб инсон! – деди Одил Ёқубов, худди мутойиба ёқмагандек, иддао билан. – Бўйи паст одамларнинг барчаси бирдек ёмон деб бўлмайди! Масалан, Наполеон Бонапарт⁴³, гарчи бутун ҳаёти жангу жадалда кечган бўлса-да, унинг сулув ва бекиёс Жозефинага оташин муҳаббати ҳамон башариятни ҳайратга солиб келади! Жаҳонгирнинг сўнмас ва бедор руҳи бутун Европага уйғоқлик бағишлигар! қолаверса, у Муҳаммад алайҳиссаломга чексиз ихлос ва ҳайрат кўзи билан қараган. Бундай олижаноб хислатлар Оллоҳ мартабасини улуғ қилган сиймога насиб этади, холос!

Наполеон айтадики, дунёда иккита қудратли куч бор, бири – ақл-заковат, яна бири – олмос шамшир! Шуниси кишини ҳайратга соладики, бу икки куч узлиksиз курашади, қарангки, беомон жангда доим ақл-идрок енгиб чиқади!

Нимага?

Чунки олмос шамшир ҳар қанча даҳшатли бўлмасин, бир нима яратишга қодир эмас!

Одил Ёқубовнинг феъл-авторини яхши билгани учун дўсти уни ҳовлиқтириди.

– Хўш, Ленин-чи, Ленин?

Одил ака шошиб, бир зум ўйланиб қолди, кейин яна ўша ҳаяжон ва ўша важоҳат билан Ленинни таҳқирлай бошлади. У жуда пакана, ипиринди, шуҳратпараст бўлган! Дарё-дарё қон тўккан, ўзи йўлдан озгани, майли, башарият ҳаётиниям издан чиқариб юборган!

– Бу тузум одамлар учун бир зиндон бўлди-ку, – деб койинди Одил Ёқубов. – Жуда ғалати бу – рус халқи, ўзи одамга ўхшаб яшамайди, лекин бошқаларни ҳам яшагани қўймайди!

Адид яна кўпдан-кўп даъвони қалаштириб, «пролетариат доҳийси»ни ер билан битта қилди ва ҳаяжон устида, умуман паканалар одам бўлмайди, ўзи, баднафс, шуҳратпараст ва бехосият бўлади, деб тугал хулоса чиқарди.

Исо Жабборов илмоқ солиб адидни илдиргач:

– Одил Эгамбердиевич! – деди салмоқлаб, сўнг Шайхзода таъбири билан мутойиба қилди. – Ўзларидан сўрасак, ўзларидан??

⁴³

Наполеон Бонапарт – (1769 – 1821) Франция императори.

– Жуда ғалати гап айтдингиз-ку, Исо Жабборович! – деди Одил Ёқубов ўшқириб, сўнг тўхтаб, чимирилиб дўстига тикрайди ва айтажак гапининг салмоғини ошириш учун ҳурпайиб бир нафас сукут сақлади, худди шу маҳал ич-ичидан тошиб келаётган кулги юз-қўзларида акс этди. – қани айтинг-чи, менга! – дея хитоб қилди у. – Сиз, паканаларга менинг нима алоқам бор? Худо шоҳид, буни ҳатто ўлчаб қўрганмиз, менинг бўйим сизнидан етти, Пиримқулникидан⁴⁴ эса, роппа-роса ўн саккиз сантиметр баланд! Ахир, бу Наполеон Бонапартнинг бўй-басти билан қарийб теппа-тенг дегани-ку!..

Миртемир:

*Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Қоврилмай то гашлик алангасида.
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Нафасимни ростлай қўланкасида.*

*Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Қушлар овозига қулоқ солайн.
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Хаёл огушида ором олайн.*

*Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Шу қунгача ўзни мен чеклаб бўлдим.
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Мен учун йигласин, мен йиглаб бўлдим.*

Иброҳим ғафуров:

– Чингиз Айтматовнинг етмиши ёши Бишкекда, бутун дунё жамоатчилиги иштирокида нишонланганида, унинг жаҳон тилларида чиққан асарлари улкан бир залга жамланиб намойши қилинган эди. Бир ёзувчининг шунчалар кўп китоб эгаси бўлиши мумкинлиги одамни ҳайратга солмай, лол қолдирмай иложи йўқ эди.

Мана, адабимиз Одил Ёқубовга шундай шарафли қисмат насиб бўлаётир. Унинг китоблари, жаҳон тилларидағи таржималари жамланса, шундай шукуҳли, файзли бир уй тўла китоб бўлади.

15. Салиб юриши

1.

⁴⁴

Пиримқул Қодировкўзнатутилган.

Яқинда “ҳаёт” ҳафталиги Алишер Ибодиновнинг “қуёш ҳам олов”⁴⁵ ҳикоясини чоп этди. Асарни ўқиб чиққач, бир дунё ўй хаёлимни чулғаб олди. Нимага десангиз, бу ҳикоя озодлик даврида ёзилган эмас, унга анча бўлган.

Адашмасам, етмиш еттинчи йилнинг кеч қузи эди. Мен ўша кезлар шаҳар газетасида ишлардим. Бир куни телефон жиринглаб қолди. Олсам, Одил Ёқубов.

— «Гулистан»да «қуёш ҳам олов» деган ҳикоя чиқибди, — деди у. — Үқидингизми?

— Үқидим.

— Шу йигитни танийсизми?

— Йўқ.

— Илгариям унинг ҳикояларини ўқиганман, жуда истеъодли йигит. Илтимос, уни ахтариб топинг, кейин бирга ўтириб, ҳам унинг, ҳам ўзингизнинг ҳикояларни кўриб, саралаб, қўллэzmани олиб келинглар!

Алишер Ибодиновни ахтариб университетга бордим, у тўртинчи курсда таълим олар экан, бирга ўтириб ҳикояларини кўрдик, тартиб бердик.

Орадан уч ой ўтгач, ёш адабнинг “Гулисанпур ҳиди” деб аталган биринчи китоби ёруғлик кўрди. Ўша кезлар «Шарқ юлдузи» журнали проза бўлими мудири Шукур Холмирзаев монелик қилиб, унинг «Оқ-оппоқ булатлар» қиссасини ушлаб турган эди. Одил Ёқубов қўллэzmани ўқиб чиққач, бориб у билан гаплашди, яна Алишер Ибодиновнинг ҳикоялари ва ўша қиссаси ҳақида қарийб бир саҳифа мақола ёзди. “Алишер ҳақида ўйлар” деб аталган бу қайдлар «Ўзбекистон маданияти» газетасида босилиб чиқди. Лекин журнал, бари бир, қиссани чоп этмади.

Ундан тузук асарлар қалашиб ётгани учун эмас, албатта!

Кўрсатиб қўйиш учун!

холбуки, бу вақтда Одил Ёқубов дунёга танилган ёзувчи эди.

Шунда мен билдимки, санъат асари яратиб, катта миқёсда қадр топиш мумкин, лекин қобилийлар, уларни саличилар деса ҳам бўлади, сени синдириш ва ризқ-насибангни ўзиники қилиб, манглайингни қириб олиш учун ҳеч балодан қайтмайди, қўлидан келган маҳовликни қиласди.

Мана, орадан ўттиз йил ўтгач, “қуёш ҳам олов”ни яна мутолаа қилиб, унинг таъсирида шу ўйга берилиб, мутаассир бўлиб ўтирибман. Назаримда, у куни кеча ёзилган, ҳатто сиёҳи қуrimagan, ҳали. Уни мустабид тузум даврида, йигирма икки яшар йигит ёзганига ишонгинг келмайди.

Алп Тегин билан гўзал Чибилғанинг оловли муҳаббати улуғланган бу асар яшиноқ сўзнинг, барқ урган адабиётнинг жонбахш қудратини ўзида намоён этади. Икки ёшнинг алангали севгиси иймону эътиқод йўлидаги жасоратли жангу жадалга уйғунлашиб кетган. қаранг, бири – исломият йўлида, яна бири эса, оташпараст, эътиқод турлича, аммо жонлар пайваста!

“Туркларнинг илгариги юксаклигини тиклаш учун уларни бир динга киритмоқ керакдур!” – дейди Чибилға. “Отаига сигиниши – Тангрига

⁴⁵ Алишер Ибодинов, «қуёш ҳам олов», “ҳаёт” ҳафталиги, 2006 йилнинг 30 ноябри, 7 декабри.

топинишининг энг тўғри йўлидур, – дейди унга жавобан Алп Тегин. – Axırı, бутун Очуннинг энаси – қуёши ҳам олов-ку!”

ҳатто иймон-эътиқод йўлидаги кескин ва шиддатли кураш ҳам ишқу вафо қайнаб-тошган икки дилни бир-биридан жудо эта олмайди. Нимага десангиз, иймон тоза-покиза, кўзланган манзилу кўнгилдаги тилак бир, фақат танланган йўл турлича ва у ўша манзилга албатта олиб чиқади.

Бу асар – иймону эътиқоди, жондан азиз она тили, Ватани ва халқи тақдири ҳаёт-мамотига айланган икки қалбнинг бир-бирига оташин муҳаббати ҳақидаги мумтоз қўшиқ, десам, муболага бўлмайди. Тўғри, Алп Тегин масаланинг моҳиятига тугал етиб борган эмас. Аммо ният – тоза, ихлос шундан...

Шундай замонлар бўлган, ёмон ўрамага олганда яхши ҳам қўшилиб куйган...

Агар, шу ҳикоя бўлмаганида, биз ўша кечмишни, руҳият иқлимидаги инжа товланишларни қаёқдан билар эдик, ҳис этар эдик?

Алп Тегин билан Чибилға сингари оловқалб аждодлар ёниб-ловуллаб ўтмаганида, кечмиш ҳаётимиз нечоғлик ғарив ва кемтик бўлиб қолишини тасаввур қила олармидик?!

Мана шундай хассос истеъдоднинг йўлини тўсиб, уни бир четга суреб қўйиш кимга керак бўлиб қолди? Ва нима учун?

Ўз вақтида қўлёзмалар тақдирини ҳал этган ўша “валломат”лар ҳозир қаерда, ўзи? Хўш, нега уларнинг биронтаси номини эсга солувчи бирон-бир асар ёза олмади? Ва нега яна адабиётда “қози”лик қилишди?

Улар “яратган” вазият Одил Ёқубовнинг “Фарзандлар бурчи”да⁴⁶ ўзининг ҳаётий ифодасини топган.

Адаб Наманганда бўлган ёш ёзувчилар анжумани ҳақида ҳикоя қиласи.

хайъатда ёшлар ташкилоти, вилоят раҳбарлари ва “республика адаблари мутасаддиси Яшин ака”⁴⁷ ўтирибдилар...

Ўша куни, назаримда, фақат ғафур ғулом нашиёти эмас, ҳамма нашиёт, ҳамма газета-журнал раҳбарларининг қулоги қизиди-ёв! Газета ва журналлар тортмаларида ойлаб ва ҳатто йиллаб жавоббиз ётган ҳикоя ва шеърлар ҳақида, берилаётган жавобларнинг масъулиятсизлиги ҳақида, ёшлар ижодига бефарқ қараашлар тўғрисида кўп қизгин гаплар айтилди.

галати мисоллар келтирилди. Бир ёш ёзувчининг ҳикоясига кап-катта журналдан: “ҳикоянгизда давр руҳини белгиловчи йирик характерлар йўқ”, деган жавоб борибди.

Кулги бўлди.

Тўғри-да! Давр руҳини белгиловчи характерларни бу соҳанинг пирлари яратса олмаяпти-ю, бошловчи адабга йўл бўлсин!

⁴⁶ Одил Ёқубов, «Танланган асаллар» (учинчи жилд), Тошкент, ғафур ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашиёти, 1978 йил.

⁴⁷ Комил Яшин – (1909 – 1997) драматург ва жамоат арбоби, 1958 – 1980 йилларда Ёзувчилар ўюшмасигарахбарбўлган.

ҳақиқатан, биз ёшларга ёрдам бершини, чин истеъододларни, келажсаги бор ижодкорларни олдиндан кўриб, уларни эҳтиётлаб, парварии қилишини билмаймиз”.

Мана шундай таъна-маломатлар сабаб, ахийри, ёшлар учун “Ёшлик” журнали ташкил этилди.

Ва бу журнал саксон учинчи йили “қудук тепасидаги ой”ни чоп этадиган бўлди. қисса ички тақризда ижобий баҳо олди.

Ўша кунларнинг бирида журналнинг наср бўлими мухаррири Эркин Аъзамов⁴⁸ ғафур ғулом нашриёти ҳам қўллэzmани нашрга тайёрлаётган экан, биз уни кўриб ўтирасак-да, ўша нусхани олиб чоп этсак, деб қолди. Мен рози бўлдим. Кейин нашриёт мухаррири Нортўхта қиличов ишни пайсалга сола бошлади. Бу ўша, “Шарқ юлдузи”да ишлаган вақти Алишернинг, кейинчалик менинг ҳам бир қиссамни токи китоб чиқиб кетгунча ушлаб турган муртад эди. Бу сафар ҳам атай ишни орқага ташлаб, нашриёт режасини барбод этди, кейин, саксон тўртинчи йили, ҳамма ёқ ёниб-тутаб кетгач, қўллэzmанинг тўқсон олти бетига қора сиёҳда салиб⁴⁹ аломатини чизиб, мен бу асарга мухаррирлик қилишдан бош тортаман, деб ёзиб берди.

Сен кимсан ўзи, деб сўрайдиган бир одам йўқ, Ўзбекистонда!

Холбуки, Очил Тоғаев, Носир Фозилов, Бердиали Имомов, Сулаймон Раҳмон, Аҳмад Отабоев каби номдор адабиётчилар ички тақриз ёзган ва қиссани ижобий баҳолаган эди.

Уни йўқ қилиб бўлмайди.

Лекин мен жинкўчага кириб қолдим. Шунда Одил Ёқубов жонимга ора кириб, китобни наср бўлими режасига ўtkазиб юборди.

Бир куни қўллэzmани қайтариб олиш учун нашриётнинг ўсмирлар бўлимига бордим. Шунда бўлим мудири, ёши бир жойга бориб қолган тулумдай одам яна “хунар” кўрсатди, у Нортўхтани чақириб, ёппаталарга ўtdи. Ва дабдурустдан:

– Сен, бари бир, бу китобни бу йил чиқара олмайсан, комсомол мукофотига ҳам қўя олмайсан! Мукофотни Хайриддин олади! – деди безрайиб.

Нортўхта эса:

– Сен жойингни билиб ўтириб! – деб ўшқирди ва ажинадай қутуриб келиб, кўкрагимдан итариб юборди.

Мен чагилиб, курсига ўтириб қолдим. Кўз олдим қоронғилашиб кетди, ҳаво етмай, нафасим бўғила бошлади.

Бу – нима, одамми ёки бошқа бир бало, адабиётми ёки жин ўйин, ҳеч англаб бўлмас эди.

Хар қалай, нима бўлмасин, лаънатдан тубан нарса.

⁴⁸

Эркин Аъзамов 1982-85 йилларда «Ёшлик» журналининг наср бўлими мухаррири бўлиби шлаган.

⁴⁹

Салиб – хоч бут; Ўрта асрда ғарбий европалик ғайридинларнинг Шарққа, мусулмонларга қарши исёнлиюриши, уларетти маротаба шафқатсиз босқинуюштирган.

Кўзлари олайиб, гезарид-бўзариб ўтирган мана бу тулум Хайддиннинг тоғаси, кўкрагимдан итариб юборган муртад эса, унинг ялоқхўри эканини билардим, лекин кўкракдан итариш нима эканини билмас эканман!

Бу амалнинг юкини ўшанда ҳис этганман.

Ўшангача қандайдир мукофот, қандайдир салиб юриши етти ухлаб, тушимга кирган эмас, ҳатто! Чунки талаб солиш ва бу “ўйин” мен учун сир бўлган!

Ниҳоят, ўзимга келиб, пича нафас ростлагач:

– Шунга шунчами? – дедим, тулумга.

Бу, катта “ўйин” эди. Гарчи шуни кўнглим сезиб турса-да, вақт ўтган, “кўрак чувиш машинаси” чангитиб ишлаб ётарди.

Ўша кезлар Хайддин Султонов “Ёшлик” журналида масъул котиб бўлган. Ва ўша йили, ҳақиқатан ҳам, комсомол мукофотига унинг номзоди кўйилган, лекин, ёзган-чизгани сариқ чақага арзимагани учун учун, садқийи сар бўлиб қолиб кетган, мукофотдан!

Холбуки, мукофот кўмитаси раиси унинг “пири муршид”и Эркин Воҳидов эди!

қаранг, дунёда шундай ишлар ҳам бўлар экан, калит – қўлингда, аммо кулфни оча олмайсан!

Йўқ жойдаги мукофот деб шунча зуғум қилди, касофат!

Бу – медалнинг олд томони, унинг орқасида ҳам шундай аломатлар йўқ эмас.

Агар, бу “ўйин” фақат ўша мукофот билан боғлиқ бўлганида, эслашга ва айтиб ўтиришга арзимас эди. Ўша салиб аломати замирида одам боласининг хаёлига келмайдиган ғаразли жоду ва қоп-қора ният яшириндир.

Буни билган билади, билмаган алай-балай деб ўтаверади.

2.

Бир қуни Эркин Аъзамов, гап-гап билан масалани пардалайман деб унга ахлоқий-маърифий тус бермоқчи бўлди ва, сиз қачон туғилгансиз, деб сўради, мендан.

Эллик учинчи йил, дедим унга.

Яна у Азим Суюн таваллуд топган санаси суриштириди.

– қирқ саккизинчи йил бўлса керак!

Шундан сўнг Эркин, у бундай муомаланинг тоза ҳавосини олган, обдон салмоқлаб:

– Мана, Нортўхта! – деди, худди дунёнинг тақдирини ҳал қилаётгандек, асьасаю дабдаба билан. – У қирқ олтинчи йил туғилган. Биз тенгқўр бўлганимиз учун бир-биримизни “сен”сираймиз. Мен уни “Нортўхта” дейман. Сиз Азимни “ака” дейсиз, лекин ўзингиздан етти ёш катта одамни отини тутиб чақирасиз? Нега?

Замзаманинг тагдорлигини қаранг!

Мен “ака”ни орага қўшмай унинг ҳам отини тутиб чакирав эдим, иззатталаб бир нима эмасми, бу жонидан ўтиб кетган, шекилли, шунга ишора қилди, кейин калтабин одамга хос такаббурлик билан димоғини кўтариб, осмондан менга кўз ташлади.

Мен унинг танқайган бурнига қараб:

– Энди Эркин, – дедим, бунинг сабабини изоҳлаб. – Бирор бор – ҳурматга лойик, бошқа бирор шунга арзимайди. Азим яхши шоир, оқибатли дўст, ақлли-фаросатли одам. Шунинг учун бўлса керақ, уни “ака” дейман, лекин доим эмас! Нортўхта эса, шунинг акси. Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Унинг нимасини ҳурмат қилиш мумкин? Кимсанинг исмида ҳам гап кўп, шекилли?!

Афтидан, у қоникиш ҳосил қилди,чувак юзи қорайиб кетди.

Ва шу билан сұхбатимиз якун топди.

қаранг, шу тобда Маҳмуд Саъдийнинг уни “бош ақл”, Хайриддинни “ёш ақл” дегани хаёлимдан ўтаётир. Нимага у бу икки касни “акл” деган экан? Ахир, содда қилиб, Эркин Хайриддинни етаклаб юради, деса бўлади-ку?! Ёки “ёш ақл” ҳали “бош ақл”дан ўзиб кетади, демоқчими у?

Ўзиб қаёққа ҳам борар эди?!

Майли, чалғимайлик!

Маҳмуд Саъдийнинг гапи ўз йўли билан, аммо бу икки “акл” муҳокама қилишга арзимайди.

Нортўхта ўша, қўлёзмага салиб аломатини чизган даюс, мени “ака” демади деб, аччиқланиб қилган эмас, буни! Эҳтимол, салиб ишораси нима эканини англашга унинг фаросати етмас, аммо бу амал нима эканини унга ўргатган гўрсўхталар жуда яхши билади. Уларнинг танглайини жоду билан кўтарган, оналари...

Шундай бир тоғорачи қавм бор, ким уларнинг тўдасига қўшилмаса, косасини оқартирмайди, қасам ичган, лекин дарди-фикри шуки, ҳамма уларга тоғора жўнатса, дарёлар уларнинг томорқасига оқса, дунё оёқлари остида хор бўлиб ётса!

Хўш, нега?

Нима учун?

Эй барака топгур, сен кимсан ўзи?!

Ўзинг бир ўлакса, нари борса, инсу жинс шарпаси бўлсанг! Қилган ишинг, бўлган-турганинг – ҳаромилик! Яна нима истайсан, эй баҳти қора?

Жуда дъявоси катта, буларнинг!

Ер юзида халифа бўлишни, дунёни сўраб яшашни истайди!

Адашмасам, саксонинчи йил, “Совет Ўзбекистони” газетасида иш бошлаган вақтим, бир куни Ашурали⁵⁰ ҳовлиқиб идорага келди ва жуда муҳим бир масала кун тартибига қалқиб чиққанини маълум қилди.

Биз кичик балконга чиқдик.

У гапни сирли бир алфозда, имо-ишора билан узокдан бошлади ва бугун кечқурун хос бир ўтириш бўлишини, шунга мени у бошлаб бориши лозимлигини айтди.

- Тағин у ёқ-бу ёққа кетиб қолманг! – деб тайинлади, яна.
 - қанақа ўтириш, кимлар бўлади, у ерда? – деб сўрадим мен.
 - Шукур Холмирзаев, Неъмат Аминов, Ака Мурод⁵¹, Эркин Аъзамов, Хайриддин Султонов!..
 - Маъноси нима, бу ўтиришнинг? – деб сўрадим, ундан.
 - қачонгача биз, тожиклар манави кўчманчи-афандиларнинг кунига ярашимиз керак? Адабиётни биз яратсак, санъатни, илм-фанни биз яратсак!..
- Мен унга ҳайрон бўлиб қарадим. Шу боис, у изоҳ берди:
- қаҳҳор тожик бўлса, ғафур ғулом, Озод Шарафиддинов тус тожик!..
 - Мен тожик эмасман!
 - Биламиз! – деди Ашурали оғир-босиқлик билан. – Биз сизни роса урганганимиз! Сиз – арабсиз! Араблар бизга ётади! Бирга бўламиз!..
 - Мен араб эмасман! – дедим уни чўрт кесиб, нимага десангиз, зах тўрителаникига ўхшаш ачқимтир бир қўланса анқирди, бу мирандан.
 - Сиз – арабсиз! – деди у бўшашиб.
 - Йўқ, мен араб эмасман! – дедим унга. – Мен шу ерлик, туғди-битти ўзбекман!

Шундай деб, бурилиб хонага кирдим, таъбим кир бўлган эди.

Илож йўқ, Ўзингни четга оласан, назарим кирликка тушмасин дейсан, аммо бир ирkit мушук келиб суйканади, думини гажак қилиб, фалокат юқтиради...

Ўшанда улар ўз билганидан қолмаган, тўда бўлиб, еганини еди, емаганининг тўнини шилиб ўzlари кийди.

Одил Ёқубовнинг яна бир шогирди Абулқосим Мамарасулов ҳам шу олчоқ ва очофат юҳога ем бўлди.

Ёшлар журнали шаклланаётган вақтда у Одил Ёқубовга янги ҳикояларини олиб боради. Адид қўлёзма билан танишиб ўтирганида бўлғуси журнал раҳбари унга мурожаат қиласди ва иқтидорли шогирдларидан бирининг асарини тавсия этишини сўрайди.

Абулқосимнинг ҳикоялари фавқулодда ҳаётий ва унда тириклик тошдан-тошга урилиб оқаётган сойдаги тошқин сув янглиғ жилва қилиб туради. Одил Ёқубов уларни ўқиб, қаттиқ таъсирланади. “Сомончилар” ва “Ёр-ёр” деган сара ҳикояларни оқ фотиха билан таҳририятга тақдим этади.

“Хайриддин “Сомончилар”ни таҳрирдан ўтказиб, биринчи сонга тайёрлапти, – деб ёзади Абулқосим. – “Ёр-ёр” номли ҳикоям қолдирилипти. “Унда анча эзмаланипсиз”, деди Эркин Аъзамов.

Кейин журналнинг Бош муҳаррири Эркин Воҳидовга дуч қилишиди. Эркин ака ҳам менинг “Сомончилар”им Одил Ёқубовнинг сўзбошиси билан журналнинг биринчи сонида чиқишини айтди.

⁵¹

Ака Мурод– ГулмуродМамадўстов(тахаллуси– Мурод МуҳаммадДўст), 1948 йилитуғилган

Мен Одил акага учраб, бўлган воқеани айтдим, “Ёр-ёр” қолиб кетаётганига ургу бердим.

— “Сомончилар”ни чиқариб олаверинг-чи, — деди Одил ака, мийиғида кулимсираб. — Кейин, Абулқосим Мамарасулов бўлиб кетсангиз, ўзлари илтимос қилиб олишади. Ўшанда бу ҳикояни уларга берасизми, йўқми, йўлаб кўрасиз”⁵².

Бироқ Одил Ёқубов айтгандай бўлиб чиқмайди. Бирдан дунё тескари айланиб кетади. Орадан бир-икки ой ўтгач, Эркин Воҳидов: — ҳикоянгизнинг сомони кўп экан, дони йўқ экан! — деб “мутойиба” қилади ва қўлёzmани унга қайтариб беради.

Шундан сўнг Одил Ёқубов Уюшманинг мажлислар залида: — Ўттиз йилдан буён проза ёзиб, сомон билан доннинг фарқига мен бораманми ёки тўртта шеър ёзиб, сен борасанми?! — деб, кўпчиликнинг олдида уни ўсал қилгани ёдимда.

Лекин, бу билан кўртугун ечилмайди. Нимага десангиз, аллақачон масала ҳал бўлган, Мамарасуловнинг тегирмонига оқаётган дарё даюсларнинг томорқасига буриб юборилган эди.

Ўша, «Мен қандай ёзувчи бўлдим» деган бадиа тўлиқ ҳолида чиқса ва уни олиб ўқисангиз, шунга гувоҳ бўласизки, 1981 йилнинг апрелидан токи 1982 йилнинг январигача унинг ўнлаб асари нуфузли нашрларда чоп этилган, лекин «Сомончилар» билан бирга, омади қайтган, яъни, ҳикояга салиб тамғаси босилган.

«Асарларимни чиқарган журналлар ҳам 1982-84 йиллари мени кўрса, терс ўғириладиган, олиб борган ҳикояларимни шувиллатиб орқага қайтарадиган бўлишиди. ҳатто, Абулқосим Мамарасулов Одил Ёқубовнинг думи, деган фисқу фасод чиқди. Нега шундай бўлганини мен билмайман, Одил ака ҳам бу гапларни эшишиб, ҳайрон бўлади».

Ғалати-а?

Нима, Одил Ёқубов иблисми?

Унга шогирд бўлиш иснодми?

ҳаттоки малъунлиқдан тубанми?!

Тавба деб ёқа ушлайсан, киши!

Ахийри, у нажот истаб, «устози аввал»и Мирза Кенжага юкиниб боради.

“Мен уларга айтдим, — дейди Мирза Кенжа, — нимагадир улар сизни тушунишимаяти.

— Меними, ҳикояларимними?

— Унисиниям, бунисиниям! Уларнинг қўлида иккита рўйхат бор, масалани ҳал этадиган, асари чиқадиганлар ва чиқмайдиганлар рўйхати! Сиз иккинчи рўйхатга киритилгансиз! Лекин мен уларга, Абулқосимнинг Одил Ёқубовга ҳеч қандай алоқаси йўқ, деб айтдим!

⁵²

Абулқосим Мамарасулов, «Мен қандай ёзувчи бўлдим», бадиа (қисқартирилган ҳоли), «Ёшлиқ» журнали 2006 йил №5.

— Нега энди? Одил Ёқубов менинг устозим, нимага устозимдан тонишиим керак?

— Асарларингизни чиқармоқчимисиз, одам бўлмоқчимисиз, ахир?!!

— Одил Ёқубовдан воз кечиши эвазига эмас!”

Мана шундан келиб чиқиб, Эркин Аъзамов масалага узил-кесил якун ясади: “Хуллас, сиз бизнинг қолипларга тўғри келмаяпсиз!”

Ана, холос!

Хўш, сенинг қолипингни ким ясаган, ўзи?

Бу – иймон-эътиқоддан кечиш ва малъунга, ҳаромига айланиш, демак!

Йўғ-э, дейсизми?

Шундок, биродар!

Мирза Кенжа нима деяпти?

“Одам бўлмоқчимисиз, ахир?!”

Демак...

1982 йили Абулқосимнинг “Суюнчи” деган биринчи китоби ёруғлик кўради ва шу орада Одил Ёқубов Адабиёт газетасига Бош муҳаррир бўлиб ўтади. Шундан сўнг ёш ёзувчининг китобчasi танқид остига олинган номалар-ҳангомалар ўша газета таҳририятига дўлдай ёғила бошлайди. Ва устозшогирдни яксон этувчи ўша хат ва мақолалар ҳамма ёқни илма-тешик қилиб ташлайди, ахийри ўрмалаб бирин-кетин газета юзига чиқади.

Буниси ҳолва ҳали!

Ўша кунларда унинг “Яшашнинг йўли” ҳикояси вилоят газетасида чоп этилади ва шу муносабат билан Ички ишлар бошқармаси бошлиғи Жиззах обкомининг биринчи секретари номига сўлақмондай расмий хат ёзади. Буни қарангки, аксига олиб, ҳикоя 7 ноябр куни чиқсан. Мелисанинг каттаси уни ўқиб, мундоқ қараса, газетанинг биринчи бетида Ленин бобоси унга синовчан кўз тикиб турибди, бу ёғи Улуғ октябр байрами! Шундай кунда бизни расво қиладими, бу бола, деб ўпкаси тўлиб, изиллаб йиғлайди у. Кейин ўттиз еттинчи йилдан қолган қонли қилични қўлига олади! “A. Мамарасуловнинг “Яшашнинг йўли” ҳикоясининг босилиши, ундаги ички ишлар ходимлари шарафини ва номини хўрлаш ҳамда ҳақоратлаш каби фактлар совет милицияси авторитетини туширишига хизмат қиласди”, деб унга сиёсий айб қўяди!

Ёш адиб ўша қонсираган айбномалар ва тажовузкор адабий танқиддан кўчирмалар келтириб, ўттизинчи-эллигинчи йиллар бўлганида, шубҳасиз, жойимни солишар эди, дейди!

Аслида ҳам шундай, ўзи!

Ажабланмаса ҳам бўлади.

Ўша замонда қўлланган жоду усули, бу!

Ният шундай бўлган, мелиса қонингни ичсин, ризқинг менга қолсин, дейилган! Шу амалга ошаяпти, холос!

ҳамма ёқ ёниб-куя бошлагач, Яратганинг ўзи ёш адибнинг жонига ора киради ва Эркин Воҳидов унинг туфма истеъдод эканига расман иқрор бўлади.

Бу воқеа қуйидагича бўлган.

Саксон тўртинчи йилнинг майида Москвада Бутуниттифоқ ёш ижодкорлар анжумани ўтказилади. Эркин Воҳидов Ёзувчилар уюшмасининг ёшлар билан ишлаш кенгаши раиси эди, у ўн икки нафар ёш ижодкорни пойтахтга бошлаб боради. Анжуманда Абулқосим Мамарасулов ҳам иштирок этади. Ва унинг асарлари, яна худди ўша, “Ёшлик”дан қайтган ва мелисанинг каттаси хуруж қилган, навқирон танқидчилик қора чаплаб, бундай ёзиш мумкин эмас, деб хулоса берган ҳикоялари: “Сомончилар”, “Яшашнинг йўли”, “Ёр-ёр”, “Йўловчи”, “Бир дона нон” катта қозонда қизгин мунозара га сабаб бўлади. Даниил Гринин, Алес Адамович каби дунё тан олган ёзувчилар ёш адибни фавқулодда истеъдод сифатида олқишлийди. Журналистлар унинг атрофида гирдикапалак, шов-шув бўлган асарлари эса, марказий нашрлар орасида талаш бўлиб кетади.

Бундай шараф қайси бир ёш ёзувчига насиб этган?!

Ўз вақтида Абдулла Орипов шундай довруғ солган, холос.

ҳа, айтмоқчи, Эркин Воҳидов ўша анжуманга шогирди Хайдиддин Султоновни ҳам етаклаб борган, лекин...

Сиз Михаил Булгаковнинг “Уста ва Маргарита” асарини ўқигандирсиз?

Бу – мумтоз асар. Агар, ёдингизда бўлса, у журнал муҳаррирининг шоир билан баҳси, буюртма асосида илоҳиётга қарши ёзилган достон муҳокамаси билан бошланади.

Тўғри, шоир Ийсо Масижни қоралаб, унинг салбий сиймосини яратган, лекин, аксига олиб, у тирик одамга ўхшаб қолган!

Муҳаррирга ёқмайди, бу!

Мақсад – уни яхшию ёмон деб сифатлаш эмас, умуман, Ийсо бўлмаган ва у яшаб ўтган деган даъво ғирт уйдирма! Шуни бор овоз билан очиқ айтиш керак!

Энг нохуши, муҳаррир закий одам, аслида шундай эмаслигини ўзи яхши билади, лекин сиёsat шундай, у эса, сиёsatнинг қули.

Шу боис, гапни айлантириб, марксча-ленинча таълимотга суюниб, худдики виждонга хилоф иш қилмай, мана шу “ҳақиқат”ни қийналиб уқтираётган маҳали, бошқа жой қуриб қолгандек, қандайдир Ажнабий келиб, шоир билан унинг ўртасига суқилади. Ва яна энсани қотириб, инжиқ ва мушкул сухбатга тумшуқ тиқади.

– Ийсо бўлмаган, Худо йўқ, дейсизми? И-я, унда бу борлиқ, бу ёруғ олам ва бутун бир ҳаёт кимнинг измида?

– Кимнинг бўларди, инсоннинг измида! – дейди шоир Бездомний, ўйлаб ўтирамай, чунки бу ечими бор бўлган масала, Маркс билан Ленин уни ҳал қилган, бошқасини ҳам!..

– Кечирасиз! – Ажнабий эътиroz билдиради ва, одам боласи оламни бошқариш у ёқда турсин, бир пасдан сўнг ўзи не қўйга тушишини ҳам билмайди-ку, дейди.

– Бир тасаввур қилиб кўринг! – деб у муҳаррирга юзланади. – Дейлик, сиз ўзингизни ва ўзгаларни бошқара бошладингиз, ҳатто бу ишнинг обдон

ҳадисини олдингиз, лекин бирдан, ихи-ихи, ўпкангиз саркома касалига чалинади! Шу билан ҳаммаси тугайди! Ёки бундан бешбаттар бўлиши мумкин, бир тасодиф сабаб, оёғингиз тойиб, трамвайнинг остига кириб кетасиз! Наҳот, одам ўзини ўзи шундай бошқарса? – деб у заҳарханда қилади. – қани, айтингчи, оламни бошқариб турган Илоҳ уни шу куйга солди, десақ, ўринли бўлмайдими?

Бу совуқ истеҳзо худосизларнинг ғазабини қайнатиб юборади, улар қатъий-сиёсий норозилик билдиради. Шунда у муҳаррирдан, агар, сир бўлмаса, бугун кечқурун нима қилмоқчисиз, деб сўрайди.

– Кеч соат ўнда ижодий йифин бор, мен шунга раислик қиласман! – дейди муҳаррир.

Ажнабий ўйланиб туриб: – Йўқ, бундай бўлиши ҳеч мумкин эмас! – дейди, сўнг Аннушка писта мойи сотиб олганини, ҳатто қўлидан тушириб, синдириб қўйганини айтади. – қаранг, трамвай ҳам йўлга чиқди, демак, каллангиздан жудо бўласиз!

Ажнабийнинг сурбетлиги Бездомнийни тутактириб юборади:

– Руҳий касалликлар шифохонасидан чиқиб келмадингизми, мабодо? – деб ўдағайлайди.

– Шундайликка шундай, – дейди Ажнабий. – Лекин даволовчи профессордан шизофрения нима деб сўрашни унутибман. ҳали йўлингиз тушганида, балким ўзингиз сўраб оларсиз, ундан?!

Муҳаррирнинг тоқати тоқ бўлади. У сиёсий хушёрликни қўлдан бермай, мамлакатда хавфли-шубҳали душман пайдо бўлганини тегишли маҳкамага етказиш учун шошиб-ховлиқиб ўрнидан туради. Кўчанинг у юзидаги телефонхона сари ўқдек учиб бораётиб, ўша, Аннушка тўкиб юборган писта мойига сирпаниб кетади ва оёғи осмондан келиб, темир изга чалпак бўлиб тушади. Дунёни бузиб келаётган совет трамвайи эса, уни босиб, бўйинни чирт узиб ўтади.

Маслакдошининг калласи катта йўлда сапчадек думалаб кетганини кўриб, Бездомнийнинг бошидан хуши учади. Яна, устига устак, бу – Аннушканинг иши, у эҳтиётсизлик қилиб, писта мойини тўкиб юборди, манави шўринг курғур бўлса, шунга тойиб, трамвайнинг остига кириб кетди, деган ғала-ғовурни у ўз қулоғи билан эшитади.

Шоир ўзини йўқотиб қўяди. Талмовсираб, ўша оқшом расвойи жаҳон бўлади, ахийри ҳамкаслари унинг қўл-оёғини боғлаб, олиб бориб руҳий касалликлар шифохонасига тиқади.

Яшириб нима, Бездомний аслида соппа-соғ, эс-хуши ҳам жойида. Фақат у вайсаб юрган сафсата шубҳали! Одамлар муҳаррирнинг бўйни чирт узилиб, катта йўлда калласи думалаб кетганига ишонади. Лекин, нега энди “Худо йўқ, Ийсо Масиҳ ҳам бўлмаган”, дегани учун?..

Ахир, бундай бўлиши мумкин эмас-ку, советлар мамлакатида! ҳеч мумкин эмас! Бу ёқда коммунизм шарпаси кезиб юрибди!..

қолаверса, Аннушканинг бу кўргуликка нима алокаси бор?

Сирли Ажнабий ҳақидаги уйдирма ҳам жуда ғалати!

Нима эмиш, балонинг бошида ўша турган эмиш! ҳаммасини олдиндан айтган эмиш! ҳозир ҳам шаҳарда изғиб юрган эмиш!

Наҳот шундай бўлса?

қандай соғлом ақлга сифади, бу?!

Йигирманчи йилларда!..

Материалистик қарашга мутлақо зид! Қолаверса, барча ялангоёқлар бирлашаяпти! Улар дунёни тўнкариб ташлайди!..

Агар, шоир, Европада бир шарпа кезиб юрибди, бу – коммунизм шарпасидир, деса, шубҳасиз, олқиши олар эди.

Одамлар коммунизм шарпасига ишонади. ҳатто ўзлари Одам Ато билан Момо ҳаводан эмас, балки маймундан тарқаганига зиғирча шубҳа қилмайди. Лекин Қодир Эгамга ва Унинг Элчисига, тақдир ажойиботларига ўла қолса ишонмайди.

Худди унинг ўзи каби!

У оқимга қарши туриб қолган эди...

Шу боис, даволовчи профессор, бу – шизофрения, деган қатъий қарорга келади.

Рост-да, Аннушка қаёқда-ю, трамвай қаёқда! Бездомний қаёқда-ю, Ажнабий қаёқда!..

Тақдир ажойиботлари йўқ эмас, шекилли?

Бўлмаса, ўша иили Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” билан “Диёнат” романлари хитой ва уйғур тилларида кетма-кет босилиб чиқармиди?

Шу муносабат билан адаб, яна ҳамкаслари билан Хитойга таклиф этилармиди?

Ва айнан ўша, Бутуниттифоқ ёш ижодкорлар анжумани бўлиб ўтаётган кунларда, тонгги рейс билан азим пойтахтга етиб борармиди?

Бу вақтда Абулқосим Мамарасулов Москвани забт этиб, отнинг қашқасидек танилиб улгурган эди.

Пекинга самолёт ярим кечаси учар экан. Вакт бемалол. Шу боис, Одил Ёқубов ҳамкаслари билан Ёзувчилар уюшмасига боради. қанотли янгилик ва кутловлардан севиниб, қаддини кўтариб турганида, ичкаридан Эркин Воҳидов “бозордан қайтган” шогирди Хайриддин Султонов билан эзилиб чиқиб келади. Тақдир уларни бир-бирига шундай дучор қиласиди, учаласи бир-биридан қочиб кутула олмайди!

Чор-ночор, шоир Мамарасуловнинг ҳикоялари шундай баланд анжуманда ҳамманинг юзини ёруғ қилганини айтади ва адабни қутлайди, кейин ўзидан ўтган хатолик учун кечирим сўрайди. Бунгача у Абулқосимнинг ўзига ҳам: «*Биз сизни тушунмаганмиз, тўғрироғи, «Сомончилар»даги милиционер* образи ижобий эмас эди!.. – дейди сиполик билан. – *Насиб қилса, мана энди йўлингиз очилди. Москвадан қайтгач, бизга ҳикояларингизни етказинг, эълон қиласиз*».

Лекин шундан кейин ҳам ёш ёзувчининг лоақал ўша анжуманда шов-шув бўлган бирон-бир асари журнал юзини кўрган эмас, гарчи улар марказий нашрларда босилиб чиқсан бўлса-да!..

Эркин Воҳидов нашриётга ўтиб кетгач, чиндан ҳам ёш адабнинг йўли очилади. У «Ёшлик» журналида гуриллаб чиқади, бир йил ловуллаб ёнади, кейин яна ўчиб қолади, чунки унинг ҳисобидан кимлардир яшashi, ижод қилиши ва мавқенини ошириши керак эди.

Ризқ дегани шундай нарса...

Москвада Одил Ёкубов юзини ёруг қилган истеъодли шогирдини кўрмоқ истайди, лекин ҳар қанча ахтармасин, уни топа олмайди, ахийри икки энлик хат ёзиб қолдиради.

“Мен сизни Москвада қидирганимнинг боиси – бир-икки журнал муҳаррири билан танишишиб қўймоқчи эдим. Бу ишини Даниил Гранин қилганини эшишиб, жуда хурсанд бўлдим.

Сизнинг бошингиздан ўтган воқеа шуни кўрсатадики, биз ҳақиқий адабиётни яхши тушунмаймиз, чунки ҳануз китобийлик ва чучмаллик балосидан қутула олганимиз йўқ.

Майли, йигит кишининг бошига нелар келиб, нелар кетмас... ”

Дунё ҳаётида тақдир ажойиботлари шундай зухур бўлади ва шундай талқин этилади.

3.

Айтмоқчи, Хитой сафарида ҳам эсда қоларлик бир воқеа бўлган.

– Ўримчига борсак, Ўлмас Умарбеков қўноқ экан, – деб ҳикоя қиласи адиб. – Ўлмас дилбар йигит, уни босиб ўтсак, уят бўлади деб, зиёрат этгани бордик.

Унинг бир синглиси бор, ўзидан ҳам кўҳлик, нихоятда малоҳатли, ака-сингил бирга дам олаётган экан. Улар бизни кўриб, ўзида йўқ хурсанд бўлди. Мехр-оқибат нима экани шундай пайтда билинади!

Синглиси чиройли дастурхон тузади. Сархил ичимлик, ноз-неъмат билан бизни сийлади. Лекин дастурхон устида бир ноҳуш воқеа рўй берди. Уйғур телевидениеси ака-сингилнинг ишқий муносабати ҳақида ёмон бир кўрсатув намойиш этди. Уни кўриб ўтирибмиз-у, ич-ичимдан зил кетаман. Худди атай қилгандек!..

Нимага десангиз, ўша кезлар бизга нисбатан ёш бўлган айрим адилар мана шундай ғалати, ғайритабиий муносабатни кўкларга қўтариб, дейлик, муаллимасига боғланиб қолган талаба йигит, ёки бўлмаса, бошида эри бўла туриб, бошқа бировга кўнгил берган жувоннинг ишқий туғёнлари ҳақида ёзиб, шуни ёқлаб, тарғиб этиб, яшасин эркин муҳаббат, дея бонг ураётган эди!

Уйғурлар бундай манфурлик инсоний ахлоқقا ва илохий тартиботга зид эканини далиллаб, эзіб-эзғилаб, мағзавамизни чиқариб юборди. Ахийри, сабрим чидамади.

– Энди дүстим, хафа бўлмайсиз, – дедим мезбонга юзланиб. – Улар бизнинг Ўримчида эканимизни қаёқдан билсин! Билса, мунчаликка бориб етмас эди, сил қилмас эди!

Бу тақдир ажойиботи бўлмайин нима?

Бўлмаса, Одил Ёқубов қаёқда-ю, ўша анжуман қаёқда? Эркин Воҳидов қаёқда-ю, милисанинг каттаси қаёқда?

Одамларнинг қиласиган бошқа иши йўқ дейсизми?!

Лекин салибчилар қора ният билан йўқни йўндиргани ҳолда, шунга ишонгиси келмайди.

Кечалари тинчини йўқотиб, шаҳарнинг шимолидаги тепаликка чиқади ва, ўша шарпа қўриниб қолмасмикан, мабодо, деб Европага умид билан кўз тикади. Ўша, коммунизм шарпасини қўрмоқ истайди!

Холбуки, у шарпа йўқликтан қандай ясалган бўлса, яна худди шундай йўқликка айланди.

Холбуки, ўша салибчи Язидга⁵³ ўхшаб, бўғзигача нажосатга ботди, лекин кўзлари мунчоқдай йилтирайди, дунёдан кўнгил узгиси келмайди, сира.

Холбуки, Иблис салтанати тўзғиб битди! Европа эса, ўз ёғига қовурилиб, ботқоққа чўқмоқда!..

Ҳароми – малъунга, Дарвиннинг маймунваччалари эса, пуч бир сафсатага айланди!

Қани, ўзингиз вижданан айтинг, тақдир ажойиботлари эмасми, бу?!

Иbn Халдун айтадики, “Европада фалсафага оид илмлар гуллаб-яшинади, бироқ ўша ўлкаларда қандай сир-синоатлар содир этилаётгани ёлгиз Яратган раббимга аён...”

Шунинг учун ҳам донишманд муаррих кишилик тарихи китобига Испаниянинг шимолидаги бирон-бир ўлкани киритган эмас!

У нарсаларнинг аслига қараб, зотидан хабар берган. Бўлмаган нарсани бўлгандек қилиб қўрсатишни истамаган.

Бунда чукур ҳикмат бор...

Куръон:

– *Биз улардан илгари ҳам уларнинг масканларида (яшаб) юрган қанча-қанча авлодларни (куфрлари сабабли) ҳалок қилганимиз уларни тўғри йўлга солмадими?!*

Албатта, бунда ақл эгалари учун ибрат ва аломатлар бордир.

Жалолиддин Румий:

⁵³ Язид – Шом ҳукмдори Муовиянинг ўғли Отасининг ўлимидан сўнг таҳтга Имом ҳусайнчиши лозим эди. Лекин Язид 680 йилнинг 19 априлида салтанатни қўлга олди, 10 октябрда эса. Имом ҳусайн билан унинг қаноти остидаги Мұхаммад алайҳиссалом оила ичи ва авлодини қиличдан ўтказади, кейин ўзи ҳалажойнинг ўрасига қулақ, нажосатга ботиб ўлади.

– Шарқ ҳақни топди, дунёдан кечиб,
зарб дунё топди, Илоҳдан кечиб.

16. Улуғлик тўни

Саксон олтинчи йилнинг кеч кузи⁵⁴. Ёзувчилар уюшмасида ҳам XVI пленум руҳи ҳукмрон. Танқид, ўз-ўзини танқид, тозалаш ва кадрларни жойжойига қўйиш...

Баногоҳ: «Пленум бўлар эмиш, Одил Ёқубов ишдан кетар эмиш!» – деган миш-миш ёйилди.

Одил ака ўша кезлар Адабиёт газетасининг Бош муҳаррири эди, газета қарийб бир миллион нусхада чиқади, жуда қанот ёзган. Нега ишдан олишмоқчи? Шахсий садоқатига қарабми? Ё синдириш учунми?

Мен кечқурун унинг уйига ўтдим, адаб ишдан кетмоқчи экан, кабинетни бўшатиб қўйдим, деди у, бундай вазиятда ишлаб бўлмайди!..

Пленум олдидан яна бир ноҳақлик содир этилди.

Ўша йили Уюшма раисининг ўринбосари, шоир Абдулла Ориповнинг саъии ҳаракати билан “қудуқ тепасидаги ой” қиссаси комсомол мукофотига қўйилган эди, бутун йил давомида у обдон муҳокама қилинди, таникли адабиётчилар қулоч-қулоч мақола ёзиб, асарни ижобий баҳолашди, лекин ғалвир сувдан кўтарилганида, одамлар лол-ҳайрон қолди. Нимага десангиз, расмий номзод бир четда қолиб, мукофот Уюшма раҳбарининг шогирди, ўша Хайриддин Султоновга берилган эди!

холбуки, унинг номзоди қўйилган эмас!

Бунақаси бўлмаган!

қойилмисиз?

Тоғорачилар нафси аммора сабаб, кўзи қонга тўлиб ҳеч балодан қайтмаслиги, ҳатто амалдаги қонун-қоидани бузиб ўтиши, табиийки, қўпчиликни шошириб қўйди.

Чунки бунақа олчоқлик ҳали урчимаган эди!

Бу ўша, саксон учинчи йили ғафур ғулом номли нашриётда бошланган салиб юришининг давоми эди, аслида.

Дилим сиёҳ бўлди.

Иқлим бўтқа бўлиб кетган эди.

Уйда кўмилиб ўтирсам, Одил Ёқубов чақириб қолди. Бордим. Стол устида “Ёш ленинчи” газетаси, унда ЦЭКа ЛКСМнинг қарори, ўша, ёшлар мукофотини бериш ҳақида...

– Улар бунчаликка бориб етади деб ўйламаган эдим! – деди адаб, бўғиқ овозда. – Сиз хафа бўлманг! Аслида, бу – сизга эмас, Абдулла билан менга ҳужум, бир зарба билан бира-тўла синдириб ташлаймиз, деган! Лекин шаҳар бедарвоза эмас, дунёning Сўровчиси бор, ҳақиқат бор, бу оламда! Бу ишлар

шундай қолиб кетмайди! Биз, Абдулла билан Московга телеграмма жўнатдик! Ишончим комил, ҳақлик рўёбга чиқади! Хўш, пленумга борасизми?

– Йўқ!

– Боринг! Бундай пайтда одам бошини баланд кўтариб юриши керак! Сиз эмас, улар тубан кетди!

Ўша куни пленум жуда кўнгилсиз бошланди. Уюшма раҳбари ЦЭКанинг иккинчи ва учинчи секретари, бутун ёзувчилар олдида Одил Ёқубовнинг янги романини ер билан яксон қилди. У токи танаффусга қадар, қирқ беш дақика «Оқкушлар...»ни, унга қўшиб муаллифни ҳам тупроққа белаб, хуморидан чиқиб тепкилади. Ҳеч ками қолмади...

Танаффус эълон қилингач, Одил Ёқубов жуда оғир ўрнидан қўзғалди. Юрагим туз сепгандай ачишиб, зимдан қараб турибман. Адиб яқин келгач, зилдай бошини кўтариб, ялт этиб менга қаради.

– Биз наинки ЦЭКА ВЛКСМга, балки ЦЭКага ҳам телеграмма жўнатганмиз! Азим Суюн “Комсомолька”га⁵⁵ ёзган! қани, кўрайлик-чи, Худойи ким экан, бу ипирискиларнинг! – деди ғазаб билан.

Ажаб-ажаб. Одамзодга тегиб бўлмайди, иззат талаб қилиб сал туртсанг, бирдан қилич яланғочлайди. Ҳамла қиласди. Кеча ўзим ҳам шу кўйга тушдим, бўлмаса, мукофот чўнтакда эди.

Кечга томон Пирмат Шермуҳамедов йўқлаб қолди. Уч-тўрт шогирд бозор-ўчар қилиб ўтдик. У киши бизни ўқитган, пойтахтда олиб қолган, ишга жойлаштирган. Ҳатто совчилик қилган...

Кўп меҳр кўрганман. У киши униб-ўсган жойга шунга яраша меҳр қўйдим. Ба уни аяганим йўқ, энг оғир йилларда ҳам!

Аму тўлиб оқади, ҳали. Илгаргидай.

Орол ҳам, Орол бўйлари ҳам аслига қайтади.

Ер юзининг жаннатига айланади, бу замин.

Мен хитоб қилганим йўқ. Яқин йилларда воқе бўладиган яшаришдан хабар бераяпман, холос.

Бу – кенг феъл, кетмас давлатли яхшилар ҳимматининг қайтишидир...

Сизга айтсам, билиб, билмаганга олиб юришни ҳам шу кишидан ўрганганман. Пирмат ака бунинг додини беради, аммо дилида ғубор сақламайди. “Билиб кўйган яхши!” – дейди. Мен куламан. “Қўлингдан ҳеч нима келмаса, билгандан нима фойда?” – деб ўйлайман. Аммо, билиб қўйган, бари бир, яхши. Чунки ҳамма нарсанинг вақти-соати бор. Келади. Шунда орани очиш осон бўлади.

Бу дунёда яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам зинҳор изсиз кетмайди.

Қайтади.

Тугал.

Аввалига уларни нафсига қўйиб бердик, вақт етгач, қилмишига топширдик...

⁵⁵

“Комсомолька” – “Комсомольская правда” газетаси.

Хуллас, ўша оқшом күпчилик бўлиб, устознинг хонадонига ўтдик. Мана, уйни тўлдириб, яна иззатини қилиб, атрофини олиб ўтирибмиз. Даастурхон тўкин. Ҳали у қадаҳ сўнади, ҳали бу...

Бир маҳал навбат менга етди. Соқий пиёланинг “давлат чизиги” тача тўлдириб қуйгач, сўз – сизга, деди. Мен ўрнимдан туриб, лутф қилмоққа чоғланганда:

- Сиз кўп ичманг, Ғаффоржон! – деди Пирмат ака.
- Ароқ ўз кучини кўрсатди.
- Нега?! – дедим оғриниб.
- Сиз билан ҳозир Ўлмас аканикига ўтамиз!
- Нега?!

Пирмат ака шошиб қолди. “Нега” лигини айтгиси йўқ эди. Мен бўлсам, қадалиб қараб турибман. Ахийри:

– Мен ҳозир Умарбековнидан келдим, – деди у. – Улар сизга мукофотни бермоқчи эмас!

- Ким – улар?
- Воҳидов, Умарбеков, Ҳошимов!..
- Сабаб?
- Воҳидов сизни “зелёный”⁵⁶ деяпти. Умарбеков ҳам норози, “у Ёқубовнинг шогирди, бизни устоз деб билмайди”, деди...
- Хўш, нима бўпти, шунга?
- Умарбеков “келиб, сизни устоз деб биламан, деса, мукофот уники”, деди. Сиздан нима кетди, ўтамиз, шундай дейсиз, олам – гулистон...

– Пирмат ака! – дедим мен осмондан келиб. – Мен учун шунча жон кўйдирибсиз, раҳмат! Шунинг ўзи мукофот-ку! Энди, сиз айтган мукофотга келсак, унгаям, ўша Умарбековга ҳам

Шу учун олдик. Аммо устоз бир яйради...

Бугун эса, қаранг, дунё тескари айланиб кетди. Умарбеков кимсан, Одил Ёқубовни “синдириб” ташлади. Устоз зил кетди, танаффусдан сўнг қорасини кўрсатмади. Бироқ, кутилмаганда пленум ғалати тус олди. Ҳамма Ёқубов ишдан олинишини кутиб турганда, Уюшма раиси, ўша Ўлмас Умарбеков яна сўз олди ва минбарга чиқиб, Ёқубовдан расман узр сўради. Кенг жамоатчилик олдида! Кейин «Оққушлар...» романи, инсоф билан айтганда, бултур ёзилган энг сара ва бакувват асар, деб, унга нохолис баҳо берганини очиқ тан олди. Шундан сўнг, токи анжуман охиригача, оз эмас, кўп эмас, роппа-роса қирқ беш дақиқа у романни таҳлил этиб, қандай ерга урган бўлса, шундай осмонга чиқариб қўйди. Ва асар муаллифидан яна бир бор расман кечирим сўраб, пленумга яқун ясади.

Албатта, бу ҳол кўпчилик қатори мениям ҳайратга солди. Чунки улар тушгача жинбазм қилган, тушдан кейин эса,чувиллашиб қолган эди.

Пленумдан чиқиб, тўғри Ёқубовнинг уйига бордим, борсам, Одил ака ҳар қачонгидан хотиржам, бамайлихотир чой ичиб ўтирибди.

⁵⁶

Зелёный – яшил. Бу – сўз ўйини. У зоҳиран “ҳалиғур”, ботинан “бизданэмас”, деяпти.

– Танаффусдан кейин кўринмадингиз? – дедим. – Бир нима бўлди, ўзи! Дунё тескари айланиб кетди!

– Шунақаям бўладими, ахир?! – деди адаб важоҳат билан. – Инсоф ва адолат бўлиши керак-ку! Танаффусда Асқад Мухторнинг олдига бостириб кирдим. У қўлини азот кўтариб: “Мен эмас, Ўлмас!..” – деди. Шу важоҳат билан Умарбековнинг кабинетига ёпирилдим. Кирсан, у Анишчев, Абдуллаева, Уйгун билан чой ичиб ўтирган экан.

– Сен кимсан, ўзи?! – дедим ўрисчалаб, ҳаммага тушунарли бўлсин учун. – ҳе, сени ўша тукқан онангни!..

Яна айтдимки, билиб қўй, сен ишингни олишинг мумкин, лекин ёзган асарим устидан ҳукм чиқара олмайсан! Бунга маънавий ҳаққинг йўқ! Одамларнинг кўзини боғлайман деб ўйлама! қўлингдан келмайди, бу! Сенга яна бир гапни айтиб қўяй, модомики, бу лавозимга ўтиредингми, барчага бирдек бўл! Агар, шу қўлингдан келмаса, йиғиштири этагингни!..

Бир ривоят эшитганман, деди Ёқубов гапида давом этиб, қадим замонда бир вазири аъзам ўтган экан. Ўлгудай амалпараст, яна шу бўлишига раиятни ёқтирмаскан. қачон қараманг, қариндош-уругини бардор-бардор қилиб, бошқаларнинг кўкрагидан итаргани-итарган...

Бир куни куёви билан кўнгил очиб ўтиrsa, иттифоқо, бир қашқатаёқ жулдуровоқи олдига кепти. Вазири аъзамнинг кўнгли озипти. Ва буни яширмай фақирга ижирғаниб қараб, куёвига, қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит, қабилида, бунинг сиёки ёқмади менга, депти.

Шунда ўша фақир, чарс одам бўлгандир-да, ёки жонидан ўтиб кетганми, ишқилиб, эй вазири аъзам, Тангри таоло дарёнинг сувини уруғ-аймоғи билан бўлиб ичин деб сенга улуғлик тўнини кийдирган эмас, эл-улуснинг кунига ярамасанг, қани, еч уни, бу тўнни кийишга муносиб одам кўп, деган экан!

Шунга ўхшаб, мен ҳам заҳримни сочдим!

Ўйга келиб, чой ичиб ўтирса, телефон дунёни бузиб юборди. Олсам, «Биринчи»нинг шахсан ўзи...

«Одил ака! – деди у. – Ўлмас сиздан ариза опти, яна ноҳақ ранжитипти! ҳозир шуни эшишиб, жуда хафа бўлдим! Бизга Умарбеков керак, аммо Ёқубов ҳам керак, дедим! Эртага, албатта, ишга чиқинг! У қилган номаъқулчилиги учун сиздан кечирим сўрайди, жамоа олдида! Мен буни қаттиқ тайнладим!..»

Шундай бўлган...

Тақдир ажойиботини қарангки, орадан бир ой ўтгач, Абдулла Орипов йўқлаб қолди. “Бир кўришайлик, гап бор!”, деди у.

Мана, хилват чойхонада эзилиб ўтирибмиз, икки қишлоқи, “майдалаб”. Қўққисдан у: – Мукофотни қайси ёқангизга тақиб қўяй? – деб кулди.

– Қанака мукофот?

– Нима, хабарингиз йўқми, ҳали?

– Йў-ўк...

– Об-бо-о! Ахир Московдан, ЦЭКа ВЛКСМдан комиссия келиб, ўша “иш”ни ғалвирдан ўтказди-ку! Бюронинг қарорини бекор қилди. Мукофот

Султоновдан қайтариб олинсин, Хотамовга берилсин! Қонунга зид иши учун Воҳидов четлатилсин, Орипов мукофот қўмитаси раиси этиб тайинлансин, деб қарор чиқарди...

Шунақа гаплар, – деди шоир, хазин жилмайиб. – Ҳақиқат бор, бу оламда! У эгилади-букилади, лекин синмайди! Тўғри, ҳар эгилганида қанчадан-қанча қовурғаси синиб кетади...

Бугун наинки бу мукофот, ҳатто Нобел мукофоти ҳам айтишга арзимайди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлган, Ленин мукофоти олган кишилар нима бўлди? Унвони мукофот билан меҳр қозониш қийин. Агар дарё бўлсанг, одамлар оғирини енгил қилсанг, халқнинг кунига ярасанг, бошқа гап. Мен бу кечмишни зарурат юзасидан эсладим, холос. Аслида, у тилсим эди ва кесилди...

Қаранг, ўша йили «Советская культура» газетаси Умарбековга бўғма илондай ёпишди. Ва уни чириган тўнкага ўхшатди. «Литературная газета» эса, уни маҳаллийчи ва тўдакаш деб айблади. Танқид устига танқид, ёза-ёз, паст-баланд гап ивирсиб кетди. Ва у чиндан ҳам чириган тўнкага ўхшаб қолди...

Одил Ёқубов эса, тўсиқ ва ғовларни кесиб ўтиб, Уюшмага, ҳувиллаб ётган ўша кабинетга кириб борди ва оёқостида ётган улуғлик тўнини олиб, кифтига илди⁵⁷...

қайд:

– *Шундай одамлар ва шундай жамиятлар борки, ҳалокат ботқогига ботаётганида, ортида қолаётганларни ҳам тортиб кетмоқ истайди.*

Усмон Носир:

– *Ки одамнинг ўзини эмас,
ҳиссини ҳам хароб қилса давр!
қийналаман! Юрагимда ҳовор,
Бу – қаршилик! Кўринг тарихни!
Умр тегасида мушт туйган...
қийналаман виждан билан мен,
Мумкин эмас, қарши турмасдан!..*

17.«Тўппонча»

1.

Ким раҳбарга яхши кўринишни истамайди?
Бу одам боласига қўндоқда теккан касал.

⁵⁷ 1987 йил 1 октябр куни Ўзбекистон Ёзувчиларуюшмасининг бешинчи пленумида Одил Ёқубов Уюшма раиси этиб сайланган.

Уюшмадаги ўша, олағовур пленумдан сўнг, Одил Ёқубов қайтиб яна жойида қолди. Лекин креслоси сал омонатдек бўлиб туюлди. Тепа билан муносабатни яхшилаб қўйиш керак! Учинчи секретарнинг хайриҳоҳлиги йўқ эмас! Шуни мустаҳкамлаб қўйса, ёмон бўлмайди!

Тавба, қачон шу ҳақда ўйласам, Иброҳим ғафуровнинг: – Кунлар исиб кетди, музқаймоқ егиси келар одамнинг! – деган замзамаси хаёлдан ўтади ва бирдан масала жиддий тус олади. ҳолбуки, бу – юмор талаб этадиган ҳикоя...

Нафс ёмон-да! Қаранг, кунлар исиб кетган! Одамнинг музқаймоқ егиси келади, аммо чўнтағида ҳемири йўқ! Шунда у нималар қилмайди!..

Хуллас, Раъно Абдуллаеванинг салмоқли бир мақоласи тайёрланди ва газетанинг биринчи бетига, яна тепадан, оҳанжама қилиб жойлаштирилди, муаллифнинг исми-фамилияси ҳам кўзга яққол ташланадиган гажак ҳарфда терилди. Ва опадан суюнчи олинди. «Шундай, Раъно ҳабибовна! Шундай, шундай! Шахсан ўзим!..»

Иш битди!

Оlam гулистон!

Одил Ёқубов эрталаб туриб қараса, кун бир бошқача. Феруза осмон шундай тиниқки, кўз қамашади. Қуёш ҳам чараклаб турибди. Унинг кўнгли хуш бўлди. Кечаги иши яхши бўлди-да. Шуни ўйлаб, катта ёзувчига хос мамнуният ва ўзига ишонч билан бамайлихотир ишга келади.

Келса, ишхонада вазият бошқача, ҳамма ўзини олиб қочади, фалокат босиб, дуч келган ходим ерга қарайди.

Унинг юраги ғаш бўлади. Бурилиб, ўринбосарининг олдига киради.

– Тинчликми, Иброҳимжон?

– қўйполдан қўйпол бир хато ўтиб кетибди, Одил ака! – дейди ўринбосари, эзилиб. – ҳозирдан бунинг олдини олиб қўймасак, бўлмайди! Яна қаерда денг, опанинг имзосида!..

Ёқубовнинг юраги увишиб кетади, газетага тикилиб қарайди, ўқловдай-ўқловдай ёзувда, опанинг падари бузруквори «Абдулва» бўлиб турибди!

«Оббо-о!»

Бундай пайтда эркак зотининг хаёлига ўқдай учиб бир фикр келади: «хэ онангни!..» Ундан кейин муҳокама бошланади. «қаёқдан шу ишга қўл урдим?! Ўзи бир тажанг аёл! Еб ташлайди энди!..» – каби. Шу орада “тарих” саҳнасига отилиб чиқиб, оёқ остида ивирсиётган асосий «қаҳрамон»нинг онасига ҳам хаёлан “мурожаат” қилинади.

Одил Ёқубов ҳам, улуғ ва салобатли кўринса-да, ёши ўтиб қолган бўлсада, бундан мустасно эмас. Эски жангчи, душманнинг қораси кўринса, бас, беихтиёр «автомат»га қўл чўзади, ўқи борми-йўқми, мойланганми ёки занг босиб ётибдими, иши йўқ!

Яна: «Нега бундай бўлди? Ахир, ҳаммаси жойида эди-ку?!» – деб куйинади. Лекин, поэзд кетиб бўлган! ҳеч ким уни орқага қайтара олмайди. «Саъдулла Музофарович-чи? қайдам?!» Биргина Яратган бу балони даф

этиши мумкин, лекин у ёқ билан боғланиш қийин. Бундай ишлар одам боласининг қўлидан келмайди.

Тўғри, котибаси Насибаҳон...

Кампиршо кеча телефонда Миртемир билан гаплашган, шахсан! Домла бир туркум шеър қолдирган экан, чўзилиб кетаяпти, шуни Иброҳимжонга эслатиб қўйинг, деган.

Устоз қачон, қандай йўл билан келган, милисадан қандай ўтган, кимга шеър қолдирган, ҳеч ким билмайди. Аммо телефон қилган...

– Менга шеър қолдирмаган, домла! – дейди Иброҳим ғафуров тутақиб. – Нима, у дунёга ҳам телефон ўрнатишибдими, Насиба опа?

– Нега ундан дейсиз?

– Ахир, домланинг оламдан ўтганига йигирма йил бўляяпти! Эҳтимол, Мирмуҳсин ака телефон қилгандир? У шеър қолдирган эди!

– Йўқ, Миртемир, – дейди опа, ўз билганидан қолмай. – Эсимдан чиқиб кетмасин деб ёзиб қўяман, мана!..

У бир исқирт қофозни пеш қилади. Кулишни ҳам, куйишни ҳам билмайсан, киши. Совет замони, қофоздан кучли нарса йўқ! Унда “Миртемир” деб ёзиб қўйилган! Ғафуров рад этиб кўрсин-чи!..

ғафур ғуломнинг саксон йиллиги. Бир куни Ваҳоб Рўзиматов бизнинг таҳририятга мақола кўтариб келди. Мен уни бўлим мудирининг олдига бошлаб кирдим.

Эътибор Охунова мақолани олиб, орқа-олдига қаради. У бунақа нарсага кўп тушунмасди.

– Майли, берамиз! – деди, кейин дабдурустдан: – Ваҳоб ака, домланинг янги шеърлари йўқми, мабодо? – деб сўради.

Ўзингиз ўйланг, йигирма йил олдин ўлиб кетган, бир нима ёзишдан олдин қаламҳақи талаб қилган, шундай одамнинг бисотида қанақасига янги шеър бўлиши мумкин?

Куладиган одам йўқ, бу гапга!

Ваҳоб ака, эси жойидами бунинг, деган каби чимирилиб менга қаради, кейин энсаси қотиб, индамай чиқиб кетди.

Бир ҳафта ўтгач, у киши яна келди. Бу сафар у менинг қўлимдан тутиб, опанинг хонасига бошлаб кирди. Кейин:

– Эътиборхон! – деди чертиб-чертуб. – Биласиз, у ёқда телефон йўқ! Ўзим бориб келай, десам, кетган одам қайтиб келмаган! Кеча Илёс Муслимини тепкилаб кўмишдан олдин, ғафур акага айт, Эътибор Охунова янги шеър сўрайпти, деб тайинладим. Лекин сиз бир йўлини қилиб, олдин қаламҳақини етказинг, бўлмаса, у одам ўлақолса шеър бермайди!

Шундай деб у яна мени етаклаб, йўлакка олиб чиқди, эшик очиқ, опа ҳангуга манг бўлиб турибди, унга эшиттириб, шу фаросат билан бу хотин қандай қилиб шеър ёзади, деб сўради.

Шундай аломат одамлар ўтди, бу дунёда...

Бу, саксон учинчи йилнинг гапи, энди саксон олтинчи йилга қайтамиз. Замон ўзгариб кетган. Жанозага бориш йўқ, чопон кийиш йўқ, қабртошга ойнинг расмини солиш йўқ. Агар, шундай қилсанг, онангни кўрасан, опа жонингни суғуриб олади. ҳай-ҳай демасанг, Навоийнинг бошидаги салласини ечиб ташлайди. Рост-да, космонавтика асрида яшаётган бўлсак, саллага бало борми?

Шунинг учун ҳам, мана, Ёқубовдай одам, юрак ҳовучлаб, гўё лахча чўғ устида ўтирибди, идораси эса, тутаб бораяпти!

Уни ўй босади. Шу пайт масъул котиб кеча ўқилган сахифани кўтариб киради. Бирга ўтириб, айборни аниқлашади. Кўзи кўрми, бунинг?! Шундай хатогаям йўл қўядими! Ахир, бу опа бўлса?!

Ниҳоят, жамоани йиғади. Ичини ит тимдалаб ётган бўлса-да, сиполикни кўлдан бермайди.

– қани, айтинглар, кимга қандай жазо берамиз? – деб, гўё маслаҳат солади. Қайта қуриш! Хоҳласанг, “Абдулва” дейсан, хоҳласанг, “А-ва”. Майлин-дэ! Демокра-атия! Аммо опа – бошқа масала! У ЦЭКанинг секретари ва бу сиёсий хато! Сиёсат билан ўйнашиб мумкин, аммо у билан – йўқ! Чунки қайта қуриш ҳам, демократия ҳам унинг кўлида. Қаранг, ҳамма ёқ остин-устин бўлиб кетди. У ичиди: «Буни кўп чўзмаслик керак! – деб қўяди. – Булар Рашидовиди сенга, қўшиғини “уриб” чиқсанг, индамаса, ҳеч кимга тегманг, деса! Булар XVI пленум...»

Ўшанда Рашидовни ёмон қилишган! Гарчи номи айтилмаган бўлса-да, эл севган қўшиғини “уриб”, йўқ қилиб юборишган. Мухтарама Улуғова унинг додини берган! Нега? Нима учун? Ҳеч ким билмайди. Афтидан, ўшандаямFaфуровнинг музқаймоқ егиси келган!

Аммо қўшиқ ёмон эмасди...

Яна дeng, Рашидов ҳиндиstonда, лекин ЦЭКА деган метин-мустаҳкам маҳкама бор. Унда масъул ўртоқ бор, у хушёр, оловга мой пуркайди, қайта-қайта, бир кунда саккиз марта сим қоқади: «Менинг юрагим кўтармаяпти! қандай чидар экан, Шароф Рашидов?!» Ваҳима қиласди.

Одам ўлиб қолиш мумкин! Чунки унинг юраги кўтармаяпти!

Нима бу – шахсий садоқатми ёки?..

Қизи айниб кетса, юраги кўтаради. Ўғли жаноят қилса ҳам, аммо...

Йўқ, ўшанда Георгий Алексеевич⁵⁸ одамгарчилик қилиб, Рашидов келиши билан уни чақиради ва Каттанинг олдига олиб киради.

Одил Ёқубов шундай-шундай дейди, бир қошиқ қонимдан кечасиз, Шароф Рашидович, мендан ўтди, айборрга жазо бердик, узр!..

– Мен бу нарсани тушунаман, Одил! – дейди Биринчи секретар. – ҳозир бориб, жамоани йиғинг, уларнинг кўз олдида манави буйруқни йиртиб ташланг! Рашидов ҳеч кимга жазо берманг, деди, сизларга салом айтди, денг! Чунки, сиз билан биз ижодга алоқадор одам, яхшилик тез унутилади, аммо арзимас харакат эрта бир кун носоғ гапга мавзу бўлади! Буни кўп кўрганмиз!

⁵⁸

КрайновГ. А. – Ўзбекистон раҳбарининг ёрдамчиси.

У шундай деган, лекин Раъно ҳабибовна Рашидов эмас! У партиявий позициядан чекинмайди. Ленин айтган-ку, шубҳаландингми, душманми, шартта манглайидан отиб ташла, деб...

Одил Ёқубовнинг юраги орқага тортиб кетади.

«Тезроқ жазо бериш керак! – деб ўйлайди у. – Айборларни аниқладик, ҳаммасини жазоладик!» – деса, опа сал босилади. Демак, сиёсий ҳушёрлик бутунлай бой берилмаган!

Одил Ёқубов хавотир олиб, ҳукумат телефонига қарайди. «Ишқилиб, улгурсак, бас! ҳам хато қилиб, ҳам қўл қовуштириб ўтириш ёмон!»

Худди шу пайт ўша телефон дағ-дағ титраб кетади.

«Опа!»

У сесканиб дастакни олади.

Ўша, темир овоз. ҳатто саломга алик олмайди. Пулемёт, пулемёт!

Одамлар бир кун келиб, қилмиши мана шундай истеҳзога сабаб бўлишини билса, зинҳор бундай номаъқулчилик қилмас эди. Ўзингиз инсоф билан айтинг, Одил Ёқубов ким, бу хотин ким?! Лекин у вақтда опа кимсан, учинчи секретар, орқасида совет ҳукумати турибди! Бу даҳшатли салтанат бир кун келиб, секретар-пекретари билан бирга, тутундай тўзғиб кетишини у туш кўриптими? Бир имо билан ҳаммани ўтқазиб-турғизаётган бўлса, қилади-да, зугум! Бошқа нима иши бор, қолиб кетаётган!..

У Одил Ёқубовни, ҳа, ҳа, ўша, ўзимиз билган, дунё таниган, отаси тенги Одил Ёқубовни бигиллатиб бўғиб олади.

Ёзувчи бўлса, ўзига! Нега ЦЭКанинг секретарини ҳақорат қилади? Яна ота-бобоси билан қўшиб?! Бунинг оти нима эди, саботаж⁵⁹, йўқ, йўқ, диверция⁶⁰, ди-вер-ция!..

Етмиш йил курашиб, оқ интервентлардан кутула олмадик!

қўймайди, булар! Ичкаридан бузади! қўпориб ташлайди! Яна Сталинни айблашади. ҳайронман, ким сенга менинг мақоламни чиқар деб айтди?!

Бир озар шоири айтган эди, бизда булбулнинг ўғли булбул бўлади, министрнинг ўғли министр, деб. Шундан келиб чиқсак, «халқ душмани»нинг ўғли «халқ душмани» бўлади-да!

Одил Ёқубов ким ўзи, ёт унсур бўлмай, “халқ душмани”нинг боласи-да! Яна ўзини оқламоқчи бўлади.

– Узр, Раъно ҳабибовна! Хижолатмиз! Яхши ният билан қилган эдик, бу ишни! Кўрмайсизми, шундай бўлиб чиқди, охири. Лекин, буни ҳеч ким атай қилган эмас!..

Опа эшитишни истамайди, телефон дастагини қўйиб қўяди.

Унинг қўли узун. ҳамма жойга етади. Аниқлади, кўзини мошдай очиб қўяди!

– Жуда оғир ботганга ўхшайди! – дейди Одил Ёқубов чаккасини қашиб, сўнг нажот истаб, ўтирганларга қарайди, лекин ҳеч кимдан бир садо чиқмайди.

⁵⁹ Саботаж – бузғунчилик, умумищданбўйинтовлаш.

⁶⁰ Диверция – ғаразлимақсаддасодирэтиладигансиёсий қўпорувчилик.

ҳатто тил учида, бир гап бўлар, Одил ака, кўп сиқилманг, дейдиган валломат йўқ. Ким шундай дейишга журъат этади, шундай пайтда! Ахир, бу – сиёсий хато-ку!

Совет кишилари ҳушёр!

У шуни ҳис этади.

– Ўзи хунук иш бўпти! – деб қўяди.

Бундай пайтда одамнинг юрагига ҳеч нима сиғмайди. Вақт эса, зиёнингга ишлаётгандек туюлади.

Манглайи қораларни жазолади. Масъул котиб буйруқни машинкалатгани олиб кетди. Шунгаям анча бўлди. Лекин...

«Нега ҳаяллаб қолди, у? Шундай пайтда!..»

Вақт ўтиб бораяпти, аммо масъул котибдан ҳамон дарак йўқ!

«ҳамма ёқ ёниб кетаяпти-ю, бунинг имиллашини қаранг!»

– Маматқу-ул!

Худди шу пайт ўша телефон заҳар сочиб, яна ваҳима қўзғайди.

«Асад тамом бўлди! Одамни емай қўймайди, бу!»

– Жон опа, сиз мени тўғри тушунинг! – деб ялинади Одил Ёқубов. – ҳеч ким қасдан қилган эмас! Шу хатони ўтказиб юборганларга қаттиқ жазо бердик! Буйруқни, сахифаларни, ҳамма-ҳаммасини мен сизга...

Яна телефон узилиб қолади.

«Демак, опа ўзини қўярга жой топа олмаяпти! Чидолмаяпти! Чидолмасликдан дастакни отиб юбораяпти! ҳаммани қовураяпти!»

У хит бўлади. Юзи қорайиб кетади. «ҳэ, шу ишини ҳам!..»

Лекин ишламаса, бўлмайди. ҳукуматнинг, айниқса, ЦЭКанинг назаридан қолиш ёмон! Назардан қолдингми, тамом, ёзувчилигинг бир тийин, Шолохов бўлмайсанми!

Шу пайт шаҳар телефони жиринглайди. Олса, кечаги бола, у адолат истаб келган. Ўқишига кира олмапти. Шеър ёзар эмиш! Унинг шоирлиги бир пул, лекин бир камбағалнинг боласи экан, яна отаси қамалиб қопти, «пахта иши» бўйича. Силтаб ташлашга, кўнгли бўлмади, ректор билан гаплашди, масала ҳал бўлди. Лекин шуни айтишга ҳоли келмайди. Бола эса, адолат борми ўзи, деб ўдағайлайди, худди ўтказиб қўйгандек.

Унинг ўша гапни айтгиси, адолат ўша ерда, дегиси келади, лекин тилини тияди, эртага келинг, дейди. Бола эса, инжиқлик қиласи.

– Эртага шанба-ку! Нега мени алдайсиз? Ишхонангизда ҳеч ким бўлмайди!

– Эртага шанба бўлса, индинга келмайсанми, ҳэ сени, ўша!..

У дастакни жойига қўяди.

Ёпирай, нима бўлган ўзи, бу – одамларга? ҳамма чап томони билан турганми? Бирорвга бир гапни уқтириб бўлмайди!

Буйруқни олиб келишади. Яна шаҳар телефони жиринглайди. У дастакни олиб, бир четга қўяди. «Унинг иши ҳал бўлган! ҳозир мана бу қофоз муҳим! Тезроқ етказиш керак, буни! Сал ҳовридан тушади!»

Аммо бу жуда нозик ҳужжат, унда ҳам хато ўтиб кетса, ёмон бўлади!

У ҳужжатни қўлига олиб, ҳижжалаб ўқий бошлайди, худди биринчи синф ўқувчиси каби!

Назарида, бир нима ўтиб кетгандек. Қайтадан ҳижжалаб ўқийди! Ўтиб бўпти хато! Бир вақтлар у Пушкиннинг суратига, жингалак соchlари орасига солинган аксилинқилобий ёзувни топган! Бу – нима?..

У буйруқни яна бир бор жиддий кўздан кечириб чиқади, кейин унга имзо чекиши учун энгашади, худди шу пайт ўтакани ёриб, ҳукумат телефони яна даҳшат солади.

«Нима бўлган, бу хотинга?! Жин урганми? Диверция! Ди-вер-ция-я!..»

Одил Ёқубов важноҳат билан дастакни олади, қараса, яна зуғум, яна маломат, яна сиёсан! Қонини ичади, ёсуман!

У бир зум чимирилиб турди, кейин бирдан юзи бўғриқиб, миясига қон уради. Ва беихтиёр «автомат»га кўл чўзади.

– ҳэ-э, сени ўша, секретар бўлган, онангни!.. Ишлагани қўясанми, йўқми?!

У шарақ эткизиб дастакни жойига қўяди. Кейин бошини солинтириб, кўзларини юмади ва тин олиб, ҳоврини босади. «Нима бўлса, бўлди! – деб ўйлайди. – Айб – ўзида! қонимга ташна қилиб юборди! Олса, ишини олади-да!»

У бошини қўтариб, мажлис аҳлига қарайди. Кўзлари қизариб кетган. қараса, шундоқ ёнида совет хотин-қизларининг уч-тўрт вакили ўтирибди.

– Кечирасизлар, – дейди хижолат бўлиб. – Орангизда қиз-жувонлар борлиги хаёлимдан қўтарилибди!

Шундай деб у йўлакка чиқади...

2.

Эски бўлсаям, ҳеч нимага ярамаса ҳам, қуролинг бўлса, яхши экан! Бўлмаса, Шарафиддиновга ўхшаб, “ҳалвойи Кибриё”ни ялашга тўғри келарди! “Қант касалига чалиниб, ҳатто шириналек ейишим мумкин бўлмаган кезларда ҳам “ҳалвойи Кибриё”ни кўрганда, нафсимни тия олмасдим!”, деб ёзади у⁶¹.

Мана, нимага олиб келади, нафсни тия олмаслик!

Қаххордан юқди унга, қант касали!

“Ҳалвойи Кибриё” орқали!..

Аммо Ёқубовнинг калласи ишлайди. Алмисоқи бўлса ҳам “автомат”ини доим олиб юради. Ва у жонига кўп ора киради, “Литгазета”да ҳам....

Ўшанда ишни бузган – ўзлари. Таҳририят топширмаса, шуни ёзмасди, ёзмаса, ишқал қилмасди. Ўтирас эди, уйида. Бирдан унга комсомол ветерани Тожиҳон Шодиева ҳақида чиқиш қилинг, дейишди. Ёқубов бориб, опа билан танишди, ишини ўрганиб салмоқли бир мақола ёзди. У газетада сўлақмондай бўлиб чиқди. Ўзи бўладими?!

Байрам!

⁶¹

Озод Шарафиддинов. “Ижоднианглашбахти”, Тошкент, “Шарқ” НМАК, 2004 йил, 319-бет.

Ичишга асос бор!

Ёқубов “нишонла”га чоғланиб турганида, телефон бўғиқ жиринглайди. Олса, публицистика бўлими мудири...

– Нима қип қўйдинг, Одил! Ахир, опанинг фамилияси хато кетипти-ку?!

Бундай пайтда одамнинг юраги увишиб кетади. У ишонмай газетани олиб қарайди. Чиндан ҳам шундай! Хато ўзидан ўтган! Боши айланиб, ён дафтарчага хато ёзган!..

У вақт ветеранлар тиниб-тинчимас эди. Қиладиган иши йўқ, бундай масалада кўрсатиб кўяди! Бирдан уюшади ва ҳақиқатни жойида қарор топтиради! Совет давлатини қурган комсомол ветеранини билмаслик мумкинми?! Нима деган гап, бу?!

Хуллас, бутун мамлакат бўйлаб ветеранлар оёққа туради!

– Телефон устига телефон! – дейди бўлим мудири. – Бу иш ёмон тус олмаса кошкি! Сен бориб, опани тинчит!

Ёқубов опанинг олдидан ўтади. Ўзбек аёли-да. “Бўлади-да, болам! Ҳичқиси йўқ!” – дейди. У ҳатто бехабар экан, ҳали газетани қўрмаган!

Қайтиб келгач, телефон яна ғулу солади! Бош муҳаррир ўринбосари...

– Сен Комил Нуъмонович⁶² билан гаплашдингми? У сени ёқласа, чакки бўлмайди...

Ёқубов Уюшма раиси олдида эгилиб-букилиб, эзилиб уйга қайтади. Худди шу вақт биринчи ўринбосар сим қоқиб, “Тушунтириш хати” олади. Бу етмагандай, аламига бир пиёла олганида эшикнинг турумини бузиб, ичакдай бир шляпа бўкириб киради:

– Бу қандай бедодлик?!..

Ёқубов қараса, унинг елкасию шляпасида ювиндию макарон қолдиқлари, бостиurmанинг қамишидай кўзга уриб турибди!

– Уй олиб, энди кўчиб келган эдик, – деб эслайди Одил Ёқубов кулгидан кўзлари ёшланиб. – Илгари бир ҳовлида турганмиз. Хотин ювиндини деразадан улоқтириб юрган-да! Бу уйдаям шундай қипти. Қозон-товоқни ювиб, тўртинчи қаватдан улоқтирипти! Анави шляпа эса, йўлакда ўтаётган экан! Қарабсизки!.. На куларингни, на куярингни биласан, одам! Дард устига чипқон! Ундан кечирим сўраб, кийим-бошини тозалаб, бир амаллаб кузатиб турсам, ўчакишгандек яна телефон!..

– Сен билан шахсан Бош муҳаррир гаплашмоқчи!

Нима қилиш керак?

Ичишга асос етарли.

Ёқубов яна бир пиёла “урган”. У ҳали газак қилмай туриб, Бош муҳаррир оғир-вазминлик билан: – Адыл! – дея мурожаат қилган, аммо Ёқубов уни тинглаб ўтирган, шартта “қўйиб” юборган! Ўша, эски “автомат”да...

Ундан сўнг: – Бир взвод солдат юбор! Келсин, отсин мени! Сен ҳам қутуласан, мен ҳам! – деган. Ва телефон қўндоғини жойига қўйган.

⁶²

Комил Яшин.

– Кейин олам сув босгандай тинчиб қолди, – дейди Ёқубов. – Бирор тинчимни бузган эмас! Бирор шу ҳақда гап очган эмас!..

Шунаңа...

Ёқубовнинг «автомати» уч тилда сайрайди. Ўзи буни умумлаштириб, казакбайский қилиб қўйиб юбордим, дейди.

Қўйиб юборганда бир «магазин» ўқ отилиб чиқади.

Нега энди «ўзбекбайский» эмас? Демак, қозоқларда анча такомил топган, бу «санъат»!

Ўрисни-ку, айтмаса ҳам бўлади. Уларнинг танглайнини шу билан кўтарган. Эрталаб «Онангни!..» деб кўз очади, кун бўйи, токи уйқуга кетгунча, ҳатто уйқусираб айтадиган ҳар икки гапининг бири – шу!

!978 йил 23 феврал.

Телевизор русумга кирган кунлар.

Туркистон ҳарбий округи қўмондони Степан Белоножко студияга ташриф буюради. У совет армияси куни билан ҳарбийларни қутлаши лозим.

Аммо, операторнинг хаёли бошқа жойда. ҳозир соат тўрт, табрик кеч соат олтида кетади. Ўша вақт қўлинг ургилсин, паловхонтўра тайёр бўлади, чойхонади, ҳозир улфатлар уннаб ётибди, унга! «Запис»ни юмалоқ-ёстиқ қилса, бас, уям «қора кўзим»ни варанг қўйи-иб!..

Ёзмоққа киришади.

– Солдат ва сержант, старшина ва прaporшчик, офицер ва генерал ўртоқлар!

– ҳой, ҳой, ҳой, ма-а қвотсиз?! Мундоқ эмас-дэ, оповси!

– Нега бошни қотирасан? ҳэ сени, ўша!..

Оператор ёзишни тўхтатади.

– Сиз қофоздан бош кўтармай, ҳижжалаб ўқияпсиз, ўртоқ генерал! – дейди у. – Сиз мана шу гапни одамларга қараб айтмасангиз, жуда хунук чиқади!

Хуллас, ёзиб олинади.

Узукка кўз қўйгандек.

Оператор шоша-пиша лентани қайтариб ўрайди, кейин бир оғайнисидан илтимос қилади.

– Хотиннинг бир қариндоши «ўтиб» қопти, бормасак, уят бўлади, соат олтида қўйиб юборсанг, бас! Бу ёғи гулдай!..

У чойхонада улфатчилик қилиб ўтираверсин, энди гапни кўпмингсонли томошабиндан сўранг.

Соат 6.

Қисмларга, шахсий таркибларга кўрсатма берилган. Ҳамма жамулжам, ҳамманинг икки кўзи телевизорда!

Бир вақт хурматли қўмондон намоён бўлади. У мук тушиб, ҳарбийларга мурожаат қилади! Генерал-полковникнинг погони кўринади, холос. Шу пайт кимдир унинг гапини бўлади, шунда қўмондоннинг жон-пони чиқиб кетади. У жаҳл билан бош кўтаради ва шартта қўйиб юборади:

— ҳэ сени, ўша!..

Округ қўмондони «автомат»ни писанд этадими? Ўшанда оғир артиллериядан ўқ узиб, салют берилган!

Мушакбозлик! Бу ёғи байрам, совет армияси куни!..

3.

Сўкиниш раҳбарларга теккан касал, ўзи!

Улар милисага ўхшайди, ўқи бўлса ҳам, бўлмаса ҳам, ёнида, албатта, тўппонча олиб юради. ҳеч бўлмаса, сиёsat учун ғилофини тақиб олади.

Отишга рухсат йўқ, лекин, бари бир, бир қўли ғилофда...

Саксонинчи йилларда, бизнинг воҳада жуда аломат бир иш бўлган.

Вилоят ижроқўми раиси бир автокорхона директорини чақириб, обдон «тузлайди», кейин «эмаклатади», муҳокама авж пардага чиққанида, қадрдон «тўппонча»си ёдга тушади, уни пайпаслаб қўлга олади ва: «ҳэ сени, ўша!..» – деб қақанглатиб қўйиб юборади!

Директор худди шуни кутиб тургандек, қўлинни кўксига қўйиб, гап йўқ, ака, дейди ва зиппиллаб хонадан чиқиб кетади.

Бу, раиснинг қонини қайнатиб юборади. «Сен бўлмасанг, бошқаси!..» деб Алининг ўчини Валидан олаётганида, бошқа бир раҳбарни бўралатиб сўкаётганида, эшик очилади ва ҳалиги, ишни чала қилган директор жаложиндай бир кампирни бошлаб киради.

– Хўжайн! – дейди у. – Бир топшириқни бажариш бўлса, шунчалик бўлар-да! Мана, онам, сиз айтдингиз, мен опкелдим!

ҳалиги кампир, ўзиям ўт-олов экан, айланиб кетай сендан, ўргилиб кетай сендан, деб, тишининг оқини кўрсатиб, тикка унинг устига бостириб келади ва нақ бўйнига осилиб олади.

– Бобонг ўтиб кетганига йигирма йилдан ошди! Ўлар бўлсан, ўлиб бўлдим! Бор экансан-ку, ўргилай! қаерда қиламиз, шу ердами, ё бошқа бир халажой борми?..

қани энди, раис бу балодан қутула олса! Ахийри, тиз чўкиб, тавба қилади, момодан кечирим сўраб, иккинчи бундай песлик қилмайман, деб қасам ичади, сўнг хизмат машинасида, шахсан ўзи кампирни уйига олиб бориб қўяди.

Юрак қон бўлган.

Кўнгил ёзмаса бўлмайди.

Қаёқдан шу ғурбатни орттириди у.

Шармандагарчилик!

У оғайнилар билан кўришиб, чигилни ёзай, деган ўйда қўргуликни унугиши учун бизнинг туманга йўл олади. Келаётса, бир тут, катта йўлнинг бўйида, шудгор қилинган дала четида, турибди ғўдайиб, қўлингдан нима келди, оковси, деган каби. Ўша тут билан йўл орасига трактор сиғмайди, яна у ёғидан ҳам четлаб ўтиши керак, қарабсизки, уч-тўрт сотих жой шудгор қилинмай қолиб кетади!

Хозирги замонда!..
 ҳар йили ахвол шу!
 ҳар йили хўжалик раҳбарига, шу тутни олиб ташла, деб айтади, у хўп
 дейди, лекин қилмайди.
 Ё тавба-а!
 Бинойидай йигит, ҳалимгина, лекин...
 – Тўхтат! – дейди у ҳайдовчига, кейин «Газ-24»дан тушади. – Бор, раисни
 бўғзидан бўғиб, судраб олиб кел!
 Ўша, уйларнинг кўча бетига, ҳовлиниң четларига пахта экила бошлаган
 йиллар...

Хўжалик раҳбари етиб келади. Сўрашади, кейин қўлини қовуштириб,
 қамчи зарбига ўзини шайлаб, мусичадай қўнишиб туради.
 – Нима бўлган сенга, ўзи?!
 – Ҳеч нима бўлгани йўқ, хўжайин!
 – Сенга неча марта айтдим, шу тутни опташла, деб?
 – Икки марта!
 – Яна неча марта айтишим керак?
 – Бажарамиз!
 – Нега сен “бажарамиз” дейсан-у, айтганни қилмайсан? Нима, мен сенга
 ўйинчоқми? Ёки қиласиган бошқа ишим йўқми?!
 – Бўлади, хўжайин!
 – Нима “бўлади”? Нимага майнавозлик қиласан, аҳмоқ? Ёки
 кекирдагингни юлиб олайми? – У беихтиёр ёнини пайпаслайди, «тўппонча»ни
 қўлига олади. – ҳэ сени, ўша туқсан онангни!..
 Яна ўша гап! Ўқдай отилиб чиқади. Аммо хўжалик раҳбари зигирча хафа
 бўлмайди, аксинча, бир мукофот олган каби мамнун илжаяди.
 – Нимага куйдирилган каллага ўхшаб тиржаясан? Эшакнинг қулоғига
 танбур чертаяпманми, ё?
 – Бўлди, хўжайин! – дейди хўжалик раҳбари баттар илжайиб. – Бўлди!
 Шу пайтгача кўп айтдингиз, шу тутни опташла, деб, лекин ҳеч ўхшамади! Ёки
 бирон марта: «Онангни!..» дедингизми? Йўқ! Шундай бўлгач, мен иккиландим.
 “Синамоқقا айтаяптими”, деб ўйладим. Мана, энди «михланди», топшириқقا
 ўхшади! Опташлаймиз тутни! Гап бўлиши мумкин эмас! Сиз туман марказига
 бориб қайтгунча ундан ном-нишон қолмайди!..

Абдулҳамид Чўлпон:

– *Тилинган тилларга жон юргиси,*
Бўшанган ипларга жонлар киргуси.
Тиканли боғчалар чечак кўргуси,
ҳақ йўли, албатта, бир ўтилгуси!..

Ҳалима Аҳмедова:

– *Мени сўрасалар, Самода у, денг,*

*Хеч ким англамаган хатода у, денг.
 Күллари бўши кетган гадо-да у, денг, –
 Мен кетаяпман....*

18. Туфлидаги чанг

Бир куни ҳеч кутилмаганда Одил Ёқубов ўдағайлаб қолди.

– Сизларда инсоф қолмаган, ўзи! Мана, Отабоев, йигирма кундирки, дом-дараксиз. Таҳририятда интизом бўшашиб кетган, лекин мен бировга бир нима дея олмайман. Нимага десангиз, тилим қисик. Ҳодимларга қаттиқ гапирсанг, нимага Отабоевга индамайсиз-у, ҳадеб бизни койийсиз, дейди. Отабоевинг қаёқда улоқиб юрганини эса, ит билмайди. Топинг, кетсин ишдан!..

Ҳамма бало шундаки, Отабоевни ишга мен тавсия этганман. Шу боис, уни ахтариб, шаҳарнинг нариги четига бордим, келин ҳам ўзини қўярга жой топа олмай ўтирган экан, қишлоққа шу кетгани, қайтиб дараги бўлмади, деди, қўзлари ёшланиб.

Кечқурун Ёқубов яна дағдаға қилди.

- қани Аҳмад?
- қишлоққа кетган экан...
- Мен уни Кзот билан бўшатаман! ҳайдаб юбораман, ишдан!..

Қаранг, ишдан ҳайдаб юборса, осмон узилиб тушади, гўё!

Раҳбар шундай демаса, туролмайди, худдики, сўнгги инстанция! Худдики, ўзини ҳайдаб юборадиган одам йўқ, бу дунёда!..

Орадан бир ҳафта ўтгач, Аҳмад Отабоев ўз оёғи билан уйга кириб келди.

- Тинчликми, ака?!
- Э-э, нимасини айтасиз! ҳамма ёқ ёниб кетди! Шундаям қиласизми, ахир? Еб ташлади-ку!..

– Синглим тўшакка михланиб ётган экан, бошида турмасам, бўлмади. Хай, ўзимдан ўтди-да, ака, шунинг учун бир йўла ариза ёзиб келдим, лекин бир чиқайлик, раҳматимни айтай! Шу одам мени олиб келди, иш ўргатди, шу одам тарбиялади...

Кўрдингизми?

Инсоф билан айтганда, ишга опкелган мен, сўкиш эшигтан мен, одам қилган у эмиш!..

Шунаقا, дунёнинг ишлари!

Раҳмат айтмаса, бўлмас эмиш!

Хуллас, айб иш қилиб қўйган боладай мунгайиб жаноб Ёқубовникига чиқиб бордик. Эшикни унинг ўзи очди. Ўша важоҳати бўлса, Аҳмадни ҳатто яқин йўлатмас деб ўйлаган эдим, йўқ, аксинча бўлиб чиқди, бир лаҳза унга тикилиб турди-да, сўнг:

– Э-э, Ахмад, сизмисиз? Келинг-келинг! – деди майин илтифот билан. – Уйдагилар, қариндош-уруғлар тинч-омонми? Киринг ичкарига! Нега эшикда турибсиз?

Мәҳмонахонага ўтдик.

Бүёғи нима бўлар экан, деб ўйладим мен. Ва шу хавотир билан зимдан Ёқубовга қўз қиrimни ташладим, йўқ, ҳаммаси рисоладагидай, зиёфат қуюқ бўлди, «бошбошдоқ ходим» мәҳмандорчилик охирига етгунча сийланди, иш, тартиб-интизом ва қўнимсизлик ҳақида лоқал бир оғиз гап бўлмади.

Мен қилган ваҳима шўро сиёсатидай ғирт ўйдирмага айланди-қолди. Хижолат чека бошладим. Ўртага тушганнинг ҳолигавой, ўзи!

Ниҳоят, хайрлашдик. Елкасидан босиб турган тоғ қулаган каби, Ахмад енгил тортиб уйига қайтди. Яхшиям, ёқамдан олмади. Икки ўртада жуда ноқулай аҳволга тушиб қолдим.

Уйга келгач, телефонни олиб:

– Бу қандай гап, Одил ака?.. – дея зарда қилдим.

– Узр, узр! – Адиб вазминлик билан мени босиқликка ундали. – Сизни ноёнгай аҳволга солиб қўйганимдан хижолатман. Биласизми, кутилмаганда унинг оёғига қўзим тушди. Туфлиси жуда эзилиб кетибди. Ўша, қишлоқнинг чангу ғубори билан...

Нима десам экан, сизга, кўнглим бузилиб кетди. Жиндай кайфиятини қўтариб юбормасак, инсофдан бўлмас эди. Энди сингил – сингил-да, сиз билмайсиз аёлларни, уларнинг кўнгли яrim бўлади, оналар ўғилга, сингиллар акага суяниб яшайди. Бу дунё шундай, кимдир кимгадир суянади. У жуда савоб иш қилган. Одамдан нима қолади? Мана шу яхшилик, ёзган-чизгани...

Ўзим ҳам эзилиб ўтирибман, ошириб юборганим учун! Иш кимдан қолмайди! Баъзан жоҳиллашиб кетамиз, худдики дунёни тутиб тургандек! Лекин, бирон киши одамгарчиликдан чиқиб, дунёнинг тубига етганини билмайман. Гарчи шундай бўлса-да, сиз, бари бир, унга айтиб қўйинг, иқтидорли одам қариндош-уруғ деб ўзини хор қилмаслиги керак. Яратган унга шунинг учун истеъдод берганки, ёзсин, фикрни нурлантирсан, шуниси муҳим, унинг вазифаси – шу! Дунё унга қараб қолган эмас, одамлар ўз кунини кўради. Мана, мен, яrim Туркистон бош уриб келган, уларни деб ўзимни ўтга-сувга урганман! Яrim умрим шунга кетган! Бугун, керак бўлса, кундуз куни чироқ ёқиб биттасини топа олмайман! Энди, шунақа-да, бу – ҳаёт! Иқтидорли одам ёзгани маъқул! Шунда одамларга кўпроқ нафи тегади...

Александр Блок:

*– Бирдан қаламтарош тигида, агар,
Олис юрт гардини кўриб қолсанг ҳам,
Шу дам ҳамма нарса ўзгариб кетар –
Рангларга бурканиб қўринар олам...*

Рауф Парфи:

*– Оллоҳим, лаҳза – мен, Сен эса – Мангу,
Таскин берганингми, шафқатингми, бу?!.*

19. Ҳақ қасос олади...

XX асрнинг охирида Этна вулқони каби отилиб чиқкан колумбиялик адаб Габриэл Гарсиа Маркес, адабиёт – кўнгил эҳтиёжи, дейди. Мана шу эҳтиёж туфайли унинг асарлари океан оша уйимизга кириб келди. Ва ҳаётий жозибаси билан дилларни ўзига маҳлиё этди.

“Испанлар зулмидан қутулган бўлсак-да, унинг асорати, телба хуражлари ҳамон қолган эмас! – дейди адаб Нобел мукофотини олиш асноси. – Мексика диктатори де Санта-Ана ўнг оёгидан айрилгач, дабдабали маросим юштириб, оёгини дағн этди. Эквадорнинг ўн олти йиллик ҳукмдори Габриэл Морена оламдан ўтгач, видолашув маросимида унинг жасадига шоҳона либос кийдириб, тахтга ўтқазиб қўйшиди!

ҳолбуки, Лотин Америкасида дунёга келиб, ҳаётнинг юзини кўрмай ўлиб кетаётган болалар йигирма миллиондан ошиқ. Мажбуран Ватанини тарк этиб, муҳожисирликда яшаётганларни бир жойга йигса, улар Норвегия аҳолисидан кўп бўлади.

Сиз Европада ўрнатишни истаган ҳаёт тарзи, нега энди, Лотин Америкасига мос келмас экан?

Йўқ, биз ўз эрки ва ҳуқуқидан маҳрум этилган шаҳмат тахтасидаги ниёда бўлишини истамаймиз ва бундай бўлмайди ҳам!..”

Габриэл Гарсиа Маркес 1957 йили совет иттифоқига келади. Ўшанда у бошланган ўзгаришлар кўр-кўrona эканини, ҳавойилик ва маҳлиёлик кўзларни қамаштириб қўйганини айтади. Орадан ўттиз йил ўтгач, адаб яна Москвага келади, “қайта қуриш” жараёнига гувоҳ бўлади. Бу сафар у жараён беомон тўфонга ўхшашини ва унда теран бир сир яширин эканини қайд этади.

Ёруғликка чанқоқ дилларнинг ўйи бир, ҳасрати бир, ойдинлик йўлидаги қисмати бир. Ялпи сафарбарлик тақдирда муштарак кечинма қўзғайди.

Ўша даврда, Одил Ёкубов ҳам мана шу муҳитда, қайнаб-тошган жараён ичида эди. У ҳам кўп қатори, қўлига бир чўкич олиб, дарвинчилардан қолган дўконнинг бир четидан бузиб ётганди.

Одил Ёкубовнинг ўша вақтда марказий нашрларда эълон қилинган «қишлоқдаги фожиа», «Шафқатсиз ҳақиқат ва шафқатталаб одамлар» деган қайғули публицистикасини, иттифоқ Ёзувчилар уюшмаси ва ундан кейин СССР халқ депутатлари съезди минбарида туриб, сўзлаган оташин нутқларини бир эсга олинг.

«Жанубий Америкадаги тошибагир оқтаниллар ҳам пахтадан келадиган даромадни яхши кўрган, лекин плантацияда ишилаш азобидан ўзларини олиб қочган. Ва пахта етиштириши заҳматидан аёлларини, авлоду зурриёдини асраш учун, бориб Африканинг бир неча юз минг аҳолисини кишишанбанд этиб,

олиб келган. Лекин, инсоф билан айтганда, ўз авлодини пахта заҳматидан халос этган ўша золимлар ҳам, қулларимиз меҳнатнинг тагида ўлиб кетмасин, улардан оғиримизни енгил қиласиган бардам ва бақувват насллар етишиб чиқсин деб, шафқат ва мурувват билан муносабатда бўлишган.

Бугун ўша қуллар авлоди Америка санъати ва спортининг, боишча соҳаларнинг гултоҷисига айланди. Мен буни ана шу шафқат ва мурувватнинг ҳосиласи деб биламан!

Хўши, бизнинг қишилоқ болалари-чи?

Бу ўринда спорту маънавий камолот ҳақида гапириб ўтиришининг ўзи ортиқча!

Улар бугун, XX аср охирида ҳам, ўша ибтидоий, сермашаққат қўл меҳнатидан халос бўлган эмас! ҳам бунинг устига, қорни тўйиб нон еяётгани йўқ!

Бизнинг «жсонажон совет ҳукумати» бир килограмм пахта учун атиги эллик тийин ҳақ тўлаётир. Бу пулга эса, Олой бозорида ярим кило бодринг ҳам бермайди!

ҳолбуки, ҳар кило пахтадан ҳавас қиласа арзийдиган бир жуфт куйлак тикилади ва унинг қиймати эллик сўмдан ошиб кетади...

Биз етмииш йил бадалида, ҳа, ҳа, бир неча асрга «татигулик» мана шу вақт ичида одам боласи учун жон қадар азиз, гоятда мўътабар қадриятлардан жудо бўлдик. Биз йўқотган инсоний сифатлар ичида яна шундай бир қадрият ҳам борки, унинг ўрнини ҳеч нима билан тўлдириб бўлмайди!

Тирикчиликнинг оғирлиги, бирида очин – бирида тўқин яшашимиз, узундан-узоқ навбатда туришлар, бир сўз билан айтганда, инсоний қадр-қимматнинг ер билан битта қилиниши мана шунга олиб келди.

Биз одам боласига хос бўлган ва унга зийнат бағишлайдиган энг гўзал ва олижсаноб фазилат бўлмиши раҳм-шафқат ва меҳр-оқибат туйғусидан жудо бўлдик.

Устига устак, унинг ўрнини лоқайдлик ва бағритошлиқ эгаллади. Мендан кейин дунёни сув босмайдими, деган ҳалокатга юзтубан кетдик...»⁶³

Одил Ёкубов ўша, тўлғама даврда, юксак минбарда туриб, ўзини ҳам, мустабидни ҳам аямасдан айтган ёлқинли ҳақиқат бир вақтлар граф Толстой, мана шу сиёсатни бошлаб берган хукмдорга ёзган хатларни ёдга солади. Улуғ адид Финландияни руслаштириш, ўзга элу элатларга зулм қилиш, Яратганинг хоҳиш-иродасига зид йўл тутиш бир кун ёмон қайтишини, ўз халқига баҳтиқаролик олиб келишини ўшанда айтган...

Бугун булар барчаси яқин ўтмишга айланди. Лекин Болтиқ бўйи депутатларининг катта қурутойни⁶⁴ ташлаб чиқиб кетиши, Чингиз Айтматов, Евгений Евтушенко, Одил Ёкубов, Ўлжас Сулаймон, Алес Адамович каби адибларнинг минбардаги қатъияти ва мислсиз матонати ҳамон кўз олдимда.

⁶³ ОдилЁкубов, «Кўксимизгашамолтегсин», «Фитна санъати», Тошкент, «Фан», 1993 йил.

⁶⁴ ССРХ Ҳалқ депутатлари биринчисъездикўздан тутилган.

Бу ўша, Толстой айтган ҳақиқат – мазлумлар оху зори Яратганинг ғазабига айланиши ва ёвузли кликнинг қайтишидир.

Ал-қасосул мин ал-хақ. Яъни, Ҳақ қасос олади!

Тоғларни ўзидан тондирап қасос!..⁶⁵

Энди бевосита Одил Ёқубовнинг ўзига қайтсак.

1987 йили Москва киноанжуманида Габриэл Гарсиа Маркес иштирок этади, деган шов-шув ёйилади. Унинг «Юз йил ёлғизлиқда» асари таржимони Анвар Жўрабоев тинчини йўқотади, у билан сұхбат қилишга ошиқади.

Лекин, бунинг учун пойтахтга етиб бориш, расмий меҳмонга йўл очиш ва унинг розилигини олиш керак эди. қаранг, Жўрабоев – ёзувчи одам – тузук-куруқ диктафони йўқ. Учиб борай, деса, Москвага билет топилмайди. Совет замонида ҳамма нарса тақчил бўлган. Ҳатто одамгарчилик ҳам...

Ахийри, Душанбе орқали марказга етиб олади ва кўп сарсончиликдан сўнг адибга йўл топади.

ҳар бир миллатнинг шундай ўт-олов, учкур хаёл йигитлари бўлади, ўзи!
Ва улар келажак учун яшайди.

– Маркес катта одам, – деб ҳикоя қиласи у. – Москвада бир-икки кун бўлиб, қайтиб кетиши ҳеч гап эмас. Қандай бўлмасин, сұхбатини олишим керак. Мана шундай вазиятда ким ёрдам қилиши мумкин?

– Биласизми, ким йўлимни очди?

Устоз Одил Ёқубов!

Аниқ айтганда, «Улуғбек хазинаси»!

Бир дўстим бор, исми Леонид, у Москва остонасида яшайди. Беш-олти ой аввал шу оғайним «Улуғбек хазинаси»дан бир дона топиб бер, деб илтимос қилган эди. Уни қия олмаганим учун излаб-ахтариб, китобнинг русча нашридан зўрға бир дона топдим.

Леониднинг уйида телефон йўқ, у менинг Москвага келганимни билмайди, иш ҳал бўлса, уникига ўтаман, деган ўйда китобни олиб юрибман.

Анжуманинг матбуот марказига келсам, тушлик бошланган экан, тамадди қилиб олай деб ошхонага кирдим ва узундан-узоқ навбатда турдим. Вакт жуда имиллаб ўтаётган эди. Зерика бошладим. Ахийри, қўлтиғимдаги китобни олиб, очдим-да, тождор аллома фожиаси битилган қадрдон сахифани, билмадим, неchanчи маротаба, қайта ўқий бошладим.

Бир оздан сўнг: – Сизми охири? – деган савол қулоғимга чалинди. Бошимни кўтариб қарасам, суқсурдай уч-тўрт қиз, менга саволчан тикилиб турибди.

– Сизми охири? – деб сўради яна, улардан бири.

– ҳа.

Улар ҳам навбат олишди. Мунчоқдек тизилган одамлар имиллаб-симилилаб силжиётган эди. ҳамма ўз хаёли билан банд. қизлар эса, бир гапириб, ўн кулади. Бир вақт улар негадир жимиб қолишлиди, кейин шивир-шивир қила

⁶⁵

Абдулла Ориповсатри.

бошлади. Мен гап орасида «Адыл Якубов!» деган хитобни эшидим, адабиётчими дейман, ҳайрон қолишиди, деб ўйладим.

– Кечирасиз, сиз Ўрта Осиёли эмасмисиз, мабодо? – деб сўради қизлардан бири.

– Ўзбекистондан! – дедим бошимни қўтариб. – Одил Ёқубов билан бир юртдан!

– У зўр ёзувчи! Биласизми, анчадан буён шу китобини излаб юрган эдим! Иложи бўлса, менга беринг! – деб илтижо қилди у, ҳеч кутилмаганда. – Сотиб оламан! Ўзимникини дугонам олган, ҳеч қайтаргиси йўк!..

– Бир қиёматлик дўстим илтимос қилган эди, шунга олиб келувдим, бу китобни! – дедим хижолат бўлиб.

– Ўзбекистонда топилар яна бир дона, дўстингиз учун! – деди у хиёл истиғно билан. – Москвадан топа олмадим, шунинг учун илтимос қилаяпман!

У ўзига ярашган нозу истиғно билан ёлвориб тикилди, менга. қаранг, олис бир юртда, ўзга миллатга мансуб шундай бир гўзал, бир китоб ҳаққи-хурмати – иззат ва илтижо қилиб турса!

Жуда бошқача бўлиб кетдим.

Леонидга ўзимникини бераман, деб ўйладим. Ва енгил тортиб, ўша мовий кўзларга тикилдим. У енгиб чиққанини ич-ичидан сезиб, мулоим жилмайиб турар эди.

– Сотишга-ку, сотмайман-а! – дедим қулиб. – Майли, ҳадя бўлсин! Манг!

Қиз ўзини танитди. Унинг исми Елена бўлиб, анжуман штабида ишлаётган экан.

– Агар, бирон масалада сизга ёрдамим тегса, бошим осмонга етар эди! – деди у.

Мен Габриэл Гарсиа Маркес билан сухбат қилиш учун атай келганимни айтдим.

– Э-э, шундайми? – деди Елена, лекин масалага ортиқча эътибор қилмади. – Яхши ният йўл очади!

– У билан учрашмасам, бўлмайди! – дедим унга.

– Мен сизга ёрдам қиласман, бир йўли топилар!

Ўшанда биз иккинчи қаватга чиқиб, ўнг қанотга юрдик, йўл-йўлакай қизлар ўз бўлмаларга кириб кетишиди. Елена эса, «Таржимонлар» деб ёзилган хонага бурилди. Бир оздан сўнг қайтиб чиқди.

– Маркеснинг таржимони Марина Акопова экан! – деди у. – Мен у билан гаплашдим. ҳадемай етиб келади. Мана бу – телефон рақами. У сизни адаб билан боғлаб қўяди!

Ният холис бўлса, Яратганинг ўзи қўллар экан!

Шундай қилиб, Маркес билан учрашдим, сухбат қилишга мұяссар бўлдим, бунга гўзал Елена йўл очди, унга эса, «Улугбек хазинаси»...

Ҳазрат Али:

– Йўқ бўлиб кетган элатлар ҳақида билмоқ истасанг, ўтаётган Вактдан сўра, у сенга хабар беради...

Ўлжас Сулаймонов:

– Тулпори билан машхур,
Эй поёни йўқ диёр!
қара, кезар хув уюр,
Яшинар чўлда майсазор.
Бергин
қора тўригинг,
Шамолларга келур бас.
Устида эгиб бўйин,
Парвоз этай бир нафас.
Сезсин ел алангасин
Аргумоқ ҳам ўзида,
қизгалдоқлар порласин
Унинг қора кўзида.
Майли, кураш нелигин
Билиб қўйсин аргумоқ.
Олга йўл бор-у доим,
Ортга йўл йўқдир бироқ...

20. Абдулла Ориповнинг тўни

Тақдир ажойиботлари ҳамиша кишини ҳайратга солади...

Тўлқинлар бир-бирини қувиб келгани каби, янги авлод ҳам ўзидан олдинги қатламни хору забун этишни, чақмоқдек чақнаб чиқишини истайди. Бу авлод қанчалик худбин бўлса, шунчалик уюшиб ҳаракат қиласи, оқибатда мудом ёлғиз ва ҳимояталаб инсонлар юки оғирлашади...

Ха, айтмоқчи, бу ҳолат саксонинчи йилларнинг охирига хос, нимага десангиз, бу даврга келиб, шўровий сиёsat илвираб кетган, бу эса янги давр олчоқлари отилиб майдонга чиқишига йўл очган эди.

Бу – пишган чипқондан йиринг аралаш ўзакнинг ситилиб чиқишига ўхшайди.

Бу – табиий жараён.

Аммо ўша суллоҳлар озмунча зиён етказмади.

Одил Ёкубов Уюшмага раис бўлиб сайланганида, Абдулла Орипов раис ўринбосари эди. Шоирлик ва ёзувчилик даъвоси билан юрган, амалга миниб ишимга ривож бераман деган оз эмас, аммо Уюшма раислиги битта, ўринбосарлиги ҳам саноқли. Шу боис, “ўсмаса”, ўлиб қоладиган термитлар хужумга зўр берди. Жоду “улар истеъдодли” деган тасаввур уйғотади, ўзгалар тисланиб туради. Вазият шунаقا. Шу сабаб, Ёкубов ортиқча ҳаракат қила

олмади, уям “ўсиб келаётган модерн ёшлар”га ёмон қўринишни истамас эди. Табиийки, Ориповни ҳимоя қилмади.

Вазият шундай чигал ва чийратма эди. «хийлаи шаърий», «демократия» ўйинлари авж олган, замон юлғич ва мунофиққа йўл очиб бераётган эди.

Омон Матжон кўзи чиққудек бўлиб, Уюшмага интилади, худдики Уюшма янги дунёга донғил йўл очади, атрофидаги уюшган мунофиқлар Ориповга тазийқ қилади. Уларнинг модерн етакчиси, ўша найнов Мадаминов⁶⁶ ёшларни унга қайраб солади, “Бу хоин ўлсин, биз унга ҳайкал қўяйлик!”, деб қадаҳ сўнади. Бунга ўзим гувоҳ бўлганман.

холбуки, хоин ҳам, малъун ҳам ўзи!..

Ўшанда вазиятдан келиб чиқиб, Орипов «Ёшлик» журналига, Матжон эса, унинг ўрнига ўтадиган бўлди. Масала ечим топди.

1989 йил 11 апрел.

Пленум арафаси.

ЦэКанинг Биринчи секретари ёзувчилар билан суҳбат ўтказди. Унда Шавкат Раҳмон сўз олиб, Матжоннинг юзи қора, ёшларни кўра олмайди, ичи ҳам қора, деб, далиллар келтириб ахлатга белади. Шунда “Биринчи”: “Матжон шилтага ботиб кетди, уни союзга ўтказиб бўлмайди”, – деган фикрга келди.

Кечқурун Ёқубов Катта янги номзод сўраётганини, кечаси билан пленум аъзоларини тайёрлаб чиқиши лозимлигини айтиб, одоб юзасидан, Матжонга маслаҳат солди. У земляги Мадаминов номзодини илгари сурди. қарабизки, модерн қора маг⁶⁷ ўринбосарликка ўтиб кетди.

Поляк ляҳлари қандай усул қўллайди, билмайман, аммо “Тайная магия”да⁶⁸ ёзишича, қора афсунда аввал Яратганга исён қилинади, кейин қора ният...

Мадаминов дегани юрар эди кўчада, увада тўрвани кифтига илиб, сочи патак боғлаб, яна: “Бу – исён!” – деб “хў-хў”лайди, ҳатто одамга ўхшаб кула олмайди. Бугун...

Аҳмад Отабоев уни: “Будда”, дейди! Бошқа бири: “Сфинкс...” “Тўрда, таҳтда Будда ўтирибди”, – дейди Аҳмад. Чиндан ҳам у мўлтонилар илоҳига ўхшайди! Аммо, олти қўли илондай ўйнайди, ҳаммани авраб ташлайди, буни Аҳмад билмайди-да...

Менга қолса, уни “Модерн маг@термит. плку”⁶⁹, деган бўлар эдим! Ёки содда қилиб, “Қора маг термит... ”⁷⁰

Шаҳар мўйловдори!

Нима у – Будда?!

Жўн бир нарса!

⁶⁶ Салай Мадаминов миллиймумтоз адабиёт намояндаси, “Шайбонийнома” муаллифи Муҳаммад Солиҳ (1455-1535) номиостига биқини болгани учунуни Муҳаммад Солиҳ дейишгатилим бормайди.

⁶⁷ Қора маг – қора афсун билан шуғулланувчи

⁶⁸ В. М. Бедаш. “Тайная магия”, Екатеринбург, Издательство Уральского университета, 1991 г.

⁶⁹ Янги жоду кемириари@поляк ляҳинингкӯёви.

⁷⁰ Термит – ашаддий кемириувчи ҳашорот. Уни Хоразмда “шаҳар мўйловдори” дейишади. Гужумга қирғин келтирганшу!

Жонсиз матох!

Минг йилдан буён тош қотиб туради.

Бу бўлса, кемиради, тошни ҳам, тоғниям, наинки жамиятни...

Уни ўз номи билан “Қоралик” дейиш керак.

Мана шу бесиёқ кўчадан келиб, отга минди. Орипов эса, кўчада қолди.

Ўрин алмашиш реакцияси.

Бу “ўйин” шунака.

Шундан сўнг катта бир йифинда Орипов Уюшмани дорга ўхшатди, «Уюшмага йўлим тушса, дорга осиш учун судраб боришаётган маҳкумнинг ҳолига тушаман!» – деди.

Уюшма раиси билан чой ичиб ўтирибмиз, телевизор: “Мана, бўлмаса!”, деб шуни кўрсатди. Ёқубовнинг кайфияти бузилди. – Абдулла мени дорга ўхшатди! – деб ғазабга минди, бориб телефонни олди-да, уни хафа қилди...

Бундай пайтда ахтарган одаминг сим қоқишингни кутиб жойида ўтирган бўлади. Ҳамма ишлар бир-бирига мос ва мувофиқ келади. Инсу жинс қаттим ишлайди.

Бу – ўша “ўйин”нинг давоми эди.

Шундан сўнг олам сув босгандай тинчиб қолди.

Орадан бир йил ўтгач, кечкурун, ишдан қайтаётганда ажойиб дўст ва истеъододли мунаққид Яшар қосим:⁷¹

– Шоирнига ўтмаймизми? – деб қолди.

– Нега? – дедим мен ҳайрон бўлиб.

– Устоз элликка тўляяпти!

– қачон?

– Кейинги шанба куни!

– Йўғ-э?

– Шундай, – деди Яшар қосим. – Агар, Одил ака устоз ҳақида бир чиқиш қилса, бири улуғ шоир, бири улуғ ёзувчи, зап иш бўлар эди!

Одил ака шундай қилса, орадаги ғубор ҳам кўтарилади, деб ўйладим мен ва шу хаёл билан адабнинг уйига бурилдим.

Одил Ёқубов ғира-шира хонада қоғоз қоралаб ўтирган экан, пича гурунглашган бўлдик, сўнг:

– Абдулла ака ҳам элликка кириб қўйипти! – дедим, томдан тараша тушгандай қилиб.

– Йўғ-э? – деди Одил ака таажжуб билан. – қачон?

– Кейинги ҳафта...

– Яхши, – деди у ўзига хос салобат билан, кейин Уюшма раҳбари экани ёдига тушди, шекилли: – Бирон-бир мукофотга тавсия этармиз, – деб қўшиб қўйди.

⁷¹

Филология фанлари номзоди Яшар Қосим ўша кезлар “Ёшлик” журнали адабий танқид бўлими мухарририбўлган.

– Одил ака, – дедим мен, мақсадга ўтиб. – Сиз бир катта ёзувчисиз, у киши эса, катта шоир. Сизларки бир-бирингиздан ранжиб юрсангиз, биз, ёшлар нима қилишимиз керак?

– Абдулланинг нимасидан ранжийман? У менинг укам-ку, кечагина ёш бола эди, елкамга миниб оларди, қаранг, элликка кириб қўйипти-я! – деди Одил ака ҳазин ўйга толиб. – Умр оқар дарё деб шуни айтадилар-да. Биз унинг қишлоғига борганмиз. У вақтда раҳматли онаси тирик эди. Отаси дунё кўрган одам, акалариям бамаъни. Палаги тоза унинг. қишлоғининг адогида бир булоқ бўлар эди. қир-адирлар, тип-тиник осмон, гала-гала сурув, қаранг, нимани кўрган бўлсам, худди кечагидай кўз олдимда турибди...

– Шуни бир мақола қилсангиз бўлмайдими, умуман, Абдулла Орипов ва унинг шеърияти ҳақида. ҳар ҳолда, у тафаккур тарзида инқилоб ясаган шоир!

– Шартмикан? Мен Уюшма раҳбари бўлсам, бир шоирни алоҳида олиб улуғласам, кўпчиликка ёқмайди, бу! Унинг ғаними меникидан ҳам кўп, улар бирлашиб кетса, ёмон бўлади! ҳаёт сиз ўйлагандек эмас!..

– Бу нарсаларга ортиқча эътибор бермаслик керак, Одил ака, бари бир, Яратганинг айтгани бўлади. Шундай бир иш қилсангиз, сизга ярашади...

Одил ака ўрнидан турди, хаёлга толганча хона бўйлаб юра бошлади. Кейин ичкари уйга кириб, бир тахлам қоғоз олиб чиқди, шундан сўнг кейинчалик машхур бўлган «Шоир ҳақида сўз» деган бадиасини сўзма-сўз айта бошлади...

Адиб ўшанда меҳрга чайиб олган кечинмасини қуёшдек саховат билан тўкиб солган, шоирнинг фавқулодда ноёб даҳоси ҳақида нозик кузатишларини хассослик билан унга сингдириб юборган.

«Шоир ҳақида сўз» Орипов туғилган куни адабиёт газетасида босилиб чиқди. Ёқубовнинг бу чиқиши, ўша вазиятда ирkit булутларни тилиб, чақмоқ чаққандек бўлди. Одил Ёқубовнинг аслликни ёқлаши ва бор овоз билан ҳақиқатни айтиши ёвни шошириб қўйди...

Ўша оқшом Яшар қосим бир қучоқ гул олди, Собир Ўнап совға-салом, хуллас, кечқурун шоирнинг уйига бостириб бордик. У киши бир уй меҳмон билан кўнглини хушлаб ўтирган экан, бизни кўрган заҳоти сапчиб ўрнидан турди ва ўзига хос маҳобат билан:

– Одил ака қани, Одил ака? – деб сўради.

Кимдир Одил Ёқубовга қўнғироқ қилмоқчи, яна кимдир бориб олиб келмоқчи бўлди, лекин Абдулла ака унамади.

– Мен ўзим бориб, устозни «Мерседес»да олиб келаман! – деди у, қатъий оҳангда.

Тасаввур қилинг, тўқсон биринчи йил, у вақтда “Мерседес” отлиқقا йўқ, лекин шоир айтганини қилди, чиндан ҳам, ўзи бориб Одил Ёқубовни бошлаб келди, у адибни тўрга, ўзи ўтарган жойга ўтқазди, кейин ичкари уйга кириб, бухороча зарбоп тўн олиб чиқди.

– Одил ака! – деди у, ҳамманинг эътиборини ўзига қаратиб. – Сиз менинг устозимсиз! Рост, умрим давомида кўп сайловга мушарраф бўлдим, лекин

сизнинг ёзганингиз ҳаётимдаги энг унутилмас ва баланд макомдаги мукофотдир!

Орипов тавозеъ билан адибни қучиб ўпди-да, ўша зарбоф түнни унга ёпди...

Қаранг, одамдан шу қолар экан-да!

Ўшанда 1991 йилнинг 21 марта эди.

Эҳ-хэ-э! Шундан буён қанча ишлар бўлиб кетди. Кимлар ўтмади, ер титратиб?! Дунё меники, деган золимлар кани?!

Кани, қутуриб даҳшат солган, АҚШ президентига осмонда туриб «мой сын» деган полковник Каддафий! Амал ҳасратида дунёга ўт қўйиб, дарё-дарё қон оқизган жодугар, кеча кўрсатди “Евроньюс”, ётибди арава босган қурбақадай шишиб, итдай хор бўлиб...

Эл-улус мунчоқдай тизилиб келиб, унинг турқига тупурмоқда...

Қуръон:

– *Сизлардан илгари ҳам кўп ибратли воқеа-ҳодисалар бўлған. Ер юзини айланиб, (Ҳақни) ўйдирма дегувчи қавм оқибат нима бўлганини ўз кўзингиз билан кўринг.*

Абдулла қодирий:

– *Биз тош қотган заминни чирмовуқдек ёриб чиқаётган халқмиз!*

21. Ҳазил

Одил Ёқубов мажлисдан сўнг қабулхонада пальтосини ахтариб, узоқ овора бўлди. Кийимлар қалашиб ётибди, ҳаммаси бир-бирига ўхшайди. Нихоят, у пальтосини топди, энди уни кийишга қийнала бошлади. Шунда котибаси бориб, оқсоқолнинг қўлидан пальтони олди.

– Нима қилмоқчисан? – деди адиб ажабланган бўлиб.

– Кийдирмоқчиман!

– И-я, ҳеч замонда хонимлар эркакка пальто кийдирганми, ўзи? Уят бўллади, ахир!

– Мен бир қизингиз бўлсан, – деди жувон, пальтони кийдирар экан. – Бунинг нимаси ёмон, Одил ака?

– Нима-а? – деди адиб чўзиб. – “Қизингизман” дейсанми? Мен қачондан буён сени кўз остимга олиб, пайт пойлаб юрсам-у, сен бир пальто кийдириш билан қутулиб кетмоқчимисан?!

Қайд:

– *Коинот тождори бино этган ва адлу эҳсон билан бошқариб келаётган ўн саккиз минг олам ҳаёт ва тириклик манбаи бўлган нурлар*

алангасидан иборат. Гоҳо унинг оғушида чарх уриб юрган юксак мақомли арвоҳлар ҳам ўткир ва зийрак кўзлар соҳибига салом бериб ўтади.

Нур ҳам, улар ҳам оқ-оппок, она сути янглиг беғубор.

Қайсин Қулиев:

*– Дарёлар гувиллаб чопар денгизга,
Кушлар хаёлингни завққа ўрайди.
Замин мӯъжизалар берару бизга,
Эвазига фақат ҳайрат сўрайди.*

22. Йўлдош Эшбекнинг уй олиши

Саксон тўққизинчи йилнинг охирги куни. Ёзувчилар уюшмасида янги йил оқшоми бўлиб ўтди. Кимдир мукофот, кимдир дала-ҳовли, яна кимдир “Жигули” олди. Кеча охирида шоир Йўлдош Эшбек сўзга чиқиб, аксарият кўпчилик ёшлар ва шулар қатори ўзи ҳам уйсиз эканини, қийналиб ижод қилаётганини айтиб, шеър ўқиди. Одил Ёқубов ўйланиб қолди, кейин ҳорғин ўрнидан туриб бир-бир одимлаганча чиқиб кетди.

У Уюшма раҳбари эди...

Ўша оқшом, янги йил кириб келишига саноқли дақиқа қолган, бир вақт қўнғироқ жиринглади. Эшикни очсан, Тилак Жўра, Йўлдош Эшбек, Аҳмад Отабоев...

Тилла топган гадодай ўзларини қўярга жой топа олмайди, илжаяди.

– Биз билан Одил аканикига чиқмайсизми? – деди Йўлдош.

– Ҳа, тинчликми?

– Э-э, сўраманг! Биз ҳозир ватанли бўлдик! Иссиғида раҳмат айтмасак, уят бўлади! Балки янги йилни бирга кутармиз, оқсоқол билан?!

Борсак, уй тўла одам, ёш шоир ва адиблар Ёқубовнинг теварагини олиб ўтирибди. Оқсоқол эса, бўлиб ўтган воқеани айтиб бермоқда.

– Шахсан “Биринчи”нинг ўзига чиқдим, олдига аризани қўйдим, жон ака, илтимос, мени шу ишдан озод қилинг, дедим, астойдил.

– Сабаб?

– Ёшларимиз уйсиз! Мана, бугун янги йил киради. Улар ҳам янги йилни ўз уйида кутишни, эмин-эркин ижод қилишни, одамга ўхшаб яшашни истайди. Лекин менинг қўлим калта, ҳатто “майли, берамиз” деган уйларни олишгаям курбим етмаяпти. Шундай бўлгач, қандай қилиб улар билан ишлайман, уларнинг кўзига қандай қарайман?

– Қанча уй керак?

– Йигирма тўртта!

Биринчи секретар шартта телефон дастагини кўтарди ва шаҳар ижроқўми раисига топшириқ берди: “Шу бугун йигирма тўрт ёзувчига уй беринг! Калитларни топшириш янги йилга қолмасин!”

Бахоуддин Нақшбанд:

– *Шам каби бўл, зулматни ёрит, аммо ўзинг хилватда тургин!*

Ибройим Юсупов:

– *Тогнинг қора тоши, йиглайсан нега?
Сен кимдан хафасан – дил-багринг гирён?
– Э-воҳ, ҳозиргина тошдиллар бунда
Ҳақиқатни қилди роса тошибурон!..*

23. Адабиёт жаллоди

1.

Жалолиддин Румийнинг аломат бир ҳикояти бор, баққол ва унинг тили ширин тўтиси ҳақида.

Ўша тўти дўконга келиб-кетаётганларга латиф бир сўз айтади, одамларни ўзига маҳлиё этиб, эгасининг кўнглини олади.

Узун кечалар эса, бутун бир дўконга хожа ҳам ўзи.

Шундай кечаларнинг бирида нимадир бўлади-ю, тўти сесканиб ўзини тўрт томонга уради ва гулмой тўла шишаларни тушириб юборади, улар ерга тушиб, чилпарчин бўлади.

Эрталаб баққол келади, қараса, дўкон остин-устин, ҳамма ёқ мой.

Унинг миясига қон уради ва ғазаби қайнаб, тўтини қўйиб юборади. Зарб келиб, шўрликнинг бошига тушади. Ва тўтининг боши ёрилиб, тилдан қолади.

Баққол қараса, ахвол чатоқ. Аввалги тароват йўқ. Кўнгилочар тўтиси кал бўлиб қолган, яна чалажон. У пушаймон бўлади, тўтига меҳрибонлик қиласи, қаландарларга садақа беради, лекин иш битмайди. Тўтининг тили қалимага келмайди, сира.

Кунлар ўтади. Иттифоқо, бир кун дўкон олдидан бир яғир кал ўтиб қолади. Уни кўриб, юраги ҳаприғиб, тўти беихтиёр тилга киради ва ҳовлиқиб ундан сўрайди:

– *Эй кал, нега каллар ичра сен?*

Синдиридингми сен ҳам гулмой шишиасин?

Умарали Норматовнинг «Насрнинг мунаввар йўли»⁷² мақоласини ўқиб, шу ҳикоят хаёлимдан ўтди, Одил Ёқубовга шундай дейилса, ўринли мутойиба бўлар экан, деб ўйладим. Бундай қочиримдан у нашъа қилса керак...

Нимага десангиз, мунаққид унинг ижоди ҳақида жуда холис ва самимий мулоҳаза юритган, «Улуғбек хазинаси» кескин руҳий ҳолатлар талқини билан тарихий романчиликда янги йўл очгани алоҳида таъкидланган, «Очиги, «Ўтган

⁷²

Умарали Норматов, «Насрнинг мунаввар йўли», «Жаҳонадабиёти», 2006 йилнинг сентябри.

кунлар»дан кейин миллий адабиётимизда мени ҳаяжонга солған роман шу бўлди», деб кўнглидаги гапни очиқ айтган.

Кейин мунаққид ўз вақтида Одил Ёқубов «Ўтмишдан эртаклар»да қора бўёклар, бир-биридан мудҳиш ва кўнгилсиз тафсилотлар кўпайиб кетгани, «Тобутдан товуш»да ялангоч сахналар, «Нурли чўққилар»да эса, қаҳкорона ифода етишмаслиги ҳақида жиддий эътиroz билдирганини таъкидлаган. Яна кимга? Қаҳкорга! Ўша, сўзга талабчан ва қаттиққўл Абдулла Қаҳкорга! Тўғри, Озод Обидовичнинг айтишича, уйида у забони форсийда сўзлашган⁷³, аммо ўзбек тилига ҳам талабчан бўлган!

Серқирра истеъдод, дегани шу!
Қип-қизил талант!
Турган-битгани “ҳикмат”!
Ўзиниям, хотининиям!
Яна, уларнинг топишганини қаранг!

“Ёшлар, албатта, бу икки инсондан яшаш ва севиши санъатини ҳар қанча ўрганса оз, – дейди Озод Обидович. – Айниқса, бугунги кунда “инсоний баҳтнинг қалити қайди? Кимга ўхшаб яшаган маъқул?” деб йўл излаб юрган ёшлар учун улар гоятда ибратли”⁷⁴.

Бозорчилик.

Бозор муносабатлари шунаقا бўлади, ўзи!

Хуллас, шундан сўнг Норматов «қаҳҳор одамлари» деган гаройиб атама қўллайди ва чексиз ҳаяжон билан бу «хонадон»да, бу «ижодий тафаккур мактаби»да, бу «адабий дорилфунун»да вояга етган Пиримқул қодиров, Озод Шарофиддинов, Ўлмас Умарбеков каби «қаҳҳор одамлари» орасига ҳеч ўйлаб ўтирамай Одил Ёқубовни ҳам тиқиб юборади.

Яна, буни у адаб учун чексиз бир шараф дея талқин этади.

Ана шундан сўнг мунаққид Одил Ёқубовнинг баҳти нимада экани ҳақида баҳс этади.

Унинг башоратича, ёзувчининг баҳти шундаки, *биринчидан*, олтмишинчи йилларда шўро адабиётида яшариш фасли бошланди.

Иккинчидан, Чингиз Айтматов, Расул ҳамзатов, Валентин Распутин каби адолатпарвар адиллар юзага чиқиб, адабий жараёндаги яшаришни ҳимоя қилди.

Учинчидан, «бизда ҳам айни шундай ҳодиса рўй берди. А. қаҳҳор қаноти остида уюшган ўнлаб ижодкорларнинг... асарлари виждон садосига... айланди».

Назаримда, ўхшамаяпти!
Бир нима етишмайди.
Нотабиий. Умуман, мантиққа зид.
Шундай эмасми??

⁷³ “Уйда ёлғиз қолишганда, Абдулла ака Кибриё опа билан кўпинча тожик тилида гаплашган”, деб ёзади Озод Шарафиддинов. “Ижоднианглашбахти”, Тошкент, “Шарқ” НМАК, 2004 йил, 325-бет.

⁷⁴ Озод Шарафиддинов. “Ижоднианглашбахти”, Тошкент, “Шарқ” НМАК, 2004 йил, 314-324-бет.

Ахир, ўзингиз ўйланг, Распутинлар Одил Ёқубовдан анча-мунча ёш, ҳатто Чингиз Айтматов билан Расул ҳамзатов ҳам...

Одил Ёқубов ўша авлод билан басма-бас қадам ташлаб келаётган забардаст адиб. Эллигинчи йилларнинг охирида у «Муқаддас» қиссасини яратиб, олтмишинчи йил январда «Шарқ юлдузи»да эълон қилган. Ва бу асарни “қаттиққўл устоз”нинг қаноти остида эмас, балки у юз ўтирган ўша, «Литгазета»дан ҳайдалиб, эзилиб-қийналиб юрган вақтида ёзган.

Умарали Норматов буни билса керак?

Ғалати-я!

Гарчи, шуни билса-да, у асов отлар каби, аравани бир томонга суреб кетади. Нимага десангиз, у эҳтирос одами, ҳаяжон боис, ҳам арава тортади, ҳам чангитиб шудгор қиласи ва бира-тўла мола босиб ўтади. Боғ хаёли боққа, дўкон ҳаёли эса, дўконга олиб боради, дейди Румий.

У Қаҳҳорни улуғласа, бас! Қаҳҳор деса туриб кетади!

Ва эҳтирос туфайли қаҳҳорнинг «момақалдироқдай янграган» мақоласи ёзилиши ва «Литгазета»да чоп этилиши ҳам Ёқубовнинг хизмати дея таъкидлайди ва мутлақо тескари тасаввур уйғотади.

Кейин у гапни айлантириб келиб, игнанинг тешигидан туюни ўтказади. Улуғбекнинг «бошига тушган савдолар, энг қалтис дамларда унга яқин, ҳатто ундан яхшилик кўрган бандай ожизлар орасидаги саросима, иккиланиш, устоз алломадан юз ўгириши, хиёнатлар бизнинг замонамизда ҳам бўлди-ку! Бўляяпти-ку! Узоққа бормайлик, Абдулла қаҳҳор!..», дейди энтикиб.

Ё Раббано! “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” шилдирларинг мунча товламачи бўлмаса!

Ахир, Султон Улуғбек қаёқда-ю, Мавлон куфур⁷⁵ қаёқда!

Ёмғирдан чаккиси ёмон, дегани шу!

Шапалоқдай мақола ўзи, аммо қанча мақсадга хизмат қилиши лозим!

Ва бундай ўйдирма ўша замонда қандай курашлар бўлиб, ким кимга ва нимага хизмат қилганини тўсиб-пардалаб ташлайди!

Лекин, у гапни қанча чувалатмасин, калавани бир учи, бари бир, кўриниб қолади.

ҳақиқат ҳар нарсадан кучли ва азиз.

Ўша воқеа аслида бундай бўлган.

«Мен Чингизга ҳавас қиласман, – деб ёзади Одил Ёқубов «Фарзандлар бурчи»да. – Илк қиссаси «Жамила»ни Мухтор Авезовдай улуғ ёзувчи кўриб, унга оқ фотиҳа берди, сўнг, то умрининг охиригача ўз шогирдининг ижодини кузатиб, йўл-йўриқ кўрсатиб келди.

Гоҳо ижод ҳақида, бошимдан ўтган қийинчилклар ҳақида, қилган хатоларим ҳақида танҳо ўйлаган чоғимда, адабиёт атамииш бу улуғ даргоҳнинг муқаддас эшигини очиб кирган пайтларимда қаттиққўл, бообру бир устозим бўлмаганидан ўксийман, хафа бўламан».

⁷⁵

Мавлонкуфур – Абдуллақаҳҳорнингтахаллуси.

Шундан сўнг Ёқубов катта истеъдодгина ўзидан кейинги авлодга жиддий таъсир кўрсатиши мумкин эканини айтиб, бир нохуш воқеани эслаб ўтади.

«*Бир куни кўчада кетаётсан, бир-икки куйлакни мендан олдин тўздирган бир адаб учраб қолиб, секин четга тортиди.*

– Табриклайман, ука! ҳамза театрида иккита пьеса қўйдирши ўзи бўлмайди. Академик театр, а? Манаман деганлар битта пьесани ўтказолмай юритти-ю, иккитасини дўндириб қўйибсан. қойил! Лекин, ҳайронман, бошларига кўтарса арзийсан-у, аммо миқ этишимайди. Билиб, билмаганга олишади. Кимсан, академик театр, а? Хўп, хайр, аммо қойил, ука!

Бу гаплардан мен ҳовлиқмай ким ҳовлиқсан?

Ким билсин, балки ўша ёзувчи: «Ука, асарларингни кўрдим. Мана буниси бўлмайди, лекин ана унисини шошилмай ишиласанг, тузук бир нарса чиқиши мумкин. Аммо эҳтиёт бўл, жуда ҳовлиқаяпсан. Истеъдодингни жувонмарг қилиб қўйма, мабодо!» – деб, астойдил койиганида, балки бунчаликка бормас эдим!

Эътибор беринг, яхши асар ёзибсан, демади. Академик театрда иккита пьеса қўйдирши осон эмас, деди. Бошларига кўтарса арзийсан-у, лекин индашмайди, деди.

Ёшликда кишининг иззат-нафсини қўзгатувчи, кўнгилдаги шуҳратпарастликни қитиқловчи бундай қочиримларнинг таъсири ёмон бўлади! Ўшанда мен бу гапнинг туб моҳиятини ўйлаб ўтирумасдан, коса тагида нимкоса борлигини билмасдан, баттар ҳовлиқиб «индамаганларга кўрсатиб қўйши учун» бир йилда яна иккита пьеса ёзиб ташладим!»

Шу ўринда масалага ойдинлик киритиш лозим. Чунки Одил Ёқубов, гарчи русча таълим олган бўлса-да, ўзбекона тарбия устунлик қилиб, ўша «индамаган»га қандай кўрсатиб қўйганини очиқ айтмаган.

Мен «Фарзандлар бурчи»ни ўқиб чиққач, бир-икки куйлакни сиздан олдин тўздирган ўша адаб ким ўзи, деб уни қийин-қистовга олдим, аммо сирни очишига у журъат қилмади. Шунда:

– ҳақиқатни ёзаман, дейсиз, лекин “шап-шап”дан нарига ўтмайсиз, ахир, минг “шап-шап”дан бир шафтоли яхши-ку! – деб унинг қитиқпатига тегдим. Ахийри, у ўша воқеани айтишга мажбур бўлди.

– Энди бу ҳаёт, ука! – деди Ёқубов ҳаяжондан бўғриқиб, кейин у ёқ-бу ёққа қараб олиб, паст ва бўғиқ овозда давом этди. – Вақти-соати келмагунча айтиб бўлмайдиган гаплар ҳам кўп!

Ўшанда, биласизми, нима бўлган, деб ҳикоя қилган у, ўша ёзувчи «бошларига кўтарса арзийсан-у, лекин индашмайди», дегач, мен ёниб-ловуллаб кетганман, хўш, индаши учун нима қилиши керак, дедим. Шунда у, ҳозир Уюшмада мажлис бўлади, бориб Яшиннинг ёқасидан ол, деди ва йўл-йўриқ кўрсатди!

– Токи у сен билан ҳисоблашсин! Бўлмаса, кўкартмайди! – деб уқтирди.

Ва мен шундай қилдим.

Ўша ёзувчи қандай ўргатган бўлса, худди шундай, мажлисга қуюндан бостириб кириб, ғазаб билан сўзга чиқдим ва қайнаб-тошиб Яшин аканинг гирибонидан олдим!

Шўрлик Яшин ака нима бўлаётганини, бу балойи азим қаёқдан келиб ёқасига ёпишганини англай олмай, лолу ҳайрон, менга жовдираб қарайди.

ҳайъатда катталар ўтирибди. Мен болта билан дараҳтнинг илдизига қарсиллатиб ураяпман, аяш йўқ, юзингда кўзинг борми, дейиш йўқ...

Уюшманинг чангини чиқариб ташладим. Ўшанда нега шундай қилганимни, қаёқдан куч олганимни ўзим билмайман, ҳатто!

Кейин узоқ йиллар уялиб, домланинг кўзига қарай олмай, ўзимни четга тортиб юрдим!

Бир куни ҳалима⁷⁶ опа: – Одилжон, бизникига ҳеч ўтмайсиз? – деб қолди.

Мен опани жуда ҳурмат қиласман.

Бундай инсонларга муҳаббат болалиқда уйғонади ва кейин ҳам қўнгил қатида яшайди.

Ўн бир-ўн икки яшар пайтим, қарнокда, Умар ака деган одамнинг уйида, патефонда ҳалима Носированинг катта ашуласини эшитганман. Шалоладай қуюлиб оққан бу мунгли наво, беғубор ва сержило оҳанглар, мумтоз куй ва қўшиқ илоҳий нур каби дилимни ёритиб юборган.

Опанинг ноласи ҳаммани сел қилган, йифлатган!

Мен шу дарёдан сув ичиб, унга қўшилиб-оқиб катта бўлганман.

Опа ҳақидаги болалик тасавурум кейин ҳам ўзгарган эмас.

У саҳнада ҳам мудом ўзини табиий тутар, айрим санъаткорларга ўхшаб, сулув ва ёш кўринишга ҳаракат қиласми эди. Ва бунга муҳтоҷ ҳам эмасди, ўзининг қадр-қўмматини жуда яхши биларди.

У чинакам санъаткор бўлишидан ташқари, дарёдек бир меҳрибон аёл эди, худди туғишидан опангдай меҳри товланиб сўзлашарди. Шу сабаб бўлдими, бошқами, ишқилиб, опага юрак очдим.

– Вой, аннаниб кетай сиздан! Шунга изза бўлиб юрибсизми, ҳали? – деб опа кифтимга қоқиб, мени уйига бошлаб борди, сийлаб меҳмон қилди ва Яшин аканинг олдидағи хижолатпазлиқдан қутқарди.

Унинг бу яхшилигини ҳеч унутмайман...

Модомики, ҳикоямиз ижодкор шахси ҳақида экан, шу ўринда Ёқубовнинг ижодий сир-асорорига ҳам бир тўхталиб ўтсак.

Адиб асарни аввал хаёлида яратади. Обдон ўйлаб, воқеаларни бир-бирига чамбарчас боғлайди. ҳатто Бухоронинг чевар қизлари ҳам палакларни бундай пишиқ тўқий олмайди. Ниҳоят, қаҳрамонлар қиёфаси ва уларнинг руҳий ҳолатлари, бутун бир жараён тасаввурида аниқ-тиниқ жонланади. Масалан, қуийидагича:

Бир ёш зиёли бўлади.

Унинг нафси ҳакалак отган қаттиққўл устози, қўйи ва қўзичоги бўлади.

⁷⁶ ҳалима Носирова – (1913 – 2003) миллий қўшиқчилик санъати намояндаси, «Самарқандушшоғи», «Ушшоқ», «Чипандозинаво», «Дугоҳ» каби мумтоз мусиқа намуналаринингмоҳирижочиси.

қўзичноқни ўғли яхши кўради.

Бир куни ўша сўхтаси совуқ устоз ёш зиёлининг уйига ташриф буюради. Ва аксига олиб, ўша қўзичноққа кўз тикади.

Юз амри иссиқ, қолаверса, устоз маҳфий хизмат хуфяси. Полковник. Ёш зиёли ундан ҳайиқади. Кел, қўй, шу бир қўзичноқни деб, бошимга бало орттириб олмай, дейди. Ва қўзичноқни сўяди. Бола эса, меҳмонни ёмон кўриб қолад ҳатто, у адам нега бу амакидан кўрқади, деб ўйлайди.

У қаёқдан билсинки, бу оламда шундай сиру синоатлар мавжуд ва тилсимлар бош устингда қуюндай айланади. Кимларнидир сенга Бўжи қилиб кўрсатади ва унинг хукмини ўтказади. Аслида ҳам, инсу жинсга айланиб кетган ўша малъун Бўжидан беш баттар. Бўжи ҳам ўша қавмдан, асли, Чингизхон ҳам...

Майли, бу ўз йўли билан...

Одил Ёқубов асарга шундай тартиб беради. Ва у асар уюрма каби хаёлни ўраб-чирмаб олади. Агар, эътибор берган бўлсангиз, дунёнинг ишлари ҳам аслида шундай.

Ва мен билган шу руҳдаги асарлар ичида яна бири борки, ниҳоятда таъсирли ва фавқулодда назокат билан ёзилган. Афсуски, ундан баҳраманд бўлиш қўпчиликка насиб этмади.

Адашмасам, саксон тўққизинчи йил эди. «Ёшлик» журналида «қодирийнинг сўнгги кунлари» чоп этилган вақт...

қаранг, шу асар ҳам қайтиб чиқмай кетди! Биласизми, нима учун? Унда айрим “амаки”ларнинг чиркин башараси очиб ташланган. Истайсизми, йўқми, уларни четлаб ўтиб бўлмас эди, чунки бири Элбекни сўроқ қилган, гап айланиб келиб, қодирийга тақалган, иккинчиси эса...

Мен Абдулла Қахҳор билан Ғафур Гуломни айтаяпман.

Уларнинг ортида бир эшелон ювиндиҳўр қолган, улар ҳамон ҳақиқатнинг юзини тўсади, ўтган ишга салавот, қўйинг, шу гапни қўзғаманг, ука, дейди. Бу кор қилмаса, нима, сен ҳалқни бўлиб ташламоқчимисан, деб ўдағайлайди, қаттиқ сиёsat қиласди, шундай қиласди, керак бўлса, қип-қизил айбдор бўласан-қоласан!

Буни кўп кўрганмиз!

Агар, осмону фалакка олиб чиқиб итқитсанг ҳам, мушук оёғи билан тушади, ерга!

Шунаقا!

Уларнинг совунига кўп кир ювганмиз!

«Тарихимиздаги фавқулодда бурилиши туфайли Архипелаг ҳақида жуда оз, анчайин маълумотлар матбуотда юз кўрсатди, – деб ёзади Александр Солженицин. – Аммо бизни кишинбанд этган ўша қўллар энди муросасоз кафтлари билан ҳаммасини тўсмоқда! «Кераги йўқ! Ўтмишини кавлаштиришининг кераги йўқ! Кимки шундай қилар экан, бизнинг орамиздан

даф бўлсин!» – демоқда. ҳолбуки, шундай ҳикмат бор: «Унумтганнинг икки дунёси куйиб кетади!»⁷⁷

Шу маънода, биз билган ҳақиқат даҳшатли музтоғнинг юзага чиқиб қолган қояси, холос. Унинг ҳайбатидан от ҳуркади. Ва мана шу қоя кўзга ташландими, билингки, ҳадемай музтоғнинг ўзиям қалқиб юзага чиқади.

Шундай ишлар бўлганки, айтсам, илон пўст ташлайди.

Бугун заминдан ғубор кўтарилиб, хотиралар юзини тўсган туман тарқамоқда. Ва мен уларга қандай тартиб беришни ва қандай айтишни билмай қийналаман.

Жуда оғир гаплар. Оккўнгил одам эшишишга ҳам қийналади. Таъби кир бўлади. Аммо нима қилай, ҳақиқат шундай, ўзи...

2.

Аввал Сўз яралган, Сўз Илоҳда эди, Сўз Илоҳ ҳеди...

Агар, шунга амал қилсак, аввал ҳабибулла қодирий ўша асарини ёзган. Йўқ, ундан олдин қодирий миллатчи сифатида қатл этилган. Йўқ, ундан олдин манфур бадбаҳтлар уни “халқ душмани”га чиқарган. Ва орадан эллик йил ўтгач, «қодирийнинг сўнгги кунлари» юзага келган. Ва бу асар кўп жойларга бош уриб қайтган.

Саксон саккизинчи йилнинг қишида эшик очилиб, қорачадан келган миқти бир киши хонага кирди. Мен унинг суратини қайсиdir журналда кўрган эдим, бу одам врач, деб ўйладим. Унинг дунёдан қуйиб-қовурилиб ўтаётгани шундоқ юзида кўриниб турарди.

Ҳабибулла Қодирий мен билан сўрашгач, чап қўлтиғидаги зил-замбил икки жилдни стол устига қўйди.

- Бир нима ёзган эдим, – деди у. – Балки чиқарарсиз?
- Жуда катта-ку? – дедим, жилдларга ишора қилиб.
- Йўқ, катта эмас! – деди ҳабибулла ака. – Булар ҳужжатлар, КГБ архивидан олинган...

Асар икки юз бет бўлса, ўша ашёвий далиллар икки минг сахифа эди. ҳабибулла қодирий уларнинг айримларидан бир жумла, айримларидан эса, кичик бир кўчирма олган, холос.

- Мен ўқиб чиқай, – дедим унга. – Сиз кейинги ҳафта хабар олинг.
- Сизга ишондим, – дедим у, кейин хайрлашиб чиқиб кетди.

қўлёzmани тонг отгунча ўқиб чиқдим, у шундай асарки, кўз олдингизда медалнинг орқа томони аниқ намоён бўлади.

ҳақиқат жуда аччиқ, лекин у жон қадар азиз. Энг ёмони, жоду билан пардаланган, шу боис, журъат ва қатъият талаб этади.

Эрталаб Бош муҳаррирнинг олдига кирдим.

⁷⁷ Александр Солженицин, «Гулаг архипелаги(қамоқхоналар бошқармаси оролчалари)», «Ёшлик» журнали, 1990 йилнинг январи.

— Хабарим бор, — деди Омон Матжон. — Мен ҳам чиқариш тарафдориман, аммо сиз билмайсиз, бу жуда нозик иш! Масала жиддий! Сиз бир Одил аканинг олдидан ўтинг, қани, уста нима дейди.

Кечқурун Уюшма раисининг маслаҳатини олдим.

— У тўғри айтган, — деди адиб. — Бу ишнинг нозиклиги шундаки, айрим одамларга тегиб кетади. Улар от устида. Лекин марказий нашрлар ҳеч нарсани яширмай, бор гапни очиқ айтмоқда. Демак, ҳақиқат рўёбга чиқадиган вақт келди. Кеча адабиёт газетасида Яшин ака ҳам шуни айтибди. Менимча, домланинг шу фикрини сўзбоши ўрнида олиш керак. қиссанинг якунида эса, Шукрулло ака билан асар ва ўша давр, ҳақлик ва ноҳақлик ҳақида бир сухбат қилган маъқул. қодирийнинг ўзи-ку, отилиб кетди, лекин унинг авлоду зурриёди ҳам кун кўрган эмас! Бутун умр ғам ва андуҳда, гоҳ ўлик-гоҳ тирик бўлиб яшаш нима эканини бошидан ўтказган одам билади. ҳабибулланинг ўзиям ўн йил “ётиб” чиқди, ундан сўнг сургун қилинди, хўрлик ва мусибатдан боши чиқкан эмас! Юрагини ўртаб ётган ҳасратни тўкиб солишга унинг ҳаққи бор!

Шундай қилиб, мен қиссани кўриб чиқмоққа киришдим. Ўшанда журнал таҳририяти иккига бўлинib кетган.

ҳатто бир куни Набижон Боқий⁷⁸ деган болапақир ўша қиссада қўли қон экани очилиб қолган “земляг”ини ҳимоя қилиб, қийшайиб олдимга кирган, сен қодирийни осмонга кўтариб, Қаҳҳорни ерга ураяпсан! Мен сенга қодирийнинг ҳам қўли қон эканини исботлаб бераман, деб ўдағайлаган.

Мен иш столи устида уюлиб ётган ашёвий далилларга ишора қилдим.

— Мен учун уям, буям бир, — дедим унга. — Лекин ҳақ гап айтилиши керак! Одамлар кимнинг қўли қон эканини билсин!

Ўшанда у бир йилдан ошиқ махфий хизмат архивида босим билан ўтирган, кўрмаган ҳужжати қолмаган, албатта, лекин қайтиб қодирий, Фитрат ва Чўлпон ҳақида бепаллаки гап айтишга журъат қила олмаган!

Қаранг, уларнинг иймони ҳам ўзларини ҳимоя қилади!

Кўп ўтмай, ҳабибулла ака тўшакка михланиб қолди, «қодирийнинг сўнгги кунлари» ёруғликка чиқармикан, шуни кўриш насиб этармикан, деб кўп илҳақ бўлди.

Юрак қони билан ёзган асарини сахифаланган ҳолида кўрди, лекин журнал чиқкан кунга етиб келмади...

Бир куни Одил Ёқубовнинг уйида, ўша ёнғоқ остида ва ўша тўқима курсиларда ўтириб, шу асар ҳақида гурунг қилганда, Миразиз Аъзам Олмас⁷⁹ ўзини ахтариб Уюшмага келганини айтди.

— Сиз адамнинг шогирдисиз, — депти у. — Мана шундай балолардан сиз ҳимоя қилмасангиз, ким ҳимоя қилади, Миразиз ака? Илтимос, ҳақиқатни ёзиб чиқинг!

⁷⁸

Набижон Боқийфарғоналиққаламкаш, «қатлнома» деган китоб муаллифи.

⁷⁹

Олмос – 1934 йилит уғилган ғафурғуломнингқизи.

– Ўзингиз биласиз-ку, Олмос, – депти унга Миразиз Аъзам. – Эллик олтинчи йил бўлса керак, мен адангизнинг олдига бордим, шеър олиш учун. Ўйга ботиб ўтирган экан. Гап айланиб келиб, ҳаётдаги ўзгаришларга тақалди. Мен бу ишлар яхши ишлар эканини айтиб:

– Сталин ўзбек адабиётининг энг сара гулларини йўқ қилиб юборганини ҳеч кечира олмайман! – дедим.

– Кимларни айтаяпсан, кимларни? – деб сўради устоз.

– Қодирийни, Чўлпонни, Фитратни, Усмон Носирни, – дедим мен.

Аданг менга узок тикилиб қолди. Кейин:

– Агар, Қодирийни оттириб юборган одамни кўрсатса, нима қилар эдинг?

– деб сўради.

Мен ўйлаб ўтирамай:

– Пешонасида отиб ташлар эдим! – дедим.

Шунда аданг:

– Ана милтиқ! – деди деворда осиғлиқ қўшоғизга ишора қилиб. – Ол, от мени! Уни Сталин эмас, мен йўқ қилганман!

– Faфур аканинг шундай чапани томонлари бор эди, – деди Одил Ёкубов, бу гапларни унча хушламай. – Энди замон оғир эди, кимдир ишора қилган, шундай ишлар бўлиб кетган. Буни мардона тан олиш катта гап. Лекин, одамларнинг қонини ичиб, яна фариштаман деб даъво қилиш жуда ёмон!

Одил ака, ҳам ғарлик, ҳам пешгирилик қилган ёмон, деди. Нега? Ўшанда бунга эътибор қилмаган эканман. Кейин билсам...

Бу гаплар – юкли гаплар, қанча баҳс этсанг, шунча юк босади. Одам боласи абадул-абад юк остида яласин деб айтилмаган, ҳеч бир китобда...

3.

Хуллас, сизга айтсам, кеча мен Умарали Норматовнинг яна бир адабий танқидини ўқидим. Бу энди Эркин Воҳидов ҳақида.

«Эркиннинг ҳаётдаги баҳти, омади шуки, – деб ёзади мунаққид. – *Ижодда қудратли янги тўлқин ҳаракатга келган бир паллада қўлига қалам олди, шу ҳаракатнинг бошида турган улуғ адаб Абдулла қаҳҳорнинг назарига тушиди*»⁸⁰.

Ёпирай!

Бу риёкор мунча баҳтдан фол очади? Намунча ҳовлиқади?!

Шунча закий экан, қани, айтсин-чи, қудратли тўлқин дегани нима? Ва яна айтсинлар, Усмон Носирнинг баҳти нимада бўлган?

Шоир Элбекнинг-чи?

Хўш, бу шўрликлар кимнинг «назар»ига тушган эди?! Ва нега?

Уларнинг қонини ичган ким, ўзи?!

Бу – ўтган замонда бўлган гап.

⁸⁰

Умарали Норматов, «Одамларга...», «Халқ сўзи», 2006 йилнинг 26 декабри.

Қахҳорнинг тўқсон йиллиги арафаси. Қахҳорчилар енг шимариб ишга киришган. Нима эмиш, Қахҳор қаттиққўл ва талабчан бўлган эмиш! Нима эмиш, “Рашидов ёзувчи эмас” деган эмиш ва шу сабаб Рашидов кун бермаган эмиш!..

Бир куни, чой устида Ориповга: – Абдулла ака, – дедим. – Шу гап негадир ғашимни қўзгайди. Сиз яхши биласиз, ростми шу, ёки?..

– Ўлим икки одамни қандай олиб кетганини мен яхши биламан, – деди Абдулла ака. – Бири – Faфур Ғулом. Иккинчиси – Қахҳор. Faфур Ғулом Қодирийнинг ёстиини қуритган. Вақти келиб, Қодирий оқлангач, ҳеч чидай олмади. Аламини ичкилиқдан олди. Шу бало уни енгди.

Қахҳор масаласига келсак, гап бундай. Қатағонга учраган ёзувчиларнинг дастлаб номи оқланган! Ижоди оқланган – Қодирий, холос. Ўткир Рашид Усмон Носирнинг, Салимов уларнинг яқин одами. Хуллас, Оқилхон Умрзоқович ЦэКага секретар бўлгач, унинг саъии ҳаракати билан Усмон Носир асарлари чиқа бошлади...

Олмишинчи йилларнинг иккинчи ярмида Уюшманинг бир пленуми бўлди. Кутилмаганда унга Шароф Рашидов келди. У салобатли, кўп вазмин киши эди. Ҳайъатда сукут сақлаб ўтиреди. Кун тартибидаги масала кўриб чиқилди. Шундан сўнг у кишига сўз берилди. Шароф Рашидов ҳалимлик билан ўзини шу соҳага дахлдор деб билгани учун пленумга келганини айтди. Бошқа кўп бамаъни гаплардан сўнг:

– Ёзувчи – халқнинг виждони, деймиз, – деди ўша ҳалим ва шикаста, аммо зардали овозда. – Қани ўша виждон? Ахир, дўстлар, кейинги пайтда ишлаб бўлмай қолди-ку?! Биз ўз вақтида ноҳақ айбланган шоир ва ёзувчилар китобини чиқаргач, устимиздан хат дўлдай ёғилди. Марказга ёзилган имзосиз ифво ҳеч кўз очирмаяпти. Умримиз шунга жавоб ёзиш билан ўтаяпти. Мен бир гапни очик айтай: безовта бўлманг! Биз бу шоир-ёзувчиларни чиқараётган бўлсак, улар адабиётдаги сизнинг ўрнингизни ишғол этмайди! Уларнинг ўз ўрни бор! Масалан, Усмон Носир! Яхши шоир. Шеърлари ёш авлод тарбиясига хизмат қиласди. Унинг асарлари чиқишининг нимаси ёмон?! Нима, уни ўқимаслик, эсламаслик керакми? Номи ўчиб кетсинми? Нега? Мен тушунмайман, бундай позицияни!

Сиз ўйлайсизки, бу фисқу фасодни ким ташкил этаётганини ҳеч ким билмайди! Йўқ, ундан эмас! Бу хатларни унинг қонини ичган одам уюштираяпти! – Шароф Рашидов шундай деб, стол устида турган жилдни қўлига олди ва: – Мана, Усмон Носирнинг “Дело”си! – деди, сўнг жилдни очиб, унинг устидан Хавфсизлик хизматига ёзиг берилган айбномани кўрсатди. – Буни ёзган қўли қон кимса орамизда, мана шу ерда ўтирибди! – У биринчи қаторда ўтирган Абдулла Қахҳорни пешлаб кўрсатди, кейин: – Бундай ишларга чек қўйиш лозим, одам мард бўлиши керак! Етар, уйи куйиб кетгани! – деди...

Рашидовнинг Қахҳорга “зугуми” шу!..

Умарали Норматов бўлса, ҳамма балони билгани ҳолда, ўзини гўлликка солади, кейин ўтрумушукдай олиб қочади.

Нима эмиш, Эркин Воҳидов «иижсоддаги илк қадамларидаёқ ўз сафдоилари каби одат тусига кирган «бахтли замон»ни, партияни, доҳийларни улуғловчи сатрларни эмас, гарчи бир оз содда, оддий бўлса-да, кўнгилни мафтун этган, самимий туйғуларни қоғозга тўка боила»ган эмиш!

Унда, «Чароғбон», «Буюк хаёт тонги» деган достонларни ким, онанг ёзганми? Ёки бу нарсалар партия ҳақида, “пролетариат доҳий”си В. И. Ленин ҳақида эмасми?

Мана шу достонлари учун Воҳидов Ленин комсомол мукофотига сазовор бўлган эди-ку!

Мен буни таъна қилиб айтаётганим йўқ. У вақтда бу мавзуни четлаб ўтиш қийин эди, чунки замоннинг худойи шу бўлган! Лекин, без бўлиб, одамларнинг қўзига тик қараб, далвай қилиб чалғитишдан муддао нима, ўзи? Нега илондай тўлғаниб, ҳаммани аврайди, бу лўттибоз?

Кечак ўқидим, Озод Шарафиддинов уялмай-нетмай, Абдулла қаҳхор «*кўксидиа истиқлол ёлқини барқ уриб турган санъаткор*» деб ёзипти!⁸¹

Тавба Ёсин тавба!

Бичилган қул хожасининг матоҳи билан мақтанараН экан!

Бу фосик, эътиқодимдан воз кечдим, деб нега шовқин солди, десам, эътиқоднинг ўзи бўлмаган экан!

қаранг, бундан йигирма йил аввал, шўро замонида у қаҳхорни «*коммунист санъаткор*» деб улуғлаган! «Сароб» романида миллатчилар фожиаси очиб ташланган, бу фожиани келтириб чиқарган эса, «*янги социалистик ҳаёт*» дея бонг урган! «*Саидий шу ҳаётга қарши боради, унинг оқимини орқага қайтармоқчи бўлади, аммо ҳаёт қудратли кучи билан уни бир чеккага улоқтириб ташлайди!*»

У миллатчилик ҳаракатини «*чиркин ботқоқ*» сифатида лаънатлайди, «Сароб»ни ўқиб, миллатчиларнинг «*маънавий қиёфаси билан танишар эканмиз, яна бир марта буржсуа миллатчилари муайян гоя атрофида уюшган, эътиқоди мустаҳкам сиёсий арбоблар эмас, балки тарих ахлатхонасидан ивирсиб чиққан ифлос, бузук одамлар эканига амин бўламиз*»⁸², деб уқтиради!

қарабсизки, миллатчи деган сўз мазмун-моҳиятини йўқотиб, лаънат тамғасига айланади. Шўро тузуми даврида шундай қараш ва лаънат ёрлиғи хукм сурган, у куни кечагача яшаб келгани сир эмас.

холбуки, миллатчи деган сўз миллат жонкуяри дегани.

Мискин айтадики: *Ox! Миллат деб ғамингда куйди жоним, кимга дей??!*

Миллатимнинг юзи ёруғ, боши баланд бўлсин деб борлигини фидо этган зотларга нисбат берилиб, олиймақом шу сифат қўлланилади.

⁸¹ Озод Шарафиддинов, «Ижоднианглашбахти», Тошкент, НМАК, 2004 йил.

⁸² Озод Шарафиддинов, «Халқ ёзувчиси»(сўзбоши), Абдулла қаҳхор, «Асарлар», ғафурғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1987 йил.

Миллатчи деганда, дафъатан Широқ ва Тўмарис, Амир Темур ва Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро ва Темир Малик кўз олдимизга келади. Ундан кейин озодлик йўлида жон олиб-жон берган Бехбудий ва Мунаввар қори, Фитрат ва қодирий, Чўлпон ва Элбек, Боту ва Усмон Носир каби уларнинг оловқалб авлоди хаёлда жонланади.

Тарих ахлатхонасидан ивирсиб чиққан ифлос деганда эса...

Узоқ йили Саъдулла Кароматов айтган бамаъни бир гап ёдга тушади.

Ўша кезларда у, ҳалол, оққўнгил, чапани одам, шаҳар газетасининг муҳаррири эди, бир йили таътилга чиқди, лекин шуям татимади, ҳовлиқиб ишга қайтди ва келасолиб ошиғич мажлис ўтказди. Кейин билсак, Абдуқодир Ниёзов деган бир жуфкарчи уюшган жиноий унсурлар етакчиси ҳақида бир саҳифа мақола ёзиб, унинг йўғида чиқариб юборган ва ўша малъунни роса алқаб-улуғлаган экан!

Муҳаррир иблиснинг малайнини ўрнидан турғазиб:

– Нима бўлади деб ёздинг, буни?! – деб сўради.

Ниёзов бошини эгиб, ўзича қизариб-бўзарган бўлди.

Кароматов уни силтаб ташлади, уришди-сўқди, лекин у қилт этмади, тоза эти ўлган экан, без бўлиб тураверди.

Ахийри, Кароматов ёниб-ловуллаб кетди.

– Ов-в исқиорт! – деди у, ғазаб билан уни жеркиб. – Агар, Амир Олимхондан қолган тилланинг бир қопини олиб келсаям, уни газетага йўлатмас эдим! Газета эл-улус назари, ҳамма унга қараб туради. Сен бўлсанг, менинг юзимга оёқ босиб, одамларнинг кўз олдида суллоҳлик қилдинг! Нима ҳаққинг бор, мени оёқости қилишга?! Ялагинг, уқалагинг келса, уйига бор, қўрпанинг остига кириб, кўздан панада яла-уқала! Лекин газетани, ҳалқнинг назарини хор қилма, даюс!..

ҳазар қиласан! Тавба Ёсин тавба!

Оlamларни яратган Зот айтадики, *ҳаёти дунё деб илоҳий тартиботга шикаст етказувчи эй малъун, мен сендан кўра хору ҳақир ўзга нарса яратмадим!..*

4.

Айтмоқчи, мен бошқа бир нафис асар ҳақида ҳикоя қилаётган эдим. Афсуски, унинг ёруғлик кўришига Кибриё қаҳхорова монелик қилди.

Бир куни Наим Каримов бир қўлёзма кўтариб келди. Ва уни ҳеч қаерда чиқара олмаганини айтди.

«қодирийнинг сўнгги қунлари»⁸³ ёруғлик кўриб, ҳақ қарор топди, деб ҳовлиқиб юрибмиз, униям чоп этамиз, деган ўйда олиб қолдик.

У ҳужжатлар асосида ёзилган мақола бўлиб, ҳар қандай ҳикоядан кучли ва таъсирли эди. Шу боис, бош кўтармай ўқиб чиқдим.

⁸³

ҳабибуллақодирий «қодирийнинг сўнгтиқунлари», «Ёшлиқ» журнали, 1989 йил № 4-5-6.

Воқеалар денгиз тўлқинлари янглиғ бир-бирини қувиб келади ва бир-бирини тўлдириб боради. Яна, у хавфсизлик хизматининг маҳфий хужжатлари асосида, бир малъун кирдикори ҳақида ҳикоя қиласди. Лекин, бирон-бир жойда ўша маразнинг ким экани айтилмайди.

Фақат сирли излари очиб борилади.

Хавфсизлик хизматидаги ўртоқлар, қўёндан нега миллатчилик ҳаракати сезилмаяпти, деб сўрайди ундан. Ва у муайян кўрсатма асосида миллатчилик ҳаракатини ташкил этади. Ўзи етакчи бўлиб, зиёлиларни шу кўчага бошлайди, кейин улар ялпи хибсга олинади, қамалади, отилади, лекин “серка” четда қолади.

Ким бу, деб ўйлайсиз, ким?!

Яна воқеалар оқими шиддат билан давом этади.

У, шахсан ўзи бир шоир дўстини маҳкамага чақириб, сўроқ қиласди, ишониб айтган сирини фош этади, шоир «халқ душмани» сифатида отилиб кетади, у эса...

Ким у, ким, дейсиз! Лекин муаллиф уни сир тутади. Ўн тўрт бетлик таҳлилнинг охиригача ошкор этмайди...

Хуллас, муаллифни олқишлий-олқишлий, мақолани журнал саҳифасига қўйдик. Лекин Матбуот қўмитаси қошидаги давлат сирини сақловчи вакиллик раҳбари: «Кибриё опа минг марта йиғлаб, илтимос қилиб келди, бир муштипар аёл, шунинг юзига оёқ босманглар!» – деб сиёsat қилди ва мақолани олиб қолди.

Бир куни, бир тақриз сабаб, Адабиёт газетасини вараклаб ўтирсам, ўша сирли кимса вактида ёзиб қолдирган «қайдлар» берилган экан, уни ўқиб, ёқа ушладим.

«Мамлакатимизда Сталин ўлимидан сўнг, узундан узоқ момақалдироқ бўлди-ю, ўтди. Бу момақалдироқнинг биринчи садоси халқлар кўнглида жуда катта умид-орзулар уйғотди, халқлар бунинг кетидан келадиган оби раҳматни кутди, бироқ момақалдироқ шамол-тўпалон қилди-ю, оби раҳматдан томчи ҳам томмади.

Халқ мақоли бор: момақалдироқ ёмғири билан бўлса, яхши бўлади».

Ё Раббий!

Иблиснинг адолат талаб этишини қаранг! Ўзи одамларнинг уйини бузади, қонини ичади ва яна айбини Яратганга тўнкайди!

Шахсан мен ҳаёт – ҳаёт бўлганидан буён, ишонсангиз, бундай жирканч маразни ҳеч кўрган эмасман!

Шогирдлари ҳолва, унинг олдида!

Ахир, оби раҳматни унинг беваси этаги билан тўсиб ўтирибди-ку, чолим ивив кетмасин, деб!

Шу боис, мақолани чоп этишга яна уриндик, бу сафар Давлат матбуот қўмитасининг раиси шахсан дағдага қилди:

– Нима, халқни бўлиб ташламоқчимисанлар?!

Кўраяпсизми, бу қандай оламшумул масала! Зиғирча хатар туғилса, бас, улар саратон каби, халқ танига сингиб кетади ва давлат сиёсатини қалқон қилиб хужумга ўтади! Нима, сен халқни бўлиб ташламоқчимисан?!

Тегиниб кўр-чи!

Мен бу кечмишни бежиз эслаганим йўқ.

Ва буни қўнглингиз сезиб турибди.

Гап бир кимса атрофида айланаёттир. Унинг ким эканини Одил Ёқубов ҳам, ҳабибулло қодирий ҳам, бошқалар ҳам айтган. Лекин Наим Каримов кўпдан-кўп далил ва ҳужжатларга тартиб бергач, латиф бир назокат ва гўзал андиша билан ҳақиқатнинг юзини тўсиб ётган пардани оҳиста қўтарган. Ва ҳеч кимга малол келмайдиган оҳангда ҳикояга якун ясаган:

«*Унинг исми-шарифини айтгунча, тилларим кесилса бўлмасмиди?*

Унинг исми-шарифини ёзгунча, қўлларим синса бўлмасмиди?!

Бу – Абдулла қаҳҳор».

5.

“Абдулла Қаҳҳор ўз даврининг одами бўлган. Яъни, у яшаган даврдаги вазият, шароит, қараашлар, тартиблар ва қоидалар унинг ижодида ҳам, шахсиятида ҳам муайян из қолдирган, – деб ёзади Озод Шарафиддинов. – Аммо кейинги йилларда унинг тўғрисида эълон қилинаётган айrim мақолаларни ўқисанг, шундай таассурот қоладики, гўё кечаги адабиётимизнинг жаъмики кир ва қора томонлари фақат унинг ижодида мужассам бўлган. Социалистик тузумнинг маддоҳи ҳам – Абдулла Қаҳҳор, замонасозлик қилган ҳам – Абдулла Қаҳҳор, асалари билан Абдуллаеваларни тарбиялаб етишитирган ҳам Абдулла Қаҳҳор, одамларга, қаҳрамонларига меҳрсиз бўлган ҳам – Абдулла Қаҳҳор, партияга югурдаклик қилиб, одамларни сохта гоялар билан лақиллатган ҳам – Абдулла Қаҳҳор!..”

Аслида, бундан ҳам ёмон...

Гап – унда эмас!

Гап – Қаҳҳорда эмас!

Нима у?!

Йўқ нарса! Бир оний шарпа!

Гап – абдулла қаҳҳорларда!..

6.

Жодугар дегани ўрмонда, товуқникидай оёғи бор кулбада яшайди, деб ўйлаш хато. У эртак-афсонада айтилган бадбуруш ёлмоғиз ҳам эмас. Сиёқи одамга ўхшайди, аммо ичи қора, баҳил ва бадкирдор. Тескаричи, тубан ва муноғиқ. Амали айтганига зид бўлади. Ёвузликнинг додини беради. У қанча қоралик қилса, инсу жинс шунча пардалайди. Ва оқ қилиб кўрсатади. Атрофида

мухит яратиб туради. У шундан куч олиб палидлик қиласи ва яна яхши кўриниб яшайди.

Ўша, “Қодирийнинг сўнгги кунлари” чиққач, бирда гап очилиб, Яшин⁸⁴ домла айтган, бир яқинининг хасми Қаҳҳорнинг қўзига яхши кўринади. У дўстини маҳкамага чақириб, сўроқ қиласи, “халқ душмани”га чиқаради. Уни отишади.

У замонда “халқ душмани”нинг оиласи” деган айблов ҳам бўлган. У кимнинг манглайига босилса, кун кўрмай ўтиб кетган.

Ўша аёл ҳам шу кўйга тушади. Уйи куйиб кетади. Ишга олишмайди. Сиғдиришмайди. Яна очарчилик. Очликдан болалари шишиб кетади, адойи тамом бўлади! Шунда у: “Икки болам очдан ўлиб кетмасин!” – деб унга боради, дўст билиб...

Оғир замонлар бўлган!

Қаранг, бир буханка қора нон учун...

7.

– Одамнинг қонини ичиб, яна фариштаман деб даъво қилган ёмон!..

Одил ака нега шундай деди?

Ўшанда бу ҳақда ўйлаб кўрганим йўқ. Кейин билсам...

Шарафиддинов ёзишича, 1956 йил 6-7 июл кунлари Ёзувчилар уюшмасининг пленуми бўлади⁸⁵. Унда шахсга сифиниш қораланади, туҳматга учраб, душманга чиқарилган, кўпчилиги отиб ташланган ёзувчи ва шоирлар оқланади. Кўпчилик сўзга чиқиб, замона зайлуга қараб фикр айтади. Мақсад Шайхзода “Тошкентнома” деган достон ёзганини айтиб, чоп этишда ёрдам сўрайди. Аммо Қаҳҳор қақшатгич бир ибора қўллайдики, ўтирганлар бир қалқиб тушади! У “адабиёт жаллоди”, мана, аслларни йўқ қилиб, мўридай сўппайиб бир ўзи қолди, дейди!

Кимдир: “Ким – у, отини айтинг!” – деб ҳайқиради.

Аммо Қаҳҳор ўша “жаллод” Шайхзодани ноҳақ қаматиб, Ойбекни касал қилганига урғу беради.

Одамлар лол, одамлар ҳайрон.

Момоқалдироқ гумбурлади, аммо чақмоғи йўқ.

Ким у – жаллод?

Ҳаяжон қайнаб тошади.

Ким – одамларнинг уйини бузган? Ёстигини куритган? Шунча хонумонни куйдириб юборган – ким?

Демак, Қаҳҳор билади!

Сир бошларни айлантиради.

⁸⁴

Комиляшин кўздатутилган.

⁸⁵

ОзодШарафиддинов. “Ижоднианглашбахти”, Тошкент, “Шарқ” НМАК, 2004 йил, 296-300-бет.

Ҳамма шуни билмоқ истайди, юрак ютган одам сўрайди, бироқ у айтмайди.

Одамлар тинчини йўқотади. Чунки, бундан муҳим нарсанинг ўзи йўқ! Ким – у, бадбахт? Ҳамманинг бошини айлантириб, миллатнинг асл фарзандларини “халқ душмани”га чиқарган, уларни қирғин қилиб адабиётга, қанчадан-қанча оиласа шикаст етказган, юракларга қўрқинч солган? Тараққиётни бўғиб ташлаган – ким??!

Асаблар таранг тортилади.

Шукруллонинг гувоҳлик беришича, ўтирганлар: – Мельчаковми?!⁸⁶ Швердинми?!⁸⁷ – дея ҳайқира бошлайди.

Зал уммондай тошади.

Ахийри, ЦэКанинг секретари: – Ўртоқ Қаҳҳор! Мавҳум гапларни қўйинг, конкрет гап айтинг! Ким – у, жаллод?! – деб сўрайди. Аммо, Қаҳҳор сирни очмайди.

Зал жунбушга келади. Вазият қиёмига етгач, нотик вазминлик билан нутқига якун ясади ва:

– У – Владимир Мельчаков! – дейди.

Қойилмисиз?

Шарафиддинов ҳам қойил қолган. Яланиб қўяди – устози ҳақиқатни очиқ айтгани учун! Аравачада ўтирган қўйи, бош эгиб, таъзим қиласади. Тамшанади. Бунақа жасорат ҳамманинг қўлидан келмайди, дейди. Аммо, яхши биладики, Мельчаков – пешка! Шоҳмот таҳтасидаги оддий тош, холос! Қолаверса, у эллигинчи йилларда “иш” кўрсатган. Ва ўшандаям бу “иш”нинг устаси фарангি, қўли қон Ғафур Ғулом билан Абдулла Қаҳҳор мақомига йўргалаган бўлса, ажаб эмас!..

“Шундай қилиб, одамларнинг нафрати Мельчаковга қаратилди. Қаҳҳор ҳақиқатгўйга, адабиётнинг жонкуярига айланди”, дейди Шукрулло. Чунки асл ҳақиқатни ҳеч ким билмаган.

Энди ўзингиз айтинг, нима – бу, ўзи?!

Ҳам ғарлик, ҳам пешгирилик...

Йўқ, бу – иблиснинг инсон туйғулари билан ўйнаши!

Анна Беркова:

– *Кўрдик, бор кўргулик ўтди юракдан,*

Калтак ва ўқ едик, шундай ўсдик биз.

Шунча тубан кетди бу ёвуз Ватан,

Болалари унинг бўлмасми ёвуз!

Шукрулло:

⁸⁶ В. Мельчаков – эллигинчи йилларда “Звезда Востока” журнали мұғаррири, Ўзбекистон Совет ёзувчилари Союзи партия ташкилоти секретари бўлган.

⁸⁷ М. Шевердин – эллигинчи йилларда Ўзбекистон Совет ёзувчилари Союзи президиуми раиси ўринбосари бўлган.

— *Сталин ўлум топгач, шахсга сиғиниши қораланди. Қамоқда ётган минглаб зиёлилар, ёзувчи ва шоирлар озод этилди. Ўз вақтида қатагон қилингани миллион-миллион беайб ва бегуноҳ одамлар оқланди, уларни “халқ душмани” сифатида айблаб, умрига зомин бўлган бадкирдорларнинг айримлари фош этилди. Баъзи бирлари сиёсий маҳкамаси тазийиқи остида Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон ва Абдурауф Фитрат каби унумилласи сиймоларни душманга чиқариб, уйини куйдириб юборганини тан олди, айбига икрор бўлиб, ўзини бир оз поклади. Лекин, ҳеч ким уларнинг ёқасидан олиб, ортиқча маломат қилгани йўқ. Ҳолбуки, улар яхшиларнинг ёстигини қуритиб юборган эди...*

Асқад Мухтор юрагини кемираётган афсус-надоматни бир эмас, бир неча шеърида айтади. У 1966 йили “Портрет” деган шеър ёзди:

Ҳомий бўлолмадим бир вакт дўстимга,
 Кўнглимга ўй келди: “Балки душмандир?!”
 Ўша қўрқув бир зум менинг юзимга
 Хунук ажин бўлиб тушгандир?!.
 Аммо менинг чуқур ажинларим
 На қўрқоқлик, на оҳларимдан.
 Улар менинг қалбим қийноқлари –
 Виждан олдидағи гуноҳларимдан.

Виждан олдидағи гуноҳ – оғир гуноҳ.

Хўши, у нима гуноҳ қилган? Бу қийноқлар кейин ҳам Асқадга сира тинчлик бермайди. У 1987 йили “Покланиш” деган шеърида шуни айтади:

...Айтилмаган ҳар гап,
 Ичга ютган азоб,
 Журъатсизлик, қурбисизликларим –
 Ҳаммаси оғрийди ярадек қақшаб,
 Ҳамон кезаман мен,
 мана, тун ярим...
 Пушаймон ўртайди.

Унинг уйқусини ўғирлаб, юрагига қийноқ солган, ярим кечаси ҳаловатдан айирган пушаймон нимадан иборат, ўзи?

Мен билганим шуки...

Асқад Мухтор 1988 йил апрелди “Шарқ юлдузи” журналида чиқиши қилди. Унда шундай дейди: “Эллигинчи йилларда “Шарқ юлдузи”да масъул котиб бўлиб шилар эдим. Баъзи бир тухмат билан ҳибс этилган шоир, ёзувчилар тақдиди билан қизиқувчилар мени кунда-кунора чақиришиарди. Фалончи шундай деганми, дейди, деган бўлса, деган, демаган бўлса, демаган, дейман...”

Энди сиз Хавфсизлик хизматида сақланаётган қийидаги хужжатга эътибор беринг.

“Давлат Хавфсизлиги министрилиги
Полковник Мансуровга

Ўзбекистон Совет ёзувчилари Союзи Сизга Шукрулло Юсуповнинг китобига хулосани юбормоқда.

Шуҳрат Алимов китобига хулоса ҳали тайёрланганича йўқ, чунки унинг китобларини топишда қийинчилик пайдо бўлди.

Ўзбекистон СЕС Президиуми
Раисининг ўринбосари

М. И. Шевердин”.

Ўзбекистон Совет ёзувчилари Союзи Хавфсизлик хизматига тақдим этган хулоса:

“Хулоса

Шукрулло шеърлари тарбиявий, бадиий аҳамиятга эга бўлмаган тамоман ҳоясиз, совет поэзиясига зиддир.

Темур Фаттоҳ,
Асқад Мухтор”.

Шу айблов сабаб, ўшанда мени 25 йил қамоқ жазосига маҳкум этишган. Ҳукмга асос бўлган хулоса шу.

Асқаднинг юзига хунук ажин бўлиб тушган қўрқинч фақат шуми? Уни ич-иҷидан кемирган азоб ёлгиз шундан иборатми?

Афсус, ундаи эмас!

1952 йил 22 деқабрда Мақсуд Шайхзоданинг 1143-рақамли тергов ишини ЎзССР Давлат Хавфсизлиги министри ўринбосари тасдиқлайди. Забардаст шоир ва драматургни Айблов хулосасига қийидаги банд асос бўлган: “Шайхзода Мақсуд ўзини гуноҳкор деб ҳисобламади. Аммо унинг советларга қарши ва миллатчилик фаолияти Мельчаков, Асқад Мухтор, Рамз Бобожон томонидан фоши этилди”.

Ўшанда Мақсуд Шайхзода қатагон этилгани ҳеч кимга сир эмас, албатта.

Асқад Мухторнинг ёзувчилар ҳақида “деган бўлса, деган, демаган бўлса, демаган”лари фақат шундан иборатми?

У Мақсад Шайхзода билан биргина мени қаматганми?

Биласиз, 1956 йили Абдулла Қодирий оқланди. Аммо шундан кейин ҳам улуг ёзувчи асарлари ҳадеганда ёргулик қўрган эмас. Бунга қаршилиқ қилганлардан бири Асқад Мухтор бўлган. Буни адабий жамоатчилик яхши билади.

Биз қамалиб кетгач, Ўзбекистон Совет ёзувчилари Союзи пленумида айнан Асқад Мухтор Туроб Тўлани Союздан ўчириши таклифи билан чиққан. Биласиз, Союздан ўчириши, бу – қамалиши дегани.

Булар бари хуёжжатларда муҳрланиб қолган, улардан тониб бўлмайди. Майли, бу – Асқад Мухторнинг шахсга сигиниш давридаги қилмиши, дейлик. Хўш, ундан кейин-чи?

Асқад Мухтор олтмишинчи йилларнинг охирида “Комсомольская правда”да “Эплаб юролмаймиз катта йўлда ҳам” деб чиқши қилганини, унда юлдуздек чақнаб чиққан ёш шоир Абдулла Ориповни миллатчиликда айблаганини ким билмайди, дейсиз!

Ўша мақолада у “Она тилим”, “Дорбоз”, “Лайлак” шеърлари учун истеъододли ёш шоирга жиiddий сиёсий айб қўяди. Яна қаерда? Марказий матбуотда! Агар ўттизинчи-эллигинчи йиллар бўлганида, Абдулланинг хонумони куйиб кетар эди!

Мен Абдулланинг ўша кунлардаги руҳий ҳолатини ўзимга яхши тасаввур қиласман. Бу жуда оғир ҳолат, одамни эзиб ташлайди. Буни юрагимдан ўтказганман. Шу боис, уни қўллаб-қувватладим. Бутуниттифоқ шеърхонларига таништирган бўлиб, мухтасар сўз ёзиб, бир туркум шеърини “Литературная газета”да эълон қилдик. Аммо шундан сўнг ҳам Асқад Мухтор фикридан қайтган эмас. У “Ёши дўстларимга” китобида Абдулла Орипов шеърларини қуидагича талқин этади: “Замон нишонлари етишмайди. Баъзан у мажнунсифат, кўпинча хазин! Қалбида инсоний завқ, порлоқ умид, ҳаётбахши қувноқлик барқ урмайди. Ёши шоирнинг китобида катта ёрқин фикр ва туйғулар ўрнига баъзан пастқам, ножӯя фикрлар юзага чиқиб қолади”.

У ёши истеъододга мана шундай сиёсий ёрлиқ тақади.

Хўши, шунча балони қўра-била туриб, чинакам истеъододга бундай ёвузлик қилишига нима уни мажсбур этди?

Шеъриятимизда Абдулла Ориповдек чақноқ юлдуз бодрагани нафақат адабиёт аҳли, балки ҳалқимиз учун байрам бўлган. Асқад Мухторнинг уни қоралаши тузумпарварлик эмас, балки қоп-қора ҳасаддир. Бу Хавфсизлик маҳкамасини огоҳ этишидан бошқа ҳеч нима эмас!

Асқад Мухтор “Портрет”, “Пушаймон” шеърларида афсус чекишини баён этади, аммо амалда кир ва қора йўлдан қайтмайди...

1988 йилнинг февралида “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида бир мақолам чиқди, эллигинчи йиллардаги душман қидириши ҳақида. Шуни ўқиб, уялмай-нетмай таҳририятга хат ёзипти.

Нима депти, денг?

“Редакцияга ҳат

Ҳурматли ўртоқ редактор!

Газетанинг шу йил б-сонида Шукрулло мени 50-йиллар бошида ноҳақ қамалган баъзи ёзувчилар ҳақида “нотўғри маълумот” берганлардан эмасмикан, деган шубҳани билдиради. Бундай жиоддий хиёнат ҳақидаги шубҳага далил сифатида менинг 60-йилларда ёзган шеърларимдан бир неча сатр келтиради.

Агар биз асарлардаги қаҳрамонларнинг иши ва сўзига қараб, авторларни шубҳа остига олаверадиган бўлсақ, қандай яшаймиз-у, қандай ижод қиласиз.

Умуман, гумон ва шубҳалар билан газетага чиқшига қандай қарайсиз, ўртоқ редактор. Борди-ю, мен, масалан, фалончи кўп ийлардан буён ароқ ичади, мияси айниб қолган бўлса керак, деган гумон билан газетада чиқсан, тўғри бўладими?!

*Салом билан А. Мухтор,
1988 йил 12 феврал”.*

Яхши гап. У ҳатто газета муҳарририга ҳам таҳдиð қиласяпти. Хавфсизлик хизматидаги даъвосидан ҳам юз ўгираяпти. Унда ёзib қўйилган-ку, “Шукрулло шеърлари тарбиявий, бадиий аҳамиятга эга бўлмаган тамоман гоясиз, совет поэзиясига зиддир”, деб! Яна имзо чекилган: Темур Фаттоҳ, Асқад Мухтор...

Нима дейсиз? Ҳам гарлик, ғам пеширлик! Бундайларга бас келиб бўлмайди. Шу сабаб, унга ҳам, таҳририятга ҳам жавоб ёзишини эп кўрмадим. Бундай олиб қараса, Асқад Мухтор “душиманигимга” гувоҳлик бергач, гарчи бу тухмат бўлса-да, мени 25 йилга ҳукм қилишиди, аммо Яратганинг марҳамати билан беш йил ичida озодликка чиқиб, яна қаторга қайтдим. Шунда у, ҳеч бўлмаса, тил учida узр сўраган эмас! Яна таҳририятга ҳат ёзib, менга маломат, муҳаррирга таҳдиð қилса, гапни айлантирса! Ундан нима кутиши мумкин? Қандай юзи чидар экан-а?

Шуни айтадилар-да: “Ўгри бўл, гар бўл, инсоф билан бўл!”, деб.

Худога солдим!

Мени бу гапларни ёзишига ундалган Саид Аҳмаднинг “Умрим баёни” мақоласи бўлди. Унда муаллиф қатагон этилишига сабабчи бўлга кимсалар номини очик-ойдин айтган. Очиги, бу менга эриш туюлди. Нимага десангиз, Темур Фаттоҳ билан Асқад Мухтордан ташқари, Саид Аҳмад ҳам менга зулм қилган!

Мени ҳибсга олиш ҳақидаги ордерда: "...Саид Аҳмадларнинг гувоҳлик беришилари асосида Юсупов Шукрулло ҳибсга олинсин, уйи тинтув қилинсин”, деб ёзib қўйилган.

Шу боис, ўзларидан сўрасак, Саид Аҳмад, деб ёздим. Мен уни олиб борсам, таҳририят масъуллари бера олмаслигини айтишиди. Нега десам,

жуда галати гап қилишиди. Махкамадагилар: "Нима, халқни бўлиб ташлайсанларми?!" – деган эмиш!

Ана, холос!

Буниси ҳаммасидан ошиб тушиби. Ахир, уларнинг ўзи эмасми, халқни "халқ"қа ва "душман"га бўлиб ташлаган?! Одамларни чиқариб отгач, яна "улар душман эмас экан", деб оқлаган?..

Адабиёт газетасининг 1988 йил 16 декабрь сонида Комил Яшиннинг "Ўша оғир йилларда" деган мақоласи чиқди. Унда муаллиф: "Ёзувчилар союзи раҳбар ташкилотлар бошлиқлари билан маслаҳатлашган ҳолда, ўзида ёки бирор алоқадор ташкилот қошида нуфузли комиссия тузиши ва унга репрессияга учраганларга боғлиқ материалларни чуқур ўрганишини юклashi керак, – деб ёзади. – Токи ўша комиссия ёзувчилар ва журналистлар ҳақидаги бор гапларни синчковлик билан аниқласин, оқни оққа, қорани қорага ажратсин.

Ха, давр, замон, ҳозирги мазмундор кунларимизнинг қатъий талаби шундай. Буни бегуноҳ кетганларнинг пок руҳлари ҳам талаб қиласди".

Ҳақиқатан ҳам шундай! Аммо бу қачон амалга ошади? Бу ҳақда Ҳабибулло Қодирийнинг "Қодирийнинг сўнгги кунлари"дан бошқа яна қандай асар эълон қилинди? "Қодирийнинг сўнгги кунлари" нега китоб бўлиб чиқмади? Ким унинг йўлига банд солган? Бир нима десанг, "Халқни бўлиб ташлайсанми!" – деб зугум қиласди. Ҳақиқатнинг юзини тўсади!

Бу зўравонлик қачонгача давом этади?

Яратгандан кўрқиши керак, ахир!

Дунёning Эгаси бор ва У ҳаммасини жой-жойига қўяди!

Қамоқ азобини, хўрлик ва ҳақоратни юрагидан ўтказган мен каби инсон учун бундай кир ва кўнгилсиз воқеаларни эслаш жуда оғир! Аммо нима қиласди? Асқад Мухтор, Саид Аҳмад кабиларнинг инсон ҳазар қиласидиган, одамлар умрига зомин бўлган чиркин кирдикорини очиб ташлаши бурчим. Нимага десангиз, биз – тириклар беайб ва бегуноҳ қатли ом этилган ва отиб ташланган инсонлар руҳи поки олдида қарздормиз. Қолаверса, қатагончиларни эмиб ўлгайган ворислари бор. Улар хушёр тортади. Ҳақиқат бари бир юзага чиқишидан кўрқиб яшайди. Яхшиларнинг уйини куйдириб ташламайди. Инсоф ва адолат, хотиржамлик бўлади.

Ҳар бир одам ўз қисматига масъул бўлса, жазодан кўрқса, жавобгарликни ҳис этса, ҳаётда қатагон ва қиргинлар, қонли урушилар бўлмас эди...

24. «Ўтганлар ва ўйлар»

Одил Ёқубов шундай ҳикоя қиласган.

– Мени бир эмас, икки марта «Литгазета»нинг Ўзбекистон бўйича мухбири этиб тайинлашган, бироқ ҳар сафар яна «четлатишган». Биринчи марта...

Тахририят катта бир ёзувчи хотин-қизлар хаёти ҳақида чиқишиң қилсан, деб топшириқ берди. Республика раҳбари ҳам ёзувчи, шунинг учун у билан маслаҳатлашиб иш қилиш одатга айланган эди. қолаверса, «Литгазета»да чиқиши жоккор учун шараф ҳисобланарди.

Хуллас, Каттанинг олдидан ўтдим. Шахсан “Биринчи”нинг тавсияси билан “Синчалак” деган қисса ёзиб, ўзбек хотин-қизларини кўкларга кўтарган Абдулла Қаҳхорга мурожаат қилдим, икки ўртада бўлиб ўтган гап-сўзни, топшириқнинг маъно-мазмунини оқизмай-томизмай етказдим.

Мақола тайёр бўлгач, Қаҳхор менга телефон қилди, бордим, лекин у киши: – Олдин Шароф Рашидовнинг олдидан ўтайлик! – деб қийин-қистовга олди. Ахийри, узун-калта бўлиб, каттанинг қабулига бордик. Абдулла Қаҳхор мақолани сўзма-сўз Каттага ўқиб берди, сўзма-сўз маъқуллатиб олди. У, ўша замон талабига мос, “Синчалак” каби бир мақола эди. Шу боис, Рашидовга манзур бўлди. Шундан сўнг адиб: – Мана, энди бутун масъулият сизнинг бўйнингизда, Одил! – деб, Рашидовнинг қўз олдида қўллэzmани менга узатди.

Орадан бир-икки ой ўтгач, «Литгазета»да ўша мақола босилиб чиқди. Ва у раҳбариятнинг кескин норозилигига сабаб бўлди. Нега десангиз, у мен узатган мақоланинг ғирт зидди эди, ҳатто айрим ўринларда очик-ойдин Каттанинг шаънига нолойиқ қичиқ қилган. Абдулла Қаҳхор у кишининг қўз ўнгидаги қўллэzmани бериб, масъулиятни расман менга юклагани учун икки орада «ўйинчи»га чиқиб қолдим. Шунда ишдан четлатишди...

Кейин билсам, Қаҳхор зимдан мақолани қайтариб олиб, кескин танқидий руҳда ёзган, ҳатто заҳарханда кесатиқлар қўшган экан. Нега аввал бошқача ёзган, кейин нега шундай қилган, бу менга қоронги. Ва, албатта, бу – унинг шахсий иши. Лекин, ўйлайманки, мард ва пок одам бундай қилмайди, бирор билан олишса, очик курашади, зимдан “ўйин” қилмайди. Айниқса, ёзувчи одам виждан азобига учрайдиган ишга қўл урмаслиги керак. Унинг юраги тоза бўлмаса, ёзгани ёруғлик улашмайди...

Қарангки, ҳаётда шундай «ўйин»лар ҳам бўлар экан!

Ўшандада, «халқ душмани»нинг боласи эмасманми, уйим куйиб қолди, қаёқка бош урмай, ҳеч бир нажот йўқ! Қайтиб ишим ўнгланмаса керак, деб ўйладим ва тушкун кайфиятга берилдим.

Ўзингиз ўйланг, ўзимни оқлаб олиш учун нималар қилмадим? Ёшим етмаса-да, урушга кетдим, Гоби чўлларида хизмат қилдим. Олти йил! Келиб ўқидим, ўлиб-тирилиб ишладим. Энди йўл очганда ҳаммаси куй бўлди!

Бу ёқда мақола муҳокама бўлиб ётиди. Ҳамма бир тараф, қарабсизки, бузуқига чиқдим-қолдим.

Билишимча, Қаҳхор яна сувни лойқалатган: “Кўллэzmани Одилга берган эдим, Рашидовнинг хабари бор! Нега бундай қилишган, билмайман!..”

Хуллас, вазият чигаллашиб кетди.

Эзилиб адойи тамом бўлдим. Кўнгил сўрайдиган бир меҳрибон йўқ.

ҳеч эсимдан чиқмайди, ўша кезлар кўча-куйда Қаҳхор билан бир эмас, бир неча марта юзма-юз келдик, алам қилгани, бир оғиз илиқ гап айтиб, кўнгил

бериш ўрнига, у мени кўриб, кўрмаганга олади, юзингга оёқ босиб ўтади, ҳатто саломга узатган қўлим муаллақ қолади. Демак, айб мендан ўтган, бир хатолик бўлган, деб куяман, нима қиласаримни билмайман, қийналаман.

Анчагача ҳеч нима кўзимга кўринмай, юрагимга қил сифмай юрди. ҳаётдан кўнглим совиган, ёмон ўйлар хаёлда айланади. Агар, шу жуфти ҳалолим бўлмаганида, у парвона бўлиб турмаганида, ўзимни бир бало қилиб қўйишим ҳеч гап эмасди.

Ўша кунлар қаёқдан ҳам Герценнинг «Ўтганлар ва ўйлар»и қўлимга тушиб қолди, ўзимни чалғитиш учун уни ўқий бошладим.

Бу шундай бир асарки, инсоннинг ҳаётга муносабатини тамомила ўзгартириб юборади ва дунёга бошқача бир кўз билан қарай бошлайсан, киши.

Китобни ўқир эканман, шуни англадимки, бошимга тушган ва мислсиз фожия бўлиб туюлган ўша кўргулик, мени комига тортган уюрма дунёдаги катта «ўйин»лар олдида ҳеч нарса эмас, ҳатто сариқ чақага арзимайди. Бундай балою офатга кулиб қараш керак.

Шуни англаб етгач, бирдан енгил тортдим. Кўз олдимни тўсиб қўйган туман тарқала бошлади...

Мен шу ҳақда кўп ўйлайман. Абдулла ака нега “ўйин” қилган? У Рашидовнинг ишончига кирган одам эди, шунинг учун дарсликлардан жой олган, хукумат мукофотларига сазовор бўлган. Катта хайриҳоҳ бўлмаса, Миркарим Осимдай кун кўрмай ўтиб кетарди! Қолаверса, нима ёзган бўлса, давр талабидан келиб чиқиб ёзган. Ўтмишга қора чаплаб, совет воқелигини кўтар-кўтар қилган. Яна шу ҳолига ўзини тирик классик ҳисоблар эди. Ҳолбуки, кейинги ёзган нарсаларини ўқиб бўлмайди!..

Ёдимда, олтмиш йиллигидаям шундай “ўйин” қилган. Унвону мукофотни олиб бўлгач, катта тантанада тузлиққа тупурган...

Бундай “ўйин” сохта обрў учун қилинади. Баланд дорга “осилиб”, довруқ қозониш осон...

Дунё шундай, ўзи. Бирор чалади, бирор ўлингга банд солади. Бошқа бирор эса, тўкилиб ётганингда меҳрини бериб, оёққа қўяди. Беш бармоқ баробар эмас, аммо яхшию ёмоннинг борар жойи – бир. Дунёга келиб, бир нима орттириб, олиб кетиш мумкин бўлса, Искандар Зулкарнайн тобутдан қўлимни чиқариб қўйинглар, демас эди. У қўлим очиқ кетганини одамлар кўрсинг, деган.

Зулм ва жаҳолат кечаям бўлган, бугун ҳам бўлади, унга дуч келганда, ишинг орқага кетганда тушкунликка тушма. Буям ўтади. Доим йўлингда собит бўл. Яратгандан бўлак ҳеч нима абадий эмас. Яхши-ёмон кун, турли савдо ҳар бошда бор. Инсон ўзига, ўз қучига ишониб яшashi керак!

Ўшанда, Яратган ёр бўлиб, куйибадни бир четга йиғишириб қўйдим-да, жонимдан ўтган бир воқеа, ўзим билган одамлар, уларнинг дарди-муҳаббати, ҳаётий кечинмалари ҳақида ёза бошладим.

«Муқаддас» шундай юзага келган.

қиссага нуқта қўйгач, енгил тин олдим. Ёзувчи асари қандай чиққанини яхши билади. Ички бир қониқиши билан ўрнимдан турдим-да, кийиниб кўчага чиқдим. Олам яшариб, нурга чайиб олингандек эди. Хушҳол бир кайфиятда айланиб юриб, қаёқдан ҳам Уюшмага бориб қолибман.

Москвалик катта бир ёзувчи билан қалин дўст эдик. Унинг аёли, жудаям сулув, назокатли, «Комсомольская правда»да бўлим бошлиғи эди. Қаранг, у Тошкентга келган экан. Уюшмага кирсам, ўша хоним китоб растаси олдида турибди.

– ха, Одил, тинчликми? – деб сўради у, менга кўзи тушган заҳоти. – Нега кўринмайсан? Оғайнингни ҳам йўқламай қўйдинг? Ёки...

– Яқин-орада Московга борганим йўқ! – дедим унга.

– Нега?

– Нима, хабаринг йўқми? Мени ишдан олишган-ку!

– Нима учун?

Ишонсангиз, мен бўлган воқеани айтиётган вақтда Уюшма эшиги очилиб, Абдулла Қаҳҳор ичкарига кирди ва бизни кўриб, кўрмаганга олиб, шундоқ ёнимиздан ўтиб кетди.

– «Литгазета»да ишламоқчимисан, ўзи? – деб сўради хоним. – Кўнглинг совиб кетгани йўқми?

– Ишлайман, – дедим мен. – Обрўли газета, кучли жамоа, улардан кўп нарсани ўрганса бўлади...

– Унда сен шу ерда қимир этмай тур, мен ҳозир келаман!

– Хўп, – дедим мен, билардимки, Рашидов бу аёлни жуда ҳурмат қиласди, унга ишонади ва ҳеч вақт гапини икки қилган эмас.

Чиндан ҳам, у ярим соат ўтар-ўтмас оловдай ловуллаб кириб келди, хали Уюшма эшигидан кирап-кирмас: – Одил, сени қутлайман! – деди севинч билан.

– Яна «Литгазета»нинг мухбири этиб тайинландинг!

Буни қарангки, шу асно Қаҳҳор қайтиб ўтаётган эди, у хонимнинг гапини эшилди, кейин бир-икки қадам юрди, эшикни очаётиб, бехосдан ўгирилиб қараган бўлди. Ва ясама ҳайрат билан:

– Э, Одил?! – деди кўзларини катта-катта очиб. – Бормисан?! Қаёқда юрибсан?!

Келиб, у мен билан сўрашди.

– Кўринмайсан? қаёқларда юрибсан, ўзи? Московдан шундай меҳмон келса-ю, сен уни дачагаям олиб чиқмасанг? Бу – қандай гап? Уят эмасми, ахир? қани, кетдик! Ўзим бир ош дамлаб, сизларни меҳмон қилмасам!..

У қўярда-қўймай бизни «Волга»га ўтқазиб, дала-ҳовлисига олиб чиқди...

Шунаقا дунё бу!

ҳаётнинг ўнқир-чўнқири, оғир-енгили ва товланишлари бўлади. Бирор ўзининг ожизлигини яшириш учун “ўйин” қилса, сохта обрў орттирса, бирор дардингга малҳам қўяди. Бирорга амалингга қараб, муомала қиласди. Яна шундайлар борки, кўзингга фаришта бўлиб кўринади, ўзига маҳлиё этиб юради, аслида эса, шайтонга дарс беради. Бундайларни ёсуман дейишади. ха, дунё

ҳаёти деб Худодан қайтган тубанлар оз эмас! Улар ўз манфаати йўлида дунёга ўт қўйишдан қайтмайди...

Шунинг учун, бироннинг шалтоғига тойиб кетсанг, биратўла ҳамма ёмон дема! Дунёда яхшилар кўп. ҳаёт устуни, аслида, шулар. Бу олам шулар билан пойдор.

Азалдан шундай бўлган, ҳозир ҳам шундай.

Яратган меҳрибон...

Бу дунёда бир яхши инсондай яшаб ўтиш ҳам катта баҳт...

Агар, очиғини айтадиган бўлсам, шу ёшга етгунча «Ўтганлар ва ўйлар»ни етти маротаба хатм қилганман...

Эргаш Жуманбулбул ўғли:

– Бўладиган эл бир-бирини ботирим дер...

Гёте:

– Узоқ ҳаёт йўлин ўтдиму босиб,

Олам ҳикматига айладим яқун.

Ким эрку ҳаёт деб кураиса ҳар кун,

Эрку ҳаёт учун ўша муносиб.

Худди шундай – меҳнат, кураш ва ҳавас,

Банд айласа ёшу кекса – ҳар кимни.

Шундай бедорликда қўрсам бир нафас

Озод диёримни, она халқимни...

25. “Тановар”

Раббим, яхшилар Сенга, заминдаги ва кўқдаги нурга, ойдинликка бунча талпинмаса?!

Шу муштоқлик бўлмаса агар, олам бунчалар чирой ва тароват касб этмасди.

– Фозилу фузало қоронғида адашиб юрган башариятнинг йўлидаги ёруғ машъалдур! – дейди Мирзо Улуғбек.

Шуниси ажабланарлики, ана шу зотларнинг ўзлариям нурга-зиёга, ёруғликка ташна бўлиб, ҳакқа-ҳақиқатга интилиб ўтди.

Кўнгли ярим Бетховеннинг мусиқийга ошуфталиги, зулмат қўйнидан ҳам саросар куй ахтаришини бир эсга олинг!

У кўнгил бўшлигини оҳанг ва маъно билан тўлдирмоқ истайди.

Мумтоз наво ҳам она алласи каби тотли ва мўътабар. У рухни аллалаб, туйғуларни чайиб ўтади, тафаккурни ёлқинлантириб, идрок уфқини ёритиб юборади. Одам боласи кўз билан уни илғай олмайди. У нур янглиғ. Ва оҳанг сочқиси тугал ҳикматdir.

Ва ундан инсонга наф етади, куч ва яхшилик етади.

– Шунинг учун ҳам улкан санъаткор ҳақида ёзиш жуда қийин, – дейди Одил Ёқубов, сўнг бошини орқага ташлаб хиёл кўзларини юмади ва ўйга толади. – Қирқ тўққизинчи йилнинг авжи баҳори. Тўрт йил Узоқ Шарқда хизмат қилгач, таътил тегди, қишлоққа келаяпман. Энди, бунинг нима эканини бошидан ўтказган билади.

Киндик қони томган, болалигинг ўтган қир-адир кўзингга оловдек бўлиб кўринади, учиб кетгинг келади! Бепоён дашту далаларга қараб кўзинг тўймайди, қадрдонларга, уларнинг суҳбатига, куй-қўшиққа юрак ташна бўлиб кетган!

Бир ҳафта қишлоқда тургач, сал хумор босилди, кейин Тошкентга йўл олдим.

Тошкентда, институтда ўқиётган ҳамқишлоқлар Свердлов номли концерт залида бўлаётган концертга олиб киришди.

Ўшанда ҳар бир куй ва ҳар бир қўшиқни жон қулоғим билан берилиб тинглаганман. Нимага десангиз, эртага яна Узоқ Шарққа қайтаман. Яна хизмат. Бундай наволар тинглаш яна қачон насиб этади, Оллоҳ билади.

Шу ҳасратда ичикиб ўтирасам, бошловчи, Мукаррама Турғунбоева⁸⁸ “Тановар” рақсини ижро этади, деб қолди. Шундай олқиши бўлди, залнинг деворлари зириллаб, томи учиб кетай деди. Ва, ниҳоят, қарсаклар тиниб, саҳнага машшоқлар чиқиб келишди. Кейин бирдан жимлик чўқди, пашша учса, эшитиладиган даражада, ундан сўнг сокин ва баҳайбат зал узра она алласи каби муенис ва дилрабо куй таралди…

“Тановар” жонимга сингиб кетган, энг суйган куйим. Уни қайта-қайта тинглашдан чарчамайман. Айниқса, ўшанда, эҳтимол соғинч сабаб, бу мунгли наво жонимни ўртаб, оёқларимнинг учига довур жимиirlатиб юборган.

Сел бўлиб, саҳнага кўз тикиб ўтирибман. Ниҳоят, ҳарир парда ортидан Мукаррама Турғунбоева чиқиб келди…

Худди бирордан уялгандай, нозик ва чиройли қўли билан хиёл юзини тўсиб, бир-бир босиб, оҳиста чиқиб келдилар…

Ҳали ёш. Жуда кўҳлик…

Атлас куйлак, нафис беқасам тўн, сарв қомат, дуррачани қия боғланган, куйнинг таъкидига нозик бармоқлари чарс-чарс тортилади ва шунда тилла узуклар оловдек ёниб кўзни олади.

Раққосанинг рақси ҳам куйнинг ўзидай ғамгин ва шикаста, лекин бу ҳазинликда қандайдир мунислик, дилга яқинлик, ошуфталик ва мислсиз бир тароват борки, буни сўз билан ифода этиб бўлмайди. Юрак-бағрингни ўртаб, эзгин бир кайфият қўзғовчи илоҳий сир бор, унда…

Ҳар бир халқнинг, ҳар бир миллатнинг мумтоз санъатида, айниқса, мусиқа ва рақс санъатида мана шундай изоҳлаш жуда қийин бўлган, ақл-заковат билан эмас, балки қалб билан ҳис этиладиган, идрок этиладиган илоҳий бир ҳикмат ва нафосат мужассам. Унда шу халқ халқ бўлганидан буён

⁸⁸ Мукаррама Турғунбоева – (1913 – 1978) раққоса, 1957 йилданумринингохиригача “Баҳор” халқ рақс ансамблигари, барликкелган.

фитратида яшаб келаётган кечинмалар, орзу ва умид, армон ва ҳаваслар, барчабарчаси акс этади. Интилиш ва тафаккури камалакдек жилоланиб, товланиб туради.

“Тановар” шундай асар.

Мукаррама опа ижросида бу тенгсиз наво билан унинг санъатдаги талқини уйғунлашиб, янада күрк ва маҳобат касб этган, у жонингни ўртаб, олам-жахон фикр-ўй қўзғайди. Мұхаббатнинг ғуссалы достони бу! У кеча ҳам оловли ишқ ёлқини билан момоларимиз ҳаётни безаб, нурлантириб яшаганини кўрсатади.

Сувдек равон оқаётган рақснинг бирон-бир жойида ортиқча ҳатти-харакат сезилмайди. Қиё боқишилар ҳам, чўчиб қочишилар ҳам, нозу итоб ҳам, ҳамма-ҳаммаси жондан азиз. Ошиқ билан хилватда дийдор кўришган маъшуқанинг ҳаёли, армонли ва, айни пайтда, орзули мұхаббатини тараннум этади. Яна бу, очиқ-ойдин эмас, балки диловарлик, нафис санъат, назокатли имо-ишоралар тили билан ифода этилган кўнгил розидир.

Халқнинг ўзидан олиб, баланд бир мақомга кўтариб, яна унинг ўзига ҳадя этилган бундан кўра мумтоз яна қандай асар бор?

Ҳануз ёдимда, эгнимда аскар гимнастёркаси, дилимда ёзувчи бўлиш истаги, тенгсиз малоҳат ва тотли санъат-нафосатга кўзим тўймай, сел бўлиб ўтирап эканман, насиб этса, бир кун келиб, менга ва менга ўхшаган беҳисоб одамларга олам-жахон завқ улашган, илоҳий ҳикматлардан бири бўлмиш рақс санъати юзидағи пардани олиб, унинг бутун жозибасини кўз-кўз этган Мукаррама Турғунбоева ҳақида бутун бошли бир китоб ёзаман, деб ният қилдим.

Мана, шундан буён ҳам ярим асрдан ошиқ вақт ўтди. Бу орада, яхшидир-ёмондир, бир қанча асар ёздим, мисли йўқ аждодлар ҳаётини ўрганиб, уларнинг ҳасратли сиймосини жонлантиришга ҳаракат қилдим, бироқ Мукаррама опа ҳақида китоб тугул, лоақал бир сатр ёза олмадим!

Йўқ, фикрим ўзгарган эмас, ниятим ҳамон қатъий!

Биласизми, нега?

Журъат йўқ!

Яхши ёза олмайман деб қўрққаним учун!

Яратганинг марҳамати билан “Тановар”да жилваланган улуғликни бутун бўй-басти, нафосати ва маҳобати билан очиб беришга кўзим етмагани учун!..

Ўлжас Сулаймонов:

— *Мен сени севаман,*
Бева — оҳ уришини,
Балиқ — тез сузишини
Севса қанчалик;
Мен сени севаман
Ожиз — шухрат-шонни,

*Күёш – кенг осмонни
Севгани каби...*

Азим Суюн:

– Эй дўст!

*Оталар ҳақсизлик қилганда шоён,
Болалар кўксидага кўкарап исён.
Сув ости тогига урилди кема,
Ў-ў, ундан қолмади биронта нишон.*

26. “Мангу яшилликнинг туғма улфати...”

Йиллар тўғони хотира ёлқинини сўндириб, тумандек тўзғитиб ўтади. Кеча унутилмас бўлиб туюлган ҳодиса бугун қадр-қимматини йўқотади. Фақат ўша вақт ёзилган “Кундалик”гина сарғайган саҳифаларида муҳрланиб қолган кечинмаларни асраб-авайлашга бехуда уринади. Чунки кечмиш таассурот бугунги ҳолингга доим ҳам мувофиқ келавермайди.

Ўшанда мен ҳали ўн ёшга ҳам тўлмаган эдим.

Уйнинг бир бурчагида, сандал ортида бобом Мулла Отакул Суяр ўғли қироат билан Куръон тиловат этади, мен эса, оёғимни оловга тоблаганча мўъжаз бир китоб ичига сингиб кетганман. Ахён-ахёнда унинг сарғиши жилдига, ундаги сулув қизнинг ва йигитнинг тилла сувида ишланган суратига сукланиб қараб қўяди. Нихоят, қисса якун топди. Ва мен отилиб ташқарига чиқдим. Илк баҳор насими келиб, юзларимга урилди. Юрагим тошиб, кимларгадир бир нима дегим келаётган эди...

Ўшанда бу ёруғ оламда Одил Ёкубов деган ёзувчи бор экани, бу асарни у юрак қони билан битгани хаёлимга келган эмас. Муқаддасни ўсмир қалби билан суюб қолган эдим, Шарифжоннинг аҳволига ачинардим. Бу чигал тақдир ўз қисматим каби жисми-жонимни ўртарди...

Ўша қисса юрагимни бежиз орзиқтирган эмас. Унда бедор ва безовта руҳий туғён, инсонга ачиниш ва тириклик нафаси бор, шу кўнгилга уйғоқлик бағишлийди, ҳаёт ҳақида, ўзгалар қисмати ҳақида ўйлашга даъват этади. Мана шу фазилати туфайли адабнинг мумтоз ва ҳаётбахш асарлари тириклик оламига мангу яшил хилқат бўлиб қўшилди.

Шу ҳақда ўйласам, шоирнинг Пушкинни улуғлаган қуйма сатри ҳаёлдан ўтади:

*Мангу яшилликнинг туғма улфати –
У – сен...*

Бундай зотлар заҳри-закқумни ютиб, ҳавони тозалаётган, одам боласи нафас олиши учун имкон яратиб бераётган ям-яшил дарахтга ўхшайди.

Матназар Абдулҳаким:

– Ё на қаро билан, на ё оқ била мен,
На шайх тарафинда, на мурид ёқ била мен.
Мен на паст ва баланд, жаҳлу аламдан озод,
Олам ишидан холиман-у, Ҳақ била мен.

Йўлдош Эшбек:

– Ҳаммангизда виждон йўқ.
Бор! –

*деб уни
 кўрсатолмайсиз.*

Ҳаммангизда виждон бор.

Йўқ! –

деб биронтангиз айтмолмайсиз.

Ҳаммангиз кулиб ўтирибсиз.

Фақат

*огриганда
 билинади у.*

Кулги эса таъқиқ этилмас.

Таъқиб этилади гоҳида кулгу...

27. “Эй Навоий авлоди, кел бу ёнга!..”

Саксон тўққизинчи йилнинг кеч кузи. Бир вақтлар Чингиз Айтматов, Азиз Несин, Мустай Карим, Абдужамил Нурпейсов, замонавий турк ва рус адабиёти намояндалари зийнат бағишлигар дастурхон атрофида бугун Олмониядан келган мунаvvар адабиётчи Темурхўжа ўтирибди.

У қирқ уч ёшда, дўнгманглайи, катта-катта зийрак кўзлари, қаймоқранг юзлари, бутун борлиғидан заковат нури ёғилиб турибди, тортиниб-қимтиниб ўтиришида эса, юракни эзувчи шикасталиқ, сифиндилик тарбияси кўзга яқол ташланади. Унинг отаси Усмонхўжа ўз вақтида Бухоро Халқ Республикаси нозири бўлган, йигирманчи йилларда она юртидан чиқиб кетган, сарсон-саргардонлик умрини куйдириб юборган...

– Одил ака, – дейди меҳмон. – Мана, узоқ жойларда яшаб, барча мухожирнинг фарзанди каби киндик қоним чет элда тўқилиб, қирқ уч йилни хорижда ўтказиб, Ватани соғина-соғина, ниҳоят, азиз диёрга келиш насиб этди. Жонимни орзиқтирган бу ташрифга сиз сабабчисиз. Таважжуҳ кўрсатиб, менга даъватнома юбордингиз, бундан бошим кўкка етди, чунки мен севган, мен азиз билган улуғ бир ёзувчининг бундай меҳр кўрсатиши катта бир ифтихор василасидир.

Сиздан ўта миннатдорман, Ватан васлини кўришга, унинг муборак тупроғи бўйини туйишга мұяссар бўлдим, ота юртим Бухорони, афсонавий

Самарқандни зиёрат этдим, халқимизнинг солих ўғлонлари билан тотли суҳбатлар қилдим.

Мана, бугун сизнинг мўътабар хонадонингизда туз totаяпман, мунчалик ширин бир дийдорни олдин орзу қилиш кўп қийин эди, бир кун келиб, Ватанга бораман, Одил ака билан бир дастурхон атрофида ўтириб, дардлашаман, деган ўй ҳатто хаёлимга келган эмас.

Аслида, сиз мени оз танийсиз, мен эса, сизни кўп танийман, сизнинг асарларингизни, “Диёнат”-у, “Улуғбек хазинаси”ни қайта-қайта ўқиганман, шу кунларда “Улуғбек хазинаси”ни туркия туркласига таржима қиласяпман, аммо бу оддий бир таржима эмас! Балки сиз асар мағзига сингдирган нажиб маъноларни усмонли туркийда аслича беришга интиляпман.

Албатта, менинг иқтидорим сизничилик эмас, таржима қийиндан-қийин кечаяпти, аммо шунга эришишни истайманки, токи уни ўқиган ўқувчи Одил Ёқубов бу асарни усмонли туркийда ёзган, десин.

Мен яна шуни айтишни истар эдимки, Колумбия дорилфунунида, Сталин ўлимидан кейинги замон ўзбек ва қозоқ романчилигига миллий онг масаласига доир докторлик ишини ҳимоя қилдим. Унда мен, Одил ака, асосан сизнинг асарларингизни тадқиқ этганман. Чунки, бизнинг бошқа кўп ёзувчимиз миллий масалада ёзишга рағбат сезмаган бир даврда, сиз катта жасорат билан “Диёнат”ни яратдингиз.

Албатта, “Улуғбек хазинаси” улкан бир асар, мен учун ниҳоятда қадрли, Чингиз Айтматов таъбири билан айтганда, бизнинг фахримиз-ғуруримиз! Аммо, негадир, “Диёнат” мен учун ардоқли, юрагимга айрича яқин, ўша Отакўзи, унинг, айниқса, отаси қабрини зиёрат қилиши, шунда кўкрагига уриб, менинг масжидим, саждагоҳим мана шу, дейиши бир бошқача, ҳар гал шу саҳифани ўқиганда тирқираб кўзимга ёш келади, армон тўла бир ҳасрат жонимни ўртаб юборади.

“Улуғбек хазинаси”да Али Қушчининг Ватандан жудо бўлиши, шу дамдаги сўнгсиз изтироблари ҳеч маҳал кўнглимдан чиқмайди. Гарчи ўзим Ватандан айри тушмаган бўлсам-да, отам Усмонхўжа 1920 йили шундай ўйқотишни бошидан ўтказган. Шунинг учунми, ҳар гал бу асарни мутолаа қилганда, жудоликнинг оғир ситами жонимда ўт ёқади.

Докторлик ишимнинг буюк бир қисмида сизнинг қисса ва романларингиздан парчалар келтирдим, чет элликларга, амриқоликларга шуни исботлашга ҳаракат қилдимки, бизнинг Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат ва Абдулҳамид Чўлпон асос солган миллий-замонавий насримиз қирқинчи-эллигинчи йилларда оғир даврни бошидан ўтказди, лекин олтмишинчи йилларга келиб, Одил Ёқубов каби улкан адиллар кучи билан миллий адабиёт бўлиб яшаб-сақланиб қолди. Ва ҳеч бир замонда ўз миллий жилоларини ўйқотмади. Айниқса, сизнинг кейинги романларингиз, ҳозир “Ёшлик” журналида асарлари чиқаётган Тогай Мурод каби истеъоддлар ижодида силқиб турган миллий рух фикримнинг тасдифидир.

Ўзбек адабиёти деган айрим бир адабиёт бор, бу оламда. Ҳеч бир вақт бу адабиёт йўқ бўлмайди, чунки унинг илдизлари бизнинг ўрхун ёзувимизга, қораҳонлилар адабиётига бориб тақалади.

Афсуски, дунё тилларига тўғридан-тўғри ўзбекчадан таржима қилиш тузук бир йўлга қўйилмаган. Сиз лойик бўлган ўрнингизни ҳали муносиб топмаганингиз шу билан изоҳланади. Сиз ўролар иттифоқида эмас, балки жаҳон миқёсида улуг бир ёзувчисиз.

– Темуржон, – дейди Одил Ёқубов, сухбатни давом эттириб. – Мен сиз айтган Ватан соғинчи нима эканини яхши биламан. Аскарлик сабаб, олти йил умрим Узоқ Шарқда ўтган. Ҳамон ёдимда, мўғул даштларида она юртни соғиниб, киндик қони томган она заминга талпиниб, зикланиб эзилган вақтларда “Ўтган кунлар”ни қайта-қайта мутолаа қилиб, шундан таскин топганман, юпанганман.

Нур билан йўғрилган бу севги достони дилимдаги беадад чанқоққа бир малҳам бўлган.

Агар, очиқ айтсан, одам боласи ёзган бирон-бир китоб мени шу қадар ларзага солган эмас. Гўё Отабек – ўз акам, Кумуш эса, ўз келин ойимдай, уларнинг тақдирига ич-ичимдан куюнаман, изтироб чекаман…

Бошига кўп мусибат тушган, кўп довул ва тўфонларда тобланган, аммо аслини, илдизинги йўқотмаган одамлар ҳар қандай кулфат ва кўргуликка чидайди, сандондай туриб беради, тантилик ва одамийликни ҳеч вақт бой бермайди. Шунинг учун уларнинг фожиаси юракни ўртаса-да, одамни эзib ташламайди, балки сабот ва матонатга ўргатади, ёвқўрлик ва жасоратга ундейди, шунинг учун ҳам сиз Отелло билан Дездемонанинг фожиали тақдирига йиғлар экансиз, кўз ёшингиз дилдаги ғуборни ювиб-чайиб ўтганини сезасиз ва ўзингизни янада улғайгандек ҳис этасиз, юрагингиз ўзгаларга ҳамдардлик билан тўлиб-тошади, одамлар билан ҳамдам-ҳамнафас бўлишни, уларга яхшилик қилишни истайсиз.

Отабек ва Кумуш фожиаси, назаримда, ҳаётнинг юзидағи пардани олиб, унинг теран моҳиятини очиб кўрсатган, шунданми, эрта улғайиб, оламга бошқа бир назар билан қарай бошлаганман, аллақандай ҳазин ва илохий рух юрагимни ювиб-чайиб ўтган…

Қодирийнинг буюклиги шунда!

“Ўтган кунлар”ни ўқисам, ёзувчи менга, лабида табассум, суюкли набиралари ўйинини кузатиб, уларнинг шўхлик ва эркалигидан завқ олиб, айвонда чой ичиб ўтирган меҳрибон отага ўхшаб қўринади. Бу улуғ санъаткор қабоҳат ва жаҳолат қурбони бўлмаганида, билмадим, бизнинг адабиётимиз яна қандай юксакликка кўтарилиб, яна қандай мумтоз асарлар билан бойир эди?!

– Одил ака, мен ўзбек мактабида таълим олмаганман, – деб давом этади Темурхўжа. – Лекин тўртинчи синфда муаллимамиз, у киши ҳозир ҳам ҳаёт, жуда маърифатли хоним, мени, эй Навоий авлоди, кел бу ёнга, деб чорлаганлар.

Мактабдан келиб, отамга айтдимки, у хоним нега бундай дейди, ахир, мен Усмонхўжа авлодиман-ку??!

Отам айтдики, у хоним биз, туркистонлиларга меҳри товланиб шундай дейди, чунки Навоий туркийларнинг шундай муборак шоирики, унинг авлоди бўлмоқ мислсиз бир шарафдир.

Чунки Навоий бобомизгача ҳам Румий, Низомий, Рудакий сингари қатор улуғ шоирлар ўтган, аммо улар форсийда ижод қилганлар, шунинг учун бизнинг туркий тилимиз бир мунча сояда қолиб кетган. Туркийча шеърият мақомлари ҳазратнинг ижоди баробарида тенгсиз бир камолот касб этди.

Маълумки, шунгача илм тили – араб тили деган тушунча ҳукм сурган, шунинг учун ҳам Бухорий, Ибн Сино, Беруний, Хоразмий каби Туркистон фарзандлари ўз асарларини шу тилда яратган. Шоирлар эса, назмни форсийда битганлар. Туркий тил – ҳарбий тил, факат жанггоҳларда иш беради деб тафаккурга сингдирилган. Бу тилда латофат, жозиба, назмий истилоҳларни ифода этиш кўрки йўқ деб келишган. Ҳолбуки, бу жозиб тилда бизнинг отабоболаримиз 732 йили Ўрхун водийсида тошларга ўлмас битиклар битган.

Навоий ҳазратлари тилнинг бойлиги луғавий жавоҳироти ва янги сўз ясаш имкониятлари ва мукаммалиёти билан бўлур, тилимиз неча юз йил бурун бу ўрга чиқмиш, деб ифтихор қиласди.

Ёдимда бор, Истамбул дорилфунунида бизга сабоқ берган атоқли олим Али Ниҳот Тонгла ҳазратнинг бир байтини беш кун давомида таҳлил қилган ва шу байт замиридаги истилоҳу муаммоларни изоҳлаш асноси бутун бошли туркий адабиётни ғалвирдан ўтказган. Қайси бир туркигўй шоир асари ҳақида сўз кетмасин, у киши, мана, кўрдингизми, мана бу тимсол, мана бу маъно Навоий бобонгиздан кўчган, деб изоҳ бериб ўтган...

Мунаввар адабиётчи билан адибнинг сухбати шундай латиф ва ширин, шундай ёлқинли ва ғараздан холи эдики, зарифлиги билан кишини ўзига маҳлиёэтарди. Бу дилкаш гурунг узоқ давом этди. Лекин мен, у қанчалик тотли-маърифатли бўлмасин, шу жойга етганда, яна ортга қайтдим. Қани, билай-чи, ким у – туркий – жанг тили деган, форсийни ундан баланд қўйган? Арабийнинг кучи-куввати нимада? Бу – не синоат?! – деб хаёлга толдим...

Габриэл Гарсиа Маркес айтадики, мустамлакачиликдан кутулдик, ўша балодан ёдгор бўлиб гўзал испан тили қолди...

Демак, тугал Озодлик эмас бу, ҳали...

Беруний:

– *Форсийда мақтov эшиштгандан арабийда ўғит эшиштган афзal...*

Абдурауф Фитрат:

– *Дунёning⁸⁹ энг бой тили бўлғон туркчамиз ёлғуз арабча кумруқ(зугум)лар билан эмас, форсийча тепкилар билан даҳи эзилмишидир. Кўзларимизни тўрт очиб қарайлик, дунёning энг буюк ҳакими бўлғон Ибн*

⁸⁹

Абдурауф Фитрат, «Тилимиз», «Ёшлиқ» журнали, 1990 йилнингмайи.

Сино туркдир. Иккинчи Арасту аталгон Форобий туркдир. Араб тилини мангулик тиргизиб кетган Жавҳарий туркдир. Ваҳдати вужуд фалсафасининг имомларидан бўлғон Жалолиддин Румий туркдир. Форсигўй адабиётнинг пайғамбарларидан бўлғон Низомий даҳи туркдир.

Шу ерда отлари ёзилғон кимсалар-да ёлгуз турк улусининг эмас, балки дунёнинг улуг кишилариндан эрурлар. Иккি турк улуси буларнинг асарлариндан осиглонолмай (озиқланалмай) қолмиши, балки ўзларини ҳам яхшигина таниёлмай қолмишидир.

Булар ўз битикларини туркча ёзсалар эди, букун турк улусининг ҳоли эҳтимолки бошқа турлик бўлур эди.

Бахтсизлик бундан-да ортуқ бўлурмикин?

Турк ўғли турк бўлғон Маҳмуд газнавий Фирдавсийни чақириб, турк эзилишини қўрсатғон «Шоҳнома»ни ёзсан дея ҳар йўлига бир олтун берсун. Шул баҳтсизликдирким, турк ўғли бўлғон усмонли ҳоқонлари ўз туйгуларини форсийча шеър билан сўйлатмишидир.

Яна шул баҳтсизликдурким, Кавказия туркларининг ёқаларин тутмииш дея форс тилининг хурмати учун саксон еринда ўз сўзи ўрнида ҳаштот дедирмишидир.

Туркча баҳтсиздир. Минг йилдан бери эзила келмишидир. Лекин битмамишидир. Битмас, яшамишидир, яшар. Негаким, бойдир. Туркча яшамишидир. Яшар...

28. Бу чоллар – ёмон чоллар!..

Адашмасам, саксон тўққизинчи йилнинг адоги эди. Эҳтирослар вулқондек отилиб, бутун бир мамлакат денгиздек чайқалиб ётган вақт. Зилзила қўпиб, цunami қутуради. Тошқин уйларни ювиб кетади. Қора қарғалар даҳшат солади. Ит эгасини танимайди.

Худди ўша қунларда, 1989 йилнинг декабрида Уюшманинг саккизинчи пленуми чақирилди, унда Одил Ёқубов номзоди СССР халқ депутатлигига қўйиладиган бўлди. Масала иттифоқ миқёсида, катта қозонда пишган, фақат расмий қисми қолган, халос.

Аммо...

Оқсоқоллар номидан Ҳаким Назир сўз олиб, машваратнинг зуваласини қориди, ҳайъат аъзолари бир халқчил адиб, ҳам жонкуяр шахс ва Уюшма раҳбари сифатида Одил Ёқубов шундай ишончга муносиб, деган фикрга келганини айтиб-эшилди. Кейин катта-кичик шоир-ёзувчи сўзга чиқиб, номзодни қўллаб-қувватлади.

Инсоф билан айтганда, Ёқубовнинг олдига тушадиган бошқа бир забардаст ёзувчининг ўзи йўқ, тирик классик, лекин, Абдулла Орипов айтгани каби, бу асрда мангуликка ёрлиқ олмоққа фақат истеъдоднинг ўзи етарли эмас!

Мажлис чиройли якун топаётган эди, ўша даврнинг учар ёш фаоли, қайноқ социал-демократ уни бузиб юборди. Аввалига уям номзод муносиб деди, сўнг Ёқубов янгиликка ўч, тараққийпарвар эканини айтиб, дунёвий янгиланишга ургу берди. Шундан келиб чиқиб, Уюшма демократия ўчоғи эканини кўрсатиш учун яна бир муқобил номзод кўрсатган маъқул, деди. Ва кун тартибига қалтис масала қўйди. Кейин, шундай қилсақ, мақсадга мувоғиқ бўлади, деб уқтириди. Давр талаби шундай! Агар, ёшлардан ҳам бир вакил қўйилса, нур устига нур, бу Уюшмага обрў олиб келади, деди у ва раис ўринbosари модерн-демократ Мадаминов номзодини илгари сурди.

Шу билан иш бузилди, кўпкари бошланди. Яна бир ёш сўзамол отилиб минбарга чиқди. У, ёш демократ жўяли таклиф айтганини таъкидлаб, раиснинг яна бир ўринbosари Мамадали Маҳмудов ҳам шундай ишончга арзиди, агар унинг номзоди рўйхатга олинса, буям Уюшманинг обрўйи, чунки ундан кўра миллиётчи раҳбар ва ундан кўра миллиётчи ёзувчи йўқ, у халқ ноиблигига ҳар томонлама муносиб, деди.

Шундан сўнг топган – от-улов, топмаган бир чўбир миниб, ўзини даврага урди. Бошланди, от ўйин! Қани энди, тўдабозлик чегара билса! Ҳар гурух ўз “кумир”ини илгари суради. Ётиб ёқалашади. Ҳатто шайтонлаб қолади. Ахийри, одамлар чарчади. Мажлис якун топди, кун тартибига қўйилган масала ўз ечимини топмади.

Орадан бир ҳафта ўтгач, яна бир шундай мажлис бўлди. Аммо бу сафар анча-мунча даъвогар улокқа кўз тиккани, чавандозликнинг ҳадисини олгани ишнинг белига тепди. Яна денг, ҳар қайси номзод ўз тўдаси билан келган. Хуллас, Уюшманинг мажлислар зали отчопарга айланди. Даъвочилар сони ўн бештага етди, тарафкашлар ҳам ўн бешга бўлинди!

Одил Ёқубовнинг, мажлисда сукут сақлаб ўтирган аксариятнинг заиф томони шунда эдики, бундай “ўйин”лардан ҳазар қилас, демократларнинг беорлигидан зиқланар эди.

Фаоллар эса, тиним билмайди, шотирлар асаларидек “бол” йигади, пири эса, “ҳалво” пиширади. Бири келиб, сиз фалончига овоз берасиз, дейди, савдолашади, ҳатто лавозим ваъда қиласди, ҳали у кетмай туриб, иккинчиси келади, йўқ, писмадончига овоз берасиз, сиз бизнинг одамсиз! Илондай аврайди ва ҳатто эзилиб кетган ирkit бир қофозга қўл қўйдириб олади!..

Демокра-а-атия!

Унинг етимаклари олчоқ ва оташин. Онасини эмиб тўймайди, сира. Одамлар бир умр заҳмат чекиб, минг азоб-уқубат билан чиқсан чўққига бир ҳалп билан қўтарилимоқ истайди. Худдики вазият улар измида, хоҳлаган ишини қилиш мумкин...

Хой, мунча ўзингни ўтга-сувга урасан?! Ахир, ит бўлиш учун ҳам бир қарич дум керак-ку, дейдиган бир жўмард йўқ.

Учинчи мажлис қўйилган кун, Уюшмага боришдан аввал, Одил акани зиёрат қиласай, деб уйига чиқдим. Ўша кезлар у бизнинг маҳаллада, беш қаватли уйнинг учинчи қаватида истиқомат қиласарди.

Оқсоқол жуда ҳорғин кўринди. Депутат бўлай деса, валломат йўл бермайди, дунёнинг куни “ўйинчи”ларга қолган; бўлмайин деса, хукумат қўймайди. Хуллас, икки ўртада анжирдай эзилган…

Шундай бўлса керак, деб ўйлаган эдим, ўзи!

Қаранг, бу кўзбойлагич, янги замон модерн-демократи, мен найновни айтаяпман, Мадаминовни, шайтонни миниб олган, илинган нарсага чанг солади, ҳеч балодан қайтмайди!

Албатта, иймони саломат одам бундай вазиятда қийналади, силлимарг бўлади, йўлсизлик-чорасизлик юрагига тўкилади. Уюшма раисининг биринчи ўринбосари, оғир, вазмин одам, Березиков унинг макрига чидай олмай, шўрликни қаттиқ қўрқитишган, ахийри, ишни ташлаб кетди. Бу палид эса, ҳеч тап тортмай унинг кабинетини “ишғол” этди, лекин бирор лом-мим дея олмади. Ҳамма гап аёли-да! Бир нафас урса, қиёмат қўпади. У чол ибн Хаттоб, унча-мунча бас кела олмайди. Мана, энди у баланд дорга кўз тикиб от сураётни…

Бир куни ўша найнов кечки сайрга таклиф этди. Кўчада айланиб юриб, “Ёқубов чарчаб қолди, сиз айтинг, у истеъфо берсин!” – деб хархаша қилди. “Одил ака истеъфо берииши мумкин, лекин аввал ёзувчи ҳалқига боши бўладиган бир муносаб одам топши керак”, – дедим унга. “Бу ишни мен уddaрайман!” – деб керилди у. Шунда энсам қотди. Биламан, биринчи хотини “алимент тўламай қочиб юрибди”, деб “Совет Ўзбекистони”га роса шикоят ёзган. Шунга ишора қилиб, “Сиз аввал биринчи оилангизни эвлаб олинг!” – деб маслаҳат бердим, унга.

Йўқ, ўчди.

Қаранг, кеча бир тўрвани ортмоқлаб юрган, ҳатто бола-чақасини кўчага ташлаб қўйган дардисар, бугун тикка от солаяпти, раисликка!

Ёзувчиларга бош бўлмоқчи!

Кимсан ўзинг?!

Ивирсиган фасод хабар беришича, у коллегалари билан тил бириктирган. “Сен менга ўринбосар бўласан! Сен журнал мұҳаррири! Сен газетага ўтасан! Чолни четга суриб қўямиз!”

Мана шу “заговор”⁹⁰ ҳаётга кўчаяпти…

Ҳах, Ильич bemavrid ўлиб кетди-да! Тирик бўлса, ўзи биларди. У бунга контрреволюцион фитна, деб қаарди. “Бу очофат союзни олгач, ўрнимга кўз тикса керак!” – деб уни авантюризмда айбларди. Йўқ, авантюрист⁹¹ эмас, “Империализмнинг ёлланган малайи, масалан, Русия, йўқ, Англиянинг!” – деб пешонасидан отарди.

Амал шундай нарса, жудаям ширин!

⁹⁰

Заговор – фитна, суюқасд тил бириктириш; афсун, қайтарик.

⁹¹

Авантюрист – осонийл билан катта нарсага эришишникузлабтаваккалигаот солувчи.

Айниқса, заиф одам учун, сув билан ҳаво у!
Тириклик манбай!
Уйқу бермайди!.

Шу ҳасратда Иван Грозний жондай азиз ўғлини ўлдириб юборган, тағин таҳт талашиб юрмасин деб! Ҳали-ку Мадаминов! Ким бўпти у, Ильичга?! Бир саёқ, ялангоёқ, пандавоқи-да!

Кеча кифтига тўрва илиб юрган тиланчи, бугун буржуй⁹² бўлмоқчи!

Тўғри, қавми бир, келиб чиқиши бир, аммо бу – айниган! Бундайларга шафқат қилсанг, ҳамма ёқни булғаб ташлайди!

Ильич тирик бўлганида, Кўчимниям чиқариб отарди: – *СССРни еб қўяди, бу олчоқ! – деб!*

Уни: “*Сўл оппортунист!*”⁹³ – деб айбларди.

Аяб ўтирумасди.

Шулар ҳамма ёқни вайрон қилди! Нафси ҳакалак отган, юҳо! Юҳо! Еб тўймайди, ялаб ҳам тўймайди!

Касофатлар Ильичнинг совунига кир ювмапти, ҳали!

Ха, айтмоқчи, совун дегандай...

Бирдан Ўқтам Ҳакимали унинг кўз олдида намоён бўлади. Минбарда турибди, ўнг қўлини олға чўзган, худди доҳийдай! Шуниси ёқмади, ғашини қўзғади! Яна денг, қўлида – ироқи совун!

– Ўзи шу ерда ўтирибди, виждони бўлса, айтсин! – дейди, қўймайди.

Бечора Ҳошимов ерга кириб кетган!

Қаранг, кимсан, член ЦЭКА, член бюро ЦЭКА, бир пролетарга бас кела олмаса!

Ильич унинг ўша жойига ўхшатиб бир тепади.

Унинг оёғи узун, истаган жойига етади.

– Ўртоқ Ҳошимич! – дейди у бюорода. – Тулинг ўрнингиздан! Сизнинг масалангиз кўрилаяпти! Сиз Ҳакималиечнинг қўлига ироқи совун берибсиз, “совунламасанг, оғрийди”, деб! У бўлса, коммунизм қуриш ўрнига, ҳамон ўша совунни кўтариб юрибди! Кеча Ўзбекистон Совет ёзувчилари Союзи пленумида минбарга чиқиб, бутун интеллигенцияга уни кўрсатди! “Ўшанда қилмаганим учун “Шарқ юлдузи”да қиссан чиқмай ётибди!” – деди! Социализм бутун фронт бўйлаб кенг ҳужум бошлаганда сиз қилган интервенция⁹⁴ ғоявий ва сиёсий хато, Ҳошимич! У партиясиз оммада ишончсизлик туғдириш, партиянинг ва совет ҳокимиятининг обрўсини тўкиш учун қилинган, дейишга асос етарли! Биз партиянинг 1929 йил ноябр пленумида *таслим бўлиши идеологиясини янчиб ташлаганмиз*, илдизи билан! Ўнг оппортунистларни йўқ қилганмиз! ЎзССРда, баъзи участкаларда ҳали фош қилинмағон уларнинг қолдиги борлиғига тоқат қилиб бўлмайди!

⁹² Буржуй – бой.

⁹³ Оппортунист – пролетариатнинг синфи манфаатларини буржуа манфаатларига бўйсундиришга ҳаракат қилувчи

⁹⁴ Интервенция – ўзга ҳудудни босиб олиш, тобе қилиш маҳсадида куч ишлатиш, ўзганингички иши газўровонлик билан аралишиш.

– Биз ҳам уни “Совет Ўзбекистони”да фош қилдик, ўртоқ Ильич! Ажнабий давлат жасуси ва социализмнинг бошига битган “Қора қуюн” деб! Марксча-ленинчага гуманистик сиёсат душмани, ёт унсур ва догма сифатида ер билан яхсон қилдик! Йигирма тўрт коммунист-авангард!

– Нега Совет ёзувчилари Союзидан ўчирилмади? Ёт унсур ва догма сифатида нега тугатилмади??

– Бунинг учун судмедэкспертиза хулосаси керак экон, ўртоқ Ильич! Шу масала маҳкам оёқдан олди-дэ!..

– Ҳакималиечнинг ревоюция ишидан бўйин товлаши социализм ғалабасига тўсқинлик қила олмайди! Совет халқининг авангард қисми, оммани орқасидан эргаштиришга қодир куч доим биз билан!

Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун!

Гомосексуализм – марксизмнинг ажралмас таркибий қисмидир! Революцион ҳушёрликни оширайлик, ўртоқлар! Марксча идеалларга содик бўлайлик!

Маркс билан Энгельс ҳамкорлиги ана шу идеал асосига қурилган! У коммунистик идеалларнинг энг ҳаётбахши! Ва уни Коммунистик ахлоқ кодексига киритиш вақти келди!

Троцкийчи-бухаринчи, миллатчи ярамасларга ўлим!

Совет хукумати, коллега, қараб турмайди! Обрўйингни ошириб қўяди! Қизил байроқ орденли!..

– Ўртоқ пролетариат доҳийси! Афкор омма: “Ўткир қачон герой⁹⁵ бўлади?!” – деб кутиб ётибди!

– Оббо-о, ҳошим-эй! Бир орқадош, масалан, Расулем ҳеч қачон омма бўла олмайди!

– Отам деганман сизни, братан! Йўқ деманг!

– Сен член бюро, член ЩЭКА! Яна редакторсан! Аммо оддий бир пролетарни орқангдан эргаштира олмайсан! Гулдай амални хор қилиб юрибсан! Яна герой бўлгинг келади! Калланг ишламайди, молокосос!⁹⁶ Унга ироқи совун эмас, кирсовун бериш керак эди!..

Ўқтам Ҳакималининг ҳам тоза боши қотган, масала сиёсий тус олиб кетди. Яна денг, қўлидаги совунни қаёққа қўйишни билмайди, шўрлик! Вақтида Ҳошимич уни ваннада берган, шундай-шундай, деган! Аммо у қилмаган! Ўша жойга қайтиб борса, чатоқ бўлади! Қилса – ўлади, қилмаса, қўймайди! “Однополный семья қиласы!” – деб қолса-чи?! У ҳеч балодан қайтмайди! Аммо, қочиб қутула олмайди, ундан! Чунки, уларнинг коттаси ҳу-у тепада, сиёсатнинг устида ўтирибди, падари бузруквори Қобил ходжа билан волидаи муҳтарамаси Абудо бонудан қолган мағзавани тиқишириб!..

Яна бу инжиқ ишга шахсан Ильич аралашди!

Доҳий ёмо-он, аяб ўтирумайди! Қавмини ҳимоя қиласи! Шунга вақт топганини қаранг! Аксига олиб, анавининг бозори ўтган, олдингидай эмас,

⁹⁵ Герой – қаҷрамон

⁹⁶ Молокосос – сутэмма, она сути оғизданкетмаган сутак.

хозир! У вақтлар күхлик эди, лаблари!.. Чуччайтиришни қийиб ташларди!
Аммо кийиниб қүяди-да, ойимтилла! Лаблариям зў-ўр!

Мен кўрганда анча ёши эдинг,

Улгайибсан, гуллар эркаси!..

Шайтон йўлдан урдими, дейман?!

Хаёл опқочди!

Йўқ, бўлмайди! Ярамайди! Кучдан қолган!..

Холмирзаевга ўхшаб, бошини деворга урсинми: “Нақа бўп қолдим!” –
деб!

Кимга керак шу?!

Расвойи жаҳон бўлиш?!

Балодан ҳазар!

Бу балодан қандай қутулса бўлади?!

Додинг Оллохга етмайди!

Наҳот куни шунга қолган?!

Ёниб кетади...

Бу ёқда эса, Одил Ёқубов қовурилиб ётибди, ўша, номзод кўрсатиш
масаласида....

– Яна икки нафар номзодни рўйхатга олиш ҳақида имзо йифиб, ариза
кўтариб келишди! – деди у, бир юқ остида эзилиб. – Булар одамми ўзи,
бошқаларга ўхшаб, кечаси уйқу биладими ёки бўзчининг мокисидай зир
югуриб, имзо йиғадими?

Бундай пайтда нима дейишниям билмайсан, киши.

Одил ака ҳазин жилмайиб менга тикилди. Унинг юки оғир эди, ғазаби
тошиб келаётганди.

– Бормайман, мажлисга! – деди адаб узил-кесил. – Ургилдим
раислигидан! Мендан қолса – асар қолади, бошқаси бир пул! Яххиси, ижод
қиласман! Ипиринди-супиринди чурвақаларга қўшилиб, шаталоқ отадиган
ёшдан ўтдим!..

– Энди Одил ака, – дедим мен, ўзимча вазиятни баҳолаб. – Нима
бўлгандаям, мажлисга бориш керак, нима бўлгандаям, улоқни олиш керак!
Чунки сизга қанча ёзувчи умид билан кўз тикиб турибди, ишонч
билдираяпти! Ўзингизни олиб қочсангиз, бу ёғи қандай бўлади? Улоқни
олиб келиб, ташланг, уларнинг оёғи остига! Ундан кейин шундай десангиз,
ҳеч ким эътиroz билдирмайди!

Одил ака ўйланиб қолди.

Йўқ, мен бамаъни гап айтиб, уни изза қилиш фикридан йироқ эдим.

Тақир ерда чанг чиқараётган уч-тўрт валломатдан ташқари, ҳамма уни
яхши кўради, ишонади. Бунинг эса, ўзига яраша юки-масъулияти бўлади.
Шуни адібнинг ёдига солиб, ғурурини қўзғадим, холос.

Кейин хайрлашиб, Уюшмага йўл олдим.

Ишонсангиз, мажлислар зали нима – ини бузилган арининг уяси –
нима. Демократлар жон ҳалпида юздан пардани олиб, очиқласига кўчган.

Кимдан кейин ким сўзга чиқади, ким нима дейди, шуни рўй-рост кенгашиб олаётир, ҳал қилувчи жангта қақшатгич ҳозирлик кўраётир...

Нихоят, мажлис бошланди.

Ўша кезлар думалоқ стол атрофида ўтириб баҳс этиш, залда шаклий ўзгартишлар қилиш русумга кирган эди, лекин мажлисда бунга ҳожат бўлмади, ўровий расмиятчиликка ҳам...

Одил Ёқубов ўрнидан туриб, залга яқин келди, юз-кўзида мутойибага мойиллик, ўтирганларга у жуда самимий тикилиб:

– Кўриб турибман! – деди жилмайиб. – Кўзингиз айтиб турибди, ҳар бир ёзувчи мен депутат бўлсан дейди! Ҳаммангиз депутат бўлишга муносибсиз! Аммо, нима қиласиз, ўрин битта?!

Залда гур-р кулги кўтарилди.

– Залимизга улуғ боболар суратини илиб қўйганмиз, улар бизнинг ёқа бўғишаётганимизни кўриб, ачинса керак?! Нима бўлгандаям, аслимизни унутмайлик!

Бу гапни у оғир бир ўқинч, ҳасрат ва надомат билан айтган бўлса-да, таъна-маломатдан асар йўқ эди.

Диллардан ғубор кўтарилди. Қандайдир юқдан халос бўлгандек, ўтирганлар енгил тин олди. Адашмасам, биринчи бўлиб шоир Тўра Сулаймон ўрнидан турди.

– Одил ака! – деди у, ўзига ярашимли андишаю забунлик билан. – Сиз ҳамиша бизнинг ишончли вакилимиз бўлгансиз, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолсин! Тилагимиз шу!

Ҳиммат устун келди. Ҳамма шу тилакка қўшилди. Кейин ёзувчилар оёқка қалқиб, номзодини ёқлаб овоз берди...

– Шу билан иш битди, деб ўйлайсизми?! – дейди шоир Тўра Мирзо. – Йўқ, ундей эмас! Ўша кезлар Москвада, Олий адабиёт институтида таҳсил олар эдим. Иттифоқ Ёзувчилар уюшмасининг ур-йиқит пленуми ҳамон ёдимда, у бир неча кун давом этган. Темир Пўлат билан Мадаминов охиригача “от сурган”. “Ур-йиқит”, “ёқа бўғиши” ҳамманинг жонига теккач, машхур ёзувчи Валентин Распутин сўз олди. У Одил Ёқубов ҳақида жуда тўлиб гапирди. Миллий адабиёт вакиллари ичидагиз у халқ депутати бўлишга лойик, деди. Ва унинг даъвати билан ҳамма Ёқубовга овоз берди...

куръон:

– Зулмат билан нур баробар бўлурми?!

Нур Саид ўғли Муҳаммад Солиҳ:

– Анга лаънатки, қилиб мулк талаб,
Эл бузулмоқлигига бўлса сабаб.

29. “Кетмондаста”

Ўтган асрнинг бошида камдан-кам одам эшикка қулф илган. “Хатто заргар тушиликка чиқсаям, эшигини ётиб қўярди, холос, – дейди бобом Мулла Отакул Суяр ўғли, – ҳеч ким тамбалаб ўтириласди...”

Чунки, одамларда ҳадик бўлмаган, хавотир бўлмаган. Бирор бирорнинг нарсасига кўз тикмаган. Қаноат билан яшаган. Эгрилар эл назаридан ҳайиқкан, нафсини тийиб юрган.

Олтмишинчи йиллардан сўнг салобатли оғоч дарвоза русумга кирди. Ўша йиллар ичкилик ҳам авжига чиқсан. Тўйларда, кўзга кўринарли жойга яшиги билан териб қўйишар эди.

Эртаси кун – супрақоқти.

“Қанча ароқ кетди?”

“Йигирма беш яшик!”

Тўйнинг обрўйи шу билан ўлчанар эди...

Кейин оғоч ўрнини оҳанжама темир дарвоза эгаллади, аммо ароқ ҳамон кучда, ҳамон зафарли одим ташлайди!

Саксонинчи йилларга келиб, кўпқаватли уйларда темир эшик ўрнатиш урфга кирди. У тугаллик белгисидек бўлиб туюлган. Темир эшик қўйдингми, бас, кўнглинг тўқ, ўзинг хотиржам бўласан. Қалъа ихота қилинган, жамиятдан. Ўша вақт Виктор Астафьев “Литгазета”да қанчадан-қанча темир шунга кетаётганини қуюниб ёзган. Бу – яхшилик аломати эмас, одамларда бир-бирига ишонч қолмади, бу – шуни қўрсатади, деган у...

Аслида ҳам шундай. Аммо бу иллат бутун иттифоққа ёйилган...

Қўшнингга ишониб қалит қолдирсанг, қоранг ўчиши билан у кириб уйингни ковлаштиrsa, жамғармангни “түя” қилса, яна оқ тужа кўрдингми, йўқ, деб, ўзини яқин тутса!

Кимсан, “ходжа”!

Кимга бориб, дод дейсан, ахир?

“Ҳар ким ўз эътиқоди учун курашади!” – дейди Кўчкор Норқобил. Аммо эътиқод у бош урган жойда бўлмайди...

Дастурхони очик-сочиқ Ёқубовдай одам ҳам темир эшик қўйдирган, Уюшмага раис бўлгач, бунга ўзим гувоҳ. Бир куни чиқсам, усталар мустаҳкам темир билан уйни зирҳляяпти. “Рахбар деган ишни шундан бошлайди, шекилли?! – деб ўйладим мен. – Ҳадемай рухсатнома олиб кирамиз, чоғи!..”

Бўлмаса, темир эшикка бало борми? Тилласи бўлмаса, йифиб қўйган пули бўлмаса! Бир йўқсил ёзувчи бўлса! Кўлёзмаларни-ку, Искандар⁹⁷ “тинчитган!” Ёқиб юборган, теги билан!

“Бир кун келсам, ҳовлида бир уюм тутаяпти, – дейди Одил ака ўксиниб. – Нима экан, деб бориб қарасам, қўлёзма! “Улуғбек хазинаси”... Туз сепгандай юрагим ачишди. “Бу – нима қилганинг?” – дедим унга. “Кимга керак шу? –

⁹⁷

Искандар Ёқубов, адабнинг ўли, иқтисод фанлари доктори.

деди Искандар. – Аллергия қўзғайди!” Аввалига ундан хафа бўлдим, қадрига етмагани учун! Кейин, ўйлаб қарасам, аслидаям, кимга керак?!”

У ёқда Қўлёзмалар музейи хувиллаб ётибди. Нодира, Қаххор, Нортўхта Қиличовнинг расмини айтмаса...

Бизда иш шундай ташкил этилади. Музей борми? Бор! Уч-тўрт ёзувчи сурати осиб қўйилганми? Қўйилган! Қирқ одам ойлик олаяптими? Олаяпти!

Вассалом.

Уни бир маърифат ўчоfiga айлантирай деб ҳеч ким жон куйдирмайди.

Шундай музей борлиги ҳатто мутасаддининг эсидан чиқиб кетган. Уларга ҳукумат қўрсатма берса, қилади. Бўлмаса, қилт этмайди. Хато қилишдан чўчийди. Ўзидан билиб хайрли бир ишга қўл урса, тўпиfi тушиб қолади...

Хуллас, темир эшик қўйишга ҳеч бир асос йўқ, лекин...

Кейин билсам, масала – жиддий!

Бир полковник, КГБдан, келин ая шундай дейди, телефонда кўриб тургандай, сим қоқиб: “Ёқубовнинг ўлигини олиб борищдими?!” – деб сўрапти!..

Эҳтимол, у: “Мен махфий хизмат ходими Фалончи Писмадончи”, – дегандир? Бундай қутқу шундай қилинади, олдин тамоқ қириб, совуқ бир кекириб олинади, кейин: – Ёқубовнинг квартирасими? – деб сўралади, темир овозда, сўнг: – Мен КГБнинг полковниги Ҳамроқул Шукурович Ражаббоев бўламан! – дейди, ҳар бир сўзига тус бериб ва яна тамоқ қиради, тоза маромига етгач, юракка ханжар санчилади.

Жонингни сугуриб олади, “ўйинчи”.

У келин аяни адо қилган. Шўрлик талvasага тушиб, Искандарни ахтарган, ўғиллар оёққа турган. Югур-югур, чоп-чоп! Бундай пайтда Жабборқулда жон қоладими? Токи хожасининг овозини эшитмагунча, келин аянинг бўлари бўлган! Ундан сўнг беҳоллик, қўрқинч ва хавотир. Минг хил ўй...

“Кимга нима ёмонлик қилган эдик?!”

Бу ҳодиса бир марта бўлган эмас!

Агар, сизга шундай бир таҳдид бўлмаган бўлса, бунинг нима эканини билишингиз қийин. Ва темир эшик қўймай, bemalol юрасиз. Ундан одамга ҳавас қилса, арзийди. Баҳт дегани шу, аслида. Йўқ, мен кулаётганим йўқ. Дунёда шундай бало ҳам бор. Бир нима сабаб бўлади-ю, ёпишиб олади, ҳеч қўйиб юбормайди. Ҳаётингни бузиб ташлайди. У юракка вахм солса, темир эшик жонга ора кирадигандай бўлиб туюлади. Аслида, ундан эмас! Темир эшик ёвузликни тўса олмайди. Қабоҳат чегара билмайди...

Бир куни чиқсан, Одил ака “тўлиб” ўтирибди, юзи бўғриқиб, қорайиб кетган. “Нима гап?” – десам, садо чиқмайди. Оғзига талқон солиб олган. Йўқ, пича ўтиб “ёрилди”. Одатда, шундай бўлади, ўзи. Кимгадир юрак ёриш керак! “Фақат буни ҳеч кимга айтмайсиз!” – деди сирли ва ўтинчли термилиб.

Мен сўз бердим.

– Бугун Саъдулла Аҳмад келди, олдимга! – деди у бирдан тошиб. – “Сиз истеъфо беринг!”, деди. “Бермасам-чи?”, дедим. “Унда мен сизни сўяман!”, деди. “Ўзи шундай бир сўйгичга зор эдим! Ҳаммаси жонга теккан!”, дедим. “Сиз ўз ихтиёргиз билан истеъфо беринг! Яхшиликча шундай қиласизми-йўқми?!” “Қиламан! Бироқ мен билай, бу жойга ким келади, кейин?” “Азимов! Аммо истеъфо беришдан аввал Мамадали Маҳмудовни йўқ қиласиз!..”

Мана шунаقا гаплар, – деди Одил ака. – Ҳеч юрагим кўтартмаяпти! У ҳазил қилгани йўқ! Белига пичоқ тақиб олган!..

– У бир тузук одамга ўхшайди-ку?

– Билмасам...

Жуда кўнглим хуфтон бўлди. Саъдулла Аҳмад дегани жўн бир сумка кўтариб, писмиқланиб юрар эди, бир четда! Ё тавба! Кесакдан ўт чиқса-я?!

Қанақа замонда яшаяпмиз?

Үйга келгач, бу гапни ичимга сиғдира олмай, Эргаш Муҳаммадга телефон қилдим, у Адабиёт жамғармаси директори эди, Саъдулла Аҳмаднинг курсдоши-дўсти. Мен ҳам Ёқубовга ўхшаб, аввал уни қасамига таядим, бир эмас, бир неча бор сўз бергач, секин сирни очдим. Шу билан бу ғулу хаёлдан учди.

Орадан бир-икки ой ўтгач, бир оқшом Ёқубов ўдағайлаб қолди.

– Бу ёққа чиқинг!

Чиқдим. Қарасам, авзойи чатоқ.

– Саъдулла пичоқ қайраб келганини сизга айтган эдимми?! – деди у иддао билан, ўсмоқчилаб. Афтидан, бир гап бўлган. Аммо, менга айтганини эслай олмаган. Бундай пайтда ҳар қандай одам дарров хавфсизлик чорасини кўради.

– Қайси Саъдулла? – дедим, гўё талмовсираб. – Ҳаким Саъдуллами?

– Саъдулла Аҳмад! – деди Одил ака таъкид билан, кейин: – Кимга айтганимни эслай олмаяпман! – деб қўл силтади. – Бировга бир гапни айтиб бўлмайди! Дарров болалаб кетади! Бечорани қамаб қўйипти! Бугун бориб, тилхат бериб зўрға опчиқдим!

Кейин билсам, Эргаш Муҳаммад ҳам “сир”ни саришта қила олмаган, эринмай телефонни магнитафонга улаб, Саъдулла Аҳмадга сим қоққан. “Оқсоқолнинг ўтакасини ёрибсан-ку! Бечора нима қиларини билмаяпти!” – деб унинг қўлтиғига сув пуркаган. Саъдулла Аҳмад эса, икки орада бўлган гапни оқизмай-томизмай айтган.

Эргаш Муҳаммад, табиийки, эртаси куни Мамадали Маҳмудовдан “суюнчи” олган, ёзиб олганини унга қўйиб берган. Маҳмудов бунаقا “ўйин”дан қандай ўт чиқаришни яхши билади. Зудлик билан у Бош прокурорга Билдириги ёзган.

“Кетмондаста лақабли Саъдулла Аҳмад (гражданин Ахмедов Саъдулла, Бухоро вилоятида түгилган, миллати – тоҷик, келиб чиқиши колхозчи-дехқон) эшикни тепиб кирди-да, СССР ҳалқ депутати Одил Ёқубовга совуқ қурол (пичоқ) билан оч қашқирдай ташланди...”

У ЎзССР Ёзувчилар союзи правлениеси раисидан ихтиёрий-мажбурий истеъфо талаб қилди, ваҳоланки ўзи союз аъзоси эмас!..”

Ана, бўлмаса!

У кассета билан Билдиргини Бош прокуратурага етказган.

Ашёвий далил борми?

Бор!

Тажовуз содир этилганми?

Худди шундай!

Яна кимга?

СССР халқ депутатига!

Совет ҳукумат совет халқининг ишончли вакилини ҳимоя қила олади!

Қарабсизки...

Бундай қўнгилсизлик кўп бўлган. Бунга мен ўзим гувоҳ. Ва бундай таҳдидлар одамни қандай еб ташлашини жуда яхши биламан...

Маҳмудов одам эмас, ўзи! Қаранг, мушоира бўлаяпти. У – раис. Ойдин Ҳожиева шеър ўқияпти.

Ёнимда Иброҳим пайғамбарим бор!..

У микрофонни чертди, бармоғи билан эмас, йўнилмаган қалам билан! Ҳожиева шеър ўқищдан тўхтади ва чимирилиб унга саволчан қаради, табиийки, залда ўтирган ихлосмандлар ҳам.

Шунда Маҳмудов:

– Муҳаммад пайғамбаринг қаёққа кетди? – деб масала қўйди.

Ойдин Ҳожиева – нозиктаъб шоира, ўтмишини эслатгани, айбини юзига солгани учун қаттиқ хафа бўлди ва минбардан тушиб кетди. Ўқимади, шеър! Шеър ўқиб бўладими, нософ иқлимда! Нима бўлса, бўлган! Ўтган! Шуни юзга солиш керакми? Яна, сен қанжиқ, нега мўътабар тушунчани оёқости қиласапсан, демоқчи, шекилли? Ғафуровнинг Иброҳим пайғамбардан⁹⁸ қаери кам? Исми Иброҳим бўлса, ўзи нуктадон, яна фан номзоди, замредактор, ундан ташқари, алкимёгар!

Яна, бунинг устига, Кубронинг ити бўлса!⁹⁹

Йўқ, Кубронинг эмас, Воҳидовнинг ити!..

Эсиз, қариб қолди! Ёшлиги шу кунларга тўғри келса, кўп ҳурматли кўппак бўлар эди-да! Кинологлар билан божхонада туриб, яшириб қўйилган опейлар партиясини очиб ташларди! Ҳидлаб ҳам ўтирасди!

Эсиз! Эсиз!

Алмисоқдан қолган бир сопол қозончага ияк суюб ўтди, умри!

Яна, манови маҳмадона масала қўяди!

Худонинг иши!

Аралashiб, нима қиласан?!

⁹⁸ Ойдин Ҳожиева иккинчи жуфтни ҳалоли Иброҳим Ғафуровни пайғамбар деяпти, Мамадали Маҳмудов эса, унинг биринчиэри – Муҳаммад Алини эслатиб, сўз ўйини қиласапти.

⁹⁹ Иброҳим Ғафуров “Нажмиддин Кубронинити” мансурасида “Ажабланманг, мен бугун Нажмиддин Кубронингитиман”, дебёзади. “Ёшлиқ” журнали, 1988 йил №12, 3-бет.

Нима, сен Ғафуровми, ё Мұхаммад Али? Ҳадд урасан! Улар, э-э, сен билмас экансан, бир ўлиб күрмаган! Дунёни тескари айлантиради!

Ёки Күчиммисан, Пиримқул Қодиров у дунёда туриб сени қўлласа, сўлоқмондай мақола ёзса!¹⁰⁰

Мақола эмас!..

“Соч эмас бу, шаршара!” – дейди-ку, ёниб Шерали Жўраев! Худди шундай: мақола эмас бу, Тақдимнома!

Девоннинг йигитлари қийналиб юрмасин, деган-да!

“Кўчим шундай! Шундай Кўчим! Ҳар қандай лавозимга қўйса, арзийди! Ишончни оқлади!..”

“Хуррият”да чиқди!

Қойил!

Катта охурдан ем еб ўрганган!

Қўмсайди! Ўтира олмайди, бир жойда!

Улоқни илиб кетгиси келади, ерга текизмай!

Кемиришнинг ҳадисини олганида оёғи тойиб кетди-я!

Эсиз! Эсиз!..

Ўша оқшом, ишдан қайта туриб, газета Баш мухаррири билан кўришиб қолдим.

– Ўқтамжон, – дедим унга мутойиба қилиб. – Қодировнинг ўлганига ҳам икки йилдан ошди! Қандай олдинглар, мақола?

– Электрон почта орқали! – деди у кулиб; ажойиб йигит-да, Ўқтам Мирзаёр!

Глобаллашув!

Ўзбекистонда кўз кўриб, қулоқ эшишмаган ишлар бўлиши мумкин!

Зифирча ажабланманг!

Ўшанда Миртемир ҳам ўзи келган, Адабиёт газетасига!

Бунга шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Чалғиб кетдик.

Шайтон аралашса, шу! Албатта, калава чувалашади!

Аслида, Маҳмудовни муҳокама қилаётган эдик!

У Шарафиддиновни ҳам ўсал қилган.

Қиз талашган.

Дала ҳовлида.

Бўлмаса, қиз иккита.

Домланинг иш усули ёқмаган, шекилли, унисиям келиб бунга осилган. Буям қўядиган хилидан эмас! Бедодликни кўриб, ёши бир жойга бориб қолган одам, Озод Обидовичнинг нафсонияти оғриган. Ва шумтака ёшларни тартибга чақирган, Мамадали Маҳмудов бўлса, у билан айтишиб қолган.

Нима деган гап, бу?!

Беадаб!

¹⁰⁰

“Хуррият” газетаси, 2011 йил 20 апрел.

Агар у одоб нималигини билганида, тарбия кўрган бўлганида, бир қизни деб отаси тенги одамни, яна кимсан, профессор Озод Обидовични невараси тенги қизлар қошида изза қилмас эди! Юзини ерга қаратмас эди!

Яна, бу етмагандек, у қизларни олиб шаҳарга қайтган!

Шунақа, Мамадали Маҳмудов.

Озод Обидович тоғда қолиб кетган.

Кимларни ўқитмаган у, кимларни ўтқазиб-турғизмаган! Қаҳҳорнинг хос надими! Қолиб кетган тоғда, хор бўлиб! Ва қайтишга мажбур бўлган, коляскада! Йўқ, у пайт оёғи бут эди! Яёв келган! Пою пиёда! Умуман, тарихий фактни бўяб-бежамаслик керак! Бунинг хосияти йўқ! Домла ҳам шундан дарғазаб бўлган! Ва “Ўлмас қоялар”ни олиб ерга “урган!”

Биласиз, унда рус босқинига қарши кураш очиб берилган. Қаҳҳорнинг одами Маҳмудовнинг кўзини мошдай очиб қўйди! Туркистон халқлари чор Россиясига ўз ихтиёри билан қўшилган-ку! Ва бу, кўрга ҳассадай қилиб “СССР тарихи”да ёзиб қўйилган! Валломат мана шу “ҳақиқат”ни эслатди, Маҳмудовга! Ва унга сиёсий айб қўйиб, “миллатчи”, деди!

Совет замонида бундан ортиқ айблов бўлмаган!

“Миллатчи”ми, демак, “халқ душмани!”

“Халқ душмани”ми, демак!..

Ўшанда Ёқубовният маҳкамага чақириб, “олиб бориб-олиб келишган!” У Ёзувчилар союзи проза секцияси раисининг муовини эди. “Ўлмас қоялар” кенгашда муҳокама қилинган, яна денг, босишга тавсия этган! Ҳалиям мажлис қарорида муҳокама айтилган танқидий фикрлар асосида романни қайта ишилаш зарур, шундан сўнг чоп этса бўлади, деган бир банд бор экан! Жонига шу ора кирган!

Ўшанда Маҳмудов: “Оқ қора бўлмайди!” – деб чиқиши қилди, Шарафиддиновга қарши...

Аммо, қаловини топса, қор ҳам ёнади!

Оқ – қора, қора – оқ бўлар экан-ку!

Ё ундей эмасми?

Кейинги воқеалар шуни кўрсатади.

Бир иш бўлган, совет замонида! Конимехда, рост бўлса! Эҳтимол, ундей эмасдир?!

Билмадим.

Аммо, бир ашаддий “ёзғувчи” бўлган. У имзосиз хат ёзиб, хеч кимни кўз очирмаган! Райкомдагилар ҳам “тўйиб” кетган. Ахийри, биридан идея чиққан: “Бундан қутулишининг бирдан-бир йўли – олдин партияга ўтказамиш, кейин “ёзмайсан” деб партийное поручение¹⁰¹ берамиш! Шу билан гулдор гуп!”

Бюрода “иккинчи”:

– “Коммунистик партия манифести”ни ким ёзган? – деб қолган.

“Ёзғувчи”:

– Мен жазғаним жўқ! – деган!

¹⁰¹

Партийное поручение – партиявийтопшири:

Унинг қилвирилиги “бир”нинг миясига урган!

Ҳам ёзади, ҳам тонади!

У жаҳл билан столни муштлаб:

– Сен жазғансан!, деган!

– Ўлай агар, мен жазғаним жўқ!

У ҳатто қасам ичган! Аммо, ким ишонади, унга? Қип-қизил қасамхўр бўлса?!

“Бир” ғазаб отига минган. Ахийри, начальник милиса “ёзғувчи”нинг қўлини қайириб, олиб чиқиб кетган...

Ярим кечаси телефон жиринглайди.

“Бир” олса, начальник милиса!

Жуда хурсанд.

– Ёшулли! – дейди у. – Мўйниға қўйдиқ! Шу ит жазған экан!..

Кўрдингизми, совет замонида, “Манифест”ни бир ит “жазған”ида, Андижон воқеалари олдидан қурол тарқатган жиноятчи ими-жимида озод этилганида, мен Воҳидовнинг арзандасини айтаяпман, Маҳмудовни террорчига чиқариш шунчалик қийин ишми?!

Начальник милиса учун чўт эмас, бу! Чўпоннинг чўқайини уриб, далвай қилиб чалғитади...

Дарвоқе, ўшанда уни Шароф Рашидов ҳимоя қилган, шахсан ўзи! Ҳатто:

– Янги асар ёзиб кел, мен Георгий Моеевич¹⁰² билан гаплашиб қўйдим, борсанг, шароит яратиб беради, – деб Переделькинога жўнатган. Маҳмудов “Қора дўлана”ни¹⁰³ шунда ёзган. Ва бу қисса “Ёшлиқ” журналининг йиллик мукофотга сазовор бўлган.

Яна дeng, унда ўша вақт рўй берган жирканч бир воқеа қаламга олинган. “Қўққисдан Каттанинг ўринбосари уни чақириб қолди: “Ярашмасангиз, партбилетни столга қўйинг-да, қишлоғингизга қайтиб кетинг! – деди у бургутдек ўткир кўзларини унга тикиб, – гап-сўзниям кўпайтириб юбордингиз! Одам деган орқа-олдини тозалаб юради-да!”

...Хеч маҳал уни ҳозиргидай важоҳатда кўрмаган, кескин гапини эшишмаган эди. Ўзини йўқотиб қўйди, у. “Йўқ, йўқ, орамиздан ҳеч қандай гап ўтгани йўқ, ярашаман!” – деганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Ярашиди, Юксак чўққига чиқши учун ҳам ярашиди...

Ахир, бу Нурали Қобулнинг кечаги куни-ку?

Ким билмайди, буни?!

Орипов айтади, водийга бордим! Нурали юрган йўллар бўйлаб юришга тўғри келди. Куёвбола эринмай шилипти. Одамлар ҳали ўзига келган эмас.

Сафардан қайтгач, Нурали чиқди. Пича гурунг қилдик. Ҳид олган, шекилли! Тураётиб: – Абдулла ака, – деди. – Водийни айланиб, пича пул

¹⁰² Георгий Марков – СССР Ёзувчилар союзи правлениеси раиси. Переделькино – Москвада яқинидаги ижод бози.

¹⁰³ Мамадали Маҳмудов, “Қора дўлана”, қисса, “Ёшлиқ”, 1989 йил № 1-3.

йиғдим! Дементьевнинг¹⁰⁴ дачаси ёниб кетипти, шунга! Агар, атаганингиз бўлса, беринг, қўшиб юборай!

– Ука-а! – дедим унга. – Дементьев, дачаси ёнган бўлса, қуриб олар! Агар, Москва ёниб кетган бўлса, мен ҳам бир нима қўшай?!

Товламачилик жуда серқирра. Яна улар уялмайди. Қора қилмишидан куч олади.

Маҳмудов шу одам ҳақида ёзиб юрибди, ҳатто хотинини бировга қўшиб, суратга олгани-ю, “Амакисидан зулм кўрдим!” – деб уни ЩэКага олиб чиққанингача! Замон ўзгаргач!..

Уям тиш қайради.

Қиласиган иши йўқ!

Озод Обидовични айтмаса ҳам бўлади. Кечалари уйкуси қочиб, неча тонг пичноқ қайраб чиққан.

Ёғий қўшилиб кетди.

“Ҳан, сеними, шошимай тур!”

Пайт пойлади.

Нихоят, ўч олиш вақти келди.

Бирдан Шарафиддинов кучайиб кетди.

Шогирдлар мафкура бўйича қози, қози калон! Ўғли¹⁰⁵ замначальник милиса, яна тергов бўйича! Ўзи эса, кимсан, Мересьев!¹⁰⁶

“Мана, бўлмаса!” – деб уни ерга “тиқиб” юборди.

Ҳатто темир эшик ҳам жонига ора кирмади.

Холбуки, Маҳмудовнинг терроризмга ҳеч қандай алоқаси йўқ, унинг юзи ёруғ, айби шуки, ўшанда Шарафиддиновга: “Сен ҳеч ишига ярамасанг, мен нима қиласай?!” – деган!

Халқаро террорчи деб Тоҳир Йўлдош билан Мадаминовни айтса, ярашади.

Шарафиддинов – қизил террор оқоваси. Алишер Озотович ундан қўл олган.

Вохидов билан Султонов эса, ҳаммасининг падари бузруквори! Чегарада пайт пойлаб турганлар ҳам, ичкарида иш қилаётганлар ҳам, ҳатто ундан каттаси ҳам уларга тобе! Козим Тўлаганов¹⁰⁷ кабилар амалга ўтириб, халқнинг ризқини қирқиб, уларни қўллаб келди, терроризмни молиялаштириди.

Бу – ўша қавмнинг иши!

Мудом шундай йўл тутган. Кечаси қон тўккан, кундузи қози бўлиб, қонхўрни ахтарган...

Қаранг, гапдан гап чиқади.

¹⁰⁴ Андрей Дементьев – шоир, ўша вақт “Юность” журналибоси мударирибўлган.

¹⁰⁵ Алишер Шарафитдинов – ўша вақт Ички Ишлар вазирининг ўринбосари эди, ҳозир Баш прокурор ўринбосари.

¹⁰⁶ Борис Полевойнинг “Чин инсон қиссаси” қаҳрамони, учувчи, уришда оёғидан айрилган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони.

¹⁰⁷ Козим Тўлагановни айтаяпти, ўша кезлару Тошкент вилояти ҳокими эди, Андикон воқеалари дандонг четлатилди, шу ишга аралашиб қолгани учун!

“Тўлагановни бу ишга нима дахли бор?”

“Худой”ини айтгач, “берди”синиям айтмаса бўлмайди!

Бир куни, у вақт девонда ишлайман, “Қишлоқ ҳаёти” Тошкент вилоятини оқсоқликда айблади. Уни Ўткир Раҳмат ёзган эди, Бош муҳаррар. Яна унда ишим бор эди, шу боис, улов чақириб, йўлга чиқдим.

Омон ака деган бир ҳайдовчи бўлар эди, у замонлар; бир маҳал шу:

– Ғаффор ака! – деб қолди, жуда салмоқлаб. – Ўткир Раҳмат *кимиға* ишонади?

– Нега ундан деяпсиз?

– Козим окамгиларни “уриб” чиқипти!

– Ҳа, энди, ҳаёт! Бўлади-да, шунақаси ҳам! Кўрсатма бўлса, қилади! Сиз буни биласиз, тушунасиз! Ўзингиз девонда ишлайсиз!

– Э-э! – деди ҳалиги ҳайдовчи осмондан келиб. – Сиз билмас экансиз! Чегарада пайт пойлаб турғанлар ҳам, ичкарида иш қилаётганлар ҳам Козим окамгиларнинг йигитлари! Бир имо қилса, Ўткир Раҳматнинг уйига ўт қўяди! Бола-чақасига қўшиб ёқиб юборади!

Жуда оғир гап айтди, у!

Нима дейсиз?

Ўткир Раҳмат қасдан қилган бўлса, бошқа гап! У тўғриликни айтган! Ернинг умрини куйдириб нима қиласан, бу – деҳқоннинг хонумонини куйдириш, ризқини қирқиши, аслида, деган! Ҳокимга вазифасини эслатган! Хўш, бунинг нимаси ёмон? Шунинг учун бола-чақасига қўшиб, ёқиб юбориш керакми??

Сиркаси сув кўтармайди, окамгиларнинг!

Нуқул осмондан келади.

“Кимингга ишонасан?!?”

“Қўлиндан нима келади?!?”

Шундай замзама қилади!

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, бу – нима дегани?!

Астойдил хафа бўлдим. Ўша одам уч-тўрт кун ўтиб, ўлиб кетди, аммо менинг фикримни ўзгартди. Қаранг, қанча қон тўкишди! Уни ким-кимлардан кўриб юрдик! Ёт эллардан хафа бўлдик! Ҳолбуки, ҳаммаси ичимизда экан, ўзимизнинг таниш-билишлар, қадрдон ошна-оғайнилар!..

Борсам, Ўткир Раҳмат ҳам эзилиб ўтирибди. Козим окамгилар ҳукумат телефони орқали жеркиб ташлабди.

– Кимингга ишонасан?! – депти у, силтаб. – Сен нима деб ўйлајпсан?! Кўрасан, “учиб” кетади! Ҳаммаси ўзимизга қолади, ҳали! Шунда жавоб беришга тўғри келади, Раҳматов!

Мен Ўткир аканинг кўнглини кўтардим.

– Окамгилар шунаقا, қайтмайди! – дедим унга. – Кўйинг, сиқилманг! Ўзингиз айтгансиз-ку, “Худо бобом ўзи билади”, деб! Ўзи билади, жой-жойига қўяди! Сиз хотиржам бўлинг!..

Кейинчалик, Ангренда, Фавқулодда ишлар вазирлиги тизимида ишлаган, Қамчиқ довони бўйича масъул бўлган укамиз Тўрамирзо айтди: “*Андижон воқеалари рўй берган куни катта йўл атрофида ваҳҳобийга ўхшиаш йигитлар изгиб қолди!* Ўша воқеа бартараф этилгач, яна улар қўмга сингган сувдай йўқолди”.

Ўшанда биргина Мирза Кенжанинг уйидан ўн тўртта шундай шотир изғиб чиқкан, “инқилобчи!”

Буни ҳамма кўрган, бутун маҳалла!

Ички ишлар ходимлари олиб кетган, уларни!

Одамлар ҳайрон!

Чунки, ҳаётнинг ички оқими юза қисмидан илгарилаб кетган!

Жоду қуюнга ўхшайди, фақат у кўзга кўринмайди.

У шиддат билан ҳаёт оқимини суриб кетади ва унинг ядросида шунга ҳозирланган шотирлар “ўйин” қиласди.

Қолганлар эса, нима бўлаётганини англааб ета олмайди!

Аммо тўфон уюрмасига тушгач, унинг таъсирида оёғини қўлига олиб ўзини ўтга-сувга уради, югуради-елади ва қип-қизил “инқилобчи”га айланади!

Бу – шундай бало!

Руҳий таъсир орқали тўлғама ясади!

Билағон сиёsatчилар уни “экспанция”¹⁰⁸ дейди!

Унга пешвуз чиқиб, ғулу соловчи, одамларни “ўчоқ”ка бошловчи, оловга мой пурковчи эса, ўша ҳайдовчи айтган “*Козим окамгиларнинг йигитлари*” бўлади!

Биз уларни “шотир” дедик, сиёsatчилар “ижрочи” дейди. Козим окамгилар эса, “*ташкилотчи*”. Яна “буюрмачи”си ҳам бор, ҳали униям билиб оласиз...

Улар фақат фитна ва нифоқ солади, уруш ва террор содир этади, исён ва ғалаён қўзғайди, деб ўйламанг.

Улар кундалик ҳаётда ҳар бир нафасингизга шерик!..

Андижон воқеалари содир этилганда ҳарбий ҳолат ҳукмрон эди! Аммо, пост-потрулда турган қўриқчилар тош қотиб “ухлаб” қолган!

Шундай бўлиши мумкинми?!

“Инқилобчи”лар уларнинг қуролини олиб, ўзларини отиб ташлаган ва эмин-эркин ичкарига ёпирилиб кирган! Ва шаҳардаги ҳарбий қисмга ҳужум қилган!

Қандай журъат этган, шунга?

Ҳар ҳолда, ҳарбий қисм – ҳарбий қисм!

Аммо, улар шу ерда тиш-тироғигача қуролланган, сўнг техникага таяниб қамоқхонага бостириб кирган!

“Инқилобчи”лар маҳбусларни чиқариб, ўзларига қўшилишга унданаган!

¹⁰⁸ “Экспанция” атамасига луғатда берилган изо;лар ичида “эпидемиянингтарқали” деган таъриф мөғиятга бир оз ойдинлик кирилади. Аслида, бу сиёсий атама жоду орқали тўлғама солиш, одамларга руҳий таъсир ўтказиб, жунбушга келтириш ва шу йўл билан ғалаён қўзғаб, ўзгариш қилишинианглатади. Экспанция маҳаллийми ёсда, бирдавлат миёсидава халқаро миёсдабўлишимумкин.

“Бизга автомат, гранаталар тарқатишиди, – дейди бир маҳбус. – Кўпчилик, шунингдек, мен ҳам “отишни билмайман” деб қурол олмадик. Шунда бизни вилоят ҳокимлиги томон ҳайдашди. Бино атрофидаги темир панжаралар олдига қатор қилиб қўйиб чиқшиди”¹⁰⁹.

Улар “жонли қалқон” бўлиб қолмай, вазиятга тус бериб турган...

Ўша қамоқхонада 46 нафар хизматчи бўлган, бир соқчи омон қолган, халос! Уям “вышка”да¹¹⁰ тургани ва ётиб олгани учун!

Ҳаммасини, ҳатто иккита алоқачи аёлни ҳам улар отиб ташлаган!

“Нега ҳеч ким қаршилик қилмади? Ёки қурол йўқмиди?” – деса, ўша соқчи айтадики: “Автомат берган эди! Аммо ўқ беришмаган!”

Холбуки...

Шундай бўлиши мумкинми?!

Биласиз, қамоқхона Ички ишлар вазирлигига қарайди!¹¹¹

Шу ишлар бўлганда ва, ундан сўнг, бирон ҳафта милиса камдан-кам кўринган, ички ишларга кам аралашган!

Нега?!

Андижон воқеаларидан сўнг “жаноб” Оқмирзаев¹¹² нега судланди?

У Алматовнинг тус божаси!

Мудофаа вазири ҳам “инқилоб” тарафида бўлган!

Байналмилал маданият маркази директори, ҳатто “Камолот” етакчиси ҳам!..

Мен Бобур жамғармаси тизимидағи оқ либосли тадбиркорлар “ўйин”ини ва қолган-қутганини айтмай қўя қолай!..

Ҳали бу ҳақиқат қуёшдай балқиб, бор бўй-басти билан тўла рўёбга чиқади! Бунга ҳеч ким монелик қила олмайди! Ҳокимият ҳасратида қон тўкканлар унинг уволига қолади! Ва сиз бунга гувоҳ бўласиз...

Шунақа!

Нима учун одамлар темир эшик қўяди?

Бунинг сабабини энди англагандирсиз?!

Бой бўлгани учун эмас! Уларни “кетмондаста”лар, яъни, “ижрочи”ю “ташкилотчи”лар ҳоли-жонига қўймаган, сира! Чунки шундай “буюртма” бўлган. Ёвуз ва бадкирдор куч учун буюрмада нажот бор. Шу боис, қутқу солиб, еб-ичган, қўлидан келса, ҳаётини бузиб ташлаган! Мана шундай вазиятда темир эшик одамнинг жонига ора кирадигандай бўлиб туюлади.

Астафьев куйиб-пишгани билан кимнинг нима ишинг бор, қачонки, бирор бўғзингга пичоқ тираб турган бўлса!..

Темир эшик, темир дарвоза ва темир панжара шундан қолган, асли...

¹⁰⁹ “Биз уларга қўшилмадик”, “Ўзбекистон овози”, 2005 йил 17 май.

¹¹⁰ Вышка – кузатув минораси.

¹¹¹ 2005 йилнинг майида Темир Алимов – Байналмилал маданият маркази директори, Зокиржон Алматов – Ички ишлар вазири, Қодир Ғуломов (Темир Алимовнинг жияни) – Мудофаа вазири, Ботир Убайдуллаев – “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси эди, улар Андижон воқеаларига аралашиб қолгани учун четлатилган.

¹¹² Оқмирзаев Дилмурод – Андижон вилоят Ички ишлар бошармаси бошлиги.

Усмон Қўчқор:

– *Англаган:*

*Сукутда бир садо яшар,
Ҳар қандай гафлатда бир уйғониш бор.
Ҳар қандай ғамда бир шодлик бор, магар,
Ҳар қандай сўнишида қайта ёниш бор...*

Вафо Файзуллоҳ:

– *Орзунг сурурга тўлар,
Айтма, сирингни айтма.
Ҳар сўзинг ҳикмат бўлар,
Қайтма, йўлингдан қайтма...*

30. Улуғлик

Ўша, машъум XVI пленумдан сўнг Одил Ёқубовга ҳам осон бўлган эмас. Кимдир уйига сим қоқиб: “Ўз ихтиёринг билан ишдан кетмасанг, ўлдирамиз!”, – дейди, дағдаға қиласи, кимдир: “Шахсий уйи бўлатуриб, яна квартира олган”, – деб устидан ёзади...

Ҳаловатсиз кунларнинг бирида, адашмасам, жума оқшоми ҳасрат қилиб ўтириб, у қийналиб кетганидан қаттиқ зорланди.

– Мен, одатда, бундай ҳодисага кулиб қарап эдим, аммо бу сафар муз оғир кўчаяпти. Зимистон ўрмонда изғиб-адашиб юрган издиҳомга ўхшаймиз. Қаёққа бораётганинг билмайсан, ҳатто! Йилт этган ёруғлик йўқ! Юракка тўкилиб кетди, бу ситам! Энг ёмони, “қама-қама” ва унинг ваҳми, кўргулик туйғуларни майдалаштириб юборди. Одамлар бир-бирини таъқиб этади, бирорвнинг бошига иш тушса, у йўлини йўқотса, нашъа қиласи. Шундайлар ҳам борки, бундай вазиятда ҳеч балодан қайтмайди. Ё фалак! Нималар бўляяпти, ўзи? Бир парча ер деб aka ука билан ёқалашса, фарзанд отадан юз ўғирса! Тавба дейиш керак, тавба!

Қаранг, ҳаётда файз қолмади, путур кетди. Кўчаларга қарғиш ўтириб қолганга ўхшайди. Одамлар қон бўлиб қийналаяпти...

Мана шунинг ҳаммасини кўра-била туриб, тинч ва хотиржам яшаш мумкинми?..

Одил аканинг ҳасратидан чанг чиқди, зиқланиб уйга қайтдим.

Мени ташвишга солган – Одил Ёқубов ҳам фаришта эмас, кимнингдир йўлини кесиб ўтган, кимнингдир дилига озор етказган. Яна бу дунёда ҳасад-хусумат, баҳиллик ва ичиқоралик деган бало борки, бугун мавриди келганда ўша, аламзада кимсалар қараб турмайди, албатта. Ёзади, дағдаға қиласи, юрагига чанг солади.

Бузрукнинг душмани ҳам бузрук бўлади.

Хўш, бу “сур-сур” алал-оқибат қандай якун топар экан? Оқсоқолнинг ўзиям улуғлик тўнини ечиб, ғанимлари каби қабоҳат чоҳига қулаб тушмасмикан?!

Ўшанда, у менга шу мудҳиш жарлик лабига бориб қолгандек бўлиб туюлган. Лекин мен бу зотни шундай аянчли аҳволда кўришни ҳеч истамас эдим.

Эрталаб телефон жиринглади. Олсам, Одил Ёқубов.

– Тез кийиниб, бизникига чиқинг! – деб даъват қилди у. – Жуда муҳим бир иш бор!

Ана, халос! Бошланди! Юрагим увишиб кетди. Апил-тапил кийиниб, йўлга чиқдим. Бошқа нима юмуш бўлиши мумкин, кечаги ҳасратдан сўнг?! Ҳар хил ўй кўнглимни ғаш қилди.

Наҳот, ўтири, ёз, деса! Бировнинг устига мағзава тўқса, у айтиб турса, мен ёзсан?!.

Минг бир иштибоҳ билан етиб борсам, тарғил “Волга” йўлга шай бўлиб турибди. Биз орқа ўриндиққа ўтиридик, мана, йўлга чиқдик, шахар ортда қолди, дашту далалар бошланди, лекин Одил ака лом-мим демайди, у жуда ҳорғин ва шикаста, оғир ва адоксиз ўйга толган.

Ниҳоят, Чимкентдан ўтиб, Туркистон сари юзландик. Аҳмад Яссавий ҳазратлари қадамжосига етгач, у киши “Волга”ни бир четга ол, деган каби ишора қилди. Ва биз зиёратгоҳ сахнига бориб тўхтадик.

– Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм...

У оғир қўзғалди, “Волга”дан тушиб, мақбара сари юрди.

Албатта, буни ҳеч ким кутмаган. Уни қўриб, ниёзмандлар шошиб қолди, кимдир тисланиб йўл берса, кимдир иззат кўрсатиб, тавозе қилди. Ва яна кимдир елиб-югуриб, зиёратгоҳ имомини айтиб келди.

Шундай одамлар бўлади ўзи, эзгу ишларда ўзиб кетган, Оллоҳга яқин зотлар. Ҳамма уларни астойдил яхши кўради, бор меҳрини аямайди. У шу тоифага мансуб эди. Буни кўп кўрганман...

Зиёратгоҳ имоми ийиб қуюқ сўрашди, кейин пича тараддуд билан ёнидан калит олиб, қулфни очди, сўнг кир босган гужум эшикни авайлаб очиб, мулозамат билан уни хужрага бошлади.

Бу, ўша даврда бообрӯ шахсларга кўрсатиладиган хос иззат-икром ва расмий илтифот белгиси эди.

Хужра ичи намхуш ва қоронғи, вахимали ва улуғвор эди. Зах ўтириб қолгани учунми, ҳавоси жуда оғир, аллаким кифтингдан босиб турганга ўхшайди.

Бир замонлар Соҳибқирони аъзам Амир Темур Яссавий ҳазратларининг ҳайбатига ишора бўлсин, асрлар оша салобат тўкиб турсин, деб бу муаззам мақбарани бино этган. Лекин, йиллар ўтиши билан замон ўзгариб, сиёsat ўзгариб, ҳазратнинг ўзи ва эзгу нияти каби, бу мўътабар обида ҳам хорликка юз тутди. Унинг нақшинкор деворлари нам тортиб қорайган, чатнаб-ёрилиб кетган, лекин ҳамон азалий маҳобатини йўқотган эмас.

Улуғвор хужра ўртасида – ҳазратнинг сағанаси. Қабр устига оқ сурп ёпилган. Ва у намиқиб, сарғайиб кетган эди.

Адиб даҳма олдига бориб, омонат ўриндиққа оҳиста чўкди.

– БисмиллаҳиРоҳманиРоҳийим...

У хиёл олдинга интилиб, ўзига ярашган салобат ва арзу ихлос билан ҳазратнинг муқим маконига оғир термилди.

Ва шунда унинг ўзи ёзган Мирзо Улуғбекнинг сўнгги нидоси беихтиёр хаёлимдан ўтди: “Ё Парвардигори олам! Худди қурбонлик қўйдек судрайдилар! Қайси ёзуқларим учун бу надомат, бу хўрлик?!.”

Одил Ёқубов кўзлари ёшланиб Қуръон тиловат қилди, Мирзо Улуғбек ҳам сўнгги нафасида ўпкаси тўлиб, шундай калима келтирган.

Адиб ҳасратли юзига фотиҳа тортгач, яна оғир ўйга толди, анчадан сўнг вазмин ўрнидан туриб, залворли одим билан ҳазратнинг сағанасига яқинлашди. Ва яна Яратганга юкинди:

– *Ёлғиз Ўзингга сигинамиз ва мудом Ўзингдан најсом сўраймиз!..*

Ўшанда мен шундоқ унинг ортида, забун ҳолидан қон ютиб, тутдай тўкилиб турган эдим ва бу ҳолат ҳеч қачон ёдимдан чиқмаса керак!

Ҳаммаси шунга яраша бўлади...

Туркистондаги кўнгилетар кишиларни зиёрат қилгач, эртаси куни кечки пайт қайтиб яна йўлга чиқдик. Қир ва адирлар ортда қолиб, олис-олислардан Яссавий мақбарасининг нилий ранг гумбази кўзга яққол ташланди.

– Шу мақбара га кўзим тушса, биласизми, нима хаёлимдан ўтади? – деди Ёқубов маъюс ва ҳасратли овозда. – 1397 йилнинг авжи баҳорида Амир Темур бобомиз ҳазратнинг хоки покини зиёрат қилиш учун Яссига келади, намоз ўқиб, Қуръон тиловат қилади. Шундан сўнг Яссавий мозори устида муazzам мақбара қуришга олиймақом фармон беради. Бу жуда мумтоз ва маҳобатли ансамбл бўлган. Ҳали у қад ростламай туриб, Яссавийнинг улуғ пири Арслон Боб ва доно муриди Зангиота даҳмаси устида ҳам бундан кам бўлмаган кўркам обидалар барпо этган!

Улуғ жаҳонгирнинг Яссавий ҳазратларига ихлоси мени ҳайратга солади. Бу – нима, чексиз бир ихлос ифодасими ёки азизларга меҳр таважжуси? Ўйлаб, ўйимнинг охирига ета олмайман. Назаримда, бу Соҳибқирон даҳосининг мухри-тимсоли!

Агар, Соҳибқирон Яратганга яқин авлиё бўлмаса, ўзини пири комили Сайид Бараканинг оёғи учига дағн этишни васият қилмас эди!

У бунинг барчасини келгуси авлодларга ибрат-эслатма бўлсин деб қилган, албатта.

Дунёга сифмаган мана шундай беназир зотлар ўтган, бу юртда!

Улуғбек даврига келиб, зулмат ва зиё ўртасидаги кураш авж нуқтага кўтарилиди. Золимлар салтанатни қўлга олиб, донишманд тождорни маҳв этгач, кир ва қора кунлар бошлианди. Туркистон хорлик ва ҳақириликка, қуллик ва парокандаликка юз тутди.

“Улуғбек хазинаси”нинг иккинчи қисмида кейинги курашни кўрсатмоқчи бўлдим. Ҳаёт тўхтаб қолмайди-ку, ахир!

Умуман, бу жуда нозик масала...

Ва илдизи ғоятда теран.

Улуғ Соҳибқирон вафотидан аввал салтанатга чинакам ворис, валиаҳд этиб Пир Мухаммадни тайинлайди. Авлоду зурриёди ва амиру уламони унга итоат этмоққа, лозим бўлса, жон фидо қилмоққа буюради. “Сиз шу йўлда собит ва ҳамжиҳат бўлсангиз, мен умримни бағишлаган иши ҳайф кетмайди, дунё бошбошдоқликка тушиб қолмайди”, деб уқтиради.

Ўткир қўзлар соҳиби Соҳибқирони аъзам олдиндаги хавфу хатарни зийраклик билан кўрган-илғаган. Лекин, у кўз юмган заҳоти фитна ва хиёнат содир этилади. Келди ўша сония деб тожу тахт васвасасида Халил Султон Самарқандга от қўяди. Ва Соҳибқирон хавотир олган, замонлар оша давом этаётган ички низо, бошбошдоқлик ва инқироз бошланади. Бунинг нима эканини Соҳибқирон очиқ айтган, “дунё бошбошдоқликка тушиб қолмайди”, деб...

Адид оғир сукутга толди. У узоқ ўй ўйлагач, фикрига якун ясади.

– Бироқ мен эзгулик балқиб юзага чиқишига астойдил ишонаман. Нимага десангиз, Қуръонда Ёфас авлоди дунёда абадий тургувчи этиб қўйилгани айтилган. Ва мен шундан келиб чиқиб, *Мовароуннаҳр* элини чўлгаган бу зулмат қанчалик чўзилмасин, бир кун эмас, бир кун бу қора булутлар тарқаб, офтоб чиқажсайдир, деб китобга хотима битдим! Ва шунга иймоним комил! Қолаверса, бола пайтим бир туш кўрганман, уям шунга ишора бўлса, ажаб эмас!

Тушимда мана шу улуғвор мақбара гумбазининг қуббасига чиқиб, оқоппоқ бир қушга айланиб, муazzам фалакка учиб кетган эмишман, чақноқ юлдузларга сингиб кетган эмишман!..

Одил Ёқубов:

– *Кечалари уйқум қочади. Оллоҳга шукр, Расулуллоҳ ёшига етдик. Кексаликни бўйинга олмай, илож ўйқ. Лекин ҳамон ёш қўринишини истаб, соқолни қиртишилаб, юзимиздаги ажинни кўриб, кўрмаганга оламиз.*

Үйқум қочиб, ўй босган маҳалда, кеча узун, ҳаловатинг йўқ, ўзинг билан ўзинг бўлиб қолгансан, жуда оғир бир ҳолат, шунда бир юпанч менга таскин беради.

Биз катта ҳаётнинг ичига кириб, адабиёт аталмииш бу мўътабар хилқатга маҳлиё бўлган, ўзимизга йўл очган йилларда иймон-эътиқодда собит бўлиши, ҳалол ва покиза кун кечириши унча осон эмас эди. Лекин шунга қарамай, қийинчилик ва йўқотишларни бўйинга олиб, мушкуллик ва машиқат билан бўлса-да, ота-бобомиз юрган йўлдан четга чиқмадик, уларнинг кўнгли тортмаган кўчага кирмадик, ниманини улар мўътабар билган бўлса, шуни кўзга суртдик ва боламизга шундай таълим бердик, шуни ёзиб улугладик.

Ота-боболар йўлини тутиб, бирорга хиёнат ва зулм қилмадик.

Эҳтимол, кимнингдир дилини оғритиб, кўнглини қолдирган бўлишим мумкин, ёшилик – сабаб, қизиқонлик – сабаб, лекин атай эмас!

Шу ёшга кириб, лоақал бирон марта қасдан бирорга озор етказиб, вижедонимга хилоф иш қилганим йўқ!

Ва бир инсондай яшашига, кўлимдан келганча яхшилик қилишига интилдим.

Бу ҳаётда нималар бўлмайди. У деймиз-бу деймиз, умр ўтади. Муҳими, қандай яшадинг? Бирорнинг кунига ярадингми? Йиқилганни тургизиб қўйдингми? Ёки ўзингдан ортмадингми?

Бирон-бир йўқловчинг борми, ўзи?

Ёки аросатда ўтиб кетдингми?

Бу оламдан не-не муҳташам зотлар ўтмаган, Одам Атодан Муҳаммад алайҳиссаломгача, Гомердан Уилям Фолкнергача! Лекин, ҳаммасиям бир хилқатга – оламни яратган Зотга талпинган.

Нега?

Нима учун?

Мудом шу ҳақда ўйлайман.

Имом Бухорийнинг ривоят қилишича, бу оламни яратган Зот Расулуллоҳга, истасанг, менинг раҳматимни етказган қавмларга абаул-абад подиоҳ бўл, деб марҳамат қиласди.

Лекин Муҳаммад алайҳиссалом илоҳий даргоҳдан жой сўрайди.

Халифа Усмон ҳазратлари ҳам...

Демак, бу дунё биз ўйлаганчалик эмас, у дунё биз ўйлагандан зиёда...

ҳаммаям Қодир Эгамнинг ҳукмича дунёга келиб, дунё ҳаётини яшаб ўтади ва яна Унинг хузурига қайтади. Абадият қонуни шундай.

Муҳими, Яратганнинг олдида, эл-улуснинг олдида юзинг ёргу, иймонинг саломат бўлишиидир!

Бахтиёр Генжамурод:

– Хайр энди,

тошини менга отганлар!

Алавидо, алданган гўдак ишончим!

Бугун асов қалбим ғамга ботганда

Тоз ким-у, дала – ким, мен англаб олдим...

31. «Раъононинг кафши»

ёки

хотима

Агар, Эрнест Хемингуэй бўлсам, мен бу китобни бошқа бир маромда ёзар эдим, дейлик, «Чол ва денгиз» каби.

Чолнинг исми Сантьяго эмас, эҳтимол Ағай бўлар ва аҳён-аҳёнда ўзи билан ўзи суҳбат қиласар.

Бу Рух билан баҳс этмақдир.

Бу оламда Инсу жинс бўлгани каби Рух ҳам мавжуд.

Ва шўрлик Чол унутлика маҳкум этилган.

Сиртдан бу ҳол табиий бўлиб кўринади. Шунинг учун, ёши ўтгач, одам кўпчиликка қўшила олмайди ва бир четга чиқиб қолади, деб ўйлаймиз. Ва бу қараш тасаввурга хукмини ўтказиб, масаланинг моҳиятини пардалаб туради. Аслида эса, бу – ғайритабиий ҳол, худди коммунистлар дину иймонни, олам ва одам тарихини, оламларни яратган Зотни унутлика маҳкум этгани каби. Ва бу сеҳр-жоду билан кўз илғамас йўсинда, инсу жинс орқали қилинади.

Ўша замонда ғалати бир тушунча яшар эди, гўёки кишилик тарихи Карл Марксдан бошланган. Унгача одамсимон маймун одамга айланиб улгурган, холос.

Инсоният Космосга қадам қўйган ўтган асрда, ёки ҳозир, глобаллашув замонида лоақал номига, бирон-бир маймун нега одамга айланмади? “Қадимги тош даври”даги қулайлик йўқми, ҳозир? Тўқайлар, чакалакзор ва ҳайҳотдай ғорлар қуриб кетганми? Ёки маймун ишлайман, деса, “мехнат қуроли” топилмайдими? Ёки улар тадрижий тараққиётдан тўхтаб қолганми?

Нега илм-фан бунинг уддасидан чиқа олмади? Ҳатто сеҳр-жоду ва Иблис алайҳи-лаъна ҳам?!.

Ахир, Эркин дунё таъсисчилари, зиндиқу дахрийлар, моддиончилар шуни астойдил истаган эди-ку!

қолаверса, жилов уларнинг қўлида, мислсиз бойлик, илмий-текшириш институтлари, ҳарбий куч ва ҳокимият мутлақ измида эди! Иблис мудом бош устида айланиб-ўргилган!

Аммо, йўқлик ўз ҳолича қолди.

Хўш, аслида нима бўлди?

Иблис малайлари унга таяниб, дунё ҳаётини бузди! Ўзга қавм ризқини олиб, улар қучга кирди. Илоҳ азиз қилган зотларни унутлика маҳкум этиб, ўшалар ҳаққи-ҳаётини яшаб келди.

Кечаги ҳаёт шундай!

“Кўҳна қитъя”, “Эркин дунё”, “Иблис салтанати” деган ному тузилма унинг чирик меваларидир. Бугун ҳаёт аслига қайтиб, улар бундан жудо бўлмоқда, унутлика юз тутмоқда. Ва ўша қавм ва ўша зотлар яна рўёбга чиқмоқда.

Абадият қонуни шундай!

Хобилни ўлдирсам, унинг ризқни олиб соҳибқирон бўламан, авлоду зурриёдим дунёни сўраб ўтади, деган иddaода қилинган қотиллик қутурган бир жараёнга айланди. Авлоду зурриёди ундан ҳам ўтиб тушди. Бўлган-тургани – ҳаромилик, макр ва юлғичлик, боскин ва биродаркушлик.

Алал-оқибат, Оқ – Қора бўлди, Қора – Оқ.

Шунда Оламларни яратган Зот Икки олам сарварига нидо қилди:

– (Эй Мұхаммад!)

Айтинг: “*Барча(миз) күтгувчи дир(миз)! Бас, күтинг! Яқинда (Киёматда) ким Тўғри йўл эгаси ва ким Ҳидоят топгани кундай равшан бўлур!*

Шу Кун етиб келди. Ва ўша талваса сиз кўриб тургандай даҳшатли якун топди. Бўлиб ўтган ишларни бир сўз билан айтиш қийин. Йигирма етти минг йил тириклар қурбон берди! Йигирма етти минг йил ўликлар¹¹³ уларнинг қонини ичиб, қўрқинч солиб от сурди!

Э-э, нимасини айтасиз!

Нима “ўйин” қилмади, улар!

Ва бу қавм бутун ер юзига ёйилган, ҳар бир миллат ва элат ичида, зоҳиран унга мансуб каби, ботинан зид йўл тутиб яшайди.

“Диндан қайтганлар ҳамма вақт бўлган, – деб ёзади Низомулмулк. – Ва улар Одам алайҳиссалом замонидан буён Тангрининг элчилари ва ҳукмдорларга қарши исён ва қўзғолон қилиб келади. Ҳеч бир ўлкада бу қавмдан ёмони ва маккори бўлмайди. Улар ҳар бир овозага қулоқ осиб, икир-чикиргаям тумшуқ тиқиб, зимдан давлатга ёмонлик қилиб юради. Қодир Эгам асрасин-у, фалокат босиб, давлатга бир зиён етса, бу итлар хуфя жойидан отилиб чиқиб, унга қарши юриши қиласи, шиаликка даъват этади....

Улар қўлидан келган фасод ва бидъат ишларни қиласи. Яна улар сўзда мусулмон, амалда коғир, феъли ҳам, қилган иши ҳам шунга яраша. Уларнинг ботини зоҳирига, сўзи амалига зид. Мұхаммад алайҳиссалом динида улардан ёмон душманнинг ўзи йўқ”.¹¹⁴

Қобил авлоди шу йўл билан муз устида қаср қурди. Бугун офтоб чиқиб, асрлар оша тош қотган муз эримоқда, ўша каҳкашон сарой эса, чўқмоқда.

Киёматнинг қойим бўлиши, шу!

Сурбетларча қилинган қатлу қирғин ва разил жиноятлар, одам боласи ҳазар қиласидан пасткашликлар иймони саломат бирон-бир инсонни лоқайд ва жароҳатсиз қолдирган эмас. «Садди Искандарий», «Илоҳий комедия», «Анна Каренина» шу ҳақда, «Маснавий», «Фауст», «Мэри Эдди-Беккер» шу ҳақда, «Тарас Бульба» ва «Ошкора қотиллик қиссаси»¹¹⁵ ҳам...

Жаҳон адабиётининг бирон-бир мумтоз намояндаси йўқки, бу мавзууни четлаб ўтган бўлса, лекин уларнинг ҳеч бири Эрнест Хемингуэйчалик унинг ичига кириб бориб, моҳиятини бу қадар аниқ ва содда, кундек равшан ифода эта олмади, гарчи шуни истаган бўлса ҳам!..

Унинг Сантъягоси буюк Чол.

¹¹³ “Ўликлар” деган сўзниңгма носишуки, риз; руда бўлади. Инсон қабиғи ишга қўл урса, руда тешилади ва риз; оғиб кетади. Алал-оқибат, ўлимга учрайди. Қобилга раз билан; он тўкканида шу ҳол рўй берган. Рудаги ҳол наслуради. Яъни, бу унинглаводигахос. Шу боисулар олчоқ, очофот ва еб тўймас бўлади.

¹¹⁴ Низомулмулк. “Сиёсанома”, Тошкент, “Адолат”, 1997 йил.

¹¹⁵ Алишер Навоий, Алигери Данте, Лев Толстой, Жалолиддин Румий, Иоганн Гёте, Стефан Цвейг, Николай Гогол, Габриэл Гарсиа Маркес асарлари.

Зифирча иззат талаб этмайди, эътибор ҳам, ўзи билан ўзи бўлиб яшайди, лекин иймон йўлида событ, дилидаги бирдан-бир тилак – тақдирида бор бўлган Шоҳбалиқни овлаш. У қачондир бир кун ўз балигини тутишига зифирча шубҳа қилмайди.

Унинг Ишончи Одам авлодига хос событқадамлик, ихлос ва иймонни ўзида намоён этади.

Вақти-соати келгач, Чол бел боғлаб, овга чиқади. Бепоён денгизда уззу кун сузид, ахийри, ниятига етади, улкан Шоҳбалиқ унинг қармоғига илинади, бироқ уни соҳилга олиб чиқиш мислсиз азоб-уқубатга айланади. Нимага десангиз, Чол ҳали йўлнинг танобини олмай, йиртқич акулалар балиққа ҳужум қиласди. Олдинига у ғазабга миниб, ёвуз кучга қарши турари, унинг ҳамласини қайтаради, лекин қурол ўрнида қўллагулик ҳеч вақо қолмагач, тақдирини ҳал қилувчи ҳодисанинг ночор ва ноилож иштирокчисига айланади. қаранг, у қақшатгич тажовузга чидаб-тоқат қилиб, қўл қовуштириб туришга маҳкум!

ҳеч бир нажот йўқ.

Гарчи шундай бўлса-да, Чол балиқдан воз кечмайди. Увадаси чиқиб кетган Шоҳбалиқни соҳилга олиб чиқади. *Унинг тана суги ҳам жуда баҳайбат эди*, деб ёзади Хемингуэй.

Дейлик, Чол – Одам боласи, Шоҳбалиқ унинг ризқ-насибаси, олчоқ ва очофат акулалар эса, шунга кўз тиккан лаънати малъунлар.

Бу – Борлик ва Йўқлик ўртасидаги нопок ва яширин, ҳийлали ва бир ёқлама курашдир.

Одил Ёқубов қиссаси шу билан якун топди, буни ўзингиз ҳам сезиб турибсиз. Лекин, яна бир нималарни билгингиз келади. Аслида, буям ўтмиш асорати, яқин-яқинда кўпчилик одам ўзининг маймундан тарқаганига, ёки бўлмаса, Европада бир шарпа кезиб юрганига, у коммунизм шарпаси эканига зифирча шубҳа қилгани йўқ, гарчи бу афсун бўлса-да! Ва унинг таъсири буткул йўқолган эмас, ҳали. Шу боис, Одам Ато билан Момо ҳаводан гап очилса, ҳамон аксарият намозшомгулдай юмилади ва, ха-а, энди, қўйинг шу гапларни, ўтганлардан қолган ривоят-да, бу, дейди, ҳай-ҳай демасанг, уни буткул йўқка чиқаради. Чунки кўзи билан кўриб, қулоғи билан эшитмаса ва яна қўли билан ушлаб кўрмаса, Улуғ Мавло илоҳига ўлақолса ишонмайди.

Кечмиш жоду асорати, бу!

Аммо, иймони саломат одамлар ўз йўлида событ.

Оламларни яратган Зот Қиёмат қойим бўлганида, одамлар уч тоифага ажралади, дейди. *“(У учтанинг биринчиси) ўнг томон эгалари дир. Ўнг томон эгаси бўлмоқ (бўлмоқ) не (саодат) дир!*

(Иккинчи тоифа) чап томон эгалари дир. Чап томон эгаси (бўлмоқ) не (баҳтсизлик) дир!

(Учинчи тоифа эзгу ишларда) ўзиб кетган кишилар!

Айнан ўшалар Оллоҳга яқин зотлар”.

Ана шундай зотлардан бири Александр Горбовский, сиз унинг «Жоду ва ҳокимият»ини¹¹⁶ бир ўқинг. Унда шўро тузумига хос бўлган, кўз кўриб, қулоқ эшиитмаган ғайритабиий ҳодисалар моҳияти кўрсатилган.

Лениннинг турфа хил қиёфада кўриниши, унинг шахсиага сифиниб, “доҳий” деб улуғлаб, етмиш мингдан ошиқ ҳайкал қўйилиши, кейин эса, ўша ҳайкаллар қулатилиб, шахси батамом бадном этилиши, энг муҳими, бу улкан ва ғайритабиий жараёнда ёвуз кучнинг иштироки асарда илдизи билан очиб берилган, «коммунистларнинг пайтавасига қурт тушиши билан доҳий сиймосини ошигич йўқ қилишига киришидилар, – деб ёзади у. – Уларни портлатиб, кунпоякун қилиши билан чекланмай, устига турли-туман иркит-иснодлар, куя ва кислоталар чаплаб, топтаб шармисор қилдилар.

Шуниси ажабланарлики, аксарият ҳолларда аввал улуғлаган, кейин ҳўрлаб-ҳақорат қилган айни бир тоифадир».

Адиб бу жаҳолат ялпи мамлакатни, раҳбару раҳнамо ва элу элатларни бошқариб келган қудратли сеҳр-жодунинг қайтиши, деб изоҳлайди. Одамлар эса, мана шу жоду гирдобига тушиб қолган унинг қурбонлариидир.

Асаддаги далил ва хужжатлар, ҳақиқатан ҳам, қизил империя ана шу ёвуз куч иродаси эканини, миллион-миллион эллар-миллатлар унинг исканжасида галдираб яшаганини кўрсатади.

“Ёвуз кучларни безовта қилмаслик учун ҳеч қачон уларнинг номи барадла айтилмаган, – деб давом этади у. – Одамлар сеҳр-жоду таъсирида фикр юритган, шу боис ҳатто айрим жазо идоралари номи ҳам юракда ваҳм қўзгаган, уларни айнан айтишига журъат этмай, “қуда томон”, “тегишли идора”, “керакли жойга хабар қилинди” каби имо-ишора билан англатишган.

ЦэКа КПСС ўрнида “эски майдон”, “инстанция”, “директив орган”, амалдорларга нисбатан эса, “хўжайин”, “биринчи” ёки “шеф” деган атамалар қўлланилган... ”

Адиб айтадики, ёвуз кучлар ўзига тобе бўлган муайян қатлам қўли билан илоҳий тартиботни бузиб келади. Сеҳр-жодуга мук кетган ўша қавм унинг кучини муштарак мақсад сари йўналтириб, шу ҳисобдан яшайди, мол-дунё ва мавқе-мартаба орттиради. Дунёнинг маккор сиёsatчилари қўллаган, билимдон сиёsatшунослар эса, “экспанция” деб атаган кўз илғамас даҳшатли тўфон мана шу бўлади! Ва унинг кўлами жудаям катта!..

«Жоду ва ҳокимият»да ЦэКанинг секретари Г. Маленков билан Ички ишлар министри Н. Ежов ўртасидаги ўзаро кураш ва шу орқали жоду илмининг ирим-сирими, амали ва кучи очиб берилган. 1939 йилнинг бошида уларнинг ораси бузилади, кейин беомон олишув бошланади.

Икки йирик раҳбарнинг яккама-якка жанги ҳал қилувчи паллага киргач, «Маленков соглом одам англаб етиши қийин бўлган бир “ҳунар” кўрсатади, у девордаги Сиёсий бюро аъзолари сурати ичидан ўзининг ганими портретини олиб қўйишни буюради. Буни эшитиб, ёрдамчисининг ранги учиб кетади, чунки

¹¹⁶

Александр Горбовский, «Жоду ва ҳокимият», «Жаҳон адабиёти» журнали, 1999 йилнинг октябri-ноябрri.

Сталиннинг кўрсатмаси бўлмаса, бундай қилиши сиёсий жиноят ҳисобланган. Лекин у топшириқни адо этади.

Жоду илмида бу амал мазкур шахс йўқ қилинганини англатади.

Чиндан ҳам, тез орада Ежов наинки амалу мартабасидан, ҳаттотки унвонларидан мосуво бўлади ва отиб ташланади.

Маленков эса, вақти келиб, Бош секретарлик нашидасини суради...»

ҳақиқатан ҳам, Маленков жуда маккор жодугар бўлган ва ўзи четда туриб, салтанат тегирмонини зимдан юргизган.

Иблис билан оғиз-бурун ўпишган бу малъун, аслида, қобилийдир. Кабинети деворига илиб қўйилган ўша суратлар юрт эгасиман деб юрган казо-казолар тақдирини ҳал этган, борлиқ ишлар унинг хоҳиш-иродасига ва, албатта, ёвуз куч майлига боғлиқ бўлган.

Маленков Ички ишлар министри портретини жаҳл устида итқитиб юборган эмас, балки унинг ўрнига ўз қавми Л. Берияни олиб чиқиши учун шундай қиласи.

Яқин ўтмишда машъум “тройка” – “учлик” миллион-миллион палаги тоза, насаби улуғ инсонлар ёстигини қутишиб юборди.

Бу қатлу қирғинлар аслида яхшиларнинг ҳаёт ҳақи ва ризқу насибаси учун қилинганди. Қатлу қирғин И. Сталиннинг эмас, билки “учлик”нинг иши! Ва “учлик” деганда, унинг яловбардорлари Г. Маленков, Л. Каганович ва Л. Берияни тушунмоқ керак!

Г. Маленковнинг Бош секретарликдан четлашиши ҳам жуда аломат бўлган. Пайманаси тўлгач, у билмаган ҳолда жойлашув сеҳр-жодусини кесиб юборган.

Адид жоду ҳукм сурган салтанатда ирим-сиirimга қатъий ва бехато амал қилинишини таъкидлаб, “Маленков Бош секретар бўлгач, ҳокимиётнинг қонуний вориси эканини англатмоги лозим эди, – деб ёзади. – Бу ишорат жуда муҳим аҳамиятга молик бўлиб, бунинг учун унинг Сталин билан ёнма-ён тушган сурати талаб этиларди. Минг афсуски, бундай расмнинг ўзи бўлмаган, у доимо Сиёсий бюро аъзолари ёки Марказий Комитет секретарлари қатори суратга олинган.

Гарчи шундай бўлса-да, ниҳоят, жоду талабига мувофиқ сурат газеталарда чоп этилади. Унда Сталин тобутда ётибди, Маленков эса, мотамсаро алфозда бош эгиб турибди.

ҳаммаси рисоладагидек, лекин бу сурат аслида бошқача бўлган ва унда ҳам Маленков кўп қатори тасвирга олинган эди, кейин ниятдан келиб чиқиб, сафдошлари тўзғитиб юборилган. Оқибатда, расм асл ҳолини йўқотган, шу тариқа жоду кесилган.

Бирмунча вақт ўтиб, Маленков ўзини Сталин ва Мао Цзэдун каби даҳолар сафида кўришини истайди ва навбатдаги қўпол хатолик содир этилади. Сталиннинг Мао Цзэдун билан суҳбатлашиб турган сувратида йўқ ердан у пайдо бўлиб қолади. Яна денг, бу расм кенг жамоатчиликка тақдим этилади.

Энди бу гирт ўйдирма эди.

Ахир, ҳолва деган билан оғиз چучимайди-ку!

Шундан сўнг Маленков довдирай бошлайди. Саросимага тушиб, ўша расмни батамом тақиқлайди ва яна ўз ийлини кесади.

Эсанкираб қолган жодугар кўп ўтмай ўз тақдирига ҳукм чиқаради.

ҳамиша бўлганидек, Маленков даврида ҳам ўтган сиёсий ишгинлар ҳақида расмий маълумот бераборилган ва унда ҳозир бўлган ҳар бир раҳбар амалий мавқеига мос равишда зикр этилган. Бу ишорат ҳал қилувчи аҳамиятга молик бўлиб, унда Бош секретар доимо биринчи тилга олинган.

Совет воқелигидаги бу тилсим раҳбарлар тақдирини ҳал этиб қолмай, юракларни титратиб турган ва қатъий қоида тусига кирган.

ҳеч кутимагандаги Маленков бу амалиётнинг оёгини осмондан қилиб юборади. У янгилик киритаман деб олий раҳбарият исму шариғини, жумладан, ўзини ҳам алифбо тартиби бўйича қайта рўйхат қиласди, оқибатда ўзи биринчи ўриндан қўйига сурилиб кетади. Ва айни шу рўйхат матбуотда эълон қилинади. Жоду илмида бу етакчиликдан воз кечии демакдир...

қарабисизки, у жодунинг сеҳрли кучидан маҳрум бўлади ва мутлақ ҳокимлик мавқеини йўқотади”.

Бор қилган жоду йўқ ҳам қиласди...

Адаб Лениннинг турфа хил қиёфада кўриниши ҳақида баҳс этади.

Ўзгаларнинг ҳаёт ҳақи ҳисобига яшагани учун унинг турқи ҳам ўша одамларни кига ўхшаб турган, дейди у. Айни шу ҳол Л. Брежнев суратларида ҳам зуҳур бўлади.

Уларни қўйиб турайлик, шундоқ кўз олдимизда, ўтган йиллар бир ёсуман Абдулла қодирийга ўхшаб юргани ёдингиздадир?! Ўша вақтда у ёзувчилик даъвоси билан дунёни бузган. ҳозир эса, Маленков каби сиёсий арбобга айланган, дунёнинг ишини қарангки, унинг турқи ҳам қисматдошининг айни ўзи, қўйиб қўйгандек ўхшайди, ҳатто инжа мўйлови ҳам.

У Қодирий билан Маленковга ўхшай деб мурт қўйган эмас. Бир вақтлар Юлий Цезар лавр япроғи жило берган тилла баргак кийиб юрган! Одамлар уни баргаксиз тасаввур қила олмаган! Ҳолбуки, у тепакалини яшириш учун шундай қилган! Султоновнинг мўйловида ҳам сир бор. У қулоқнинг тешигидек бир “туйнук”ни яшириб туради.

Ўша туйнук – инсу жинс йўли, аслида!

Қойилмисиз?!

Зоҳиран жуда сипо кўринган бу муртад жоду орқали юрт ҳаётини издан чиқариб, қанчадан-қанча қон тўкканини, қандай жирканч разилликлар содир этганини билсангиз эди! Ҳали бу ҳақиқат юзидан парда кўтарилиб, ҳаммаси кундай равшан бўлади! Кўрасиз, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган гаплар!..

2.

Андижон воқеаларидан сўнг «ҳаёт» газетаси «Раъононинг кафши»¹¹⁷ деган адабий ўйларни босиб чиқарди. Уни Иброҳим ғафуров ёзган, ҳаёт кимёси билимдони. У «Мехробдан чаён»даги гўзал қалбли Раъно билан Анвар ва

¹¹⁷

Иброҳимғафуров, «Раъононинг кафши», «ҳаёт» ҳафталиги, 2006 йилнинг 21 декабри.

уларнинг ҳаёли-иболи мухаббати ҳакида ҳикоя қиласи, кейин Раъононинг бошига иш тушган машъум кунларга, шунда дўсту ёри қандай марҳамат кўрсатганига ургу беради.

Раъононинг ҳаёти хавф остида, унга жуда қаттиқ тазийк бўлаётир, мана шундай мушкул ва хатарли паллада, ярим тунда Сафар билан Султонали уни таҳдид ўчоғи бўлмиш қўрғондан ташқарига туширади ва Анварга қўшиб қочиради.

Мана, у қўрқинч бир лаҳзада, жон ҳовучлаб, аниқ ўлим чангалидан қочиб бораётир.

«Ер жуда ботқоқ, ҳар бир қадам ердан аранг узилар эди. Йигирма қадам боргач, Раъононинг кафши лойга тишланиб, оёқ узолмай тўхтади. Икки қадам орқада келган Анвар Раъони кўтариб олди.

— Менинг этигим бор, чимга чиққунча жисм тур! – деди Анвар.

— қўйинг, уяламан...

Анвар жавоб бермади».

Гўзал вазият. Гўзал каифиёт. Гўзал тафсилот. Шундай эмасми, деб интиқади мунаққид.

Бу ўринда қахрамонлар рамзий ифода касб этади.

Тангу тор вазиятда, *муқаррар ўлимдан* қочиб қутулмоқ ва яна илгарилаб кетмоқ қанчалар гўзал. Лекин мунаққид бунга қаноат қилмайди, Раъононинг кифшини ўйлаб, яна бетоқат бўлади.

У ўша лойда қолиб кетдими ёки Раъно уни оёғидан қўймадими?

Ахир, Раъно янги ҳаётга эски кафши билан кириб бормайди-ку, деб куяди у!

қанчалар ёниқ куюниш!

Ва бежизга эмас!

Замон ўзгарди. Шунга монанд, эски кафши ўзгартиб, янги ҳаётга мосламоқ керак! Яна бунинг устига, Андижонда “Бўрон” қўпди-ю, ҳеч кутилмаганда тескари айланиб кетди! Раъононинг кафши ўша хатарда тишланиб қолмадими, ишқилиб?!.

Илгари осон эди, ният қилсанг, бас, худди Маленков каби, бу ёғи ўз-ўзидан бўлиб кетаверарди, ҳатто эски кафш ўрнида ғойибдан сирли ва оҳорли этикча пайдо бўлади, кейин сен эл-улуснинг кўзини ўйнатиб, яна унинг ҳисобидан, ял-ял ёниб хиромон билан янги ҳаёт оғушига кириб борасан, худди эртакларда бўлгани каби!

ҳозир эса, ундей эмас!

Ниятнинг ўзи камлик қилаётир!

Нимага десангиз, Иблис алайҳи лаъна қақшатгич зарбага учради. Бир урганларида белига довур, иккинчи урганларида бўйнига довур, учинчи урганларида...

Боши билан шишага кириб кетган Мурод Дўст каби,

ё Рабб, бу не тонг,

у ҳам йўқолди.

Тўзғиб кетди, ҳаммаси!

қаранг, ҳатто дарёни тескари оқизган жодугарлар ҳам Ҳаж зиёратига қатнаб қолди! “Сайд”, “хўжа” ва “хон”лар урчиб кетди. “Мир” билан “шо”ларни айтмаса ҳам бўлади. Бунда гап қўп! Кося тагида нимкоса бор! Ҳаётнинг ички тўлқинлари шунга унданмоқда. Золимлар ҳалим тортмоқда.

Яшаш учун қураш бу!

Демак, бошқа йўл йўқ!

Нажот ҳақда!

Бир замонлар Одам Ато қобилга шуни айтган, мен айтган каби ва мана шу тилда, аммо у қулоқ солмаган. Вақти келиб, Амир Темур муҳрига шуни ўйиб ёздирган.

Сиз ҳайрон бўлманг! Унинг талқини ўзгариб кетган.

Биласизми, нега?

Қобил ҳам, унинг авлоду зурриёди ҳам адолат талабида шу йўлга кирган эмиш! Қарматийлар, улар каби Тоҳир Йўлдош *адолат лашкари* тузиши шундан. Улар ўзини адолатчи деб билади. Шу боис, Султонов, ўша ғайридин ҳаммани далвай қилиб чалғитди ва ўша қаломни Соҳибқирон тилидан: – *Куч – адолатда!* – дея талқин қилди. Ҳатто бир ҳикмат сифатида у мармарга ўйиб ёзилди! Аммо бу билан ҳеч нима ўзгармайди!

Ўша гап – гап!

Нажот Ҳақдадир!

Истайсизми-йўқми, шу!

Аммо, “Раънонинг кафши”да усул алмисоқдан қолган бўлса ҳам, талқин, бари бир, гўзал!

Шундай эмасми?

Ундан ҳам гўзали, «Раънонинг кафши» устида Эркин Воҳидов турибди, унинг шеърлари эски бўлса ҳам, суврати янги, олтин юлдуз тақиб олган. Ва яна у, бир Анварчалик ҳимматинг йўқми, деб сизга ошиғич кўз тикади.

қанчалар сирли уйғунлик!

қанчалар тугал қашфиёт!

Шундай эмасми, ахир?

Аллаким, биродари азиз, сиз бир Анвар кабидирсиз, қаранг, Раънонинг кафши лойга тишланиб қолди, уни опичлаб олинг, деб ундаётгандек туюлади, менга.

Ким у Раъно? Нега уни опичлаб олмоқ керак?

Ва нега унинг кафши ҳадеб лойга тишланиб қолади?

Нима бўлган ўзи, бу – қодирийга? Ўзининг кафши ҳам лойга тишланиб қолган, авлоду зурриёдининг ҳам! Ва ҳатто қаҳрамонининг ҳам!..

Ахир, ҳозир олам бир бошқача-ку!

Кўрмаяпсизми, салиб юриши паторат топди, Ғайбдан келган баҳт пуч афсонага айланди. Аммо Воҳидов ҳамон тинчлик бермайди, умидвор кўз тикади, сира кўз узмайди...

Нега?

Нима учун?

Ўтказиб қўйган жойи борми?

Ёки Ўзбекистон онасининг маҳрига тушганми?!

Амал ҳасратида қон тўқади, одамларнинг уйини бузади, тинмай “ўйин” қилади, яна балчиққа ботса, опичлаб ол, дейди!

Қўймайди!

Яна буни зимдан қилади, қора ният билан...

Ғалати-я!

У бўлди-бу бўлди, ахийри, мунофиқнинг кафши лойга тишланиб қолди...

Яна денг, қонли-жодули лойга!

Ха, ўша Андижон воқеаларида...

2005 йил 13 майдан 14 майга ўтар кечаси...

Буни Салай Мадаминов “Бўрон” деб атаган. “Яқинда “Бўрон” операцияси ўтказамиз, ҳаммаси йўқ бўлади!” – дейди, Воҳидовга! “Ҳаммаси” деганда у Абдулла Ориповдан тортиб Энг олий инстанциягача қўзда тутади! Ва буни яшириб ўтирумайди! Ўзига ишонади. Ҳавоси баланд, жуда.

И-я, Орипов нима қилиб юрибди, бу ерда, деб ўйларсиз?

Ҳайрон бўлманг. Мадаминов:

– Каримовни ким қўллади, ўзи? – деб сўрайди Воҳидовдан, жуда баланд мақомда, дунёning эгаси каби.

– Адабий доирада биргина Орипов! – дейди бу кишим.

– Уни ким қўллади?!

– Хотамов! Аммо у тақимнинг тагига олинган!

Кўраяпсизми?

“Тақимнинг тагига олинган!”

“Тақим” бу – Султонов!

Шундан сўнг поляк ляхининг куёви ўша мақомда ҳукм қилади:

– Яқинда “Бўрон” операцияси ўтказамиз! Ҳаммаси йўқ бўлади!..

(Гулдурос қарсаклар!)

Телефонда улар гап берса, мен хузур қиласман.

Нимага денг.

Ошно товланишлар! Мен гап оҳангини айтаяпман!

Қаранг, Салай қай мақомга етди! Синдириб ташлайди! Кесади! Остин-устин қилади! Керак бўлса, ўт қўяди!

Ёпирай!

Шунча “ҳикмат” берган иблис нега бир тахт бермайди, унга?

Дунёда адолат йўқ, ўзи!

Ишонсангиз, Аршда ўтирумай туриб, бундай оҳангда сўзлаб бўлмайди!

Аммо бир ҳақиқатни тан олиш керак. Ўша кунлар “Би-би-си” Ўзбекистонда фуқаролар уруши бўлиш хавфи бор деб овоза қилган. Тайини йўқ қаланғи-қасанғилар: “Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари оёқости қилинмоқда!” – деб жар солган. Хуллас, итнинг боши олтин баркашга чиқкан.

Бу, аслида, ўша “Бўрон”нинг белги-аломати, бошланмаси эди.

Довул қандай бошланади, ҳеч кўрганмисиз?

Мана шундай. Аввалига шамол изғийди, қуюн ҳамма ёқни тўзғитиб ташлайди, сўнг у айланма ҳосил қилиб, хас-ҳашакни учирив, осмону фалакка ўрлайди. Кучга кириб, даҳшат солади.

“Бўрон” Андижонда кучга кириб, Кўқонга қўчиши ва рангли инқилобга айланиб пойтахтни чулғаб олиши лозим эди, Украина, Грузия ва Қирғизистонда бўлгани каби!

Ва яна, наинки Ориповни, ҳатто Энг олий инстанцияни ҳам тўзғитиб ташлаши ва батамом йўқ қилиши кўзда тутилган!

Шунинг учун валломат кун тартибига дунёвий масала қўяди:

– Кимни олиб чиқамиш, ўрнига?!

(Гулдурос қарсаклар!)

Макрни қаранг, макрни! Майли, бу ўз йўли билан, аммо ким шундай дея олади? Ҳатто БМТнинг Бош котибијам бунга журъат этмайди! Ёлғиз Яратган Эгам...

Яратган-Яратган! Ўзгинаси!..

Қаранг, янгиариқлик бир майда миллат қаёқларда парвоз қилаётир!

Майли, сухбатни бўлмайлик!

Буни ёшулли ёқтирмайди. Биламиз-ку, атворини, кўз учиди имо қилса, бир ити оёқдан олади...

– Кимни олиб чиқамиш, ўрнига?! – дейди Мадаминов.

– Сиз нима десангиз, шу! – дейди, бу кишим.

Ўзиям шундай! Бошқа бир нима деб кўр-чи, бу вазиятда, нима бўлар экан! Мурват унинг қўлида!

У ҳал этади, масалани!

Мадаминов сукут сақлайди.

Воҳидов нафасини ичига ютади. Қўли титрайди, ёноқлари учади. Оғзи қуриқшний бошлайди.

Ҳал қилувчи лаҳза. Ҳатто юрак уриши эшитилади.

Сирли ва теран жимлик. Уни кўтариш оғир. Нихоят, фалак зир титраб кетади. Кейин:

– Ватанда сизнинг иззатингиз баланд! – деган бир нидо келади. Мадаминов, ма, ол, деб итнинг олдига бир сүяк ташлагандай кибр билан шундай дейди, сўнг шунга яраша сирли тин олади ва яна ўша оҳангда маҳобат қилади. – Биз ҳижратдаги сиёsatчи!

Воҳидов қойим туради!

Ана шу лаҳза туғилган чақалоқ соҳибқирон бўлади!

(Гулдурос қарсаклар! Олқии узоқ давом этади!)

– Қўймасангиз, нимаям дейман?! – дейди Воҳидов юрак ютиб. – Аммо, бир шартим бор: ўзингиз тоғ бўласиз, таянч бўласиз!..

Бу, энди: “Менинг ёшим ўтиб қолган, келиб ёнимда турасиз! Ҳаммасига ўзингиз эгалик қиласиз!” – деб ялтоқланиш, тағин кўнгилни бўлманг, деб ўтиниш, албатта!

Ўша вакт Воҳидовнинг сулакайи оқиб кетган бўлса, ажаб эмас! Иблиснинг ўзи, ол, қулим, деб, эгарли отни ўнғариб турса! Бундан ортиқ яна нима бор? Ахир, бир умр шу лаҳза учун яшади! Кўзини бир юмиб-очса, Президент! Кимсан, Жаноби Олийлари!

“Воҳидов Жаноби Олийларига!..”

Қутловлар, телеграммалар, қабуллар...

Айда Пушкин, ты гений!..

(Гулдурос қарсаклар!)

Ой фонусин кўтарди осмон,

Юлдузчалар бўлди парвона...¹¹⁸

(Музокара гулдурос қарсаклар билан бўлиб турилди. Унинг якунида қавм оёққа туриб, ўз раҳнамоларини узоқ ва давомли қарсаклар билан олқишилади. “Ура-а!”, “Яшасин!”, “Шон-шараф бўлсин!” деган хитоблар янгради).

Ҳа, ўша “Бўрон” Воҳидовни Оқсаройга, Мадаминовни эса, Вазирлар Маҳкамасига олиб чиқиши лозим эди! Музокара шу ҳақда, битим шундай! Украинада бўлгани каби! Бирор, Чарх тескари айланиб кетди...

Аммо, шаксиз, фалокат босиб, ўша қора ният амалга ошган тақдирда, Салайнинг биринчи иши – Жаноби Олийларига суиқасд уюштириш бўлар эди!

Бу масалада у хаста-шикаста, паранойе¹¹⁹, рост-да, ўтирадими сарғайиб!..

Йигирма йилдан бери Президент бўламан деб жони ҳалок! Ўлибтирилади! Қалья ичига уя қўйган қавми унга мунтазир! Жовдираб йўл қарайди! Айниқса, анови овсар, Мурод Дўстни айтаман-да, ҳеч ўзини аямайди, кўзлари тешилиб кетди! Аммо, Салай қиласи ўттиз, Эгам қиласи тўққиз!

Ҳеч омади чопмади-чопмади! Яна денг, умр ўтиб кетаяпти!..

Айтмоқчи, нега улар айнан ўша кеча хуруж қилди?

13 май бошланмасида, тунги 00:30 ва 01:00 оралиғида...

“Биз енгид чиқайлик, Ҳобил ўлим топиб, соҳибқиронлик Қобилга ўтгани каби”, деган ниятдами?!

Билмадим.

Аммо шу аниқки, “Буюк шоҳмот таҳтаси”даги “каромат”¹²⁰ куй бўлди.

Жаноб Бзежинский янги асрда Шарқий Европага, яъни, Польшага ким хукмрон бўлса, дунёга у хукмини ўтказади, дейди. Унинг даъвосича, бу жараёнда водий ҳал қилувчи ўрин тутади...

Қаранг, у ҳатто Вангачаям Ҳақиқатга яқин кела олмаган! Кўзи очик бўла туриб, оёғи остидан нарини кўрмаган!

Унинг “назария”сига маҳлиё бўлган қавмдошлари эса, худа-бехуда кўп қон тўкишди!..

Умуман, Польшани Салайга, водийни Воҳидовга нима алоқаси бор, дерсиз?!

¹¹⁸

Эркин Воҳидовсатри.

¹¹⁹

Паранойе – даҳолик вассасаси. Бу касалгачалингандикимса амал-марtabага, ҳирс қўйиб, оқни – қора, корани – оқ, дейди, борний ўқча чиқариб, қаҳрамон бўлишга, тарих саҳнасига иличиқишишга уринади.

¹²⁰

Збигнибзек инский “Великая шахматная доска”. Москва, “Международные отношения”, 1998 г.

Яқында ғалати воқеа бўлди. Ўша Мадаминов “Нажот қальаси” шеъри учун Ориповни яна хоинлиқда айблади. Интернетда. Жуда энсам қотди. Нимага десангиз, ўша замонда, бутун бошли империяда жон сақлаш мумкин бўлган бирдан-бир жой – ЦЭКа, дейиш наҳот хоинлик бўлса?! Ахир бу – исён-ку! Шундай катта мамлакатда нафас олиб бўлмайди, нажот – йўқ, деяпти-ку, шоир! Буни хиёнат дейиш оқни қора дейиш, аслида!

Мана шундай “тovланиши” сабаб, тўқсонинчи йилларда, Ражаббой Рауфнинг уйида Салай билан айтишиб қолганмиз. Ўшандада у: “Мен оқни қора, қорани – оқ, деб ҳаммани ишонтира оламан!” – деб катта кетган. Мен ғазаб билан қўзғалдим. Мадаминов шоша-пиша “хў-хў”лаб икки қўлини кўтарди. Бунга Ражаббой гувоҳ. Хуллас, у яна ғашга теккач, бир савол бердим, унга: “Поляк ляхининг қизига ошиқ бўлиб, ўз отаси ва ўз қавмига қўшин тортган Андрей хоинми ёки унинг бошини узиб ташлаган Тарас Бульба?!”

Интернетда.

Мадаминов ўчди.

Биласиз, бу фосиқ ҳам поляк ляхидан қолган бир алвастини судраб юради, ўша Андрей каби!

Энди англагандирсиз, гап нимада эканини?!

3.

Йўқ, илгаргидек бўлмайди энди!

Бу ҳеч мумкин эмас!

Чунки Аннушка писта мойини қўлидан тушириб, синдириб улгурди! қаранг, ҳатто трамвай ҳам йўлга чиқди!

Демак!..

Олдинда келажсак турар аломат!¹²¹

Кўрасиз ҳали, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ғаройиб ишлар бўлиб кетади!

Эҳ-ҳа-а, Чархни тескари айлантириб, ер юзида хукмон бўламан, деб бу муртадлар не-не золимлик қилмади!

Оёқ остидаги бир поёндоз каби, бир даста ёнтоқ каби, ҳатто ундан баттар топтаб хор этишди, ер билан битта қилишди. Лекин, билмайдиларки, ўзлари хор билган шу хилқат уларни етаклаб, шу замин уларни қўтариб юради, улар юлқиб олувчи Одам авлоди ризқини зиёда ҳолида мана шу ер, мана шу олам етиштириб беради.

Сув ҳам, ҳаво ҳам, гарчи ҳазар қилсалар-да, малъунлар қўкрагидан итарган эмас! ҳаттоки Офтоб ҳам нуру зиёсини барчага баробар сочиб келади!

Эҳтимол, инсофга келиб қолар деб, куни битса, Момо ер ҳам сийнасидан жой беради ва уларнинг айбини тўсиб-яширади.

Улуғсан, Момо ер, чўнгсан муаззам Коинот! ҳазрати ҳаққа муносибсан!

Эй бор Худо ё, суюб яратганинг мунчалар мумтоз!

Сени хор этаман деб зулм қилган Иблис алайҳи лаъна ва ўша кўрнамак қобилийлар, қара, қандай тубан кетди ва йўқликка юз тутди!

¹²¹

Абдулла Орипов сатри.

Буткул!
 Яхшиларнинг муроди шу эди! Одил Ёқубовнинг ҳам...
 Эй бор Худо ё, мунчалар азизу мукаррамсан! Азминг улуғ, ўзинг бекиёссан!
 ҳамду сано бўлсин барча оламларни яратган ва она сути янглиғ пок этган Зотга!

4.

Баҳоуддин Нақшбанд икки олам сиридан шундай хабар беради:
— Махфий қолмасинки, тошу тарозили дунё бу! Яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам ўлчов ва ҳисоб-китоби бор! ҳадд билмаган завол топмоги муқаррар!

Бу дунё сир ва ҳикмат асосига қурилган, унинг эҳтиёжингга ярашаси ошкор этилган, қолгани эса, тақиқлаб қўйилган.

Кимdir сеҳр-жоду билан тилсимни истеъфода этиши, бирони иситиб, бошқа бирони совутиши, улуғлар йўлига банд солиб, ризқу насибасига шерик бўлиши ва ҳаттоки ҳаёт ҳақини олиб қўйиши мумкин. Оллоҳ ярлақаган зотнинг улуғлик тўнини тунаб, елкасига илиб юрган товламачи оз эмас. Аммо бу билан у нимага эришди? Ўзига, авлоду зирриёдига даҳшатли азоб, шармандалик ва йўқлик бино этди. Бунинг нима эканини қўрасиз, ҳали!

Эй одамзод, унутмагинки, ҳадд билган ҳар нарсадан яхши!

Ниятимни ҳеч ким билмайди, қилмишимдан ўзгалар ғофил, деб калтабин ўйлаши мумкин. ҳар қайси йўлнинг ва амалнинг, ҳар қайси сирнинг ва дунёнинг Эгаси бор, У сенинг ўйингда, руҳингда ва ҳар бир нафасингда мутлақ ҳозирдир!

Шундай кун келадики, У қудрат қўли билан нақ бўғзингдан олади ва, нега илоҳий тартиботга нопок илкингни урдинг, деб йўқликка улоқтиради.

Жаҳаннамга эмас, йўқликка!..

Яратганнинг ғазаби наинки ўзингнинг, авлоду аждодингнинг икки дунёсини куйдириб юборади!

Бунинг нима эканини билмоқчи бўлсанг, кўзингни очиб қара, нималар бўлляяпти?! Ер ларзага келиб, тоғлар тумандай тўзмоқда. Бало-қазодай тошқин шаҳарларни ювига кетаяпти. Кеча дунёга ҳукмини ўтказган кучли давлатлар бугун заволга юз тутаяпти.

Омонлик йўқ.

Кеча Каддафий даҳшат солиб турган эди, бугун қани у?!

Қани Ҳусни Муборак?!¹²² Уни замбилда олиб келаяпти, судга! Халқ ўлим тилаяпти!

Учига чиққан Башир Асад¹²³ ҳам жоду қозигига ўтиради, ҳали! Иложиси йўқ!..

¹²² Ҳусни Муборак – 1928 йил 4 майдату гилган. 1981 йил 14 октябрда Миср президенти бўлган. Ўша куни мамлакатда ҳарбий ҳолат жорий қилган. Бу режим мамлакатда рўй берган ва узоқ давом этган инқилобдансўнг, 2011 йил 11 февралда истеъфо бергунча ҳукм сурган. Апрелда ҳибсга олинган.

Шом жодуга ўраб-чирмалган. Вактида Язид қўшини Мухаммад алаҳиссалом оила ичи ва авлоду зурриёдини қиличдан ўтказиб, Имом Ҳусайннинг қонли бошини Дамашққа, халифа саройига олиб келган!

Соҳибқирон Дамашққа етганда амирлари ва аъёнларига шуни айтади.

– *Бул мамлакат бир қанча вакт Муовия ва Язиднинг қўл остида бўлган. Ва биз доим эшишиб келар эдикки, ул маҳалда марвонийлар аҳли байтга, хоссатан ҳазрат Мустафо салл Оллоҳу айлайҳи ва салламнинг куёви ва биродари Алии Муртазо ва унинг қиёматли хотини Фотимайи Зуҳро фарзандларига ёвлик-душманлик қилиб келдилар, урушдилар, ўлдирдилар, ҳам уларнинг ҳақига зид-гаюр ишлар қилдилар.*

Бизга бу эътиқод номақбул кўринган.

Шунинг учунким, улар умматнинг яхиси эрди ва уларга эргаишганлар зулмату куфрни тарқ этиб, Ислом нурига мушарраф бўлди.

Улар қандай қилиб Расулуллоҳдек муборак зотнинг оила аҳлига бу қадар акслик-золимлик қилгай?..

*Шундай қавмга Ҳақ таоло қандай қилиб балоий оғат юбормагай?!
Ва уни азобу уқубатга гирифтор этмагай?!¹²⁴*

Муовияга ўхшаганлар муҳаммадийларни бўлиб-парчалаб ташлади. Малъунлар унинг бошига чиқиб олди. Йиллар, асрлар давомида ҳукм сурди, уларнинг қонини ичиб келди. Бугун шу куч завол топиб, тириклай жаҳаннам оловида ёнаётир!

Жазо ваъда қилинган Кун, бу!

Унинг ёлқини сезилгани учунми, Қиёмат ҳақида баҳс этмоқ таомилга кирди. Кеча “Аргументы и факты” ҳам шу ҳақда ёзипти¹²⁵...

Унда Ғайридин, яъни, Дажжол майдонга чиққач, Яхшилик билан Ёмонлик ўртасидаги кураш кескин тус олиши айтилган. Мухаммад алайҳиссалом ихтилоф ечими Жума куни Дамашқда воқе бўлади, дегани ёдга олинган.

Низомиддин Шомий ҳам “Лавҳил Маҳфузда Шом ерлари интиқом лашкарига манзилгоҳ бўлади, деб ёзилган”, дейди.¹²⁶

Хуллас, шунаقا...

Муҳаммад алайҳиссалом айтади:

– *Қиёматнинг дастлабки белгиларидан бири шуки, Масриқдан ўт-аланга чиқиб, Мағрибга тарқалгай...¹²⁷*

Эҳтимол, у Японияда бўлган кучли зилзила, ваҳимали цунами ва АЭСдаги портлашни; Европани ҳалокат гирдобига тортган жаҳон молиявий-

¹²³ Башир Асад – 1965 йил 11 сентябрдату ғилган. 2000 йил 10 июнда отаси Ҳофиз Асад вафот этгач, унингўрнига Сурия, яъни Шом президенти бўлган.

¹²⁴ Низомиддин Шомий. “Зафарнома”, Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1996 йил. 306-бет.

¹²⁵ «Аргументы и факты», 2011 йилдекабр, № 51.

¹²⁶ Низомиддин Шомий. “Зафарнома”, Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1996 йил. 288-бет.

¹²⁷ Имом Бухорий. “Ал-Жомиъ ас-сағиғ”, 4-жилд, Тошкент, Қомуслар Бош таҳририяти, 1992 йил, 391-бет.

иқтисодий инқирозини ва араб дунёсини ларзага солган ўт-олов исённи кўзда тутгандир?!.

Муҳаммад алайҳиссалом яна айтадики:

– Яратган Қиёмат куни инсонлар ва жинларга буюради:

– Эй, инсонлар ва жинлар! Мен сизга вақтида йўл кўрсатганман!

*Бугун амал дафтариғизда билан тугаса, Яратганга ҳамд айтсин! Кимнинг иши ёмонлик билан тугаса, ўзидан кўрсин! Ўзгадан айб қидирмасин!*¹²⁸

Шундай!

5.

Ҳикояга якун ясасам дейман. Қаранг, шу тобда нима кўнглимдан ўтаяпти? Миразиз Аъзамнинг оташин хитоби!..

У Одил Ёқубовга укасидан ҳам меҳрибон эди.

1991 йил.

Воҳидов, Салай, Мурод Дўст, Усмон, Эркин, Хуршид, Султонов ва Кўчим кабилар Уюшмани забт этиш учун қўшин йиққан. Ўша қавм. Чумолидай изғийди, уйқу – нима, билмайди. Бири очиқ ҳамла қилса, бири зимдан иш кўради. Бир нимадан қуруқ қолаётгандай ўлиб-тирилади. Тинмайди, сира. Қирқоёқ. Ҳалақунинг кучуги...

Ўша пўртанали съезд арафаси.

Яна бунинг устига, Ёқубов “тўйиб” кетган, ишдан кетмоқчи, қарори қатъий. Масала баланд мақомда ечим топган. У мени уйига таклиф қилди. Шуни айтиб: “Сиз бу ишга аралашиб қолманг, тағин! – деб астойдил ўтинди. – Зинҳор-зинҳор аралашманг! Менинг бирдан-бир илтимосим шу!”

Мен лафз қилдим ва ўзимни четга олдим. Чиндан ҳам, бунда бир сир яширин эди. Вазият жуда қалтис ва хатарли туюлар, воқеалар оқими юракка ваҳм соларди.

9 октябр.

Президент Ислом Каримов таниқли шоир, ёзувчи ва адабиётшунос олимларни қабул қилди, “Халқни ҳамкорликка, жиспликка чақириши учун сизнинг мададингиз зарур!”, деди уларга. Шундан сўнг бир пиёла чой устида съездни кўнгилли ўтказиши, чинакам сўз эркинлиги ва халқчил асарлар яратиш бўйича фикр алмашилди.¹²⁹

17 октябр.

Эртага съезд...

Кечкурун. Миразиз Аъзам билан айланиб юрибмиз. Унинг ҳасратидан чанг чиқади. Йилт этган нажот йўқ. Аммо, аввалги бир пленумда бўлгани каби, ёзувчилар Ёқубовга изн бермоқчи эмас. Амал ҳасратида елиб-югуряётган қавм эса, кутуради, ҳадд билмайди, ҳаловат билмайди.

¹²⁸ Абу Ҳомид Газзолий. “Мукошафат-ул Қулуб”, 2-китоб, Тошкент, “Минъож” нашриёти, 2004 йил, 121-бет.

¹²⁹ “Ўзбекистон овози”, 1991 йил 11 октябр.

“Кўрак чувиш машинаси” ишлаб кетган, чанг бурқситиб, дунёни бузади!

Миразиз Аъзам шунга қуюнади, “Сиз билмайсиз-да!..” – деб қўяди, ўкли хўрсиниб.

Чиндан ҳам, мен қўп нарсани билмаганман. Шунданми, зикланиб:

– Бир гап бўлар! – дедим ахийри. – Ёқубов ишдан кетса, осмон узилиб тушмас!..

– Йўқ, биз қайтмаймиз! – деди шоир инжиқлик билан, кейин менга юзланиб, қайдан куч олди, билмайман, бирдан қайнаб хитоб этди:

*Кирқ пари қувиб келар,
Ел билан, довул билан!
Келса келсин довул билан,
...икамиз овул билан!*

Ўшанда бу яхшилар маршига айланган! Ва қирқ “пари” Ёқубовни ағдара олмаган!

Ўша съезд Навоий номидаги академик театр биносида бўлган. “Ёқубов қилган ҳисобот маърузасини муҳокама қилиши гоят қизгин тусда ўтди...

*Музокарада қарийб эллик нафар нотиқ сўзга чиқди*¹³⁰.

Очиқлик, ошкоралик, демократия бўлса, шунчалик бўлар-да!

Ниҳоят, ташкилий қисм бошланди. Адиблар раисликка Хуршид Даврон номзодини кўрсатди. Ёзувчилар эса, яна Ёқубовни илгари сурди. Ўшанда Даврон атиги 37 та овоз олган, холос. Шунча асьасаю дабдаба билан! Мўйсафид Ёқубов уни чангда қолдириб кетди, бутун қавми, ўрамаю афсуни билан! Кейин Мурод Дўст минбарга йўл олди, у шартакилик билан: – Ёқубовнинг программаси йўқ-ку?! – деди.

Кўрдингизми? Булар – компьютер, программа бўлмаса, ишлай олмайди. Дастурсиз компьютер – яроқсиз қути, демоқчи у.

Холбуки, одамлар бошқача яшайди!

Холбуки, масала ҳал бўлган.

Ўшанда мўйсафид, бари бир, унга жавобан минбарга чиқди, қилган ишлари ва яхши ниятларини баён этди. Ҳатто Дўстга: – Укаларим, шогирдларим бўлиб, мунча одамга сачрайсизлар?! – деди. Шунда Дўст: – Нима, сиз менинг қўлимдан тутиб, ёзишни ўргатганмисиз?! – деб ўдағайлади. Худди бир нима ёзиб, қойил қип қўйгандай!

Графоман!¹³¹

На ишида, на ёзувида на бош-на кўт бор!

Дардисар, овсар!

Яна Даврон эса: – Раис бўлсам, ўзгариш қиласр эдим! – деб йифлайди. Чақалоқнинг сўргичини олиб қўйсанг, шундай ҳиқиллайди.

¹³⁰ “Ўзбекистон овози”, 1991 йил 24 октябр.

¹³¹ Графоман – графоманиягадучор бўлган шахс, ёзишга ишқибозлик, ёзувчиликка беъуда уриниш, қўлидан келса-келмаса ёзавериш.

Үшанды Султонов: – Биз бундай союзга аъзо бўлмаймиз! Ундан чиқиб кетамиз! – деб, аъзолик билетини ташлаб, съездни тарк этди. Унга бор-йўғи 14 та шотири эргашди, холос...

Кейинчалик Мадаминов ҳам худди шундай қилди. 1992 йил 2 июлда, Олий Кенгаш сессиясида у депутатлик мандатини ташлаб чиқиб кетди.

Бунинг нима эканини сиз қаёқдан билар эдингиз!

Жоду илмида бу ёзувчиликдан ва ҳалқ ишончидан ўз ихтиёри билан воз кечиш, деган...

Эт устухондан ажралмоқда.

Мен маҳобат қилаётганим йўқ.

Буни ҳар қадамда кўриш мумкин.

Асилик ва тугал Озодлик учун кураш шундай кечди.

Қирқ “пари” Иблис салтанати меросхўри бўлиб, уни сақлаб қолмоқ, қавмининг ишончини оқламоқ учун ўлиб-тирилган, аслида...

Гап Кўхна қитъада эмас, Эркин дунё ва Шарқий Европада, ёки бўлмаса, Шом ва Ироқда эмас, аслида, улар йўқ нарсалар, ҳамма гап мана шу ерда, мана шу заминда – Икки дарё оралиғида!

Одам Ато ҳам, Момо Ҳаво ҳам Зарафшон бўйларида тўп қўйиб палак ёзган, унинг сувини ичиб, ўша ерда зироат етиштирган, уй-жой қилган, мол боқиб, ўзидан кўпайган!

Қобил ҳам Ҳобилни шу ерда ўлдирган.

Қарғиш олиб борган жойи вақти-соати билан Бобил деб аталган...

Майли, воқеалар оқимидан четга чиқмайлик.

Хўш, нега шундай бўлди?

Ёқубов даврида юзлаб ёшлар уйли-жойли бўлди, дала-ҳовли олди. Қанчада-қанча автоулов берилди.

Уюшмада иш қизғин. Ижод аҳлига эътибор кучли. Ёзувчи-шоирнинг иши нима? Ёзиш-чизиш! Айниқса, кеча Озодликка чиққан мамлакатда қалам аҳли ҳаммага ибрат бўлиши, енг шимариб ҳалқчил асарлар ёзиши, оқимни эргаштириб кетиши ва ёруғликка бошлиши ҳам қарз, ҳам фарз-ку?!

Беҳбудий шундай бўлган! Қодирий, Фитрат ва Чўлпон ҳам!..

Окамгилар бунинг ўрнига, нега исён-тўполон қилиб юрибди?!

Тақир ерда чанг чиқарип, дерсиз.

Беҳбудийлар нега йўқ қилинган?

Қодирийга ҳамон кун беришмайди!

Нега?

Бунинг илдизи битта: Қобил нега ўлдирди, ўз акасини?!

Аввало, улар буни Каримов қиласяпти, бу – девоннинг иши, деб масалага сиёсий тус берди ва ёзувчиларни унга қарши қўйди. Икки орага совуқлик солди ва ўзига донғил йўл очди. Девонга қўчиб ўтиши. Ва кирдикорини унинг номи билан боғлаб, давом эттириди. Ҳатто Чингиз Айтматовни таъмагирга чиқарди, улар! “Қаранг, пул сўрапти-я! Нима қиссин, ўрганиб кетган-да, совуришига! Йўқ, ухлаб қолган, қабул пайти! Бўлади-да, шунақасиям, қант касали бор!..”

“Кўйинг, Қодирийни тилга олманг, Шеркон анавиларга қўшилиб кетипти! Катта эшишиб!..” “Одил Ёқубовни асраш керак!” “Маҳмуд Сатторга айтинг, Орипов ҳақида эсдалик ёзмасин! Нима деган гап, бу! Олдин ўлсин, кейин ёзамиз!”

“Фаррух Зокировга нима етмайди, ўзи?!”

“Мурод Ражабов ҳам қовун туширипти!..”

“Эркин Комилов!..”

“Наим Каримовни бермай туринглар! Шерали Турдиевни ҳам!..”

“Музаффар Аҳмад нима қилган? Рўйхатга илиниб юрибди?!.”

Ё фалак!

Қанча рўйхат тузилди, тарқатилди! Қанча одамнинг йўли кесилди!

“Мустақиллик майдони” фильмси тайёр бўлгач, Султоновга кўрсатгани олиб бордик. Мен сценарий ёзган эдим, Қуддус Аъзам эса, бошловчи. Султонов уни “ёқтирмай” қолган. Шу боис, бир қўриниб, мавзудан мавзуга ўтилишини айтади, халос. Аммо шу ҳам Султоновга “ёқмади”.

– Қуддус! – деди у, ижирғаниб, кейин сўлиш олди ва ўнг кўзини хонасида бир айлантириди. – Познерни биласан?!

– Биламан, Хайриддин aka! – деди Қуддус вазиятни юмшатиш учун. – Ҳамма айтаяпти, шуни! Ҳатто оғайнилар ҳам “дазмолни токка уласак, лоп этиб сен чиқасан”, деяпти!

– Надоел!

Холбуки, Қуддус шахсан Каримовнинг кўрсатмасини адо этган. Ва Озодликнинг қадр-қимматини ёшларга етказишида ҳеч ким учалик жон куйдирмаган!

У бутун борлигини шунга фидо этди, деса, ҳақ бўлади.

Ва шунинг учун бир четга суреб қўйилди!

“Надоел!”

“Сен кимсан, ўзи?!”

Безбетдан шундай деб сўрагим келди, жуда, аммо бу – жоиз эмас!

Чунки у бош устимда ўтирибди, кимсан, кичкина котта!

Мана шу вазиятда, телекомпанияда Кўчим даҳшат солади! Аждарҳо! Олов пуркайди: “Ҳэ-э, онангни фалон-писмадон! Нимага Ёқубовни кўрсатасан? Ўчир! Қорасини кўрсатма! Катта!..”

Компания чайқалиб кетади. Кўрқув-ваҳима! Қий-чув! Тўполон! Йифисиғи! Кимнинг боши учиб кетган, кимнинг – оғи!..

Қиёмат қойим.

Жабр кўрганлар уни судга берса, яна кураги ер исказиди.

Ў-ў, бунинг “ўйин”лари!..

Нукул “она”дан келади.

Ўтқир Раҳматни шу четлатган, девондан! Очиқ тухмат билан!

Унинг қудасини ҳам! Депутат бўламан деб бирга номзод қўйгани учун!..

Хусуматни қаранг!

Тўра Мирзога, унинг оила ичига қилган қоралиги-чи?

Чегара билмайди!

Фақат шу эмас!..

Аммо ҳамиша Кўчим ҳақ бўлиб чиқсан...

Ўзгалар назарида, у Каттанинг эркатои! Бир тонг кийиги!..

Холбуки, у қилган ифво, фиску фасод...

Бугун ўша олчоқни чақириб, айтган гапинг учун жавоб бера оласанми, десам, ўтда ёнган елим идишдай ириб оқади...

Бу ёқда Остонов¹³² маҳобат қиласи:

— *Европага тегманлар! Дунёни Европа бошқарайти!*

Хайрон қоламан!

Ўзим билган одам, ўша Остонов! Девонда қўлимда ишлаган, бир нима десанг, нуқул, каллам ишламаяпти, деб зорланган, ими-жимида Султоновнинг хизматини қилиб юрган! Куддус¹³³ шуни айтган-да, бир йифинда: “Тентак қўй!” — деб. Қаранг, бошини деворга урар эди, каллам ишламаяпти, деб. Бугун бўлса, ўзгариб кетган! Валломат!..

Ўзи ўша нусха, аммо ҳайбатидан от ҳуркади! Бир нима деса, осмону фалак акс-садо беради:

— *Европага тегманлар!* — деб...

Тавба деб ёқа ушламай бўладими, шунда!

Унинг кабинетида сир бор, гапига тус беради...

Очарчилик йиллари оғир бўлган. Бир киши аёлидан айрилиб қопти. Очликдан бола-чақасиям шишиб кетибди. Шунда давлатманд қўшниси унинг ёдига тушибди. Шоир айтади-ку, *Ярқираб юлдуз ёнодур тун қаро бўлган сайин, Ёдима Тангрим тушар баҳтим қаро бўлган сайин*¹³⁴, деб. Шунга ўхшаб, қўшниси яхши одам! Қарами кенг! Борса, қуруқ қайтармас! Ўғил-қизи туз totса, уч-тўрт кун яшар! Унинг қўлида жон бермас!

У йўлга чиқади. Ёғин-сочин. Лойгарчилик. Яна, бунинг устига, силласи қуриган. Бўсафага аранг етади. Йиқила туриб, дарвозани тақиллатали.

Бой чиқиб қараса, шу ҳол.

— Нима гап? — дейди у. — Тинчликми, қўшни?!

— Қизингга совчи бўлиб келдим! Келин қилмоқчиман, уни!

Бой хизматкорларига буюради. Ва уни мурчага олиб кириб ювинтириб, бойнинг эски кийимларини кийдириб, меҳмонхонага олиб чиқишиади.

Бой меҳмон қиласи, кейин:

— Тинчликми, қўшни?! — деб сўрайди.

Бечора ёниб кетади, зорланади.

Бой бир қоп ун, бир қоп гуруч, мой-пой бериб, уни кузатади.

Хизматкорлар қайтиб келгач, ҳайрон бўлиб:

¹³²

Сафар Остонов – “Ўзбекистон овози”нинг Бош муҳарири.

¹³³

Куддус Аззамов – ўша вақт девондабош консультант бўлган, Ахборот маркази раҳбари Саъдулла Ҳакимовга: “Топиб олганингманавитентак қўй! Эрталабдан каллам ишламаяпти, деб бошини деворга уради! Бир иш қилмайди!” – деган.

¹³⁴

Абдулла Тўқай сатри.

– Бой ота, ҳеч ақлимиз етмаяпти, – дейди. – У, болаларим очдан ўлиб кетмасин, деб ялинди. Дастьлаб, қизингга совчи бўлиб келдим, деган эди-ку?! Бу – нимаси?

Бой, қани, бир кетмон ол-чи, дейди унга ва ўша, қўшниси йиқилган жойни ковла, деб буюради. Қарангки, бир оз қазгач, ўша ердан бир хум олтин чиқади.

– У шундан куч олган! – дейди бой. – Шунинг учун, қизингни келин қилмоқчиман, деган. Тилла одамни кўтаради...

Шунга ўхшаб...

Бир куни Остонов Хайриддинни улуғлаб қолди, жуда-а покдомон йигитда, бу, деб.

Мен кўл силтадим.

У ҳайрон бўлди.

– Сиз билмайсиз! – дедим унга. – У учига чиққан товламачи! Мана, оғайнингиз Соат Шарипов!..

Соат Шарипов ёш оила, келин-куёв қандай танишгани, қандай оила кургани, қайнонанинг муносабати хақида бир кўрсатув ташкил этди. Одамлар шундай нарсага ўч, ташна жуда. Каттаю кичик уни берилиб кўра бошлади. Шунда бир кўрсатма бўлди: кўрсатувнинг аудиторияси кенг. Унинг ахлоқий-маърифий таъсирини кучайтириш лозим. Шариповга кўмак беринглар. Бир кўрсатувда оиланинг мўътабарлиги, иккинчисида – келиннинг бурчи-вазифаси, учинчисида – қайнона-келин муносабати масаласига ургу берсин, яхлит бир тизимга айланти rsin!

Шариповни рўйхатига киритинглар, мукофотга! Менинг раҳматимни етказинглар!..

Худо берди!

Шарипов хизмат кўрсатган артист бўладиган бўлди!

Бир куни Соат ака йўқлаб қолди. Бордим. Чой ичиб ўтириб: – Кеча Ахрор¹³⁵ келди! – деди. – Бу йил даъвогар кўп экан, чамаси, медалга илинасиз! Шуни билгач, Соат аканинг имкони бор-ку! Ҳаракат қилиш керак, деб келдим, олдингизга, деди...

– Ундай бўлмайди! – дедим мен, юқоридаги тартиб-қоидани биладиган одам сифатида. – Биринчидан, бу – Каттанинг топширифи! Ҳеч ким унга дахл қила олмайди! Иккинчидан, у бола Мелибоев¹³⁶ билан яқин, бир жойдан! Мелибоев қабристондан ўтса, бир суюкни илиб кетади! Бўлмаса, ўлиб қолади! У сиздан бир нима ундириб қолай деган, етимагини юборган!

Шарипов хотиржам бўлди, аммо масала ҳал бўлишига бир ҳафта қолганда у яна телефон қилди. Кўришдик. Жуда безовта.

– Ҳа, тинчликми?

– Ўша гапда жон борга ўхшайди! Боя Сафар келди, бундай ишлар харажатсиз битмайди! Беш минг тахла, ҳал қиласман, деди.

¹³⁵

Аҳрор Аҳмедов – “Шарқ” НМК Бош таҳририяти бошлиғи.

¹³⁶

Аҳмаджон Мелибев – ўша вақт давлат маслағатчиси ўринбосари бўлган.

– Сиз нима дедингиз?

– “Унвонни сотиб олмаганим қолувди, ўзи! Фалон-писмадон!..”, дедим.

Мен ички бир қаноат билан яна унга таскин дердим.

– Буям Мелибоевнинг иши! Остонов билан у бир одам! Курсдош! Хайридин тоза йигит! Бу гапдан бехабар, у! Мен кириб айтаман, Соат акага унвон берса, арзиди, деб...

Ўшанда Султонов билан бир йилча бирга ишлаганмиз, кўп ишим тушмаган, у ҳақда фикрим яхши эди; ўзиям ҳалим, муллайигит, хуш муомала қиласди.

Кечки пайт унинг олдига кирдим. Уч-тўрт масалада маслаҳат олгач, авзойига қараб Шариповдан гап очдим ва унга унвон берса, арзиди, дедим.

Биласизми, шунда нима бўлди?

У қутурган итдай ташланди, менга!

– Сиз аралашманг, бу ишга! У – фирмач! Мошенник!¹³⁷ Ширма¹³⁸ учун кўрсатув қиласди! Аралашманг! Боринг, ишингизни қилинг!

Мен кутмаган эдим, буни!

У “юзочар” қилди.

Ва шу кундан бошланди, тинтуб-текширув!

Чиндан ҳам, Шариповнинг фирмаси бор экан! Аммо, атиги битта операция қилган экан, халос! Аммо прокуратура уч ой ийифини чиқариб эзғилади, уни!

Агар, майда бир ишкан чиқса ҳам, Соат Шарипов қамалиб кетар эди! Шундан сўнг ўша кўрсатув йўқ қилиб юборилди!

Мен шуни айтдим, Остоновга, юзига! Аммо, ўшанда Ахрордан кейин сиз боргансиз, демадим, яна кимдир борган, унга Соат ака “шундай-шундай деган...”, дедим, сўзма-сўз! Сабаби – вақтида у айтганки: “Ўзимни ҳурмат қилмасангиз, Кресломни ҳурмат қилинг!..”

Тепангда турган раҳбар, яна орқасида – партия, ўша, Ильичдан қолган афсунли оқова! Яна унинг ортида ўртоқ Султонов турипти, оёқ тираб!

Юз амри иссиқ!

Жуда андишали ҳалқмиз!

“Қўйинг, шу гапларни! – дейишади. – Сизга нима?”

Жонини суғуриб оляяпти, аммо: “Кечиримли бўлайлик!” – дейишади!

Қайтаришади!

Қўймайди!

Нохуш, аммо шундай!

Ҳамма гап Креслода!

Шариповни чулғаб олган жоду тўфони энди-энди тўзғияпти. Ва у яна юзага чиқаяпти.

Қанча умри куйиб кетди.

Мен шунга ачинаман.

¹³⁷

Мошенник – муттаҳам, товламачи.

¹³⁸

Ширма – ниқоб.

Шу ҳам иш бўлди-ю?
 Нахот, шундай яшаш мумкин?
 Ақлдан эмас, бу!
 Аламзада мажруҳнинг тизгинсиз талвасаси!..

Нега Остонов: “Европага тегманглар! – деган”, дейсизми?

2007 йилнинг охири. Иқтисодиёт билимдони Ашур Қодиров бир мақола олиб келди, ўшанда у *тилсимили иқтисод* Европада инқироз келтириб чиқаришини айтган. Вақти-соати билан бу бало Тожикистон, Қирғизистон ва Қозогистонни ҳам комига тортиб кетишига ишора қилган. Намоз Саъдуллаев кўзи тешилиб уни тайёрлади, саҳифага қўйилди. Эрталаб қарасак, йўқ!

Мажлисда Остонов расмий “Баёнот” билан чиқди:

– *Бизнинг экспертлар бунинг тескариси бўлади, деган хулоса берди!*
Европага тегманглар! Дунёни Европа бошқараяпти!

Одамларга ҳақ гапни етказиб бўлмайди! Тўқсон тўққиз фоиз нашр устида шунга ўхшаш одам. Улар фикр ва янгилик оқимини тўсиш билан овора. Худдики, оламда бўлаётган ўзгаришнинг бизга ҳеч дахли йўқ! Худдики, ҳамма ёқ тинч, сув қуигандай! Жимжитлик!

Нега?

Ўзгариш уларнинг зиёнига!..

Буни ўзгалар тугул, ҳатто ўзлариям билишни истамайди! Ва хусумат қилиб, яхшиларни аросатда тутишга уринади...

– Ўзбекистон тараққиётдан йигирма йил орқада қолди, – дейди Остонов!

Яъни, биз йўл бермадик унга, деб ўзича писанда қилади.

Аммо Ўзбекистон қора кучлар оёғидан ушлаб, орқага тортаётган бир пайтда, бўйнига осилган зил-замбил юкни қўтариб, ҳалоллик ва заҳмат билан қад ростлади, жаҳон молиявий инқирозга учраган замонда!

Буни дўст ҳам, душман ҳам кўриб турибди...

Султонов ҳам!..

“Худди ерда Бухоронинг сўнгги амири Зарафшонда сочиб кетган тангаларни кўргандай, нигоҳингни асти ердан узмайсан...” – деб ёзади ИброҳимFaуров “Хайриддин” мансурасида.

Олим Отахонов уни шундай изоҳлайди: “*Манфаат йўлида, секин-аста ўз идеалларига – ёшлиқдаги орзу-умидларига хиёнат қила бошлаган ёш ийгитнинг тубанлашаётганини кўрган шоир нола чекади-ю, “кўкка қара, бошинг кўтар, ер чизмасдан, Хайриддин”, деб илтижсо қиласи*”¹³⁹.

Бу – отам замонидан қолган гап! Ундан буён чорак аср ўтди, яна қанча ишлар бўлиб кетди. Ва бошни баланд қўтариб юриш учун одамда юз, ор-номус бўлиши керак, ғуур ва орият, ҳақ-хуқуқ бўлиши керак!

Изida йилт этган ёруғлик бўлиши керак!

Қилган иши қабоҳат бўлса, ҳаммани қон қақшатса, қандай қилиб яна бош қўтариб юради, у?

¹³⁹ ИброҳимFaуров. “Нигоҳингнибиркўргаликлганэдим...” Мансуралар. ОлимОтахонов, “Ижобат”, сўнгсўз. “Ёшлиқ” журнали, 1988 йил №12, 2-7-бет.

Бундай бадбаҳт ҳатто ер чизишга ҳам ярамайди!

Ва ер чизиш унча чўзилмайди.

Асли йўқ нарса йўқ бўлиб кетади...

– “Тақдир ажойиботлари”ни ўқидим, – деди бир зиёли. – Буни кўпчилик яхши билади! Фақат айтишга истиҳола қиласди! Ёки журъат этмайди! Чунки у юқорида ўтирипти! Сиздан бир нимани сўрасам, майлимий?!

– Сўранг, сўранг!

– Яқинда телевидение Султоновнинг тизимида қилинган шармандали ишлар ҳақида фильм берди, хужжатли, яна икки қисмдан иборат! Қаранг, дорнинг тагидан қочган, қамалиб чиққан бузуқилар унинг васийлигига ишга жойлашган, ҳатто амал олган ва яна юлғичлик қилган! Улар бизга, матбаачилар шаънига иснод келтирган! Бу рўй-рост айтилди! Ҳатто, бир очофат етимхонага бориб, бир қоп шакар берасан, деб жанжал қипти! Буниям эшиитдик, бундан баттарини ҳам! “Матбуот тарқатувчи”, Матбуот ва ахборот агентлиги, “Шарқ” НМАКда қилинган кирдикорлар очиб ташланди. Унинг ўринбосари Муҳидинов кирдикори ҳам очиқ айтилди. Шунинг учун у девондан ҳайдалган! Яна бир ўринбосари Болтабой Шодиев эса, қора қилмиши учун, бир неча йилдирки, қамоқда ётибди!

Бундай вазиятда, одатда, шайкага қўшиб, “крестный отец” ҳам йўқ қилинар эди!

Уни ким тутиб турипти, ёш авлод тарбияси, миллат матлаби-маслаги билан боғлиқ шундай бир нозик жойда?!

– Уни тутиб турган – инсу жинс, сеҳр-жоду! – дедим унга. – Бошқа ҳеч нима эмас! Унинг турган-битгани шу!

Аслида ҳам шундай!

Кўза кунида синади!

Шунда ҳаммаси ечим топади!..

Агар, сиз эътибор берган бўлсангиз, “Ватан тарихи”да¹⁴⁰ **анимизм** (руҳга сифиниш), **мотимизм** (аждодлар руҳига сифиниш), **магия** (сеҳргарлик) дастлабки диний эътиқод сифатида талқин этилган. Бу – шу нарса! Кейингиси! Ва уни ёзган бу сирни билади, унинг кучини, амал илмини ҳам!..

Ва, нималар деяпти у, ёшларга?!

Тоҳир Малик “Шайтанат” деб роман ёзади, бу юзи қора уни унвон билан сийлайди, Ўзбекистон халқ ёзувчиси!..

Хўш, нима дегани у – **шайтанат**?!

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?!

Қаранг, миллий тил ихотаси учун сув билан ҳаво бўлган Атамакўм тугатиб юборилди!

Нега шундай қилди у?

Ёқубовга хусумати учунми?

Йўқ, ўзбек тили чалкашиб ётсин, боши ғурбатдан чиқмасин учун!..

¹⁴⁰

Ш. Каримов, Р. Шамсутдинов. “Ватан тарихи”, Тошкент, “Ўқитувчи” нашриёти, 1997 йил, 20-бет.

Сиз Султоновни айтасиз! Муштдайгина бир тирмизак – Хайрулло Нуруллаев! Шунга ҳеч ким бас кела олмайди! “Ёшлар” каналига миниб олган, суднинг қарорини писанд этмайди! “*Бу идорада суд ҳам, прокурор ҳам, Президент ҳам ўзим!*” – дейди! Шунга норози бўлса, “*Шарафутдиновга айтаман, чиқсан жойингга тиқиб юборади!*” – деб дўқ уради, дағдаға қиласди!

Шунда бизнинг идоралар ҳам зир титраб кетади!

Туркини кўрсанг, кўнглинг айнийди! Аммо, дағдағаси оламни бузади!

Э-э, нимасини айтасиз! Шукр қилиш керак! Уриб ўлдириб қўймагани учун!

Юрибмиз-ку, тупроқдан ташқарида, Миртемирга ўхшаб!

Миртемир олтмишга кирганда Куйбишев район Ёнгин хавфсизлиги бўйими Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган!

Тўрт кишини йиғиб, союзда уни қутлашган. Охирида оқсоқол сўз олиб:

– Менинг фикримни ҳукуматга етказсангиз, Комил Нуъмонович! – деган.

– Мен давлатимиздан ўла-ўлгунча розиман! Вақтида қамади, тарбиялади, одам қилди! Бўлмаса, Сайёрга ўхшаганлар кўчада тутиб олиб, уриб ўлдириб юборар эди!..

Майли, буям ўтади!..

Бир вақт қарасангиз, Мухиддинов,¹⁴¹ овчининг тозисидай хонама-хона изғийди, жуда сирли оҳангда қулоққа шипшийди: “*Чагаев тилга олинмасин, Руслан Чагаев!..*”

Уни хотирандан ўчириб ташла деб ундейди. Лекин, одам компьютер эмас-ку, хотирани ўчира олса! “*Бу – қандай гап? Нега бундай бўляяпти?*” – деб ўйлайди, масаланинг илдизига етмоқчи бўлади. Шунда улар фасод ёяди.

“*Қаранг, шундай қипти-я, кўрнамак! Каттанинг...*”

“*Унақа одам эмас у!*” – десангиз, балога қоласиз! “Миш-миш”чилар қўймайди, тинчлик бермайди, уриб енгади!

Нима учун?

Русланни қора қилиш, рақибига йўл очиш учун!

Уни “синдиради”. Чунки Волуев уларнинг одами!

Бахром Ёқубовни айтмайсизми?!

Кўнгилочар газеталар роса ийифини чиқарди! “7x7” етти марта “чайнади” уни, қиласиган бошқа иши йўқ!..

Бугун Ёқубов ишлаган фильмига исми-шарифини қўя олмайди!

Бу ҳуқуқдан маҳрум этилган!

Нега?

“*Юқоридан айтишиди!*”

Сабаб?

“*Биласиз-ку!..*”

¹⁴¹

Фатхиддин Мухиддинов – Султонов хизматининг бош консультанти, Зарифбой Мирзакулов – етакчи консультантини.

Аслида, у оламни ларзага соглан “Февраль воқеалари” фильмини яратган эди! Терроризмнинг ёвуз башарасини очиб ташлаган эди! Бундай фильм бўлмаган, илгари!

Айлантириб келиб, шундай ўч олишди!..

Ёки устаси фаранг Зарифбой телефонда эшилиб товланади: “*Бегали Қосимов масаласида эҳтиёт бўлинг, ака! Шу қунларда номи чиқмай тургани маъқул! Катта газаб қилган...*”

Қайси катта?

Катта Каттами ёки кичкина котта?

Ва, нега?

Буни сўрайдиган масъул йўқ.

Умуман, сўраб бўладими, ўзи?!

У сиёсий маҳкама бўлса!

Зарифбой “*Раҳмонқулов даражасидаги одам!*”¹⁴²

Раҳмонқулов давлат маслаҳатчиси бўлса! Катта унга ишонса!
Хавфсизлик хизмати унга қараса! Яна ўзи ҳалол, жонкуяр...

Йўқ! Бу масалага аралашиб бўлмайди!

Палак шундай тўқилади.

Қуйида “миш-миш”чилар отряди жавлон уради, одамлар орасида маъноли ишора қиласи: “*Фалончи хол қўйипти! Чиқмай турсин, дейшишиди!*”
Яна охирида: “*Ўзидан ўтибди-да!*” – деб қўйишади.

Шундай қилиб бир шўрликнинг уйи куйиб кетади.

“Туда нельзя, сюда нельзя!”

Ҳамма гаранг, ҳамманинг боши қотган!

Нима қилиш керак?!

Қандай қилса, ўрамага тушмайди?!..

Шундай яшаб бўладими?!

Тўртта иблис, ҳаммани ўйнатади!

“*Зарифбойнинг бир оғиз гапи билан наҳот шундай бўлса?!*”

Ўйламанг, ўзи шундай! Гап Зарифбойда эмас, у – ким, у? Нари борса, бир ижрочи!

Аммо унинг цейфи – атторнинг қутиси. Фармон, Қарор, Фармойиш бланклари...

Раҳмонқуловда Каттанинг факсимиле¹⁴³ йўқ, Зарифбайда уям бор!

“Соҳибқирон”¹⁴⁴ ёки Султонов фатво берса, “кўрак чувиш машинаси” ишлаб кетади. Ҳужжатга факсимиле босилади! Уни ўша куни имзо чекилган ҳужжатларга қўшиб, Канцелярияга ўтказадиган одами бор, Зерифбайнинг! Ҳатто ижросини таъминлавчи масъуллар ҳам!..

“Соҳибқирон”нинг хизмати нима қилиб ўтириби, шуни улдалай олмаса!

¹⁴² Президент девонимасъулходими Мирза Ҳусловнинг кличкаси. Бу тилсимнинг маъносишуки, у айтган гап Раҳмонқуловнинг кўрсатмаси сифатида етиб боради.

¹⁴³ Факсимиле – имзо ўйилганмуср.

¹⁴⁴ Темир Алимов – Гафур Ғуломнинг жияни, совет замонида Тошкент обкомидасекретар, мустақиллик даврида Президентнинг давлат маслаҳатчиси бўлган. Қавми униардоғлаб “соҳибқирон” деган.

Бутун бир тизим, параллел иш кўради!

Сиз нима деб ўйлаяпсиз!

Давлат ичида давлат!

Бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди.

Адашмасам, 2006 йил.

Эски шаҳарда иш қизгин.

Болалар ижодиёти уйи, Миллий либослар саройи, Қодирий боғи ишга тушган, Хастимомда эса, кўламли иш бошланган. Шу хақда ёзиш менга юкланган. Давлат раҳбари лойиха мухокамасида, қурилиш устида айтган фикрлари, барча баённома қўлимда.

Бир вақт Шуҳрат¹⁴⁵ телефон қип қолди. Ўша вақт у “Халқ сўзи”нинг Бош муҳаррири вазифасини бажараётган эди.

– Менга бир мавзу айтинг, – деди Жабборов. – Газетани сал кўтарай!

– Мана, Эски шаҳар! – дедим унга. – Шунча иш бўлди, бир газета бир сатр ёзган эмас!..

Хуллас, менинг таклифим билан у учта мақола чиқарди. Охиргиси “Қодирий боғидан узилган гуллар” эди. Ўша куни Шодиқул Ҳамроев: – Бирга тушлик қиласиз, гап бор! – деди сирли оҳангда. Ва чой устида: – Шуҳрат акани ёмон қипти! – деди овозига сиёсий тус бериб. – Боя олдимдан чиқди, бўш қопдай ҳилвираб қолган!

– Ким уни ёмон қипти?

– Султонов!

– Нега?

– Қодирий боғи ҳақида мақола берган экан! Каттага ёқмапти! Султонов чақириб, тоза қонини ичипти, икки соат! “Умуман, Қодирийни тилга олманглар!” – деган кўрсатма бўпти...

Шол бўлиб қолдим. Бу – менинг тавсиям. Шуни қиласиз деб у ғазабга учрапти. Ўзинг калтак есанг, майли, ўзимдан ўтди, дейсан, чидайсан. Аммо бировга зиёнинг тегса, ёмон. Дирида жароҳат қолади. Уни тузатиб бўлмайди.

Жуда эзилиб девонга қайтдим. Келиб, хужжатларни кўтардим. Йўқ, Ислом Абдуғаниевич Қодирий боғи ҳақида яхши фикрлар айтган, ҳатто бир жойда: “Қодирий боғи шундай бўлсинки, кўрган кўз қувонсин! Буюк ёзувчимиз асарлари каби ўғил-қизларимиз тарбиясига хизмат қилсин!” – деган!..

Тушуниб бўлмайди!

Ё кейин бир фалокат рўй бердими?

Сиёсат шундай нарса. Ўзгариб туради.

Шу пайт телефон жиринглади. Олсам, Султонов.

– Бир киринг! – деди у.

Бордим.

Бир даста қофоз узатди.

¹⁴⁵

Шуҳрат Жабборов – “Халқ сўзи” газетаси Бош муҳарририўринбосари.

— Маънавият ҳақида китоб тайёрлар эканмиз! — деди у масалага ойдинлик киритиб. — Бош қисмини ўзлари ёзипти, давомини айтиб турди, ҳозир ёзиб олдим! Сиз бошлайверинг, шундай давом этамиз!

— Яхши, — деб хонага қайтдим. Қарасам, Ислом Абдуғаниевич қора сиёҳда анча қофоз қоралаган. “Нима ёзган экан?” — деган қизиқиш билан уни ўқиб чиқдим. Учинчи сахифада чор боскини, эл-улус ёвга бас кела олмагани ҳақида сўз юритиб, аслида, бу кулфат амир ва хонларнинг калтабинлиги туфайли келиб чиқди, майшатга мук кетган бу фосиклар оёғи остидан нари кўра олмади, халқнинг бошини бириктириш ўрнига, жаҳолатда тутиб турди, деган. Халқнинг аҳволу руҳиясини ўзимизга тасаввур этиш учун буюк ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг “Фирвонлик маллавой”¹⁴⁶ асарини эслаш кифоя, деб, ундаги бир воқеага эътибор қаратган. Фирвонга биринчи паровоз кириб келмоқда. Фирвонликлар уни ҳайбатли қора айғир деб ўйлайди ва ўн арава кўјк беда билан эллик пуд арпа тайёрлайди.

Ёзувчи шуни енгил ҳажв қиласади.

Мана шу ҳолат, маълум маънода, ўша давр кишилари қандай тушунча билан яшаганини кўрсатади, албатта.

Европада ишланган паровоз ҳаётимизга кириб келаётган бир вақтда, одамлар уни “Қора айғир” деб қабул қиласади.

Ислом Абдуғаниевич, кўрдингизми, кишиларимиз нечоғлик тараққиётдан орқада қолиб кетган, бизни қулликка маҳкум этган, аслида, шу, деб хуласа чиқаради...

Кўнглим равшан тортди.

Нимага десангиз, бу — ҳали сиёҳи қуримаган ёзув! Каттанинг амалдаги фикри эди.

Яна, шу тобда “ММ” телеканали: “Ҳозир “Ўтган кунлар” фильмини намойиш этамиз”, — деб киношунос Ҳамидулла Акбаровни экранга таклиф қилди. У фильмнинг биринчи ишланмасини олқишилай бошлади.

Шартта Шуҳратга телефон қилдим.

— Мана шу канални очинг! — дедим, унга.

— Очдим!

— Кўяяпсизми?

— Эшитаяпман!

— Агар, сизга айтилган гап чин бўлса, бу канал бу фильмни яқин йўлатмас эди! Энди буёгини эшитинг!..

Мен унга баённомада айтилган, ундан сўнг Ислом Абдуғаниевич ўз қўли билан ёзган ҳалиги фикрларни сўзма-сўз ўқиб бердим, буни Султонов Оқсаройдан ҳозир олиб тушди, дедим.

— Билмасам, — деди Шуҳрат, у жуда тўкилиб қолган эди. — У менга шунинг тескарисини айтди!

¹⁴⁶
бет.

Абдулла Қодирий. “Фирвонлик маллавой”, Тошкент, Рафур Гулом номлинашиёт, 1987 йил, 310-311-

– Шухрат! – дедим унга. – Президент сизнинг ишингиздан хурсанд бўлган! Шунча жон куйдириб, шунча маблағ сарфлаб, лойиҳани қайта-қайта муҳокама қилиб, қурилишнинг тепасида ўзи туриб, боғни обод этади-ю, шу ҳақда илиқ бир гап айтилса, ранжийдими? Мана, ўз қўли билан “буюк ёзувчимиз” деб ёзиб қўйипти! Эҳтимол, “Қодирий боғидан узилган гуллар”ни ўқиб, шу ўйга боргандир?! Шундан сўнг ёзгандир, буни?!

– Билмасам?!

Чиндан ҳам шундай. У қаёқдан билсин, тепада нима бўлаётир?! Ва унга бунинг иссиқ-совуғи борми? У шуни биладики, ўқувчига директор эмас, ўқитувчи баҳо қўяди. Масалани у ечади. Кулогини қимирлатиб кўрсин-чи!..

Султоновнинг айтгани – айтган, дегани – деган!

Бундай зарба одамни не кўйга солишини мен яхши биламан!

Журналист ҳам, муҳаррир ҳам галдираб, нимани ёзишни билмай қолади.

“Кўй! – дейди. – Оч – қорним, тинч – қулогим!”

Худдики, оёқ остига мина кўмилган, у қаерда, билмайди. Юрак ҳовучлаб, оёқ босади.

“Ўзинг асра энди, мени, туморим!..”

Ҳамма унинг соясига салом беради!

Сояси эса, ҳамма ёқни босиб кетган!

Эчкининг оти – Уста Каримхон, Шокарим ходжа, Миркарим саййид!..

Қозоннинг бошида – шулар!

Султонов нега тескари сиёsat юритади, деб ўйларсиз.

Гап шундаки, Қодирий қанча осмонга чиқса, унга осилган бадбахт, дейлик, Ғафур Ғулом ёки Султонов шунча қора ерга киради.

Гарчи, Султонов амалда ўтирган бўлса-да, ризқ Қодирийни!

Абадият қонуни шундай.

Улар йўлтўарлик билан ризқ ундириб келган.

Шунинг учун Қодирий йўқ қилинди, кўп-кўп ризқи улуғлар ҳам...

Шароф Рашидовдан Рауф Парфигача, Шукруллодан Азим Суюнча, ризқ учун четга суриб қўйилди.

Жамол Камолни тилга олиб бўлмай қолди.

Ўрозбой Абдураҳмонов – “бирлик”чи, Бахтиёр Генжамурод – таъмагир!..

Қарангки, бу сиёsatга айлантирилди.

Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси, айрим нашр ва хизматлар, кўрсатувлар, ҳатто тизимлар тугатиб юборилди.

Қаранг, жаҳолатга қарши маърифат билан курашамиз деган давлатда, ижро ҳокимиятида шу тизим йўқ, тугатилган; соҳа ундан йироқ бир масъул зиммасига юклаб қўйилган...

Нима учун?

Ахлоққа, миллий фитратга зид, бузғунчи тушунча ва ҳаракат эмин-эркин кириб келиши ва кенг қулоч отиши учун!..

Каттадан-кичиғи спортга ундалган мамлакатда Спорт қўмитаси йўқ, у Маданият ишлари вазирлиги таркибиға қўшиб юборилган!

Нега?

Давлат сиёсати тугал амалга ошмасин учун!

“Ким қиласи, шуни?! Ахир, бу жуда нозик масала-ку?!” деб ўйларсиз!

Худди шундай!

Айланиб келиб, шу савол оёқдан олишини билиб, мен вақтида айтган эдим, сизга: “унинг қўлами жуда ям катта”, деб...

Ислом Абдуғаниевичга осон эмас!

Ва бу ишни ўша, ҳасадгўй қавм қиласи, сехр-жоду билан!..

Эсланг, бири даъво қилган, ўша тўқсонинчи йилларда: “Қалъа ичкаридан олинади!” – деб. Шу ҳол воқеъ бўлди, ҳаётда...

2006 йили Абдухолик Абдураззоқов балчиқقا ботди. Уни “Ҳуқук” газетаси Бош мухарриргидан четлатишди. Газета Бош прокуратура нашри эди, “унинг қошида кичик корхоналар очган, имтиёзларни суистеъмол қилган”, деган овоза ёйилди.

Ўша кезлар “Ҳуқук ва бурч” деган кучли бир журнал ташкил этилди. Унга Шодиқул Ҳамроев масъул эди. Бир куни у: – Бугун мени вазир ўринбосари чақирди, – деб қолди. – “Абдураззоқовни муовин қилиб олинг, уни прокуратура текширайпти! Қамалади! Унгача ишлаб туриши керак, қочиб кетмасин учун”, деди...

– Шунчаликми?

– Аҳволи жуда ёмон! – деди Ҳамроев. – У Хайдариддиннинг курсдоши, бирга кўп иш қилган, аммо Султоновнинг қўлидан ҳам бир иш келмади!

Орадан бир-икки ой ўтди. Бир кун қарасам, Муҳиддинов девон олдида бир опа билан гаплашаяпти. Нихоят, у опа билан хайрлашди ва менга йўлдош бўлди. Кайфияти баланд.

– Ким – у? – деб сўрадим.

– И-я, танимайсизми?

– Йўқ!

– Дилбар опа-ку, Жаҳонгирова, Касаба уюшма раиси. Биз опа билан вилоят ҳокимлигига бирга ишлаганмиз, у киши Хотин-қизлар қўмитаси раиси эди. Яхши аёл, мени ука ўрнида кўради. Ислом Абдуғаниевичнинг олдига кириб: – Фатхиддинни менга берасиз! – депти, “Ишонч”га! Катта рози бўпти! “Тағин ўзингдан сўраб қолса, йўқ, дема!” – деб тайинлади! Насиб этса!..

Бу гап жума куни бўлган.

Сешанба куни газета ўқиб ўтириб, “Бош мухаррир Абдухолик Абдураззоқов” деган ёзувга кўзим тушди, яна қаерда денг, “Ишонч”да!

Ё фалак!

Секин Фатхиддиннинг олдига ўтдим. Қорайиб кетган! Қон бўлиб, тўкилиб ўтириби.

– Бу – қанақаси? – деб сўрадим ундан. – Уни “қамалади” дейишган эди?!. Фатхиддин тутаб кетди.

– Бу – ифлос, – деди у ўртаниб. – Хайдариддин ҳамма советникка ялиниб чиқди, шуни асрар қолайлик, деб! Бўлмади! Ундан олган, тили қисик! Ўша

куни олдига кирдим. Биласиз, бундай гапни айтиб қўймаса, бўлмайди, “Йўқ, хизматга керак!”, дейиши мумкин, ғайирлик қилиши мумкин! “Нега мендан яширдинг, нега зимдан иш қиласан?”, дейиши мумкин! Айтиб бўладими, ака?!

Кириб: – Хайриддин ака, шундай-шундай! – дедим. Унинг башараси буришиб кетди. Узалиб “прямой”ни олди, “Жаҳонгиравани уланг!” – деди. Сўнг: – Дилбар Набиевна, мен ҳозир Каттадан топшириқ олдим, “Ишонч” газетасига Абдураззоқовни олиб бориб таниширинг! Мен айтаман, йигитлар уни сизга бошлаб киради!, деди!

Бошимдан ҳушим учди! Қотиб қолдим!

Шундай қилди!

Буни бирорвга айтиб бўладими, ака?!

Қарабизки, кундадай керилиб Абдураззоқов “Ишонч”да иш бошлади, яна!

Тақа-тақ текширув тўхтади! Муносабат ўзгарди!

Чунки бу ишга Каттанинг номи аралашди!

Ҳамма лол-ҳайрон.

Сиёсат бу!

Ким Каттанинг олдига кириб, фикрингиз ўзгардими, Ислом ака, деб сўрай олади?..

Биласиз, бир замон “Ёзувчи” деган нашриёт, “Сирли олам”, “Қалб қўзи”, “Марказий Осиё маданияти”, “Мулоқот” деган газета-журнал, “Юзма-юз, “Газеталар шархи”, “Келин-куёв”, “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?!”,”Биз билган, биз билмаган тарих” деган кўрсатувлар бўлар эди. Тугатилди, ҳаммаси!

Бозор муносабатига бардош бера олмаган, дейсизми?

Йўқ, ундай эмас!

Бирининг илдизига назар солинг, бошқаси ҳам ойдинлашади.

Давлат раҳбари девон ходими Абдуқаҳҳор Иброҳимовни чақириб, “Ватан туйғуси” деган китоб ёзишни буюради. Унинг тузилиши, маъно-мазмуни ва нимани ўз ичига олишини тугал баён этади. Ёзганингни етти яшардан-етмиш яшаргача бирдай тушунсин, дейди. Шундан сўнг “соҳибқирон”га, яъни, Ташкилий ишлар ва кадрлар бўйича давлат маслаҳатчиси Темир Алимовга, бунга шароит яратиб бер, деб тайинлайди.

Китоб тайёр бўлади.

Алимов қўллэzmани ўқиб чиқиб, маъқул, дейди, сиёсий томонини тўлдирисин, деб Нарзулла Жўраевга¹⁴⁷ беради. Ва, сенга ўзингга хос ва ўзингга мос иш берамиз, топшириқ шундай, деб Иброҳимовдан ариза олади.

Холбуки, девонга ариза билан ишга олинмайди ва бўшатилмайди ҳам...

– Хуллас, Нарзулла китобни бойитди, – дейди Иброҳимов. – Унинг ҳиссаси ўттиз фоизни ташкил этди. Қаламҳақи шундай тақсимланди. Корректура келди. Ўқилди. Муқова тайёр. Ана чиқади, мана чиқади, деб турганда Шоғуломов¹⁴⁸ йўқлаб қолди. Бордим. Нашриёт директори билан

¹⁴⁷ Нарзулла Жўраев – сиёсатшунослик фанлари доктори; ўша вақт Президент девонида хизмат қилган.
¹⁴⁸ Рустам Шоғуломов – давлат матбуот қўмитаси раиси бўлган.

Нарзулла ҳам шу ерда экан. Кирдик. Шоғуломов: “Мен ҳозир кўрсатма олдим, биринчи қилиб Хайриддин Султонов номини қўйларинг!” – деди. Мен норози бўлдим. Нарзулла, ҳатто нашриёт директори ҳам қатъий эътиroz билдири. Шунда Шоғуломов бирдан менга ташланди ва: – Сени ернинг ҳалиги жойига тиқиб юбораман! – деб ўшқирди. Аммо шунда ҳам рози бўлмадим, “Бу китобга Хайриддиннинг нима алоқаси бор?!?” – дедим унга.

– Гап тамом! – деди у ўшқириб. – Чикларинг!

Хуллас, Султонов биринчи эмас, иккинчи муаллифга айланди, китоб чиқди. Бир куни Нарзулла телефон қилиб, хабарингиз борми, эртага Давлат ва жамият қурилиши академиясида китобнинг тақдимоти бўляяпти, деди.

Бордим.

Биласиз, Нарзулла “Мулоқот”дан чиқкан, Бойқобилов – унинг устози. Ҳаммани йиғиб келган экан, охирги қаторни тўлдириб ўтирибди. Мен ҳам уларга қўшилдим.

Зал тўла одам.

Бир вақт тақдимот бошланди. Султоновга сўз берилди. У китоб ҳақида, у қандай ёзилгани, мазмун-моҳияти ва маърифий аҳамияти ҳақида батафсил тушунча берди. Кейин: – Саволлар борми? – деди. Шунда Бойқобиловнинг ёнида ўтирган ходими Давлатмурод Саъдуллаев қўл кўтарди.

Султонов рухсат бергач, у ўрнидан туриб:

– Хайриддин ака, – деди. – “Ватан туйғуси” ўн бобдан иборат бўлса, унинг еттитасини Абдуқаҳор Иброҳимов, қолган учтасини Нарзулла Жўраев ёзган! Китоб муқовасида сизнинг фамилиянгиз нима қип турибди?!

Аммо, Хайриддин бало экан.

– Америкада ака-ука Вики деган ёзувчилар бор! – деди у кифтини келтириб. – Укаси ёзади, акаси нашр ишлари билан шуғулланади. Бизнинг иштирокимиз шундай!

Шу билан тақдимот якун топди ва “бадиий қисм” бошланди.

Бойқобилов таъқиб остига олинди. Адабий йиғинларда уни Шарафиддинов кўп “калтаклади”. Чийратма хатлар уюштирилди. Аммо ишдан олиб бўлмади. Уни Крайнов қўллади. Икки ўртада Иброҳимов ишсиз қолди. Жўраев эса, ёмонотликқа чиқди ва четлатилди.

Шу орада “Ватан туйғуси” умумтаълим мактабларига дарслик сифатида киритилди. Ҳозир ўқитиб келинади. Аммо, унинг жилдида Жўраевни айтмай қўя қолай, ҳатто Иброҳимовнинг ҳам исми-шарифи йўқ!

Техник сабабларга кўра, тушиб қолган...

Яна денг, нашриёт ҳар гал уни чоп этаётганда Иброҳимовга бериб, тақриз ёздириб олади, “Қўлингдан нима келади!” – деб!..

“Сиз “Мулоқот” журнали қандай ёпилганини айтмоқчи эдингиз”, демоқчимисиз?

Шундай ёпилди, Бойқобилов оламдан ўтгач...

Мен буни очиқ айтаяпман.

Нега?

Бу – шундай бало.

Ва унга тўғри баҳо берилса, хатога йўл қўйилмайди...

Аммо, ўша съездда бели чиқиб кетди!

Улар Уюшмани қўлга олмоқчи эди.

Нега?

Ўша вақтда Уюшма *турли кучлар* ўчоғи бўлган. Унга раҳбар бўлмоқ – шу кучларга хукмини ўтказмоқ, дегани. Сессияда “иш” чиқмагач, бу – сув билан ҳавога айланди. Курашда давом этиш учун!

Шуни кўздан қочирманг сиз, ҳаммаси ойдинлашади.

Бир эсга олинг, муқаддам, 30 сентябр куни Олий Кенгашнинг VII сессияси¹⁴⁹ бўлган. Ундаги тўлғама-ғалаён бундан ҳам оғир кечган. Аслида, сценарий битта, фақат у катта миқёсда ва астойдил “ўйналди”. Албатта, шунга яраша ҳозирлик кўрилган!

Э-э, нимасини айтасиз!

Эринмайди бу қавм, тинмайди сира!

Сессия телевидение орқали тўлиқ олиб берилди.

Талаб шундай бўлган.

Бу – жўн Кенгаш эмас, мамлакат ҳаётидаги фавқулодда сиёсий ҳодиса! Аниқ айтганда, парламент орқали давлат тўнтариши ясашга уриниш!

Энг қизифи, 26 сентябр куни соат 15.30 да Москванинг “HTB” телеканали: “Хозир Тошкентда Ўзбекистон парламентининг иигилиши бўляяпти. Унда бир гуруҳ депутатлар республика раҳбари истеъфога чиқишини талаб қилди”, деб хабар тарқатади.

Ажаб ҳол, бу!

“HTB” тўрт кун кейин бўладиган “сессиянинг аҳволу руҳияси ҳақида қандай қилиб тўрт кун олдин фол очди экан?” – деб савол қўяди газета¹⁵⁰.

Ундан ҳам қизифи, 30 сентябр куни сессия худди шу руҳда қайнабтошади. Журналистлар “аввал хабар қилинганидек” дейишни яхши кўради. “HTB” ҳам 1 октябр куни соат 15.30 да шундай довул қоқади: “Ўзбекистон парламентининг навбатдан ташқари сессиясида 230 депутат Ўзбекистон Президентининг истеъфога чиқишини талаб қилди...”

Излар тўғри Москвага олиб боради.

Ўша чақириқда парламентга 500 депутат сайланган. Демак, унинг 230 таси инқилобчи бўлган, яъни, шу ишга бош қўшган. Ислом Абдуғаниевич улар уюшиб ҳаракат қилаётганини, микрофонларни эгаллаб олганини кўриб, “Жиддий тайёргарлик кўриб келгансизми, дейман?!?” – дейди. Шунда сирдарёлик бир депутат ҳеч иркилмай: “Сессия бўлади-ю, тайёргарлик кўрмай келамизми?!” – дейди иддао билан.

Сессияда 230 депутат эмас, уларнинг етакчилари бош кўтарди ва истеъфо талаб қилди.

Нега?

¹⁴⁹

Олий Кенгашнинг VII сессияси, 1991 йил 30 сентябрда бўлган.

¹⁵⁰

“Ўзбекистон овози”, 1991 йил 11 октябр.

Улар, тиз чўкиб яшагандан, тик туриб ўлган афзал! Ўзбекистон онангизнинг маҳрига тушган эмас! Бўлди-да, шунча хукм сурганингиз! Энди жиловни беринг, бизга! – деган иддао билан ташланди.

Юзизларча!

Мана, орадан шунча йил ўтди. Бугун дўппини олиб қўйиб, ўзингиз бир ўйланг, жуда ғалати даъво эмасми, бу?!

Нима, вице-президент тиз чўкиб яшаганми? Унинг қўли жуда узун эди! Ўша одамлар ундан манфаат кўрган, шунинг учун атрофида уймалашган. Сессияда манфаат доирасини кенгайтириш учун уюшган.

Буни етти яшардан-етмиш яшаргача яхши билади.

Қолаверса, парламент худа-бехуда истеъро талаб этмайди. Хўжалик ҳаёти издан чиқса, мамлакат оғир аҳволга тушса ёки давлат раҳбари обрўйини тўкса, одатда, шундай қилинади.

Ислом Каримов жар ёқасига келиб қолган ўлкани олов ичидан олиб чиқиб, хўжалик ҳаётини изга solaётган, одамлар оғирини енгил қилаётган ва унинг давлат мустақиллигини эълон қилган бир пайтда, ишлайман деган одам уйку билмаган вазиятда нега улар қўққисдан истеъро талаб этди?

Ёки Ўзбекистон уларнинг онасининг маҳрига тушганми? Шунинг учун истеъро деб кўз очирмай, ҳақ талащдими?

Ёки Мустақиллик, демократия ёки инсоф-адолат учунми?! Ватан, халқ учунми?!

Йўқ!

Мамлакат оёққа турмоқда, одамлар уюшмоқда, сиёсатни қўлламоқда, эртага ҳокимият кучга тўлса, ҳеч нима қилиб бўлмайди, вақт – шу вақтдир, деб улар ҳокимият учун, жиловни қўлга олиш учун бош кўтарди!

Биласиз, унга Мирсаидов бош-қош бўлган, Шукрулло Раҳматович, вице-президент. Унутманг, у ГКЧПни¹⁵¹ уюштирган Янаевнинг шахсий дўсти ва маслакдоши эди! Нурали Қобул билан Мадаминов, Омон Матжон билан Усмон Азим эса, унинг шахсий дўсти ва маслакдоши. Яшириб нима, Иблис салтанати сарқитларидир!

Энди, Мустақиллик арафасида бўлиб ўтган август хунтаси, яъни, ГКЧП нима эканини билмоқчи бўлсангиз, бир воқеани айтай: ўша куни Ёқубовни зудлик билан Куйбишев райкомига чақириб, ҳибсга олинувчи Уюшма аъзолари рўйхатини тутқазган!..

Сиз нима деб ўйлајпсиз?!

Ҳаётнинг ички тўлқинлари бир зум тинган эмас!

Бу, Ўзбекистонни орқага қайтариш ва яна қулликка маҳкум этиш ҳаракати эди, аслида!

“Ўз ғарази йўлида истибодод орқали эл устига ҳукмрон бўлгучилар ийӯқотилмас экан, бизга најсот йўқдир!” – дейди Абдулла Қодирий¹⁵².

¹⁵¹ ГКЧП – Фавқулоддаҳолат давлат комитети, 1991 йилавгустда тузилган. Хунта СССР президенти М. С. Горбачевни салтанатдан четлатиб, ҳокимиятни қўлга олган ва мамлакатда фавқулоддаҳолат жорий қилган.

¹⁵² Абдулла Қодирий. “Ўткан кунлар”, Тошкент, “Шарқ” НМК, 2000 йил, 380-бет.

Аммо, ўша сессияда Ислом Каримов ҳикмат билан уни тўзғитиб юборди. Ва бу ҳаракат съездда яна завол топди.

Ўзингиз ўйланг, кеча Озодликка чиқсан мамлакатда Мустақиллик деган, халқни, Ватанин ўйлаган одам шундай бузғунчилик қиласадими?! Зиёлиларни, эл-улусни бўлиб ташлайдими?!

Аслида, бу ҳаракат Фаргона воқеалари билан бошланиб, Ўш-Ўзганга кўчган, Бўка, Паркент ва Гулистонда давом этган. Ва кейин ҳам узликсиз хуруж қилди.

1999 йил 16 феврални бир ёдга олинг! Тошкентда, олти жойда мудхиш портлаш содир этилди. Буни қилган – Мадаминов билан Тохир Йўлдош. Нима эмиш, Ислом давлати ўрнатар эмиш!

Ўзбекистоннинг куни икки қонхўрга қолдими?!

Қирғинни Козим Зокиров ташкил этган, у ашаддий каллакесар; судда айтишича, террордан олдин Истамбулда Мадаминов билан учрашган. Салай Ўзбекистоннинг оятулло Хумойнийси бўламан деб Ҳажга отланиб турган экан...

– Мен Чеченистонда “ўқитган” хоразмлик жангари йигитлар бор, икки юзта, уларни мухорабага тортинг! – дейди у. – Агар, қойил қилмасангиз, бориб ўзим портлатаман!..

Шунда ўн олти нафар беайб ва бегуноҳ одам ўлиб кетди!

“Катта мақсад йўлида беш-ўн одамнинг қурбон бўлиши йўқотиш ҳисобланмайди!” – дейди Мадаминов.

У одамларни шоҳмот тахтасидаги тош деб билади ва қўнгил хушлиги учун “ўйин” қиласди.

Чунки, жудолик нима эканини билмайди!

Қўлидан бир яқини ситилиб чиқиб кетган, йўқотиш ва ғам-алам жонини ўртаган одам дунёга бошқача қарайди. Бир четда туриб, зимдан одамларни ўтга тиқиб юбориш ва унга исиниш бошқа, ўтда ёниш бошқа!

Мен ўша воқеа ичида бўлганим учун, кўз юмиб-очгунча у қандай ваҳима кўзғаб, қанча дилни сиёҳ қилганини, қанча уйга мусибат олиб кириб, ҳаётни қандай ўзгартиб юборганини яхши биламан.

Қутурган кўр ваҳшийлик бу!

Одамларнинг тинчини кўра олмайдиган мараз ва бадкирдор кирдикори!

Аммо, айтиш керак, террор режаси чукур ўйлаб тузилган. Давлат раҳбари, ҳукумат аъзолари, ҳокимлар Вазирлар Маҳкамасида, йил якунлари кўриб чиқилмоқда. Бирдан маҳкамама остида тўрт юз кило тротил портлайди. Бино ердан узилган лаҳза кунчиқарда яна юз кило тротил портлайди. Ва унинг зарби иморатни ағдаради. Тирик жон қолмайди, унда!

Мана шу фурсатда мамлакат бўйлаб яна қирқ беш жойда, йирик шаҳарларда, ҳарбий-сиёсий ўчоқларда мудхиш портлаш содир этилади.

Ваҳм, саросима, таҳлика!

Вилоятлар, вазирлик ва маҳкамалар, бутун бир мамлакат эгасиз қолган. Одамлар ҳушини йўқотган, нима қиласини билмайди. Уларга йўл кўрсатадиган киши йўқ.

Ҳамма шол, ҳамма карахт.

Дунё тескари айланиб кетган.

Шунда Мадаминов Қозоғистон орқали, Тоҳир Йўлдош Ҳайратон орқали, Жума Наманганий эса, Тожикистон орқали ўз қўшини ва бўлғуси аъёнлар билан кириб келади.

Ҳамид Исмоилов “Би-би-си” орқали Ўзбекистонда Ислом давлати ўрнатилиб, ҳожи Мадаминов Президент вазифасини бажаришга киришгани ҳақида расман баёнот беради.

Вассалом!

Ҳожи Мадаминов Исмоил Сафавийдан қолган дасторни илиб, тахтга ўтиради ва, хотиржам, Султоновни чорлайди.

— Мулла Хайриддин, зудлик билан ҳарбий ҳолат ўрнатиш ҳақида Фармон тайёрланг!

Султонов бу ишнинг ҳадисини олган. “Халқнинг хоҳии-иродасидан келиб чиқиб, мусурмонлар идораси тақлифи билан нодавлат ташкилотлар мурожсаатини инобатга олган ҳолда, хонадонлар тинчлигини кўзлаб, деб гапни айлантиради, кейин бир сўлиш олиб “кесади”:

Белгилаб қўйилсинки...

Вассалом.

Шўринг қисиб ётаверасан!

Яна бу етмагандай, Ботир Зокиров қон қилади: “*Пешонаси-и-ини-инг-г шўй-ўри бо-ор!..*”

Қойилмисиз?

Нақадар тотли режа, аммо Мадаминов “Черняевка”дан ноумид бўлиб қайтди, ўз одамлари билан, Киевга...

У судда ўтира олмади!

Мен Ҳамид Исмоиловни айтаяпман!

У “Би-би-си”нинг расмий вакили сифатида Тошкентга, очиқ судга ташриф буюрган эди. Ўтирди,adolat пешвоси каби, керилиб. Йўқ, Ўзбекистон ислом ҳаракати матбуот атташеси Зайниддин Асқаров: — *Тошкентда портлатиш бўлган! Аммо бизнинг қўлимизда ҳеч қандай маълумот йўқ! Нима бўлган, нима қўйган, билмаймиз! Бу ёқда Ҳамид ака телефон қилади, қайтакайта: “Баёнот берайми, йўқми?!”*, дейди! Мен бир нима дея олмайман! Тўғрими, Ҳамид ака?! — деб унга уч-тўрт қайта мурожаат қилгач, ҳоли-аҳволи ўзгарди.

Ўша пленумда Ўткир Ҳошимов столнинг тагига қандай кириб кетган бўлса, уям шундай – қора ерга кириб кетди.

Ҳақиқат шундай тиғдор, ҳақиқат шундай оғир, ҳақиқат! Уни кўтариш осон эмас! Унча-мунчанинг белини синдириб юборади! У қуёшга ўхшайди ва ҳар ким унга тик қарай олмайди!

Шу-шу, йўқолди у. Қайтиб қорасини кўрмадим, Тошкентда!..
Баёнотчи!..

Ўзбекистоннинг куни сенга қолдими, эй кўҳна касал, дейдиган бир одам йўқ.

Бу шундай иш – қонли, қасосли, унугилмас!

У юракларда битмас-туганмас жароҳат қолдирган!

Ўша судда олий жазога маҳкум этилган Козим Зокиров охирги сўзида:

– Биз қон тўқдик, қасдан одам ўлдирдик! – дея иқор бўлган. – *Бу ишларни Ислом номидан қилиб, жуда оғир гуноҳга ботдик!*

Эҳтимол, бизнинг қисматимиз бошқаларга бир сабоқ бўлсин, деб Оллоҳ сабр этгандир?!

Мени қийнаётган, ўлимдан ҳам оғир нарса – билиб-билмай қилган бу ишлар учун Яратганинг олдида нима деб жавоб бераман?

Буни эшиглар унугилмасин, охирни пушаймонлик бундай ишларни зинҳор қилмасин!

Менинг охирги гапим, тиласим – ҳеч бирингизнинг хонадонингиздан бизга ўхшаганлар чиқмасин!

У юртбошидан кечирим сўраб:

– *Ислом ака!* – дея ўтинган. – *Биз сизни ўлдирмоқчи, ҳокимиятни босиб олмоқчи бўлдик!* Аммо сизнинг баҳтингиз, ҳаётингиз бизнинг қўлимиизда эмас экан!..

Ҳақлик шу, Ҳақиқат шу! Ва уни ҳар бир ғофил, у ким бўлишидан қатъий назар, чукур англаб олмоғи даркор!

Сиз билмайсиз, ўша қонли талвасада ўйнаб-қулиб юрган одамлар кутилмагандан қандай ўлим топганини! Ҳали бир юмуш билан юрган киши, мундай қарасангиз, боши йўқ! Тани куйиб, титилиб кетган! Ўнг қўлини мушт қилиб туғишга улгурган, халос.

Яна бир йигитдан асар қолмаган, ўнг қўлини айтмаса! Унинг кимлигини соатидан билишди...

Ойдай бир келинчак тириклай ёниб кетган...

Шуни қўриб, сочим оқарган!

Уларнинг гуноҳи нима?

Ким сенга ваколат берган, одамларни қон қақшатишга?

Кўк кийган бир момо сира кўз олдимдан кетмайди. У ёлғиз ўғлидан жудо бўлган. Қабристондан бери келмайди. Шўрлик беҳол бош чайқаб: “*Уч неварам чирқираб қолди! Менга қийин бўлди!..*” – деб зорланади.

Кулоғимга ўтириб қолган, шу!

Унинг гуноҳи нима?

Ким бунга жавоб беради?!

Курбон олдин кетади, қотил – кейин!

Аммо омонлик топмайди...

Албатта, кейинги хуружлар, тўкилган қонлар ва қурбонлар ҳам шу жирканч харакатнинг узвий давомидир!

Аммо, қон тутади!

Тутганда ҳам ёмон тутади!

Қисқа қилиб айтганда, қирқ “пари” Ислом Каримов даврида кўп нотинчлик келтириб чиқарган, кўп қон тўйкан ва мудом оёқдан олиб, орқага тортган Иблис малайларидир. Агар, ўз номи билан айтсак, бу кишилик жамиятини кемирувчи термитлар! Ёки зоти паст “шаҳар мўйловдорлари” деса ҳам бўлади. Улар ҳамма жойда, ҳаётнинг ҳамма жабҳасида ўмариш ва зиёнкорлик билан шуғулланди. Халқнинг нонини туя қилди. Тараққиётнинг йўлини тўсди. Давлат раҳбарини ўраб олди ва унга ҳаммаслак инсонларни бир четга суриб қўйди. Аммо, минг уринмасин, Каримовга бас кела олмади. Асиликка буюк бир интилиш унга метин қанот бўлди.

Шунча балони енгиб ўтди-я!

Ўйласам, юрагим орқага тортиб кетади!

Буни билган билади, билмаган зиддини айтиб ўтаверади...

Яна дeng, уялмай-нетмай ўша съезд бўлган куни, кечкурун Кўчим ялтоқланиб келган. “Мен биринчи ўринбосар бўлиб қолай, сиз айтсангиз, “йўқ” демайди! Нима хизмат бўлса, қиламан!..”

Ўшанда Ёқубов уни Вазирлар Маҳкамасига ўтказиб юборди. Орадан кўп йиллар ўтгач, оқсоқол умрига якун ясаётган кунлар, Муҳаммад Исмоил ва Кўчим билан уни зиёрат қилгани бордик. Шунда у Кўчимга хушламай қараб:

– Абсайт, – деди важоҳат билан, сўнг унга тиғдор тикилди. – Сени мен одам қилдим! Биласан, Ислом Абдуғаниевич билан муносабатимиз яхши эди! Лекин, орани бузишди! Сен айт-чи менга, ким қилди, шуни?!

Кўчим саросимага тушди. Аввалига Мурод Дўст бўлса керак, деб талмовсиради, аравани олиб қочди, аммо Ёқубовнинг таъқибига чидай олмай, Султоновни ҳам балчиққа тиқиб юборди. Шунда ҳам Ёқубов кўз узмай қадалиб тургач, Кўчим чулдираб, ахийри тили айланмай қолди. Бирдан Одил Ёқубов столни муштлаб, унга шердай ташланди.

– Орамизда бир одам ўтирибди! – деди у ғазаб билан. – У бор ҳақиқатни билади! Ва бир кун башарангга тупуради!

Кўчим чолдай букчайиб қолди.

Ноилож турдик.

Жуда ёмон-да, мана шу, одамнинг юзига айбини солиш! Ёқмайди. Лекин, нима қилсин, оқсоқолга ҳам осон эмас, вақт зик, ҳар лаҳза ҳисоб-китобли. Ажал эшик пойлаб турибди. Орани очиш керак. Шунинг учун ҳаммасини бир қилиб, андоқ урдиларким, Кўчим ерга кириб кетди!

Шоша-пиша турдик, хайр-маъзурни насия қилиб, кўчага чиқдик.

Майдалаб ёмғир ёғаяпти.

Кўчим кўкрагини ғижимлаб: – Мени ичгим келаяпти! – деди, елкасига муштлади. – Бир жойга ўтайлик!

– Уйга борамиз, – дедим мен.

Келиб, узоқ ўтирдик.

У ўлгудек ичди. Ётиб итдай ичганини ҳеч кўрган эмасман, лекин, маст бўлганий йўқ. Ора-сира қўкрагига мушт уради, ғижимлайди. Қотиб қолса керакда. Ниҳоят, туришга чоғланди. Шунда у қўлини фотиҳага очиб, менга чақчайиб қаради, сўнг: – *Худонинг олдида гуноҳимиз бор!* – деди димоғ қўтариб. – *Кечирса, кечирар! Кечирмаса, ўзимиз кечириб қўяверамиз!*

Шунаقا!

Бунга Муҳаммад Исмоил гувоҳ.

Сиз билмайсиз, уларни!

Улар Қобил насли, жодудан куч олиб, *Яратганинг юзи ва кўзи, ҳаттоқи ўзи – биз!* – деб даъво қилган, кечалари: – *Худодурмен!* – деб улиган қавм бўлади!

6.

“Аргументы и факты” Қиёматни “худолар ўлими” – “гибелъ богов” деб атаган. Билади. Бу – ўша, аввал бошда айтган шерлар ва уларнинг завол топиши, демак. Аслидаям, улар шер эмас, тарих ахлатхонасида бижғиган ҳаром мағз, халос.

Ўшанда Кўчимга бир нима деганим йўқ. Ёқубов қилич сермаганида пайи қирқилиб кетдими, кейин ёмон сурилди. Ахийри, бир кун ҳимо истаб ёзғирди у. Шунда мен бир ҳақиқатни етказдим, унга:

– *Қандай салом берсанг, шундай алик олишади!*

Албатта, олдин: “*Юз доллар қистирмай, салом берса, кеча алик олмас эдинг!* – дедим ва кейин айтдим: – *Какой привет – такой ответ!*”

Бу гаплар, аслида, Одил Ёқубов айтган Ҳақиқатнинг учқунлари, халос. Аммо Миразиз Аъзамнинг билгани билган!

Келса келсин довул билан...

Чиндан ҳам, кирк “пари” 2005 йил 13 май бошланмасида яна довул қоқиб келди. Мен “Бўрон” операциясини айтаяпман! Қаранг, у ҳамон дунёни ларзага солиб турибди!

Ёпирай!

Бумеранг нишонга тегмаса, қайтиб улоқтирганнинг калласини олиб кетади.

Жоду ҳам шундай.

“*У билан ҳазиллашиб бўлмайди, тек яша, эй барака топгур!*” – деб қўп айтганман. Йўқ, қулоқ солмайди, мийиғида илжайиб, биз дунёни ислоҳ қиламиз, дейди. Билганидан қолмайди...

Тинчимизни ким ўғирлаб, нега уйимизни бузмоқчи бўлганини энди англагандирсиз?

Қаранг:

Бўрон қутуради, забтга олади,

Иблиснинг қутқуси даҳшат солади.

**“Мендан қўрқинг!..”¹⁵³ – деган Кун бўлди қойим,
Билмайман, ким ундан омон қолади...**

7.

Дунёда шундай ишлар бўлиб ўтди, ўтган асрнинг иккинчи ярми ва учинчи минг йиллик бошида. Ва яхшилар Ҳак йўлида мудом сабот кўрсатди. Айниқса, Одил Ёқубов, қаранг, унинг шахси жараённи ғалвирдан ўтказиб, яхшини ёмондан, оқни қорадан ажратишга йўл очди.

У катта шахс эди, Ислом Каримов, Михаил Горбачев, Борис Ельцин ва Чингиз Айтматов каби...

Мен Одил Ёқубовни улуғлаб, қолган фидоларни камситиш фикридан йироқман. Аслида, бу қисса у ҳақда эмас, одил ёқубовлар ҳақида. Дунёга келиб нима қилган ва нима деган бўлсан, ҳазрат Одамнинг шу наслига меҳрим туфайли...

Бўлмаса...

Бу даврда ҳаммаям қўрқинч туш каби мудҳиш бир жараённи бошдан ўтказди.

Йўқотиш кўп бўлди!

Жабру жафо ҳам!

Оёқости қилишларни айтмаса ҳам бўлади!

“Чакиб” ташланган, ноҳақ ишдан кетган, жабр кўрган ва тухматга учраб қамоқда ётган, афсуски, оз эмас!

Итнинг кейинги оёғи бўлиб юрган дарё қўнгиллар ҳам кўп, ҳали!

Аммо, ҳаммаси жой-жойига тушади...

Ўқинч шундаки, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор!

Мен яхши кўрган кўп одамни шундай қўлимдан юлиб олишди!

Очофатлар!

Одил Ёқубов ҳам bemavrid кетди!

Сўнг бор дастурхон устида:

– Кўриш насиб этмас экан-да! – деди у, ички бир армон билан.

– Бу – инжиқ нарса! – деб изоҳ бердим, албатта, ўзимни айбордor ҳис этиб.

– Бир силтов билан қилсанг, асорати қолади! Кейин у насл суради!..

Ёқубов индамади, сўнг уч ой ётди. Кўргани бордим. У менга бир қараб олгач:

– Носир¹⁵⁴ ҳеч қўймади! – деди. – “Йўқ!” десам ҳам қўймади! “Тўйимни ўтказиб берасиз!”, деди! Зинадан тушаётиб, йиқилдим, кейин яна, яна!..

У қатъий қарор қабул қилган эди.

Шу боис, кўзимни олиб қочдим ва бир нима демадим.

Шундай бўлар экан-да!

Анвар Жўрабоев: – Жуда қўрқинчли! – деган эди.

¹⁵³ “Мендан қўрқинглар, эй ақли расолар!.. Ҳузуримда жам бўладиган Қиёмат кунидан қўрқинглар!”(Куръон.)

¹⁵⁴ НосирФозилов – адаб, Одил Ёқубовнинг ҳамюрти, 2011 йил Давлат мукофоти биланта қдирланган.

Эҳтимол, шундайдир?!

Аммо, қўчиш ҳар бир бошда бор! Ва бу билан ҳеч нима ўзгариб қолмайди! Изингда кўркам бир ҳаёт¹⁵⁵ қолса, ўзингга қутлуг! Бўлмаса, жон азоби...

Азим Суюн ёзади:

*Ўлимдан титраган зот
Титрагайдир ҳаётда!
Уларга мен ҳамма вақт
Қараб келдим нафрат-ла!
Лекин, билсанг, оламда
Бургут деган бир қуши бор,
Титрамайди ўлимдан,
Долга каби шиддаткор...*

Одил Ёқубов 2009 йил 21 декабр куни соат 14:30 да оламдан ўтди. Сўнгги дамида, укасининг айтишича, узоқ хушсиз ётган, вақт етиб келгач, илкис кўз очган. Укаси севиниб: – Мана, ўзингизга келдингиз, ака! Илоё, умрингиз узоқ бўлсин! – деб дуога қўл очган. Шунда Одил ака унга тийрак назар солиб, “Шошма!” – дея имо қилган.

– Бўлди, бас! Энди қайтиш керак!

Бу вақтда кўпчилик ишда эди, айримлар турмуш ташвиши билан юрган. Аммо у билан видолашиб Омон Мухторга насиб этган. “*Одил аканинг қўлини бир дам тутуб, сийпалаган бўлдим.*

– *Одил ака, бу – мен!* – дедим. – *Сизни яхии кўрамиз, Одил ака!*”

Қайноқ меҳрга чайилган бундай нафас оғушида оламдан кўз юмиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди.

Ва бу нидо яхшиликнинг қадрига етган ҳар бир одамнинг дилида бор эди...

Омон Мухтор:

*– Кунлар қанот ёзиб,
Суриб борар от,
Йўллар узоқ, баланду пастдир.
Сен дунёнинг мулки, Хотирот,
Сенсиз яшаи
Мумкин эмасдир.*

*Ердан кўкка сапчиган Ғирот,
Парвозингдан
Кўнгиллар мастдир.
Сен борки, биз бормиз, Хотирот,
Сенсиз яшаи
Мумкин эмасдир.*

¹⁵⁵

Биз томонлардабоғни ҳаёт дейдилар, уйжойни – Ватан.

Алишер Навоий:

*– Ироданг бирла тақдириңдин ўлгай икки кавн ичра,
 Агар бўлса фано зоҳир, вагар бўлса баҳо пайдо!
 Фалак ҳам ожиз, ахтар ҳам забун сайру сукун ичра,
 Ки сендиндур, не бўлса анжуму афлок аро пайдо.*

2012 йил марта.

[Www.yangidunyo.org](http://www.yangidunyo.org)